

Тайсирул-вусул шарҳ саласатил-усул

Д-р Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн
Қосим

Ал-масжид ун-набавий имом ва хатиби
Мадинаи Мунаввара шаҳри умумий маҳкамаси қозиси



Муқаддима

Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар, пайғамбаримиз Муҳаммадга ҳамда у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар бўлсин.

Имом, мужаддид, шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳнинг «Уч асос» китоби дин асослари хусусида ёзилган энг фойдали матнлардан саналади. Ақидавий қоида бўлгани боис толиби илмлар ва мусулмон оммаси уни хуш қабул қилиб, ёд олиш ва ўрганишга жидду жаҳд қилдилар. Аллоҳ азза ва жалла имом, аллома Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳга чиройли тасниф ва дақиқ тартиблаш маҳоратини, мўл-кўл лафзлар ва гўзал баён қилиш билан далиллаш қобилиятини ато этган. «Уч асос» мана шуларнинг ҳаммасини ўз ичига олган. Мусаннифнинг набираси шайх Абдурраҳмон ибн Ҳасан раҳимаҳуллоҳ айтганидек, ушбу китоб: «Мухтасар бўлишига қарамай, ҳидоят толиби учун фойдаси жуда каттадир»¹.

«Уч асос» мавзуси

Унда инсон билиши зарур бўлган асослар – яъни, банданинг ўз Парвардигорини таниши ва Аллоҳ буюрган ибодат турларини билиши; банданинг ўз динини таниши ва диндаги даражаларни ва ҳар бир даражанинг рукнларини билиши; банданинг ўз пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламини таниши, у зотнинг ҳаётларини ва пайғамбар қилиб юборилишларидаги ҳикматни билиши; қайта тирилиш ва охират ҳаётига бўлган ишонч; тавҳиднинг икки рукни бўлмиш тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтириш мавзуларини ўзига қамраб олган.

Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб талабаларга ва оммага уч асосни таълим беради

Ақидада қоида бўлгани учун ҳам шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ уни талабаларга ва оммага ўргатар эди. Шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ бу уч асос ақидада қоида бўлгани боис уни дарс қилиб ўрганишлари, ёд олишлари ва қалбларида қарор топиши учун талабаларга ва оммага ўргатарди»². Шайх Муҳаммад ибн

¹ Ад-дурад ус-санийя 4/338.

² Ибн Боз: Уч асос шарҳи: 21-с.

Иброҳим раҳимаҳуллоҳ олдида ҳам ўқилар ва ҳар куни уни шарҳлаб берарди¹.

Ушбу уч асос шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳнинг диндаги асосий қоидалар бўлмиш улкан фойдали учта рисоласидан ташкил топган:

Биринчиси: Илм ва унга амал қилиш, унга даъват қилиш ва унинг йўлида сабр қилиш вожиблиги ҳақида;

Иккинчиси: Рубубият тавҳиди, улуҳият тавҳиди, валоъ ва бароъ (дўстлик ва душманлик тушунчаси) ҳақида;

Учинчиси: Тавҳиднинг ва унинг зидди бўлган нарсанинг баёни ҳақида.

Ушбу уч асос мазкур учта рисола билан дин асосларини ўзида мукамал қилган бир тўпламга ва муваҳҳид обидлар учун нурли чироққа айланди. Шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимаҳуллоҳ айтганидек: «У ақида тўғрисидаги жуда муҳим рисоладир»².

Волийлар оммани уни тушуниш ва ўрганишга буюрарди

Ғоят муҳим ва фойдаси улкан бўлгани ва мусулмон кишининг унга ҳожати бўлгани учун уламолар волийларни одамларга уни ўрганиш ва англашни мажбурий қилишга ундардилар. Шайх Абдурраҳмон ибн Ҳасан раҳимаҳуллоҳ айтади: «Амир барча мударрисларга ва масжидлар имомларига динни таълим бераётган кишилари ҳузурида бўлиб, уларга шайхимиз раҳимаҳуллоҳ «Тавҳид китоби»да жамлаган ҳақ билан ботил ўртасини ажратиб берувчи Китоб ва Суннат далилларини ўқиб беришни мажбурий қилиб қўйсин. Бу китоб ўзи мухтасар бўлишига қарамай, жуда кўп яхшиликларни ўзида жамлаган, Аллоҳ тавфиқ берган кишиларга кифоя қилгудек тавҳид далилларини ўз ичига олган, Аллоҳ кечирмайдиган ширкнинг баёнидаги далилларни баён қилган. Уларга яна оммадан диннинг учта асосини далиллари билан ва тўртта қоидадини сўраб олишни мажбурий қилсин»³.

Намозхонларга уч асосни таълим бериш масжид имомлари вазифасидир

Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим раҳимаҳуллоҳ масжидлар имомларига мактуб йўллаб, уларга масжид жамоатига уч асосни таълим беришга ва кундалик дарс ташкил қилиб, жамоатдан уч асосни сўраб олишга буюрган эди: «Шунингдек, сизларга – яъни, имомларга – жамоатга дин ишини худди «Мухтасар уч асос» китобида айтилганидек таълим бериш ва бу ҳақда улардан сўраб олиш лозим

¹ Фатово шайх Муҳаммад ибн Иброҳим: 1/12.

² Ибн Боз: Уч асос шарҳи: 21-с

³ Ад-дуруус-санийя: 4/338.

бўлади. Бинобарин, ҳар бир масжид имоми ўз жамоатига бунини етказиши ва уларга кунлик дарс ташкил қилиб, улардан динлари ишидан сўраши ва билмаган нарсаларини таълим бериши лозим бўлади»¹.

Ушбу рисоланинг аҳамияти ва манфаатидан келиб чиқиб, мен ҳам унга шарҳ битиб, уни «Тайсир ул-вусул шарҳ саласатил-усул» деб номладим. Унда унинг маъноларини изоҳладим, асосларини кўрсатиб бердим, ушбу умматнинг салафлари ва муҳаққиқ зотлари сўзларидан, жумладан шайхулислом Ибн Таймия ва шогирдлари Ибн Қаййим раҳимаҳумаллоҳ сўзларидан далиллар олиб келдим.

Аллоҳ азза ва жалладан уни фойдали қилишини ва охиратда биз учун озуқа қилишини сўрайман.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга ва у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.

Д-р Абдулмуҳсин ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Қосим
Ал-масжид ун-набавий имом ва хатиби
Мадинаи Мунаввара шаҳри умумий маҳкамаси қозиси

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Бисмиллоҳнинг шарҳи

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...»

Муаллиф раҳимаҳуллоҳ китобини Аллоҳдан мадад сўраб ва Аллоҳнинг исми билан табаррукланиб, бу борада Аллоҳнинг Китобига эргашиб ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактуб ва ёзишмаларидан ўрнак олиб: **«Китобимни Аллоҳнинг исми билан бошлайман»** деб бошлади.

«Аллоҳ» сўзи яратувчи жалла жалолуҳнинг атоқли исми бўлиб, барча исмлар унга тобеъ бўлади.

«**Ар-роҳман**» Аллоҳга хос бўлган исмлардан бири бўлиб, Аллоҳдан бошқага истеъмол қилинмайди. Раҳмон – кенг раҳмат билан сифатланувчи маъносидадир.

«**Ар-роҳийм**» ҳам Аллоҳнинг исмларидан бир исмдир. Уни Аллоҳга ҳам, бошқага ҳам истеъмол қилиш мумкин. Маъноси давомли раҳмат эгаси деганидир.

Демак, Раҳмон – кенг раҳмат соҳиби, Раҳим эса узлуксиз раҳмат эгаси, дегани экан. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Раҳмон Аллоҳ субҳанаҳу ва таолода бор бўлган Сифатга, Раҳим эса унинг марҳумга (яъни раҳм қилинувчига) тааллуқига далолат қилади»².

¹ Фатово шайх Муҳаммад ибн Иброҳим: 2/277.

² Бадаъиул-фаваид: 1/24.

Билингки – Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин – бизга тўртта масалани ўрганиш лозим бўлади.

Ўрганиш лозим бўлган тўрт масала

Мусанниф айтади: «**Билингки**» ва дин ишларида жоҳил бўлиб қолмангки, мен сизга дин асослари борасида ғоят аҳамият беришингиз ва эътибор билан қулоқ солишингиз лозим бўлган муҳим масалаларни зикр қиламан. Ва мен сизга раҳмат тилаб: «**Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин**» деб дуо қиламан. Яъни, сизга Аллоҳдан матлубингиз у билан ҳосил бўладиган ва ёмон кўрган ишингиздан у билан қутуладиган раҳматини туширишини сўрайман.

Бу эса ҳолис насиҳатгўй кишининг одатидир, у сизни ҳидоятга чақиради ва сизга яхшилик сўраб дуо қилади, таълим билан дуо ўртасини жамлайди. Бу мусанниф раҳимаҳуллоҳнинг Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига бўлган чиройли эътибори, насиҳатгўйлиги ва мусулмонларга яхшилик тилашига далолатдир.

«**Бизга тўртта масалани ўрганиш лозим бўлади**». Бизга – яъни, хоҳ эркак, хоҳ аёл, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлайлик, биз мукаллафларга диндаги тўртта масалани ўрганиш фарздир.

Биринчиси: Илмдир. У Аллоҳни таниш, пайғамбарини таниш ва Ислом динини далиллар билан билишдир.

Биринчи масала: Илм.

Ушбу масалалар ичида «**Биринчиси илмдир**». Илм деб ҳидоятни далили билан танишга айтилади. У Аллоҳни танишни, пайғамбарини танишни, Ислом динини танишни ўз ичига олади. Мусанниф раҳимаҳуллоҳ ушбу ишларга ундашига сабаб, улар Исломнинг энг асосий асл-асосларидир, банда қабрида шулар ҳақида саволга тутилади. Банда агар Парвардигорини таниса, Пайғамбарини таниса, Ислом динини далиллари билан таниса, унинг дини комил бўлади.

Банда Парвардигорига онгли равишда ибодат қилиши ва очиқ далил-ҳужжатлар билан қурбат ҳосил қилиши учун Иймон асослари ва Ислом шариатлари (қонун-қоидалари) каби инсон амал қилиши вожиб бўлган нарсалар, сақланиши вожиб бўлган ҳаром ишлар, муомалотларда у муҳтож бўладиган нарсалар ва ҳоказо – вожиб нима билан адо топса у ҳам вожиб бўлган – нарсалар борки, бу нарсалардан ўзи билмаганларини илм аҳлларида сўраши лозим бўлади. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ деди: «Инсон дини у билан барпо бўладиган нарсанинг илмини талаб қилиши вожибдир». «Масалан, қайси нарсаларни?», деб сўралди. «Намози, рўзаси ва шу каби

ибодатларидан билмаслиги мумкин бўлмаган нарсалар», деб жавоб берди¹.

Аммо, ҳар бир киши муҳтож бўладиган илмга қўшимча фарзи кифоя бўлган нарсалар, масалан, мерос илмини ўрганиш, маййитни ювиш кайфияти каби илмларни етарли даражадаги кишилар ўргансалар, қолганлардан гуноҳ соқит бўлади.

Аллоҳни таниш

«У Аллоҳни таниш...».

Ўрганиш бизга фарз бўлган илм Аллоҳни танишдир. Аллоҳни таниш дегани маъноси – банда Парвардигорини У Китобида Ўзини васф қилган ва Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уни васф қилган исмлар, сифатлар ва феъллари билан таниш демакдир.

Аллоҳни таниш диндаги энг муҳим ишлардан биридир. Аллоҳни танимаслик эса дин ишларида бепарволик ва сусткашлик қилиш саналади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ таоло Уни ҳақиқий равишда улуғламаган, Уни ҳақиқий кўринишда танимаган, Уни ҳақиқий сифатлари билан васфламаган кишини айблади»².

Инсон қачонки, Парвардигори ҳақида илмга эга бўлар экан, шундагина ҳақ дин устида бўлади. Шунинг учун пайғамбарлар алайҳимус-солату вас-салам даъватларининг асоси Аллоҳни исмлари, сифатлари ва феъллари билан танишга бўлди. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Илоҳий даъват калити Парвардигор таборака ва таолони танишдир»³. Ким Аллоҳ таолога етказувчи йўлга отланса, Уни таниш йўлига юради. Қалбда Парвардигорни улуғлаш Аллоҳни таниш миқдорига қараб бўлади. Ким Аллоҳни таниса, Уни яхши кўради. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ким Аллоҳни исмлари, сифатлари ва феъллари билан таниса, Уни албатта яхши кўриб қолади»⁴.

Аллоҳни таниш ва Унгагина ибодат қилиш иккала дунё саодатига сабабдир. Шайхулислам раҳимаҳуллоҳ айтади: «Лаззат, қувонч, сурур, хушвақтлик ва сўз билан ифодалаш иимконсиз бўлган роҳат фақат Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони танишда, Унинг тавҳидини рўёбга чиқариш ва Унга иймон келтиришда (ҳосил бўлади)»⁵.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш

«Пайғамбарини таниш..». Мукаллаф билиши фарз бўлган илмдан яна бири Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни танимоқдир. Зотан, у зот Аллоҳ билан бизнинг ўртамизда

¹ Ибн Муфлиҳ: Ал-фуруъ: 1/525.

² Мадарижус-саликийн: 2/495.

³ Ас-соваъиқул-мурсала: 1/151.

⁴ Мадарижус-саликийн: 3/17.

⁵ Фатава шайхилислам: 28/31.

Аллоҳнинг рисолатини етказувчи воситадирлар. У зотни таниш у зот Аллоҳ томонидан олиб келган ҳидоят ва ҳақ динни қабул қилиш ва унга бўйсунитишни тақозо қилади.

Ислом динини таниш

«Ислом динини таниш..». Мукаллафга яна Ислом динини Китоб ва Суннатдан олинган далиллари билан таниш фарз бўлади. Чунки, у Аллоҳ халқларни ўша учун яратган диндир. Уни таниш ва унга амал қилиш жаннатга киришга сабабдир. Уни танимаслик ва зое қилиш эса дўзахга тушишга сабабдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Инсоннинг камоли икки асл-асос устида – ҳақни ботилдан (ажратиб) билиш ва ҳақни ботилдан устун кўришда билинади. Дунёда ҳам, охирада ҳам халқларнинг Аллоҳ наздидаги манзил-ўринлари ҳам айна мана шу икки ишдаги фарқлиқлари билан фарқланади».¹

Аллоҳни таниш, Пайғамбарини таниш ва Ислом динини таниш – банда қабрида энг биринчи саволга тутиладиган ишдир. Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилинган ҳадисда келганидек: «... Сўнгра унинг – яъни, мўмин банданинг – ҳузурига иккита фаришта кириб келиб, уни ўтиргизадилар ва унга: «Роббинг ким?», дейдилар. У: «Роббим Аллоҳ», дейди. «Дининг нима?», дейдилар. «Диним Ислом», дейди. «Сизларга (пайғамбар қилиб) юборилган у киши ҳақида нима дейсан?», дейдилар. «У зот Аллоҳнинг пайғамбаридирлар», дейди.²

Ким мана шу асосларни далиллари билан билса, қабрида икки фаришта сўроққа тутганида собит бўлишга ҳақли бўлади. Саҳиҳ ҳадисда келишича, баъзилар ўшанда: «Ҳа-а-аҳ, ҳа-а-аҳ, билмайман», деб айтишар экан.³

Агар оми киши Аллоҳнинг ягоналигини эътиқод қилса ва Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган нарсаларнинг ботиллигини эътиқод қилса, у гарчи далилни билмаса ҳам муслимдир. Шайх Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон Або Батийн раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳар бир киши учун тавҳидни ва Ислом руқнларини далили билан билиш фарздир, бунда тақлид жоиз бўлмайди. Лекин, далилларни билмайдиган оми киши агар Парвардигор субҳанаҳу ва таолони ягона деб ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб эътиқод қилса, ўлимдан кейин қайта тирилишга ҳамда жаннат ва дўзахга ишонса, машҳадлар (мозорлар) олдида қилинадиган ширкона ишларни ботил ва залолат деб эътиқод қилса, мана шунга ҳеч шак-шубҳасиз, қатъий эътиқод қилса, гарчи далил билан ифодалаб беролмаса ҳам, у муслимдир.

¹ Ал-жавабул-кафий: 99-с.

² Аҳмад: Муснад: №18557.

³ Аҳмад: Муснад: №18557.

Чунки, омма мусулмонлар гарчи далилларни уларга ўргатилса ҳам, кўпинча маъносини тушунмайдилар».¹

Илм талаб қилиш

Аллоҳни таниш, Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш, динни таниш учун илм излашга ҳаракат қилиш энг улуғ ибодатлардандир, нафллардан кўра афзалдир. Зухрий раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳга илмдан кўра афзалроқ нарса билан ибодат қилинмади».²

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ айтади: «Илм талаб қилиш – нияти дуруст бўлган киши учун амалларнинг энг афзалидир».³ Илм пайғамбарлар мероси ва қалблар нуридир. Илм аҳли Аллоҳнинг аҳли ва хизбидир, Аллоҳга энг яқин ва Ундан энг қаттиқ кўрқувчи ва даражаси энг олий кишилардир.

Илм талаб қилиш амаллар ичида энг улуғидир. Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ айтганидек: «Илмга ҳеч нарса тенг келолмайди».⁴

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «У – яъни, шаръий илм – қалблар ҳаёти, кўзлар нури, кўнгиллар шифоси, ақллар равзаси, рухлар лаззати, ётсираганлар учун унс-улфатлик, йўл йўқотганлар учун йўл кўрсатувчидир, у сўз, амал ва аҳволларни ўлчайдиган мезон-тарозидир, у билан Аллоҳни танилади ва Унга ибодат қилинади, зикр қилинади ва тавҳидини рўёбга чиқарилади, мақталади ва улуғланади, у билан йўловчилар йўлланади, унинг йўли орқали боғланувчилар Унга боғланади, унинг эшигидан қасд қилувчилар киради, у билан шариатлар ва аҳкомлар билинади, ҳалолни ҳаромдан ажратилади, у билан қариндошлик алоқалари тикланади, у имом, амал эса маъмум (эргашувчи)дир, у йўлбошчи, амал эса тобеъдир, у ғарибликда ҳамроҳдир, хилватда суҳбатдошдир, бегоналикда улфатдир, шубҳани кашф этувчидир, унинг хазинасини қўлга киритган киши учун улкан бойликдир».⁵

Одамларнинг илмга эҳтиёжи емак-ичмакка бўлган эҳтиёжидан кучлироқдир. Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ айтади: «Одамлар емак-ичмакдан кўра илмга кўпроқ муҳтождирлар. Чунки, киши емак-ичмакка кунига бир-икки марта эҳтиёж сезади, илмга эса нафаслари сонича эҳтиёжи бордир».⁶

Илм талаб қилиш Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳам афзалдир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Илм ўрганиш йўлида эрта-кеч чиқиш Аллоҳ наздида Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳам афзалдир».⁷

¹ Ад-дурар ус-санийя: 4/339.

² Абу Нуайм: Ҳиятул-авлия: 3/365.

³ Бухутий: Шарҳ мунтаҳал-иродот: 1/236.

⁴ Ибн Муфлиҳ: Ал-одобуш-шаръийя: 2/45.

⁵ Мадарижус-саликийн: 2/469.

⁶ Мадарижус-саликийн: 2/470.

⁷ Ал-фирдавс бимаъсурил-хитоб: 3/109, №4303.

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ айтади: «Илм ўрганиш ва ўргатиш жиҳод ва бошқа ишлардан афзалдир»¹.

Имом Абу Ҳанифа ва Молик раҳимаҳумаллоҳ айтганлар: «Ихтиёр қилинадиган энг афзал нарса илм ва таълимдир»².

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Олимларнинг сиёҳларига фақат шаҳидларнинг қонларигина тенглаша олади»³.

Илм – вақтларни сарфлашга энг лойиқ ва умрларни бахш этишга энг арзигули ишдир. Нававий раҳимахуллоҳ айтади: «Илм билан машғул бўлиш нафл намоз, рўза, тасбеҳ ва шу каби баданий амаллар билан машғул бўлишдан афзал эканига салафлар жумҳури иттифок қилганлар»⁴.

Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу айтганлар:

«Илм билан яшагин, унинг ўрнини босувчи бошқа нарса йўқдир. Барча одамлар ўлик, фақат олимлар тирикдирлар»⁵.

Уламолар насихат қиладилар

Уламолар илм жамғаришга насихат қиладилар. Ибн Жавзий раҳимахуллоҳ айтади: «Мен одамларни илмга тарғиб қилавераман. Чунки, илм у билан йўл топиладиган нурдир»⁶.

Саодат фақат илмдадир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Барча бахт-саодат илмда ва у тақозо этадиган ишлардадир. Аллоҳ Ўзи истаган кишини муваффақ қилади, У ато этган нарсани тўсувчи, У бермаган нарсани ато этувчи йўқ. Кўпчилик халқларни ушбу саодатни касб этишига ва таҳсил қилишига монеълик қилган нарса унинг йўлининг оғирлиги, бошланиши қийинлиги ва таҳсили енгил эмаслигидир. Унга оғир меҳнатлар эвазига эришилади, таҳсили қаттиқ жидду-жаҳд билангина ҳосил бўлади»⁷.

Аллоҳ таоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламни илмни зиёда қилишга буюриб: «**Эй Раббим, илмимни зиёда қилгин, деб айтинг**», деди. Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ-билимдон қилиб қўяди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ-олим қилади»⁸.

Ким дунёнинг мусобақалашиш ва фазилатлар ҳосил қилиш ҳовлиси деб билса ва илму амалдаги мартабаси қанчалар юксалса, охират ҳовлисидаги мартабаси шунчалар юксалади деб билса, умридан бир лаҳзасини ҳам беҳуда зое қилмайди, имкони бўлган ҳар бир фазилатни

¹ Ал-Мардовий: Ал-инсоф: 2/162.

² Минҳажус-сунна: 6/75.

³ Ибн Қаййим: Ал-фирдавсийя: 157-с.

⁴ Ал-мажмуъ: 4/6.

⁵ Ал-Хатиб ал-Бағдодий: Ал-фақиҳ вал-мутафаққиҳ: 2/151.

⁶ Ибн Жавзий: Аҳкамун-нисаъ: 8-с.

⁷ Мифтаху дарис-саъада: 1/111.

⁸ Муттафақун алайҳ, Бухорий: №71, Муслим: №1037.

қўймай ҳосил қилади. Ким шунга муваффақ этилса, вақтини илмга бағишласин, мақсадига эришиш йўлидаги ҳар қандай меҳнат-машаққат ва фақирликка сабр қилсин, роҳатга роҳат билан эришиб бўлмайди. Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ айтади: «Ўлим келмасдан туриб, ўзинг учун ишлаб қол. Зотан, фойда ва зиён фақат амалдадир»¹.

Илм талабида ихлосли бўлсин, илмига амал қилувчи бўлсин ва илмини ёд олсин. Зеро, кимда ихлос бўлмаса, вақтини беҳуда зое қилган бўлади ва у мукофотдан маҳрумдир. Ким илмига амал қилмаса, у ўзига қарши ҳужжатни ва ўзига берилажак жазони кучайтирган бўлади.

Мақталган илмдан мурод шаръий илмдир

Илмдан мурод – мукаллаф ўз дини ишидан билиши фарз бўлган ва ҳаёти фақат у билан қоим бўладиган шаръий илмдир. Чунки, фақат шу илмгина Аллоҳдан кўрқишни олиб келади: «**Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина кўрқур**» (Фотир: 28).

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Фақат илм билангина Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилинди ва Уни мақталди, Унга сано айтилди ва Уни улуғланди, Исломнинг бошқа динлардан фазли ҳам фақат илм билан билинди, ҳалол билан ҳаром ўртасини ҳам фақат илм билан ажратилди»².

Аллоҳга ва Унинг жаннатига йўлловчи йўриқнома ҳам фақат Китоб ва Суннатдир. Бандаларнинг дунё ва охиратдаги салоҳиятлари Аллоҳни танишдадир. Неъматлар заволи ва азоблар тушиши эса жоҳиллик ва илмдан ғофиллик ортидан келади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Оламнинг хароб бўлиши фақат илмсизлик билан, ободлиги эса фақат илм биландир. Қайси бир шаҳарда ёки маҳаллада илм ёйилса, унинг аҳлида ёмонлик кам бўлади. Қаерда илм йўқолса, ўша ерда ёмонлик ва ғасод юзага чиқади»³. Бинобарин, оқил инсон умрининг кун ва соатларини фақат фойдали илм талаб қилишга сарф этмоғи зарур.

Иккинчиси: Унга амал қилишдир.

Иккинчи масала: Илмга амал қилиш

Ўрганишимиз фарз бўлган иккинчи масала **илмга амал қилишдир**. Чунки, бу илмнинг самарасидир ва унинг мустаҳкам бўлишига сабабдир. Салафлардан бири айтади: «Биз ҳадисни ёд олишга унга амал қилиш билан ёрдамланардик»⁴. Ким ўрганган илмига амал қилса,

¹ Ибн Асокир: Тарих мадина димашқ: 48/451.

² Мифтаҳу дарис-саъада: 1/314.

³ Ибн Асокир: Тарих мадина димашқ: 2/257.

⁴ Ал-Хатиб ал-Бағдодий: Иктизоул-илмил-амал: 90-с.

Аллоҳ унинг илмини асрайди ва унга ўзи билмаган бошқа илмларни ато этади. Қолаверса, илмга амал қилиш иймоннинг зиёда бўлишига ҳам сабабдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Хидоят топган — Тўғри йўлга юрган зотларга эса (Аллоҳ) хидоятни зиёда этар ва тақво ато этгай»** (Муҳаммад: 17). Шавконий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Уларга иймонни, илмни ва динда басира-онгни зиёда этгай»¹. Бахтли инсон илм ва амални рўёбга чиқарган кишидир. Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Хикмат — кучли онг ва покиза нафс билан, ҳақни унга амал қилиш ва унинг зиддидан сақланиш мақсадида рўёбга чиқариш билан Аллоҳни танишни ўз ичига олган илмдир. Ҳаким мана шуларни ўзида жамлаган кишидир»².

Агар инсон Аллоҳнинг фарзларини муҳофаза қилиш, суннат ва витр каби нафлларни лозим тутиш, Қуръон ўқиш, сахарлар истиғфор айтиш билан илмига амал қилса ва масжидда зикр қилиб ўтиришга нафсини маълум бир соат мажбурласа — бунинг учун энг яхши фурсат бамдод намозидан сўнг кун чиққунича бўлган вақтдир, — беҳуда ўтиришлар ва ғафлатдан узоқ бўлса, ғийбатчилар ва майдагап кимсалар суҳбатидан сақланса, тилини кераксиз сўзлардан асраса, илмига амал қилиш сабабини қилган бўлади. Ким ўрганган илмига амал қилмаса, илм ва тақво лаззатидан маҳрум бўлади, Аллоҳ ундан илмини олиб қўйиши ва у жоҳиллар сафида бўлиб қолиши хавфи бордир. Фузайл ибн Йез раҳимаҳуллоҳ айтади: «Олим то илмига амал қилувчи бўлмагунича жоҳил бўлиб қолаверади. Қачон унга амал қилса, шундагина олим бўлади»³.

Ким илмига амал қилмаса, унинг илми қиёмат куни ўзига ҳасратга айланади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Қиёмат куни банда умрини қаерда ўтказганлиги ҳақида, илмини нимага ишлатганлиги ҳақида, молини қаердан топиб, қаерга сарф қилганлиги тўғрисида ва жисмини қайси ишларда қаритганлиги ҳақида сўралмагунча унинг қадами силжимади» (Термизий ривояти)⁴.

Илми бўла туриб, унга амал қилмаган киши жоҳилдан ёмонроқдир ва у қиёмат куни жаҳанамга ўтин бўладиган уч кишининг биридир.⁵

Ибн Рислон раҳимаҳуллоҳ шу маънода айтади: «Илмига амал қилмаган олим бутпарастдан олдин азобга дучор бўлади»⁶.

Қайсидир бир масалани билган киши, гарчи олим бўлмаса ҳам, ушбу масала хусусида унга қарши ҳужжат барпо бўлади. Пайғамбар

¹ Фатҳул-қодийр: 5/35.

² Шарҳ Нававий ала Саҳиҳ Муслим: 2/33.

³ Ибн Асокир: Тарих мадина димашк: 48/427.

⁴ Суанут-Термизий: №2417, Термизий Абу Барза ал-Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис деган.

⁵ Бу уч кишининг бири мужоҳид, иккинчиси илм ўрганган киши, учинчиси молини яхши йўлларга сарфлаган бадавлат киши бўлиб, улар ўз ишларида Аллоҳнинг розилигини кўзламаганликлари сабабли дўзахга тушишлари ҳақидаги ҳадисни Имом Муслим «Саҳиҳ»ида (№1905) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

⁶ Ибн Раслон: Аз-зубад: 1-с.

соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Қуръон сенинг фойданга ёки зарарингга ҳужжатдир» (Муслим ривояти)¹.

Ким илмсиз равишда амал қилса, у насронийларга ўхшаган бўлади, ким билиб туриб амал қилмаса, у яҳудийларга ўхшаган бўлади. Олим, гарчи илми оз бўлса ҳам, унга амал қилган кишидир. Шариатнинг илм таҳсил қилишдан бўлган мақсуди ҳам Аллоҳдан қўрқишни ҳосил қилувчи ва Холиққа яқинлаштирувчи бўлган амалдир.

Учинчиси: Унга даъват қилишдир.
--

Учинчи масала Аллоҳга даъват қилиш

Ўрганишимиз ва амал қилишимиз фарз бўлган учинчи масала Аллоҳ жалла ва алога даъват қилиш, одамларга таълим бериш, уларни йўллаш ва уларга насихат қилишдир.

Аллоҳга даъват қилиш энг улуғ амаллардан биридир ва у Пайғамбарлар йўлидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»** (Юсуф: 108). Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ таоло Ўзининг инсу жинга юборган пайғамбарига – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – буюриб, одамларга: «Менинг йўлим, маслаким ва суннатим шудир, яъни, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ягонадир, шериги йўқдир, деб гувоҳлик беришга чақираман, мен онгли равишда, ишонч билан, далил-ҳужжат билан бунга даъват қиламан, мен ва менга эргашган кишилар ҳаммаси мен чорлаётган ишга онгли равишда, ишонч билан, ақлий ва шаръий далил-ҳужжатлар билан чақирадилар» деб айтинг, дейди»².

Даъват соҳибларининг сўзлари Аллоҳ наздидаги энг гўзал ва энг пок сўздир. Аллоҳ таоло айтади: **«(Одамларни) Аллоҳ(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, «Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?»** (Фуссилат: 33).

Мусулмон киши агар маъбудини, пайғамбарини ва динини таниса, Аллоҳ таоло уни бунга муваффақ этган бўлса, энди у Аллоҳ таолога даъват қилиш билан бошқаларни ҳам (дўзахдан) қутқаришга ҳаракат қилиши лозим. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Пайғамбарлик даъватидан, балки халқларни яратилиши, китоблар нозил қилиниши, пайғамбарлар юборилишидан бўлган мақсад – диннинг ҳаммаси Аллоҳ учун бўлиши эди, бу халойиқларни ўз яратувчиларига даъват қилишдир»³.

¹ Саҳиҳ Муслимда (№223) Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Ибн Касир: Тафсирул-куръанил-азийм: 2/766.

³ Фатово: 2/464.

Даъватнинг энг юқори даражаси

Даъватнинг энг юқори даражаси тавҳидга ҳамда ширкни йўқ қилишга чорлашдир. Зеро, қай бир пайғамбар юборилган бўлмасин, албатта қавмини Аллоҳга тоат қилиш ва ибодатни ёлғиз Унга қилишга даъват қилди, уларни ширкдан ва ширкка олиб борувчи воситалардан қайтарди. Шундан сўнг даъват соҳиби Ислом шариатлари (қонун-қоидалари) ичидан аввал энг муҳими, кейин муҳимликда ундан кейинги ўринда турадиганларига даъват қилишни бошлайди, ҳар бир сўз ва амалида ҳикматга риоя қилади, Аллоҳнинг мана бу сўзларига амални ўзида кўрсатади: **«Парвардигорингизнинг йўли — динига донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг! Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала — мунозара қилинг!»** (Наҳл: 125).

Ким ихлос билан Аллоҳга даъват олиб борса, бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларига эргашса, у одам пайғамбарларнинг ҳақиқий тобеъларидан бўлади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Пайғамбарларнинг ворислари ва набийларнинг ўринбосарлари — динни билган, унга амал қилган, Аллоҳ ва Пайғамбарига даъват қилган кишилардир, ана ўшалар Пайғамбарнинг ҳақиқий тобеъларидир. Улар сувни ўзига сингдириб, мўл-кўл ўсимликлар ундирган, ўзи ҳам пок бўлиб, одамларга ҳам поклик улашган тоза ва ҳосилдор ерга ўхшайдилар»¹.

Аллоҳга даъват қилувчининг ажр-савоблари замонлар оша узлуксиз давом этиб туради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким ҳидоятга чақирса, у учун ўзига эргашган кишиларнинг савобидан бирон нарса камаймаган ҳолда ўшалар савобича савоб бордир. Ким залолатга чақирса, у учун ўзига эргашган кишиларнинг гуноҳидан бирон нарса камаймаган ҳолда ўшалар гуноҳича гуноҳ бордир»².

Халқларнинг ҳидояти учун саъй-ҳаракат қилиш ҳаёт зеб-зийнатларидан яхшироқдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳуга айтганларидек: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен сабабли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туялар бўлишидан кўра яхшироқдир»³.

Одамларнинг даъватга эҳтиёжлари

Пайғамбарларнинг мақсадлари одамларни Аллоҳ таолони танишга ва Унга ибодат қилишга чорлаш эдики, шугина уларни охират

¹ Фатово: 4/92.

² Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган: №2674.

³ Муттафакун алайҳ, Бухорий (№2783), Муслим (№2406) Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

саодатига етказди. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсани баён қилиб бериш ва унга мухолиф бўлган нарсаларни рад қилиш пайғамбарларнинг ворислари бўлган уламолар зиммасидадир»¹. Одамларнинг даъватга ва динни англашга бўлган эҳтиёжлари уларнинг емак-ичмакка бўлган эҳтиёжларидан кучлироқдир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Нафслар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсани билиш ва унга эргашишга емак-ичмакдан кўра кўпроқ муҳтождирлар. Чунки, бунисидан маҳрум бўлса, бу дунёда ўлим содир бўлади, унисидан маҳрум бўлганда эса охиратда азобга дучор бўлади»².

Даъватнинг қамрови жуда кенгдир. Таълим-тарбия, гуноҳ қилувчини тўғрилиқка йўллаш, ғофилни огоҳлантириш, панд-насихат қилиш, эзгуликка чорлаш, мана шуларнинг ҳаммаси Аллоҳга даъват қилиш жумласидан саналади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким бир яхшиликка йўлласса, унга (ўша яхши ишни) қилувчининг ажрича ажр бордир»³. Ким бошқаларга таълим беришдан, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва динларини ўргатишдан бош тортса, ўзини азоб хавфига дучор қилибди. Аллоҳ таоло айтади: **«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда (Тавротда) равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилувчи, раҳмлидирман»** (Бақара: 159, 160).

Ибн Муборак раҳимахуллоҳ айтади: «Ким илмга бахиллик қилса, уч насага мубтало бўлади: ўзи ўлиб, илми зое бўлади, ё илмини унутади, ё султонга эргашади, яъни агар ботилга чақирса»⁴.

Демак, ҳар бир мусулмон кишининг вазифаси Аллоҳга даъват қилиш, қосирлик қилувчига насихат қилиш бўлмоғи ва ҳар бир киши ўз имконияти даражасида жамиятни ислоҳ қилишга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Тўртинчи: Унинг йўлида озорларга сабр қилиш

Тўртинчи масала: Даъватда одамларнинг азиятларига сабр қилиш

¹ Ал-фатава: 27/316.

² Ал-фатава: 1/5.

³ Имом Муслим (№1893) Абу Масъуд ал-Ансорий розияллоҳу анхундан ривоят қилган.

⁴ Ал-мадҳал илас-сунанил-кубро лил-байҳакий: №586, 350-с.

Билишимиз ва амал қилишимиз фарз бўлган масалаларнинг тўртинчиси – Аллоҳ азза ва жалла йўлидаги озорларга сабр қилишдир.

Зотан, даъватчининг амал майдони одамларнинг қалбларидир. Қалблар эса одамларнинг ўзларига ўхшаб, турли-туман ва бири-биридан фарқлидир. Ким Ислом динига амал қилиб, одамларни унга даъват қилса, жуда катта ишни ўз зиммасига олган ва Аллоҳга даъват қилишда пайғамбарларнинг мақомида турган бўлади. Даъватчи одамлар билан уларнинг истак-майллари, хоҳиш-ҳаволари ва ботил эътиқодлари ўртасида тўсиқ бўлади. Бинобарин, гоҳо улар унга озорлар етказишади. Шундай пайтларда у уларнинг азиятларига сабр қилиши ва бунинг эвазига ажр исташи лозим бўлади. Имом Молик раҳимахуллоҳ айтганларидек: «Бу ишда синовларга дучор бўлмаган кишига ҳавас қилманглар»¹.

Сабр – изтироб ўринларида қалбнинг сабот билан туришидир. Умуман, дин сабр-тоқатга мухтождир.

«Сабр» сўзининг асли «тиймоқ, тўсмоқ, ҳибс қилмоқ» маъноларини билдиради. Сабр – нафсни жазавага тушишдан, тилни шиква-шикоятдан, аъзоларни ёқани йиртиб, бетни юлишдан тўсишдир.

Унинг моҳияти эса – номаъкул ва номуносиб ишни қилишдан тўсиб турувчи гўзал хулқдир. У нафсоний қувватлардан бир қувват бўлиб, нафснинг салоҳияти ва дурустлиги у билан бўлади. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳидоятга илм билангина эришилади, рашод-ҳидоятда бардавом бўлишга эса сабр билангина етилади»².

Таваккулнинг асл-асоси бўлмиш сабр ва яқийн (аниқ ишонч) билан динда омонатдорликка эришилади. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Кимга сабр ва яқийн берилган бўлса, Аллоҳ уни динда имом (йўлбошчи) қилади»³.

Шундоқ экан, Аллоҳнинг динига даъват қилиш йўлида озорларга дучор бўлсанг-да, йўлингда маҳкам бўл. Зеро, эзгуликка чорловчи даъватчига азият етказиш инсон табиатида бор нарсадир. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтади: **«Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Бас, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунича ёлғончи қилинганлари ва озорланганларига сабр қилганлар»** (Анъом: 34).

Пайғамбарларга сўз билан ва амалий равишда азиятлар етказилган. Аллоҳ азза ва жалла айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиздан аввал ўтган пайғамбарларнинг устидан ҳам кулинган. Сўнг уларни масхара қилган кимсаларни ўша кулгилари ўраб, (домига тортиб) кетган (яъни ҳалок қилган)**».(Анъом: 10).

Айрим пайғамбарлар ҳатто, ўлимга дуч келганлар. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳар қачон бир Пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса**

¹ Ал-фатава: 4/50.

² Ал-фатава: 10/40.

³ Ал-фатава: 6/215.

(оятлар) билан келса, бировини ёлғончи деб, бировини ўлдираверасизларми?» (Бақара: 87).

Пайғамбарлар ишини давом эттирувчи кишига ҳам худди пайғамбарларга етган нарса етади. Аллоҳ таоло айтади: **«Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жин (дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиладилар» (Анъом: 112).**

Тақво қилиб, сабр қилинганда душманнинг макри зарар етказолмайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар сабр-тоқат қилсангиз ва Аллоҳдан қўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди. Албатта Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини ихота қилувчидир» (Оли Имрон: 120).**

Аллоҳга даъват қилувчи киши имтиҳонга учрамай иложи йўқ. Бир киши Иом Шофийидан: «Эй Абу Абдуллоҳ! Киши учун қай бири афзал, тамкин (ғолиб) қилинишими ё синовларга дуч келишими?», деб сўради. Шофийий раҳимахуллоҳ жавоб берди: «Имтиҳонга солинмай туриб, ғолиб қилинмайди. Зеро, Аллоҳ Нухни, Иброҳимни, Мусони, Ийсонни, Муҳаммадни – солаботуллоҳи ва саламуху алайҳим ажмаийн – имтиҳонларга дучор қилди, сабр қилишгач, уларга тамкин (ғолиблик) берди. Ҳеч ким алам-оғриқлардан кутулиб қоламан деб ўйламасин»¹.

Ким сабрга одатланса, душмани ундан ҳайбатланади, ким сабр қилишни ўзига оғир билса, душмани унга тамаъ қилиб қолади. Шундай экан, мусулмон киши ўз нафсини сабрга ҳозирласин, Аллоҳнинг савобига ишонсин. Чунки, ким Аллоҳнинг савобига ишонса, азиятлар етишига парво қилмайди. Мўмин кишининг қайғуси ўзига буюрилган ишларни қилиш ва қайтарилган ишлардан тийилиш ҳамда ўзига тақдир қилинган нарсага сабр қилиш бўлсин. Инсон агар сабрсизлик қилса, Аллоҳ ҳаром қилган ишларга тушиб қолиши ё Аллоҳ фарз қилган нарсани тарк қилиб қўйиши мумкин.

¹ Ал-фаваид: 407-с.

Сабрнинг оқибати

Билган, амал қилган ва даъват қилган одам учун сабр энг муҳим ишлардан биридир. Агар сабр қилмаса, Аллоҳга ишонмайдиган кимсалар уларни бетоқат ва бекадр санаб қолишади. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сабр-тоқат қилинг! Шак-шубҳасиз Аллоҳнинг (сизни ва умматларингизни кофир қавм устига ғолиб қилиш ҳақидаги) ваъдаси ҳақдир. (Охиратга) ишонмайдиган кимсалар сизни ҳаргиз бетоқат қилмасинлар»** (Рум: 60).

Аллоҳ таоло пайғамбарларни сабр билан зийнатланишга буюрган. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ҳам (ўтган) пайғамбарлар орасидаги сабот-матонат эгалари сабр қилганларидек (мушрикларнинг озор-азиятларига) сабр қилинг ва уларга (тушадиган азоб)ни шоштирманг»** (Аҳқоф: 35). Озорларни кўтариш, ғазабни ичга ютиш ва одамларни афв қилиш ҳам сабр жумласидандир. Бировларга таълим беришда сабрли бўлиш, уларга фойда етказиш учун жон куйдириш сабрдаги муваффақият сабабларидандир. Озор қанча кучайса, ғалаба шунча яқинлашади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Албатта, ғалаба сабр билан биргадир»¹. Алий ибн Аби толиб розияллоҳу анҳу айтганлар: «Сабр қоқилмас уловдир, қаноат хато қилмас қиличдир»².

Наср-ғалаба инсон тириклик пайтида қозонадиган ва даъватининг асарини ўз кўзи билан кўрадиган ғалабагагина чекланмайди. Балки ғалаба унинг ўлимидан кейин ҳам келиши мумкин. Бу эса Аллоҳ таоло унинг даъватига халқларнинг қалбида қабул пайдо қилиб қўйиши ва халқлар у чақирган нарсани ўрганиб, унга амал қилишлари билан бўлади. Сабр қилувчи инсон дунё ва охират азизлигига эришади. Чунки, у Аллоҳнинг биргалигини қўлга киритган бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир»**. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тарози (яхши амаллар палласи) ҳаққа эргашиш ва унинг устида сабр қилиш, сўралганда уни сарф этиш ва сарф этилганда олиш билан оғирлашади»³. Нажот ҳам сабр ва тавқога боғлиқдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш — жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан кўрқингизким, (шунда) шояд нажот топгайсизлар!»** (Оли Имрон: 200).

Аллоҳ таоло собирларга уч нарсани ваъда қилдики, учаласи ҳам дунё аҳли унда мусобақалашадиган яхшилиқдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтувчилармиз», дейдиган собирларга**

¹ Имом Аҳмад «Муснад»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган: 1/307, №2804.

² Абул Қосим ал-Асбаҳоний: Муҳозоротул-удабаъ: 2/524.

³ Ижтимаъул-жуюшил-исламия: 78-с.

хушхабар беринг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам). **Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топувчилардир»** (Бақара: 156,157).

Жаннатга кириш бахтига ҳам фақат собирлар эришади. Аллоҳ таоло айтади: **«Мен бугун уларни (сизларнинг озор-азиятларингизга) сабр-тоқат қилганлари сабабли мукофотладим — улар ҳақиқий (бахт-саодатга) эришувчидирлар»** (Муъминун: 111).

Ушбу тўрт масалани – илм, унга амал, унга даъват қилиш ва сабрни – рўёбга чиқариш нафсни тузатиш учун унга қарши энг катта жиҳод кўринишларидандир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Нафсга қарши жиҳоднинг тўртта даражаси бор:

Биринчиси: Дунё-ю охиратдаги саодатининг ёлғиз сабабчиси бўлган ҳидоят ва ҳақ динни ўрганиш билан нафсга қарши курашиш. Динини ўрганишни қўлдан бой берган киши ҳар икки дунёда бахтсиз бўлади.

Иккинчиси: Ўрганганидан кейин унга амал қилиш қилишда нафсига қарши курашиш. Акс ҳолда амалсиз илмнинг ўзи агарчи зарар бермаса ҳам, фойда келтирмайди.

Учинчиси: Унга даъват қилиш ва уни билмаганларга ўргатиш устида нафсига қарши курашиш. Акс ҳолда, Аллоҳ нозил қилган ҳидоят ва очиқ баёнларни яширган кишилардан бўлади, илми унга фойда бермайди ва Аллоҳнинг азобидан қутқариб қололмайди.

Тўртинчиси: Аллоҳга даъват қилиш машаққатларига ва халқларнинг озорларига сабр қилишда нафсига қарши курашиш ва буларни Аллоҳ учун кўтариш.

Ушбу тўрт мартабани комил қилган киши раббоний зотлар сафига қўшилади»¹.

Далил Аллоҳ таолонинг сўзики:

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1-2. Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. 3. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топувчидирлар)». (Вал-аср сураси).

Тўрт масаланинг далили

Тўртта масалани – яъни илм, унга амал қилиш, унга даъват қилиш ва унинг йўлида озорларга сабр қилишни – ўқиб-ўрганишимиз вожиблигига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятларидир:

¹ Зодул-маъод фий ҳадйи хойрил-ибад: 3/10.

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм». Сурани бошлаш учун «басмала»ни олиб келди.

«Аср (вақти)га қасамки..» Аллоҳ таоло асрга қасамёд қилди. Аср мўминлар учун фойдалар ва солиҳ амаллар ҳосил қилиш замони бўлган, иймондан бош тортганлар учун эса бахтсизлик ҳосил бўлувчи бир даврдир. Замон – бандалар унга ўз амалларини жойлайдиган бир идишдир. У ибратлар ва ажойиботлар билан тўладир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яратган махлуқотлари ичидан Ўзи истаган нарса билан қасамёд қилишга ҳақлидир. Аллоҳ таоло аслида, қасамёд қилмаса ҳам, рост сўзлагувчи Зот, бироқ У мақомни таъкидлаш учун қасамёд қилади.

«Инсон зиён-бахтсизликдадир». Яъни, бу ҳаётда инсон зоти борки, зиёнкорликда, ноқислик ва ҳалокатдадир. Зиён деб фойданинг зиддига айтилади. Зиёнкорликнинг бир неча тури ва даражаси мавжуд. Баъзан киши мутлақо зиёнкор бўлиб, дунёсини ҳам, охиратини ҳам бой берган бўлиши, жаннатдан маҳрум бўлиб, дўзахга маҳкум бўлиши мумкин. Бошқа бир инсон эса фақат қай бир тарафламагина зиёнкор бўлиши мумкин. Шунинг учун Аллоҳ таоло зиёни барча инсон зотига умумий деб баён қилди.

«Фақат...» Аллоҳ таоло бу сурада қуйидаги тўртта сифат билан сифатланган кишиларни ўшандай зиёнкорликдан истисно қилди:

«Иймон келтирган...» Иймон қалбларида ўрнашган кишилар. Иймон илмсиз бўлмайди, илм иймоннинг бир бўлаги бўлиб, иймон у билангина мукамал бўлади.

«Ва яхши амаллар қилган...» Яъни, бадан аъзолари билан кўп-кўп яхши амал қилган, амалида ихлосли бўлган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллариغا эргашган кишилар. Бу эса зоҳирий ва ботиний бўлган, Аллоҳнинг ҳақ-ҳуқуқларига ҳам, бандаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига ҳам тегишли бўлган фарзу-вожиб, мустаҳаб ва ихтиёрий, барча амалларни ўз ичига олади.

«Бир-бирларига Ҳақни тавсия этган...» Ҳақ – иймон ва солиҳ амалдир. Яъни, улар бир-бирларига уни эслатадилар, тавсия ва тарғиб қиладилар, бир-бирларини унга ундайдилар.

«Ва бир-бирларига сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотлар...» Яъни, бир-бирларини мусибатлар ва қазои қадарга сабр қилишга, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарган пайтларида дилозорлар томонидан етадиган озорларга сабр-тоқатли бўлишга, шунингдек Аллоҳнинг тоатида сабрли бўлишга ва маъсиятидан ўзини тўхтатишда сабрли бўлишга чорлайдилар.

Ким ушбу хислатларни ўзида мужассам этса, зиёнкорликдан четланган бўлади ва Аллоҳнинг нажот топувчи бандалари сафига қўшилади. Аввалги икки иш, яъни иймон ва солиҳ амал билан банда ўзини комилликка эриштиради, кейинги икки иш, яъни ўзгаларни ҳаққа ва сабрга тавсия қилиш билан ўзидан бошқани комилликка

етказади. Мазкур тўрт иш билан банда зиёнкорликдан қутулиб, улкан фойдага эришади.

Дин иймон, амал, даъват ва сабрдан иборатдир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Салафлар иттифоқ қилишганки, олим киши то ҳақни билмагунича ва унга амал қилмагунича, сўнг уни таълим бермагунича раббоний деб аталишга лойиқ бўлмайди. Ким билса, амал қилса ва ўргатса, шу киши осмонлар ичра азийм-улуғ деб чақирилади»¹.

Шофий раҳимахуллоҳ деди: Агар Аллоҳ халқлари устига ҳужжат қилиб, фақат мана шу сурани туширса, шунинг ўзи ҳам кифоя қиларди.

«Вал-аср» сурасининг тутган ўрни

«Вал-аср» сураси инсон зоти зиёнкорликда экани, фақат Аллоҳ таоло зикр қилган кишигина бундан мустасно бўлиши ҳақида огоҳлантиради. У ўзининг илмий қувватини Аллоҳга бўлган иймон билан, амалий қувватини тоатлар билан кучайтирган киши бўлиб, бу унинг ўзидаги камолотдир. Сўнгра у бировларни ҳам шунга тавсия қилиш билан ўзидан бошқани ҳам комилликка эриштиради. Буларнинг ҳаммасининг асос-ўзаги сабрдир ва бу комилликнинг чўққисидир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Оқиллар ҳаммаси айтганларки, роҳатга роҳат билан эришиб бўлмайди, фароғатга фароғат билан етиб бўлмайди, ким лаззатларни афзал кўрса, лаззатлардан маҳрум бўлади»².

Оқил ва онгли киши бу сурани эшитса ё ўқиса, ўзини зиёнкорликдан қутқаришга ҳаракат қилади, бу эса мазкур тўрт сифат билан сифатланиш орқали амалга ошади. Демак, бу сура мусулмон киши ҳаётида ўзига йўл қилиб оладиган тўртта қоидани ўзида жамлаган улуғ сура экан.

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис **Шофий раҳимахуллоҳ**³ бу сура ҳақида деди:⁴

Агар Аллоҳ халқлари устига ҳужжат қилиб... Яъни, уларга узр ва баҳонага ўрин қўймаслик ва уларни олдиндан огоҳлантириб қўйиш учун Қуръондан **фақат мана шу** улуғ ва жомиъ (яъни қисқа ва пурмаъно) **сурани туширса, шунинг ўзи ҳам** уларни динни ва солиҳ амалларни маҳкам ушлашга ҳамда Аллоҳга даъват қилишга ва бу

¹ Зодул-маъад фий ҳадйи хойрил-ибад: 3/10.

² Шифаул-алийл: 250-с.

³ 150-204хх.

⁴ Ибн Касир Тафсирида (1/63) Шофийдан ушбу мазмунни бошқачароқ лафз билан: «Агар одамлар бу сурани тадаббур қилганларида, шунинг ўзи улар учун кифоя қилган бўларди», деб ривоят қилган. Ибн Қаййим «Ат-тибъан»да (53-с), «Мифтаху дарис-саъада»да (1/58), «Ал-истиком»да (2/259), «Уддатус-собирийн»да (60-с) Шофийдан: «Агар ҳамма одамлар бу сурани фикр қилсалар, бу уларга кифоя қилган бўларди» деган лафз билан ривоят қилган.

йўлда сабр-матонатли бўлишга мажбурлаш учун **кифоя қиларди**. Зотан, бу сура инсон камолотининг барча даражаларини ўз ичига олган. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Комиллик – инсон ўз шахсида ҳам комил бўлиши ва ўзгани ҳам камолотга етказишидир. Бу сура мухтасар бўлишига қарамай, Қуръон суралари ичида яхшиликнинг барчасини қолдирмай, ўзида жамлаган сурадир»¹.

Бу сура бандага хушxabар берувчи ва огохлантирувчилар жумласидандир. Бинобарин, банда улар олдида тўхтаб, ўзини улар билан ўлчаб кўрсин. Ибн Ражаб раҳимахуллоҳ айтади: «Бу сура бандалар у билан ўз амалларини ўлчаб, фойда-зиёнларини билиб олишадиган амаллар мезони-тарозисидир»². У шаъни ғоят улуғ бўлгани учун имомлар у ҳақда айтиб ўтган барча гаплар айтилишига лойиқ сурадир.

Бухорий раҳимахуллоҳ деганлар: Илм сўз ва амалдан олдин бўлиши ҳақидаги боб, далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бас, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!» (Муҳаммад: 19). (Аллоҳ таоло ушбу оятда) илмни-билишни сўз ва амалдан олдин бошлаб зикр қилди.

Илм амалдан олдин бўлиши

Инсон адашиб-улоқиб, Парвардигоридан узоқлашиб кетмаслиги учун илмни амалдан олдин талаб қилиши зарурлигидан келиб чиқиб, Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил **ал-Бухорий**³ раҳимахуллоҳ ўз «Саҳиҳ»ида деди⁴:

Илм, яъни, шаръий илм ва уни талаб қилиш **сўздан**, яъни унга даъват қилишдан **ва амалдан**, яъни унга амал қилишдан **олдин бўлиши ҳақидаги боб**.

Бу масаланинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

«Бас, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина барҳақ эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!» (Муҳаммад: 19).

Бухорий раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳ таоло ушбу оятда илмни-билишни сўз ва амалдан олдин бошлаб зикр қилди». Чунки, инсон бир нарсани билса, аниқ далил-ҳужжат билан ва онгли равишда амал қилади. Илмсиз, яъни кўр-кўрона қилинган ҳар бир иш ўз эгасига

¹ Мифтаҳу дарис-саъада: 1/58.

² Латоифул-маъариф: 313-с.

³ 256-х вафот этган.

⁴ Саҳиҳул Бухорий: Илм китоби: Илм сўз ва амалдан олдин бўлиши ҳақидаги боб: 1/37, №5.

зарар олиб келади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Илм амалнинг имоми ва йўлбошчисидир, амал эса унга тобеъ ва эргашувчидир. Илмнинг ортида турмаган ва унга эргашмаган ҳар қандай амал ўз эгасига фойда келтириш у ёқда турсин, аксинча унга зарар келтиради. Салафлардан бирлари айтганидек, ким Аллоҳга илмсиз ибодат қилса, ислоҳидан кўра ифсоди (бузиши) кўпроқ бўлади»¹.

Демак, илмнинг мартабаси амалнинг мартабасидан мукаддам бўлди. Илм сўз ва амалнинг дуруст бўлиши учун шарт қилинди. Бу иккиси усиз эътиборли саналмайди. У бу иккисига мукаддамдир. Чунки, у (яъни илм) амални тузатадиган ниятни тузатади.

Билинг, Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин, ҳар бир муслим ва муслимага қуйидаги учта масалани ўрганиб билиш ва уларга амал қилиш вожиб бўлади:

Биринчиси: Аллоҳ бизни яратди, бизга ризқ ато этди ва бизни эътиборсиз ташлаб қўймади. Балки, бизга пайғамбар юборди, ким унга итоат қилса, жаннатга киради, ким унга осий бўлса, дўзахга тушади.

Бунга далил Аллоҳнинг қуйидаги сўзларидир: «Дарҳақиқат, Биз худди Фиръавнга пайғамбар юборганимиз каби сизларга ҳам устингиздан гувоҳлик берувчи бўлган бир пайғамбарни юбордик. (Ўшанда) Фиръавн (Мусо) пайғамбарга итоатсизлик қилгач, Биз уни қаттиқ ушлаш билан ушладик» (Муззаммил: 15-16).

Мусанниф раҳимаҳуллоҳ ўқиб-ўрганишимиз вожиб бўлган тўртта масалани зикр қилиб ўтгач, энди яна ўрганишимиз лозим бўладиган учта масалани зикр қилишга ўтади:

«Билинг, Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олсин...» Яъни, мен Аллоҳ сизни Ўз раҳматига олишини ва сизга Ўзининг фазлу марҳаматини туширишини сўраб, сизнинг ҳаққингизга дуо қиламан ва сиздан ушбу нарсаларни яхшилаб билиб олишингизни сўрайман.

Билиш ва амал қилиш вожиб бўладиган учта масала

«Ҳар бир муслим ва муслимага қуйидаги учта масалани ўрганиб билиш ва уларга амал қилиш вожиб бўлади...» Яъни, эркак бўлсин, аёл бўлсин, ҳар бир оқил ва болиғ бўлган мукаллафга ушбу учта масалани билиш ва уларга эътиқод қилиш фарзи айн бўлиб, уларнинг биринчиси рубубият тавҳидига, иккинчиси улуҳият тавҳидига, учинчиси эса вало ва баро (яъни дўстлик ва душманлик тушунчаси)га тааллуқли масаладир. Мусанниф раҳимаҳуллоҳ улар ҳақида шундай дейди: «Ислом динининг ҳақиқати шудир. Лекин, сиз

¹ Мифтаху дарис-саъада: 1/85.

мана шу сўзлар олдида тўхтаб, улар ўз ичига олган илм ва амални талаб қилинг. Буни билиш учун улардан ҳар биридан яхши воқиф бўлиш зарур бўлади»¹.

Ушбу уч масалага ва улар далолат қиладиган ишларга амал қилиш зарур, чунки, улар диннинг қоидаси ва ақиданинг асосидир.

Биринчи масала рубубият тавҳидига оид

«Биринчиси...» Ўрганишимиз вожиб бўлган учта масаланинг рубубият тавҳидига тааллуқли бўлган биринчиси шуки...

«Аллоҳ бизни яратди...» У бизни йўқдан бор қилди. Унинг Ўзи айтганидек: **«Аниқки, инсонга руҳ урилишидан олдин узоқ замонлар ўтдики, у тилга олинадиган нарса эмас эди, унинг асари ҳам йўқ эди.»** (Инсон: 1). Сўнг У бизга чиройли сурат берди. Унинг Ўзи айтганидек: **«Дарҳақиқат Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик»** (Ват-тийн: 4).

«Бизга ризқ ато этди...» Ҳар турли неъматлар ато этди, бизни оч-яланғоч қолдирмади, балки Ўзи яратган ҳар бир жонзотга ризқ берди ва бунинг кафиллигини Ўз зиммасига олди. Аллоҳ таоло айтади: **«Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир»** (Худ: 6).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишимиз учунгина бизларни йўқдан бор қилди ва бизларга беҳисоб ризқ-рўз ато этди. Аллоҳ таоло айтади: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман»** (Ваз-зарият: 56-57).

«Ва бизни эътиборсиз ташлаб қўймади...» Бизни ҳеч нарсага буюрилмаган ва ҳеч нарсадан қайтарилмаган ҳолда, беҳуда ташлаб қўймади. Аллоҳ таоло айтади: **«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!»** (Муъминун: 115). Аллоҳ таоло айтади: **«Инсон ўзини (бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, охиратда эса қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан) бекор ташлаб қўйилишини ўйларми (тамаъ қилурми)?!»** (Қиёмат: 36). Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизларни ҳақ нималигини, у қаерда эканини, унга қандай қилиб эришиш мумкинлигини билмайдиган, хайрон ҳолда қўйиб қўймади.

«Балки, бизга пайғамбар юборди...» У билан енгил ва осон-қулай бўлган Ҳакни-Қуръонни туширди, Пайғамбар унга йўллайди ва биз унинг воситасида Қуръонда бўлган ҳаққа ва ҳидоятга йўлланиб, унда буюрилган ишларни қилишга муваффақ бўламиз.

¹ Ад-дурарус-санийя: 1/117.

«Ким унга итоат қилса, жаннатга киради...» Чунки, пайғамбарга итоат Аллоҳга итоат демакдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Ким Аллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ҳаёт бахш этар. Ва бу катта зафардир»** (Нисо: 13).

Халқларнинг энг афзали, энг аълоси, Аллоҳга энг яқини бандаликни комил даражада адо этувчироғидир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Демак, комиллик Аллоҳ ва расулининг тоатидаги ботиний ва зоҳирий комилликдир»¹. Пайғамбарлар юборилишдан мақсад уларга итоат қилиш ва уларга Аллоҳ таоло томонидан олиб келган нарсаларида эргашишдир.

«Ким унга осий бўлса, дўзахга тушади...» Зотан, энг катта бахтсизлик Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлишдадир. Аллоҳ таоло айтади: **«Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, албатта унинг учун жаҳаннам олови бордир. (Ундай кимсалар) ўша жойда мангу қолурлар»** (Жин: 23).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Умматимнинг барчаси жаннатга дохил бўлади, фақат бош тортганларгина унга кирмаслар»**. «Эй Расулуллоҳ, жаннатдан ким бош тортади?», деб сўрадилар. **«Ким менга итоат этса, жаннатга киради. Ким менга итоат этмаса, бош тортган бўлади»**, деб жавоб бердилар (Бухорий ривояти)².

У зотга осий бўлишдан қайтаришга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

«Дарҳақиқат, – эй Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом уммати – Биз худди – золим – Фиръавнга – энг улуғ пайғамбарлардан бири Мусо Калимуллоҳ алайҳиссаломни – пайғамбар – қилиб – юборганимиз каби сизларга ҳам устингиздан – қилган амалларингизга – гувоҳлик берувчи бўлган бир пайғамбарни – пайғамбарлар хотами Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни – юбордик. (Ўшанда) Фиръавн (Мусо) пайғамбарга итоатсизлик қилгач, Биз уни қаттиқ ушлаш билан ушладик..», яъни, уни ва бутун лашкарини сувга ғарқ қилиб юбордик, улардан ҳеч бир киши қутулиб қололмади.

Ундан кейин эса то қиёмат кунигача қабр азобига гирифтор этилдилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди. (У азоб бир) оловдирки, (қабрда) улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар). Қиёмат койим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): «Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар», (дейилур) (Ғофир: 45-46).** Пайғамбарларга осий бўлган ва уларнинг амрларига хилоф қилган кимсаларнинг оқибати шудир.

¹ Ал-фатава: 10/546.

² Саҳиҳул Бухорий: 6/2655, №6851, Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

Бас, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммати ҳам ўз пайғамбарига осий бўлишдан ҳазир бўлсин. Акс ҳолда, уларга ҳам Фиръавнга етган азоб етиши мумкинки, Аллоҳ таоло уни жуда қаттиқ азобга гирифтор қилди. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар пайғамбарингизни ёлғончи қилсангиз, сизлар ҳалокатга ва фалокатга Фиръавндан кўра ҳам лойиқроқ бўласиз. Чунки, сизларнинг пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мусо ибн Имрон алайҳиссаломдан кўра улуғроқ ва шарафлироқ зотдирлар»¹.

Яхшилик пайғамбарларга итоатда, бахтсизлик эса уларга осийликдадир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз»** (Наҳл: 97).

Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ ва Расулига бўлган иймон бахт-саодатнинг асосидир»².

Иккинчиси: Аллоҳ таоло Унга бўлган ибодатда бошқа бировни – на (Ўзига) яқин қилинган фариштани ва на (Ўзи томонидан) юборилган пайғамбарни – шерик қилинишига рози бўлмайди. Далил Аллоҳнинг қуйидаги сўзидир: «Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. (Масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!» (Жин: 18).

Иккинчи масала улуҳият тавҳидига тегишли

«Иккинчиси: Аллоҳ таоло Унга бўлган ибодатда бошқа бировни – на (Ўзига) яқин қилинган фариштани ва на (Ўзи томонидан) юборилган пайғамбарни – шерик қилинишига рози бўлмайди...»

Биринчи масала рубубият тавҳидига доир бўлгани ва рубубият тавҳиди улуҳият тавҳидига йўлловчи ва уни лозим тутувчи бўлгани учун бунинг таҳқиқини иккинчи масалада, яъни улуҳият тавҳидига тааллуқли масалада зикр қилди. У ўрганиб билишимиз ва эътиқод қилишимиз вожиб бўлган учта масаланинг иккинчисидир. Аллоҳ таоло сизни яратган Холиқ ва ризқ ато этган Раззоқ бўлиши билан бирга, яна шуни ҳам билингки, У ибодатда Ўзига бошқа бировни шерик ва баробар қилинишига рози бўлмайди, аксинча буни жуда ёмон кўради. Ибодатда ва тоатда Унга шерик қилинувчи кимса оддий махлуқотлардан бўлиши у ёқда турсин, балки Ўз хузуридаги Ўзига яқин қилган улуғ фариштаси бўладими, ё одамлар ичидан Ўзи юборган пайғамбари бўладими, фарқсиздир. Чунки, улардан ҳеч бири ибодатга сазовор эмасдир.

¹ Ибн Касир: Тафсирул-куръан: 4/395.

² Ал-фатава: 20/193.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ таоло сизлардан уч нарсага рози бўлади ва уч нарсани ёқтирмайди. Унга ибодат қилишингизга, Унга бирон нарсани шерик қилмаслигингизга, барчангиз Аллоҳнинг арқонига боғланишингиз ва бўлинмаслигингизга рози бўлади, миш-миш сўзлар айтишингизни, кўп савол беришингизни ва молни беҳуда совуришингизни ёқтирмайди» (Имом Муслим ривояти)¹.

Аллоҳ таоло бандалари учун куфрга рози бўлмаслигини хабар берди. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар сизлар кофир бўлсангизлар, албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир. (Аммо) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр қилсангизлар (ва иймон келтирсангизлар), У зот сизлар учун (фақат шукр қилиб, иймон келтиришларингизгагина) рози бўлур»** (Зумар: 7). У бандаларидан фақат Исломга, яъни динни Унинг Ўзига холис қилишгагина рози бўлишини хабар берди. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлар учун (фақат) Исломни дин бўлишига рози бўлдим»**. (Моида: 3).

Модомики, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло халқлари ичида энг афзаллари бўлмиш фаришталар ёки пайғамбарлардек Ўзига яқин бўлган зотларни Ўзига ибодатда шерик қилинишига рози бўлмас экан, энди улардан бошқаларни шерик қилинишига албатта рози бўлмайди. Зеро, ибодат фақат Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига қилинганда яроқли бўлади. У яратиш, ризқ бериш ва бошқаришда қандай ёлғиз бўлса, ибодатга ҳам худди шундай, бир Ўзи, ҳеч қандай шериксиз лойиқдир. Мусулмон киши икки ишни бирлаштиради. Яъни, у Аллоҳни яратувчи, ризқ берувчи ва бошқарувчи деб ишонади, шу билан бир вақтда намоз, қурбонлик қилиш, назр қилиш, қасам ва бошқа турдаги барча ибодатларга сазовор зот ҳам ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир деб, Аллоҳдан бошқага қилинган ибодат ботилдир деб ишонади.

«Далил – яъни, Аллоҳ таоло Ўзига ибодатда бошқа бировни ким бўлишидан қатъий назар шерик қилинишига рози бўлмаслигига далил – **Аллоҳнинг куйидаги сўзидир: «Албатта масжидлар** – яъни намоз ўқиладиган жойлар ёки сажда қиладиган аъзолар – **Аллоҳникидир** – бошқа ҳеч кимники эмас. **Шундай экан** – масжидларда ёки сажда қиладиган аъзолар билан – **Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага** – фаришта бўладими, пайғамбар бўладими, валий бўладими, бошқа бўладими, **дуо-илтижо** – сажда – **қилманглар!** Уларга хоҳ ибодат дуоси билан, хоҳ сўраш дуоси билан дуо қилиш катта ширк ва кечирилмас гуноҳ бўлади, тавба қилинса Аллоҳ Ўзи истасагина кечиради. Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур»** (Нисо: 48). Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яккаю ягонадир, У бандалари устида Ўзи истаган ҳукмини қилувчи Зўр, Қудратли ва Кучли зотдир, ибодатни

¹ Саҳиҳ Муслим: 3/1340, №1715, Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

Ўзидан бошқага қилинишига ёки ибодатда оддий бир заиф махлуқни Унга шерик қилинишига асло рози бўлмайди.

Учинчи: Ким Пайғамбарга итоат қилса ва Аллоҳни ягона деб билса, Аллоҳ ва Расулига душман бўлган кимсани – энг яқин қариндоши бўлса ҳам – дўст тутиши жоиз бўлмайди. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухолифлик қилган кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Рух — Қуръон билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам (Аллоҳдан — У зот берган ажр-мукофотлардан) рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг хизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг хизби (бўлган зотларгина) нажот топувчидирлар!» (Мужодала: 22).

Учинчи масала валоъ ва бароъ хусусида

Учинчи масала валоъ ва бароъ (яъни дўстлик ва душманлик тушунчаси) ҳақида бўлиб, бу ҳам ўқиб-ўрганишимиз, эътиқод қилишимиз ва амал қилишимиз вожиб бўлган масалалардан биридир. Унинг тафсилоти қуйидагича:

«Ким Пайғамбарга итоат қилса..», у зотнинг буйруқларига бўйсунса ва қайтариқларидан тийилса..

«Ва Аллоҳни ягона деб билса..» ва ибодатни ёлғиз Унинг Ўзига қилса, Аллоҳнинг душманларини дўст тутмайди. Бу сўзлар билан мусанниф шаръий насларга (далил-ҳужжатларга) мувофиқ ушбу масалага амал қилиш учун ҳимматларни қўзғатиш ва ғайратларни жўштиришни истагандек. Гўё у сизга айтадики, сиз Парвардигорингизни ягона деб билдингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилдингиз, Унинг Пайғамбарига – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – итоат қилдингиз. Шундай экан, энди мана бу улкан масалага ҳам амал қилинг. У масала шундан иборатки, мўмин ва муваҳҳид ҳамда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилувчи инсон **Аллоҳ ва Расулига душман бўлган кимсани – энг яқин қариндоши бўлса ҳам – дўст тутиши жоиз бўлмайди.** Балки, гарчи ўз отаси бўлса ҳам, оға-иниси бўлса ҳам, боласи бўлса ҳам, ундай кимсалардан бутунлай узилиши ва уларни душман деб билиши лозим бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло бундай одамлар ўртасида ўзаро алоқалар ва дўстлик бўлишини ман қилди. Ҳақиқий яқинлик диндаги яқинликдир, насл-насабдаги яқинлик эмас. Мусулмон киши гарчи сиздан узоқда

яшаса ҳам, у сизнинг Аллоҳ йўлидаги биродарингиз, кофир эса туғишган оға-инингиз бўлса ҳам, диндаги душманингиздир.

Валоъ ва бароъ далили

Аллоҳ ва Расулига душман бўлган кимсаларни дўст тутиб бўлмаслигига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

«— Эй Пайғамбар – **Аллоҳга ва охират кунига** – ҳамда Аллоҳ охиратда ҳозирлаб қўйган савоб ва иқобларга ҳақиқий суратда – **иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухолифлик қилган кимсалар билан** – яъни, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига кофир ва осий бўлиб, уларга душман бўлган кимсалар билан — **гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оғанилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да** — **дўстлашаётганларини топмассиз...**» Яъни, бу иккиси жамланмайди, банда қачонки иймони тақозо қиладиган амалларни қилгандагина Аллоҳга ва охират кунига ҳақиқий иймон келтирган бўлади. Иймонли кишини дўст тутиш ва унга муҳаббат қўйиш, иймонсиз кишига нафрат ва душманлик руҳида қараш ҳам иймон тақозосидир.

«— Валоъ ва бароъни ҳақиқий суратда ўзларида кўрсатган – **ана ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир** – ва уларни саботли қилиб қўйгандир, уларнинг иймонлари беқарор бўлмайди, шак-шубҳалар унга таъсир кўрсатолмайди – **ва уларни Ўз томонидан бўлган Рух—Қуръон билан** – Ўзининг ваҳйиси, илоҳий мадади ва раббоний эҳсони билан – **қувватлантиргандир**» – уларга саодатни битгандир, уларга иймонни зийнатли қилиб қўйгандир. Аллоҳ таоло уларга бўлган мададини руҳ деб атади, чунки, уларнинг ҳаётлари шу биландир.

«**У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур...**» Абадий қароргоҳ бўлган у жаннатларда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон зотининг кўнглига ҳам келмаган неъматлар бордир. Ушбу неъматларга қўшимча яна у жаннатлар остидан дарёлар оқиб туради. Улар бу жаннатларда роҳат-фароғат ичра абадий қоладилар.

Бунга қўшимча, энг асосийси «**Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам** (Аллоҳдан — У зот берган ажр-мукофотлардан) **рози бўлдилар..**» Улар Аллоҳга душман бўлган қариндош-уруғларини Аллоҳ учун ёмон кўришган эди, бунинг эвазига Аллоҳ уларга Ўз розилигини туширди, уларга ато этган абадий роҳат-фароғатлар билан уларни рози қилди.

«**Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизбидирлар...**» Яъни, Аллоҳнинг ҳақиқий бандалари, Унинг дўстлари ва У томонидан иззат-икромга сазовор бўлувчи, Унинг ер юзидаги ёрдамчилари бўлган зотлардир.

«**Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг ҳизби** (бўлган зотларгина) **нажот топувчидирлар!**», дунё ва охиратдаги буюк зафар ва туганмас саодатга эришувчидирлар.

Валоъ ва бароъни вужудга келтирган кишининг мукофоти

Ким бароъни (яъни, Аллоҳнинг душманларига душманлик қилишни) рўёбга чиқарса, Аллоҳ таоло уни бир неча ишлар билан мукофотлашини хабар берди:

- 1) Унинг қалбига иймонни жамланиши ва унда саботли бўлиши: **«Ана ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир».**
- 2) Аллоҳ уни нур ва ҳидоят билан қувватлаши: **«Ва уларни Ўз томонидан бўлган Рух билан қувватлантиргандир».** Рух деб номлади, чунки покиза ҳаёт кечиришга сабабдир. Ундан олдин бу дунёда савоб бериши ҳам бордир.
- 3) Жаннатга киритилиш: **«У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур».**
- 4) Парвардигор субҳанаҳу ва таолонинг ундан рози бўлиши: **«Аллоҳ улардан рози бўлди».** Бу эса зиёда неъматдир. Бошқа бир оятда Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир»** (Тавба: 72).
- 5) Банда ҳам охиратда жаннатга кириши ва унда кўрган иззат-икромлари сабабли рози бўлиши: **«Улар ҳам (Аллоҳдан — У зот берган ажр-мукофотлардан) рози бўлдилар».**
- 6) Аллоҳ уларни Ўзининг хос кишилари ва нажот топувчи ҳизбидан қилиш билан ҳурматлаши: **«Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг ҳизби (бўлган зотларгина) нажот топувчидирлар!».**

Шайх Саъдий раҳимахуллоҳ «Тайсирул-Каримил-Маннан»да айтади: «Аммо, ким Аллоҳга ва охират кунига иймонни даъво қилса-ю, шу билан бирга Аллоҳнинг душманларини дўст тутувчи бўлса, иймонни ортга улоқтирган кимсаларни яхши кўрувчи бўлса, унинг бу иймони куруқ даъводир, унинг ҳақиқати йўқдир. Чунки, ҳар бир иш учун уни тасдиқлайдиган бир ҳужжат бўлиши зарур, куруқ даъвонинг ўзи фойда бермайди ва бундай даъво эгасини тасдиқланмайди».¹

Валоъ ва бароънинг аҳамияти

Валоъ ва бароъ (яъни дўстлик ва душманлик тушунчаси) диндаги асл-асослардан улкан бир асл-асосдир. Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимахуллоҳ айтади: «Киши Аллоҳни ёлғиз деб билса ва ширкни тарк қилса ҳам, агар мушрикларни душман деб билмас экан ва уларга адоват ва нафратни изҳор қилмас экан, унинг Исломи тўғри бўлмайди»². Тавҳид калимасининг маъноси шудир. Ва бу тавҳид билан

¹ Саъдий: Тайсирул-каримил-маннаан: 787-с.

² Ад-дуруус-санийя: 8/331.

Аллоҳга таслим бўлиш ва тоат билан Унга бўйсунуш, шу билан бир қаторда ширкдан ва ширк аҳлидан безорлик маъносини англатувчи Исломдандир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бароат (яъни безорлик ва душман билиш) валоят (яъни дўст тутиш)нинг зиддидир. Бароатнинг асли нафрат, валоятнинг асли эса муҳаббатдир. Бундай дейилишининг сабаби, тавҳиднинг ҳақиқати – фақат Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун Аллоҳ яхши кўрган нарсани яхши кўришдир, демак фақат Аллоҳ учун яхши кўриш ва фақат Аллоҳ учун ёмон кўришдир»¹.

Мусулмон киши Аллоҳ яхши кўрганни яхши кўради, Аллоҳ ёмон кўрган кишини ёмон кўради. Аллоҳ кофирни ёмон кўради: **«Дарҳақиқат У зот кофирларни суймас»** (Рум: 45). Кофир Аллоҳнинг ва мўминларнинг душманидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, Менинг душманам ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, холбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар!»** (Мумтаҳана: 1).

Валоъ ва бароъ Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг камолидандир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ ва Расулига душман бўлганларни ёмон кўриш ва Унинг йўлида жиҳод қилиш Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига бўлган муҳаббатнинг камолидандир»².

Иймон қалба кучайса, мўминларга нисбатан валоъ (дўстлик) ва кофирлардан бароъ (безорлик) ҳам кучаяди. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар қалба бўлган тасдиқ, маърифат, Аллоҳ ва расули учун яхши кўриш кучли бўлса, бу Аллоҳнинг душманларини ёмон кўришни вожиб қилади»³. Агар банда валоъ ва бароъ томонига эътиборсизлик қилса, иқобга сазовор бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир)»** (Оли Имрон: 28). Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Дўст тутиш қалб ишларидандир. Зеро, Аллоҳга бўлган иймон Уни дўст тутишни ва Унинг Пайғамбарини дўст тутишни тақозо қилади. Бу эса Аллоҳ ва Расулига душман бўлганларни дўст тутишга зид бўлган ишдир. Нима нарса иймонга зид бўлса, иймон бўлмагани туфайли маломат ва иқобни лозим қилади»⁴.

Бадан билан мушриклардан бурилиб олишнинг ўзи бароъ учун кифоя қилмайди. Балки, бу билан бирга қалб билан ҳам нафратланиш вожиб бўлади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Халилнинг (яъни Иброҳим алайҳиссаломнинг) ўзининг мушрик қавмидан ва уларнинг маъбудаларидан бароати (яъни безорлигини эълон қилиши) улардан

¹ Ал-фатава: 10/465.

² Ал-фатава: 8/361.

³ Ал-фатава: 7/522.

⁴ Ал-фатава: 10/753.

шунчаки алоқани узиш бўлмаганди, балки уларга нисбатан нафрат ва адоватдан келиб чиққанди»¹.

Уларни ёмон кўриш, душман деб билиш, улардан ва уларнинг маъбудларидан безорлик эълон қилиш билан бирга, иккинчи томондан Ислом айбсиз кофирни, яъни зиммий ё муоҳид (битим остидаги) ё омонлик берилган кофирни² ўлдиришни ҳаром қилган, унинг молини тортиб олишни ё унга зулм ва тажовуз қилишни ҳаром қилган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким муоҳидни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди, ваҳоланки унинг ҳиди қирқ йиллик масофадан билинади» (Бухорий ривояти)³. Балки, уни ёмон кўргани ҳолда, ҳикмат ва ақл доирасида Аллоҳга даъват қилиши лозим бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларга нисбатан шундай қилардилар. Ислом дини валоъ ва бароъ тушунчаси борасида мўътадил диндир, унда айбсиз кофирларни ўлдиришга йўл қўйиб берадиган ифрот (ҳаддан ошиш) ҳам, кофирларга нисбатан диндан чиқариб юборадиган даражада дўстлашишга изн берадиган тафрит (бўш қараш) ҳам йўқдир. Мусулмон киши мазкур улуғ ибодатни (яъни валоъ ва бароъни) адо этишда ифрот ва тафрит ўртасини тутувчи бўлиши, бу борадаги илми шариат келтирган нарсалар нури билан нурланган бўлиши зарур бўлади.

Мушрикларни яхши кўриш икки қисмга бўлинади:

1) Таваллий

Таваллий ширкни ва мушрикларни яхши кўриш, мўминларга қарши кофирларга ёрдам бериш ёки кофирлар ғалабаси билан хурсанд бўлиш, ёки мусулмонлар қаршисига улар билан ҳамкорлик қилиш маъносидадир. Бу эса катта куфрдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир»** (Моида: 51). Бағавий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Кофирлар билан дўстлашиш билан мўминнинг иймони бузилади»⁴. Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ бунини Исломни бузувчи нарсалар жумласига киритади. У раҳимаҳуллоҳ айтади: «Исломни бузувчи ишлардан саккизинчиси: мушриклар билан ҳамкорлик қилиш ва мусулмонлар қаршисига уларга ёрдамлашишдир. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи: **«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир»**.⁵»

¹ Ал-фатава: 14/224.

² Зиммий – жия тўлаб ва ўзига Ислом ҳукмлари ижро этилишига рози бўлиб, Ислом диёрида яшаб турган кофирдир. Муоҳид – Ислом диёрига аҳд-битим билан кириб келувчи ҳарб аҳлидан бўлган кишидир.

³ Саҳиҳул Бухорий: 2/409, №3166, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

⁴ Тафсирул-Бағавий: 4/312.

⁵ Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб: Рисала навақиз-ил-ислам.

2) Муволат

Муволат дўстлашиш ва дўст тутиш маъносида бўлиб, у душман тутишнинг зиддидир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Валоят адоватнинг зиддидир. Валоят муҳаббат ва мувофиқ бўлишни ўз ичига олади, адоват эса нафрат ва хилоф қилишни ўз ичига олади»¹.

Бунинг асосий белгиси – ширк аҳлини дунё туфайли яхши кўриш ва бунда уларга ёрдам бермасликдир. Бу гуноҳи кабиралардан бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, Менинг душманним ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар!»** (Мумтаҳана: 1). Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Баъзан кишига қариндошлик ё ҳожат вожидан улар билан дўстлашиш ҳосил бўлади, бу унинг иймонини нуқсонли қиладиган гуноҳ саналади, бу билан кофир бўлиб қолмайди, Ҳотиб ибн Балтаъада шундай ҳол юз берган эди»².

Муволат ва таваллий ўртасидаги фарқ

Таваллий ва муволат ўртасидаги фарқ шуки, таваллий диндан чиқарадиган катта куфрдир, муволат эса гуноҳи кабирадир. Шайх Абдуллоҳ ибн Абдуллатиф раҳимахуллоҳ муволат ва таваллий ўртасидаги фарқ ҳақида сўралганида шундай жавоб берганлар: «Таваллий диндан чиқарадиган куфрдир, кофирларни ҳимоя қилиш, уларга мол, бадан ва фикр билан мадад кўрсатиш бунга мисол бўлади. Муволат эса гуноҳи кабиралардан биридир, уларга сиёҳ тайёрлаб бериш, қалам учлаб бериш, қамчисини олиб бериш каби»³.

Мушрикларга нисбатан муволат ва таваллий кўринишлари

Муволат ва таваллийнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Шайх Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимахуллоҳ уларни шундай зикр қилади: «Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло кофирлар билан муволат қилишдан қайтарди ва буни каттиқ қоралади, ким уларни дўст тутса, у ҳам ўшалардан бўлишини хабар берди. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам ҳадислар келган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганлар: «Ким бир қавмни яхши кўрса, (қиёматда) ўшалар билан бирга турғизилади» (Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари)⁴. Юқорида биз зикр қилиб ўтган Китоб, Суннат ва салафлардан келган асарлардан бир неча

¹ Ал-фатава: 5/510.

² Ал-фатава: 7/523.

³ Ад-дурарус-санийя: 8/422.

⁴ Ал-мустадрок: №4294, Ас-сунанул-кубро: №18643, Алий ибн Абутолиб ва Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

ишлар тушуниладики, ким уларни қилса мазкур оятларга дохил бўлади ва дўзахга тушиш хавфига дучор бўлади. Аллоҳдан Унинг ғазабини келтирадиган ва аламли азобига дучор этадиган ишлардан паноҳ сўраймиз.

Улардан биринчиси: умумий таваллий.

Иккинчиси: хусусий муҳаббат ва дўстлик.

Учинчиси: бироз мойил бўлишдир. Аллоҳ таоло айтади: «Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз» (Исро: 74-75). Халқларнинг энг улуғи ва Аллоҳга энг яқини бўлган зот бўлмиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламгаки шундай хитоб қилинган бўлса, бошқаларга нима деб ўйлайсиз?!

Тўртинчиси: уларга муроса ва тилёғламачилик қилиш. Аллоҳ таоло айтади: «Улар сизнинг (ўзларига) кўнгилчанлик-муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам (сизга) кўнгилчанлик қилурлар» (Қалам: 9).

Бешинчиси: уларнинг фикр ва маслаҳатларига итоат қилиш. Аллоҳ таоло айтади: «Ва Биз қалбини Бизни зикр қилишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи-нафсига эргашиган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!» (Каҳф: 28). Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчи-ю, гап ташувчи, яхшилиқни манъ қилувчи — бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб-ҳароми кимсага итоат этманг!» (Қалам: 10-13).

Олтинчиси: Ислом амирлари ҳузурига кириш ва ўтиришда уларни яқин қилиш.

Еттинчиси: ишларда улар билан маслаҳатлашиш.

Саккизинчиси: уларни мусулмонларнинг ишларидан бирон ишда мансабдор қилиш. Амирлик бўладими, хизматчиликми, котибликми, қандай иш бўлишидан қатъий назар, фарқсиз.

Тўққизинчиси: мўминларни қўйиб, уларни сирдош тутиш ва яқин олиш.

Ўнинчиси: Улар билан ҳамсуҳбат бўлиш, зиёрат ва борди-келди қилиш.

Ўн биринчиси: уларга очиқ чехра ва хушмуомала кўрсатиш.

Ўн иккинчиси: умумий суратда иззат-икром кўрсатиш.

Ўн учинчиси: уларни омонатли билиш, ваҳоланки Аллоҳ уларни хиёнатчи деди.

Ўн тўртинчиси: ишларида оз бўлса-да уларга ёрдам кўрсатиш, зулмларини ёзишлари учун қалам учлаб бериш, сиёҳ ҳозирлаб бериш каби.

Ўн бешинчиси: улардан маслаҳат олиш.

Ўн олтинчиси: уларнинг хоҳишларига эргашиш.

Ўн еттинчиси: улар билан дўстлашиш ва улфатлашиш.

Ўн саккизинчиси: уларнинг ишларига рози бўлиш, уларга ўхшашга ҳаракат қилиш, улар киядиган кийимларни кийиш.

Ўн тўққизинчиси: уларни улуғлайдиган лафзлар билан зикр қилиш, жаноб, ҳаким (донишманд) каби, зўравон ҳокимларни «жаноб фалончи» деб, табобат илмида машҳур бўлганларини «фалончи ҳаким» деб номлаш каби.

Йигирманчи: уларнинг диёрларида улар билан бирга яшаб туриш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким мушрик билан бирга бўлса ва у билан бирга яшаса, у ҳам у билан бир хилдир» (Абу Довуд ривояти)¹. Буни билган бўлсангиз, «Мужодала» сурасида айтилганидек, бу каби ишларни ўз қариндошлари билан қиладими ё бегоналар биланми, фарқсиздир.

Зоҳирда уларга ўхшашга уриниш ботинда уларни дўст тутиш ва яхши кўришни олиб келади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Зоҳирда ўхшашлик ботинда ҳам бир нав дўстлик, муҳаббатни келтириб чиқаради. Бу ҳис ва тажриба исботлаган ишдир»².

Кофирга зоҳиран муомала қилинади, қалбда унга нисбатан муҳаббат ва майл кўрсатилмайди, зоҳирда унга ўхшашга ҳам ҳаракат қилинмайди. Иймон Аллоҳ ва Расулини яхши кўрадиган кишиларни дўст тутиш ва яхши кўришни тақозо қилганидек, Аллоҳ ва Расулига душман бўлганларни душман тутишни ҳам вожиб қилади. Ким кофирларни дўст тутса, иймон вожибларидан бир вожибни тарк қилган бўлади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Иймон бўлиши учун қалбнинг Аллоҳ ва Расулини яхши кўриши ва Аллоҳ ва Расулининг душманларини ёмон кўриши зарурдир»³.

Фосиқларга нисбатан валоъ ва бароъ

Кофирларни ёмон кўриш вожиб бўлганидек, фосиқни ҳам фосиқлиги учун ёмон кўриш вожиб бўлади. Лекин, иймони миқдориغا қараб, унга нисбатан дўстлик ҳам бўлиши лозим бўлади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Барча турдаги тақводор бошлиқларни дўст тутиш ва барча турдаги кофиру мунофиқ бошлиқларни ёмон кўриш вожиб. Мусулмон фосиқни иймони миқдориغا қараб дўст тугилади, фосиқлиги миқдориغا қараб ёмон кўрилади»⁴.

Демак, мўмин киши Аллоҳ ва Расулига душман бўлганларни душман тутиши ва ёмон кўриши вожиб бўлади. Аммо, бу унга насиҳат қилиш ва уни ҳаққа даъват қилишдан ман қилмайди. Мўмин киши

¹ Сунан Аби Довуд: 3/93, №2778, Самура розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

² Ад-дурарус-санийя: 8/154.

³ Ал-фатава: 7/147.

⁴ Ал-фатава: 28/578.

Аллоҳнинг дўстларини яхши кўради, яхши ишларда улар билан ҳамкорлик қилади, Аллоҳнинг душманларини эса ҳатто Аллоҳга даъват қилаётган чоғида ҳам ёмон кўради ва Аллоҳ учун душман тутати. Ким Аллоҳ ёмон кўрадиган кимсаларни Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ унинг ўрнига ундан бошқага бўлган жуда катта муҳаббатни эваз қилиб беради. Иброҳим алайҳиссалом отаси ва қавмини кофир бўлганлари сабабли тарк қилган эди, Аллоҳ аввал Исмоил, кейин эса Исҳоқ билан унинг кўзини қувонтирди, Иброҳим алайҳиссаломдан кейин келган барча пайғамбарлар у кишининг зурриётидан бўлди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва Улар Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларидан четлангач, Биз унга (фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик»** (Марям: 49).

Билингки, Аллоҳ сизни Ўз тоатига йўлласин, Иброҳим миллати бўлмиш ханифийя – Аллоҳга динни Унинг ўзига холис қилган ҳолда ибодат қилишдир. Аллоҳ барча одамларни шунга буюрган ва уларни шунинг учун яратгандир. Аллоҳ таоло айтганидек: «Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зарият: 56). «Ибодат қилишлари» маъноси «тавҳидни рўёбга чиқаришлари» деганидир.

Мусанниф раҳимахуллоҳ деди: **«Билингки, Аллоҳ сизни Ўз тоатига йўлласин...»** яъни, муваффақ қилсин ва ҳидоят қилсин. Тоатга йўллаб қўйишини сўраб дуо қилиш энг яхши ва энг мукаммал дуодир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳуга: **«Эй Алий, «Эй Аллоҳ, мени ҳидоят қилгин ва тўғрилагин»** деб айтинг, ҳидоят деганда (тўғри) йўлга йўллашини, тўғрилиқ деганда (камон) ўқидек тўғрилашини ёдда тутинг», деганлар (Муслим ривояти)¹. Банда Аллоҳнинг тоатига эришса, барча яхшиликка эришган бўлади.

Ханифийя нима?

«Иброҳим миллати бўлмиш ханифийя – Аллоҳга динни Унинг ўзига холис қилган ҳолда ибодат қилишдир...» Яхшиликни қўлга киритиш учун, шуни яхши билингки, **ханифийя** – ибодатда Аллоҳни ёлғизлашдир. Бу эса Аллоҳга динни холис қилган ҳолда, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилиш, ибодат турларидан ҳеч бирини Аллоҳдан бошқасига буриб юбормаслик билан ҳосил бўлади. Ким шундай қилса, у пайғамбарлар изига эргашувчи ханифий муслим бўлади.

Ханиф – мойил бўлиш ва бурилиш маъносидаги «ҳанаф» сўзидан олингандир. Ханиф – тавҳидни қасд қилиб, ширкдан бурилган одам

¹ Саҳиҳ Муслим: №2725.

демакдир. Ҳаниф – Исломни маҳкам тутган ва унда барқарор, Аллоҳга иқбол қилган ва Ундан бошқасидан юз ўгирган кишидир. Иброҳим алайҳиссалом динида бўлган ҳар бир киши ҳанифдир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳаниф дин – Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига иқбол қилиш ва Ундан бошқа ҳар қандай (илоҳлар)дан юз ўгиришдир»¹.

Ҳанифийя – ҳанифлар имоми бўлмиш Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати-дини дир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоат қилувчи, ҳақ йўлдан тойилмаган бир пешво-имом эди. У мушриклардан эмас эди»** (Наҳл: 120). У барча пайғамбарларнинг ҳам миллати ва динидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Сўнгра (Биз, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга ҳақ йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик»** (Наҳл: 123). Иброҳим алайҳиссаломдан кейин келган ҳар бир пайғамбар унинг наслидан бўлди. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **«Оталарингиз Иброҳимнинг миллати»** деди (Ҳаж: 78), у пайғамбарлар отасидир, барча пайғамбарларнинг дини эса Исломдир. Аллоҳ азза ва жалла деди: **«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир»** (Оли Имрон: 19). Исломдан бошқа ҳар қандай дин ботилдир. Аллоҳ таоло деди: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир»** (Оли Имрон: 85).

Ҳанифлар дини – ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиш, уни ягона деб билиш, динни, яъни ибодатни Унга холис қилиш, бошқа ҳар қандай олиҳа ва маъбудаларга сиғинишдан покланиш ва уларни ботил деб эътиқод қилишдир. Пайғамбарлар шунга буюрилганлар. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобан айтади: **«Айтинг: «Дарҳақиқат мен Аллоҳга У зот учун динимни холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман»** (Зумар: 11). Ҳамма одамлар ҳам шунга буюрилгандир. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир»** (Баййина: 5).

Дунёда ҳам, охиратда ҳам кишининг солиҳлиги фақат тавҳид ва ихлос билан ҳосил бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: **«Қалбга тавҳиддан ва динни Аллоҳга холис қилишдан кўра фойдалироқ нарса йўқ, унга ширкдан кўра зарарлироқ нарса ҳам йўқ»**².

Барча одамларга фарз бўлган иш

¹ Ал-фатава: 9/319.

² Ал-фатава: 10/652.

«Аллоҳ барча одамларни шунга буюрган...» Яъни, эркагу аёлни холис Унга ибодат қилишга буюрган.

«Ва уларни шунинг учун яратгандир...» Яъни, Иброҳим миллати бўлмиш ханифийяда бўлиш учун яратган, бу эса ибодатни ёлғиз Аллоҳга холис қилиш билан бўлади.

«Аллоҳ таоло айтганидек: «Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим..» Яъни, Мен уларни ўзимга ибодат қилишга буюриш учун яратдим, уларга мухтожлигим учун эмас.

«Ибодат қилишлари» маъноси «тавҳидни рўёбга чиқаришлари» деганидир...» Бу эса Аллоҳни ёлғиз билиш ва қалбнинг барча амаллардаги қасдини фақат Аллоҳ сари буриш билан бўлади.

Гарчи, бошқа барча махлуқотлар лаззатланадиган нарсалар бекаму кўст ҳосил бўлганда ҳам, қалб фақат Аллоҳга холис ибодат қилиш билангина тузалади, нажот топади, хотиржам ва хуш бўлади. Қачон банданинг Аллоҳга динни холис қилиши кучайса, шунда унинг бандалиги ва халқлардан беҳожатлиги комил бўлади. Аллоҳга ибодати эса Унга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилиш билан бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ким оламнинг аҳволи ҳақида фикр юритса, ер юзидаги барча яхшиликнинг сабаби фақат Аллоҳни ёлғиз билиш, Унга ибодат қилиш ва Унинг расулига итоат қилишда, оламдаги барча ёмонлик, фитна, бало, қаҳатчилик, душманларга мағлуб бўлиш кабиларнинг сабаби эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳолиф бўлиш ва Аллоҳдан бошқага даъват қилишда эканини топади. Ким бу ишни ҳақиқий тафаккур қилса, иш ўз нафсида ҳам, бошқада ҳам, умуман ва хусусан шундай эканини топади»¹. Қалб қачон Аллоҳни ягона хожа деб билиб, фақат Унгагина ибодат қилганида ва Ундангина мадад тилайдиган бўлганда ва фақат Унгагина таваккул қилгандагина халқлардан беҳожат бўлади.

Аллоҳ буюрган энг буюк нарса тавҳиддир, у ибодатда Аллоҳни ёлғизлашдир.

Самодан келган энг буюк амр

«Аллоҳ буюрган энг буюк нарса тавҳиддир...» Аллоҳ Ўзининг Китобида буюрган ва Аллоҳнинг Пайғамбарлари ўз умматларига буюрган нарса динни Аллоҳнинг Ўзига холис қилиш билан Унинг тавҳидини рўёбга чиқаришдир. Аллоҳ бандаларига билиш ва амал қилишни фарз қилган энг катта фарз шудир. Шу туфайли пайғамбарлар юборилди, китоблар нозил қилинди, шу билан гуноҳларга каффорат бўлади ва жаннатга сазовор бўлинади, шу

¹ Ал-фатава: 15/25.

биландўзахдан нажот топилади. Ким бу улкан амрга бўйсунмаса, унинг ҳеч бир амали Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади: «(Зотан) **Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз**» (Фурқон: 23).

Тавҳиднинг аҳамияти

Тавҳид ғоят аҳамиятли бўлганидан Қуръоннинг ҳаммаси уни ўз ичига олди. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қуръоннинг жуда кўп суралари, балки Қуръондаги ҳар битта сура тавҳиднинг иккала турини ўз ичига олган. Балки, биз умумий суратда айта оламизки, Қуръондаги ҳар бир оят тавҳидни ўз ичига олган, унга шохид ва унга чақирувчидир. Зеро, Қуръон ё Аллоҳ ҳақида ва Унинг исмлари, сифатлари, феъллари тўғрисида хабар беришдир, бу эса илмий хабарий тавҳиддир. Ё эса у (Қуръон) ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилишга чақириш ва Ундан бошқа ҳар қандай нарсага сиғинишдан қайтаришдир, бу эса иродий талабий тавҳиддир. Ё эса амр, наҳий, Унинг буйруқ ва қайтариқларига итоатни лозим қилишдир, бу эса тавҳиднинг ҳақ-ҳуқуқлари ва тўлдирувчиларидир. Ё эса Аллоҳ таолонинг тавҳид ва тоат аҳлига бўлган каромати, уларга дунёда берган ва охиратда беражак иззат-икромларидан хабар беришдир, бу эса тавҳиднинг мукофотидир. Ё эса ширк аҳли ва уларга дунёда бўлган ва охиратда бўлажак жазолар ҳақида хабар беришдир, бу эса тавҳиддан юз ўгирган кимсалар жазоси ҳақидаги хабардир. Хуллас, Қуръоннинг ҳаммаси тавҳид, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва унга берилажак жазо-мукофотларни, шунингдек ширк ва мушриклар, уларга берилажак жазоларни ўз ичига олган. «Алҳамду лиллаҳ» тавҳиддир, «Роббил алабийн» тавҳиддир, «Ар-роҳманир-роҳийм» тавҳиддир, «Малики явмиддийн» тавҳиддир, «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн» тавҳиддир»¹.

Тавҳиднинг қисмлари

Тавҳид диннинг ҳаммаси унинг устига бино қилинадиган асл-асосдир. У дилнинг очилиши сабабидир, у толибларнинг интиладиган жойи, қочувчиларнинг қочиб борадиган ўрни, у ғамга ботганлар учун нажот, қайғуга чўмганлар учун мададдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Дунё машаққатларини тавҳидга тенг келарли бирон нарса билан даф қилинмаган. Шунинг учун ғамга ботган киши ўқийдиган дуо тавҳид биландир, Зуннуннинг ғамга ботган киши ўқиса албатта Аллоҳ унинг ғамини аритадиган дуоси тавҳид биландир. Энг катта ғамга отадиган нарса ширкдир, ундан фақат тавҳидгина қутқаради. У халқларнинг паноҳ ўрни, қўрғони ва ёрдамчисидир»².

¹ Мадарижус-саликийн: 3/449.

² Ал-фаваид: 95-с.

Пайғамбарлар ва қавмлари ўртасида у туфайли низо содир бўлган тавҳид улуҳият тавҳидидир. Унинг таърифи шуки, «**у ибодатда Аллоҳни ёлғизлашдир...**» Яъни, қурбонлик қилиш, назр қилиш, дуо қилиш ва бошқа барча ибодат турларида ибодатни Аллоҳдан бошқага буриш мумкин эмасдир.

Тавҳид уч қисмга бўлинади:

- 1) Рубубият тавҳиди, яъни Аллоҳни феълларида ёлғиз деб билиш.
- 2) Улуҳият тавҳиди, яъни Аллоҳни бандаларнинг феъллари билан ёлғизлаш.
- 3) Исмлар ва сифатлар тавҳиди, яъни Аллоҳни У китобида Ўзини сифатлаган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни сифатлаган сифатлар билан ҳеч қандай таҳрифсиз, таътилсиз, тақйифсиз ва тамсилсиз сифатлаш.

Тавҳиднинг мазкур учала қисмини тўла рўёбга чиқарган киши ҳақиқий муваҳҳид (тавҳид аҳлидан) бўлади.

У қайтарган энг катта нарса ширкдир, у Аллоҳ билан бирга бошқасига ҳам дуо қилишдир. Далил Аллоҳнинг қуйидаги сўзидир: «Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари!» (Нисо: 36).

Ер юзидаги энг катта гуноҳ

Банда билмоғи лозимки, Аллоҳ таоло Китобида қайтарган энг катта нарса, шунингдек пайғамбарлар ҳам ундан қайтарган энг катта нарса ширкдир. Ширк ибодат турларидан бирон нарсани Аллоҳдан бошқага буришдир.

Аллоҳга ширк келтириш одам ўлдиришдан, қароқчилик қилишдан, ўғирлик қилишдан оғирроқ гуноҳдир. У ер юзидаги энг катта фасоддир. Бандаларнинг нажоти фақат Аллоҳнинг тавҳиди ва ибодатда Уни ёлғизлаш биландир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Қисқаси, ширк ва Аллоҳдан бошқага дуо-ибодат қилиш, Ундан бошқани маъбуд қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқани раҳбар ва сарвар деб қабул қилиш ер юзидаги энг катта фасоддир. Ер юзи аҳлининг салоҳи фақат ягона Аллоҳни маъбуд деб билиш, фақат Унинг Ўзига дуо-ибодат қилиш ва фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва итоат қилишдадир¹»

Аллоҳга исён қилинган энг катта гуноҳ ширкдир. Аллоҳ субҳанаху ва таоло деди: «**Зеро, ширк келтириш катта зулмдир**» (Лукмон: 13).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Энг улкан гуноҳ нима?», деб сўралганида у зот: «Аллоҳга бошқа бировни тенг билиб ибодат қилишинг, ҳолбуки У сени яратган», деганлар (Муттафақун алайҳ)².

¹ Ал-фатава: 15/24.

² Бухорий: №4207, Муслим: №86, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхундан ривоят қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга энг катта гуноҳларни айтиб берайми?» деб уч бор такрорладилар. Биз: «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедик. «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш», дедилар (Муттафақун алайҳ)¹.

Ширк рубубиятни вайрон қилиш, улуҳиятни нуқсонли қилиш, оламлар Парвардигорига ёмон гумон қилишдир. У энг қабиҳ гуноҳдир. Чунки, у ноқис махлуқни барча сифатларида комил Холиқ билан тенглаштиришдир. Улуҳият тавҳидида ширк келтирган кимса гарчи рубубият тавҳидига иқрор бўлса ҳам, барибир мушрик саналади. Фаразан, бир киши рубубият тавҳидига тўла иқрор бўлгани ҳолда, қабрга бориб, унинг соҳибига дуо-илтижо қилса ёки унга атаб қурбонлик қилса, у одам катта ширкка ботган бўлади.

Ширкнинг таърифи

Ширкнинг таърифи шуки, «у **Аллоҳ билан бирга бошқасига ҳам дуо қилишдир**». Яъни, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло билан бирга яна бошқа бировдан ҳожатини талаб қилиш, ўзи билан Аллоҳ ўртасида валий бўлсин, қабр бўлсин, кимдир бировни воситачи қилиш, унга дуо қилиш, юзланиш ва ундан мадад тилаш ва бошқа ибодат турларини адо қилиш. Истасангиз айтингки, ширк – Аллоҳнинг хусусиятларидан бўлган нарсаларда Аллоҳдан бошқани Унга тенг қилишдир.

Ширк устида ўлган киши дўзахга тушишга лойиқ бўлади ва жаннатдан маҳрум бўлади. Аллоҳ азза ва жалла деди: «**Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас**» (Моид: 72).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга киради», деганлар (Бухорий ривояти)².

Аллоҳ таоло буюрган энг катта иш тавҳид ва Аллоҳ таоло қайтарган энг катта иш ширк эканига далил Аллоҳнинг қуйидаги сўзларидир: «**Аллоҳга бандалик қилинглар** – яъни, ибодатда Аллоҳ жалла ва алони ёлғизланглар – **ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар!**», Унга ширкнинг на озида, на кўпида шериклар, тенглар, ўхшашлар қилманглар, ширкдан ва унга олиб келувчи восита ва сабаблардан ҳазир бўлинглар.

Банда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бўлган иймонни рўёбга чиқариши ва бунинг зиддида шериклар ва ўхшашларни инкор қилиши лозим бўлади. Бандаларга буюрилган биринчи иш Унга ибодат қилиш ва ширк келтирмаслик буйруғи бўлди. Бандаларни қайтарилган биринчи иш бунинг зиддидан қайтариш бўлди. Кейин Аллоҳ таоло

¹ Бухорий: №5631, Муслим: №87, Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² №4227, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

бошқа вожибларни бунинг ортидан зикр қилди: «Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари! Отанонангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилинглари!» (Нисо: 36). Оятни тавҳид билан ва ширкдан қайтариш билан бошланиши тавҳиднинг нақадар буюклиги ва ширкнинг нақадар қабиҳлигига далил бўлади.

Агар сизга: «Инсон билиши вожиб бўлган учта асос нима?» дейилса, «Банда Парвардигорини, динини ва пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниши», деб жавоб беринг¹.

Билиш фарз бўлган уч асос

Ҳар бир эркак ва аёл мукаллаф учта буюк асосларни билиши фарздир. Улар банда қабирида биринчи сўраладиган нарсалар бўлиб, агар сўроқда собит туролса, нажот топувчилардан бўлади, агар мазкур асослар жавобида адашса, ҳалок бўлувчилардан бўлади.

«Агар сизга: «Инсон билиши фарз бўлган учта асос нима?» дейилса...» Яъни, ҳар бир мукаллаф (оқил ва болиғ инсон) билиши ва унинг тақозосига кўра амал қилиши фарз бўлган учта асос нима, деб сўралса, шундай деб жавоб беринг:

Биринчи асос: Банда Парвардигорини таниши. Бу асосларнинг асоси бўлиб, Унга онгли равишда ва ишонч билан ибодат қилишингиз учундир. Аллоҳ субҳонаху ва таолони У ўз китобида ва Пайғамбарининг тилида Ўзини сифатлаган ваҳдонияти, феъллари, исмлари ва сифатлари билан танийсиз.

Иккинчи асос: Банда у билан бандалик изҳор этадиган динини таниши. Бу (яъни, дин) эса Аллоҳ бизга қилишни фарз қилган ишларни қилиш ва тарк қилишни фарз қилган ишлардан тийилишдир.

Учинчи асос: Банда ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниши. Зотан, у зот рисолатни етказишда Аллоҳ билан бизнинг ўртамиздаги воситадирлар. Биз учун Аллоҳ таолонинг амр ва наҳийларини билишга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтиргандан бошқа йўл йўқдир.

Мусанниф раҳимахуллоҳ фойда мукаммалроқ бўлиши ва ўқувчининг қизиқишини ошириш учун ушбу уч асосни аввал мужмал-қисқача зикр қилади, сўнг қуйироқда уларни бирма-бир батафсил баён қилади. Чунки, аввал қисқача шаклда билса ва лафзларини пухта

¹ «Уч асос» рисоласининг бошланиши шу ердандир. Бундан олдинги гаплар аслида шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимахуллоҳнинг алоҳида рисоалари бўлиб, баъзи шогирдлари уларни «Уч асос» рисоласидан олдин унга муқаддима сифатида қўйганлар. Буни менга падаримиз ва шайх Солих ибн Ғусун раҳимахуллоҳлар айтиб берганлар.

ўзлаштириб олса, кейин унинг маъноларини кенгрок тушунишга иштиёқ пайдо бўлади.

Аҳамияти

Ушбу уч асос диннинг ҳаммасини ўзида жамлагандир. Парвардигоринг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким? Банда қабрида мана шу уч нарсадан сўралади. Уларга эътиқод қилмаган ва улар далолат қилган нарсаларга амал қилмаган ҳолда, ушбу саволлар жавобини куруқ билиб қўйиш бандани азобдан қутқариб қололмайди. Балки, уларни билиш, уларга эътиқод қилиш ва улар далолат қилган нарсаларга амал қилишгина уни қутқаради, банда шу билангина қабрида ушбу саволлар қаршисида собит тура олади. Ушбу уч асоснинг зикри Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда келган. У киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган эканлар: «Аллоҳни Парвардигор деб, Исломни дин деб, Муҳаммадни расул деб ихтиёр қилган киши иймон мазасини тотибди» (Муслим ривояти)¹. Ким мана шу уч асосни ихтиёр этса ва муаззин намозга азон айтган пайтида «Ашҳаду анна муҳаммадан росулуллох» деганидан сўнг ишонч билан уларни айтса, ўтган барча гуноҳлари мағфират қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: «Ким муаззиннинг (азон айтган овозини) эшитган пайт «ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ, розийту биллаҳи роббан ва бимуҳаммадин росулан ва бил-ислами дийнан» (яъни, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ, у ягонадир, шериги йўқдир ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман, Аллоҳни Парвардигор деб, Муҳаммадни пайғамбар деб, Исломни дин деб ихтиёр этдим) деб айтса, гуноҳи кечирилади» (Муслим ривояти)².

Шайх Абдуллатиф ибн Абдурраҳмон ибн Ҳасан раҳимаҳуллох айтади: «Ушбу учта асосга рози бўлиш диннинг марказий ўкидир, илм ва ишончга доир ҳақиқатлар унинг атрофида айланади»³.

Агар сизга: «Роббинг ким?», дейилса, айтингки: «Роббим Ўз неъматлари билан мени тарбия қилган ва бутун оламларни тарбия қилган Аллоҳдир, У менинг маъбудимдир, мен учун Ундан ўзга маъбуд йўқдир. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Ҳамду сано бутун оламлар Робби Аллоҳ учундир» (Фотиҳа: 1). Аллоҳдан бошқа ҳар бир нарса оламдир, мен ҳам шу оламнинг бириман».

¹ №34, Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анху ривоят қилинган.

² №386, Саъд ибн Аби Ваккас розияллоху анху ривоят қилинган.

³ Ад-дурарус-санийя: 8/355.

Биринчи асос: Банда ўз Парвардигорини таниши

Шундан сўнг мусанниф раҳимаҳуллоҳ мазкур учта асосни бирма-бир батафсил баён қилишга ўтади ва аввал биринчи асосни баён қилишдан бошлайди. Биринчи асос – банда ўз Парвардигорини танишидир. Мусанниф айтади:

«Агар сизга: «Роббинг ким?», дейилса...» Яъни, сиздан: «Парвардигоринг, маъбудинг, яратувчинг, ризқ берувчинг ким?» деб сўралса..

«Айтингки: «Роббим Аллоҳдир...» Парвардигорим ва маъбудим Аллоҳдир, мен Ундан ўзгасига ибодат қилмайман, ибодат турларидан ҳеч бирини Ундан бошқасига бурмайман, руку ва сажда қилишим, қурбонлик қилишими, назр қилишим, тавоф қилишим фақат Аллоҳ учундир, мен қандай қилиб Унга кофир бўлай, Ундан ўзгасига сиғинай?!

Ахир У **«Ўз неъматлари билан мени тарбия қилган...»** У мени йўқдан бор қилган ва мени зоҳирий ва ботиний неъматлари билан тарбия қилган, ғам-қайғуларимни аритган, менга мўл-кўл неъматлар ато этган, устимга кўп яхшиликлар ёғдирган. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар»** (Наҳл: 18).

У нафақат мени, балки **«бутун оламларни тарбия қилгандир...»**, уларга Ўзининг улкан неъматларини ёғдиргандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтганидек: **«Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир»** (Худ: 6). Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Роб – тарбия қилувчи, яратувчи, ризқ берувчи, ёрдам берувчи, ҳидоят қилувчидир, бу исм (яъни Роб) сўраш ва мадад тилашга ҳақлироқ исмдир»¹. Дарҳақиқат, инсон устида у арзигулик ҳеч нарса саналмайдиган бўлган узун замонлар ва асрлар ўтган. Аллоҳ таоло айтади: **«Аниқки, инсоннинг устига замондан у тилга олгулик бир нарса бўлмаган вақт-муддат ҳам келгандир»** (Инсон: 1). Яъни, у мавжуд эмасди, балки йўқликда эди, сўнг Аллоҳ таоло уни йўқдан бор қилди, Унинг Ўзигагина ибодат қилиши учун унга ризқлар ато этди.

«У менинг маъбудимдир...», ибодатнинг барча турларини фақат унга бағишлайман.

«Мен учун Ундан ўзга маъбуд йўқдир...» Яъни, мен унга бўйин эгадиган ёки бошқа ибодат турларини унга бағишлайдиган Ундан бошқа маъбудим йўқдир. Роббим менга маъбудликка кифоядир, Угина ибодатга лойиқдир.

«Далил...» яъни, Аллоҳ таоло сизга ва барча халқларига мўл-кўл неъматларни ёғдирган эканига далил..

¹ Ал-фатава: 14/13.

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Ҳамду сано – яъни таъзимлаш, улуғлаш ва севиш билан бирга барча мақтовлар – бутун оламлар – яъни инсонлар, жинлар, фаришталар ва бошқа халқлар – Робби – яъни холиқи, розиқи, молиқи, бошқарувчиси – Аллоҳ – яъни барҳақ маъбуд – учундир» (Фотиҳа: 1).

«Аллоҳдан бошқа ҳар бир нарса оламдир...» Инсонлар бўлсин, жинлар бўлсин, тоғу тошлар ё дарахтлар бўлсин, бу борликдаги ҳамма нарса оламдир, ҳаммасининг яратувчиси Аллоҳдир. Олам деб аталишига сабаб, ўзининг яратувчиси, пайдо қилувчиси ва эгасига аломат-белгидир.

«Мен ҳам шу оламнинг бириман». Мен ҳам, сиз ҳам, барча махлуқотлар қаторида мана шу оламнинг ва мана шу улкан мавжудотнинг бир бўлагимиз. Барчамиз ҳожатларимизни ўташда, ғамларимизни аритишда Аллоҳга муҳтожмиз. У яратиш, ризқ бериш ва бошқаришда ягонадир. Ибодатга ҳам фақат ёлғиз Унинг ўзи лойиқдир. Ихлос калимасининг маъноси шудир.

Агар сизга: «Роббингни нима билан танидинг?», дейилса, айтингки: «Унинг оят-аломатлари ва махлуқотлари билан (танидим)». Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг оят-аломатларидан. Етти қават осмон, етти қават ер ҳамда улардагилар ва уларнинг ўртасидагилар Унинг оят-аломатларидан. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг (танҳолиги ва кудратига далолат қиладиган) оят-аломатларидандир. Агар сизлар (Аллоҳга) ибодат қилувчи бўлсанглар, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, (балки) уларни(нг барчасини) яратган зотга — Аллоҳга сажда қилинглар!» (Фуссилат: 37), ва қуйидаги сўзларидир: «Албатта Парвардигорингиз — Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршига ўрнашди. У кечани (қоронғуликни) кундузга ўрар (ва кеча кундузни) шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюкдир» (Аъроф: 54).

Улар билан Парвардигорингизни таниб оладиган далиллар

«Агар сизга: «Роббингни нима билан танидинг?», дейилса...» Яъни, ўзингиз ибодат қиладиган Парвардигорингиз ва Яратувчингизни нима далиллар ва аломатлар билан танидингиз, деб сўралса..

«Айтингки: «Унинг оят-аломатлари ва махлуқотлари билан (танидим)». Яъни, Ўзининг ваҳдониятига ҳамда рубубият ва улуҳиятда ягоналигига далил бўлувчи аломат ва белги қилиб қўйган аломатларидан танидим. Яна У йўқдан бор қилиб, Ўзига далил

бўлувчи аломат қилиб қўйган махлуқотлари орқали танидим. Борлиқдаги ҳар бир нарса, энг майда нарсаларгача Унинг ваҳдониятига далил бўлади.

(Шеър мазмуни:)

Коинотда битиб қўйилган сатрларни ўқи,

Улар сенга Буюк Подшоҳ юборган рисоалардир.

Агар ундаги битикларни ўқий олсанг,

«Билингки, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ботилдир» деб ёзилгандир.

Борлиқ ҳақида тафаккур қилиш иймонни зиёдалаштиради ва қалбни Аллоҳга боғлайди. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳнинг оят-аломатлари ва ажойиб санъатлари ҳақида тафаккур юритиш ва бу (оят-аломатлар) орқали қалбнинг Унга боғланишига ўтиб олиш нафаслар сарфланадиган энг яхши нарсадир...»¹.

Кеча-кундузнинг алмашилиб туриши ва бу иккисининг бир вақтда жамланмаслиги, балки доим бир-бирини қувиб юриши ва ўртада ҳеч қандай тўсиқ бўлмагани ҳолда бир-бирига ета олмаслиги, униси келганда буниси кетиши Унинг ваҳдониятига далолат қилувчи кўз билан кўринадиган оят-аломатларидандир.

Аллоҳнинг ягоналигига ва борлиқни бошқариб турувчи эканига далил бўлувчи оят-аломатлардан бири коинотнинг чироғи ва ёритқичи бўлган **қуёшдир**, яна бир аломат эса тун қоронғулигини ёритувчи **ойдир**. Бу иккиси халқларни ҳайратга солувчи, ўта ажиб аломат бўлиб, бири чиққанда иккинчиси ботади, бу иккисининг юрадиган йўли ҳақиқатан жуда ажабтовур, ўта пухта чизиб қўйилган, олдига ҳам ўтиб кетмайди, ортда ҳам қолмайди, бири иккинчисига етолмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: «**На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзувчидир**. (Қуёш, ой ва юлдузларнинг) **барчалари фалакда сузиб юрур**» (Ясин: 40). Ҳар иккиси Аллоҳ таоло ўзларига белгилаб берган йўналишдан чиқиб кетолмайди: «**Бу қудратли ва билувчи зотнинг тақдири — ўлчовидир**» (Ясин: 38). Қуёш ҳажми нақадар катта бўлишига қарамай, ботган пайтида Арш остига сажда қилади. Абу Зар розияллоҳу анҳу айтадилар: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кун ботар пайтида асҳобларига: «**Бу қуёш қаёққа кетишини биласизларми?**», дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчирок», дейишди. Шунда у зот дедилар: «**Албатта, у то ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра Аллоҳ жалла ва алога сажда қилиб йиқилади. То унга: «Кўтарил, келган ерингга қайт!**», дейилгунча шу ҳолда тураверади. Кейин чиқар жойидан — яъни, машриқидан — чиқади. Кейин то ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра Аллоҳ жалла ва алога сажда қилиб йиқилади. То унга: «Кўтарил, келган ерингга қайт!», дейилгунча шу ҳолда

¹ Мифтаху дарис-саъада: 1/221.

тураверади. Кейин чиқар жойидан чиқади. У мана шундай ҳолатда, одамлар ундан бирон нарсани инкор қилмаган (яъни, ғайри табиий санамаган) ҳолида давом этаверади. То (бир кун келиб, одатдагидек) яна юриб, ўша Арш остидаги ўз қароргоҳига боради. Шунда унга: «Кўтарил, ботиш тарафингдан чиқиб тонг оттир!», дейилади. Бас, у мағрибидан чиқиб келади».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ўша қачон бўлади, биласизларми? Бу ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайдиган пайтда бўлади», дедилар» (Муттафакун алайх)¹.

Охиратда қуёш ўралиб, нурсизланиб қолади. Ибн Жарир ат-Табарий раҳимахуллоҳ **Қуёш ўралиб қолганида»** (Таквир: 1) ояти тафсирида: «Яъни, бир-бирига ўраб қўйилади, шунда нуруни йўқотади», деганлар².

Етти қават осмон – ўзининг баландлиги ва кенглиги билан – **етти қат ер** – ўзининг кенг-бепоёнлиги билан – **Унинг улкан махлуқотларидандир.**

«Ҳамда улардагилар...» Яъни, етти осмонда порлаб турувчи юлдузлар ва ақлларни танг қолдирарли ажойиботлар ҳамда етти қат ер устидаги тоғу-тошлар, денгизу-дарёлар, анвои хил ҳайвонот ва наботот олами ва бошқа мавжудотлар..

«Ва уларнинг ўртасидагилар...» яъни, осмон ва ер оралиғида мавжуд бўлган ҳаво ва бошқа нарсалар, шунингдек само бағрида учиб, бир жойдан бошқа жойга боришлари, бир диёрда бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг хабарлари ҳаво орқали бошқа диёрларга тарқалиши кабилар **«Унинг оят-аломатларидан»**. Буюк Арш соҳиби бўлган Аллоҳни поклайман. Ҳар бир мусулмон киши Аллоҳнинг оят-аломатлари ҳақида тафаккур қилмоғи лозим. Ибн Жавзий ал-Моликий раҳимахуллоҳ айтади: «Тафаккур ҳар бир ҳол ва мақомнинг булоғидир. Ким Аллоҳнинг азамати-буюклиги ҳақида тафаккур қилса, ўзида таъзимни ҳосил қилади. Ким Унинг қудрати ҳақида тафаккур қилса, таваккулни ҳосил қилади. Ким Унинг азоби ҳақида тафаккур қилса, хавфни пайдо қилади. Ким Унинг раҳмати ҳақида тафаккур қилса, ражо-умидворлик касб қилади. Ким ўлим ва ундан кейинги ҳолатлар ҳақида тафаккур қилса, орзу-ҳавасларини камайтиради. Ким гуноҳлари ҳақида тафаккур қилса, кўркуви кучаяди ва ўз наздида нафси кичраяди»³.

«Далил...» яъни кеча ва кундуз ва ҳамда қуёш ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидан эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Кеча – ўз қоронғилигида бўлган манфаатлар ва унинг бағрида халқлар истироҳат этишлари билан – ва кундуз – ёруғлигидаги фойдалар билан ва

¹ Бухорий: №4802, Муслим: №159, Термизий: №3225.

² Тафсирут-Табарий: 30/65.

³ Ал-қованийнул-фикхийя: 284-с.

халқларни унда иш-амалга машғул бўлишлари билан, – бандаларнинг тирикликлари улар билан давом этадиган – **қуёш ва ой Унинг** – танҳолиги ва қудратига, истакларининг сўзсиз жорий бўлиши ва ҳокимиятининг бепоёнлигига ҳамда бандаларига бўлган раҳматининг кенглигига далолат қиладиган – **оят-аломатларидандир. Агар сизлар (Аллоҳга) ибодат қилувчи бўлсанглар, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, (балки) уларни(нг барчасини) яратган зотга — Аллоҳга сажда қилинглар!»** (Фуссилат: 37).

Етти қат осмон ва етти қат ер Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилувчи оят-аломатларидан эканига яна бир далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: **«Албатта Парвардигорингиз — Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва Ерни — ва улар ўртасидаги мавжудотни — олти кунда — якшанба кунидан жумъа кунигача — яратиб, — уларда Ўзи истаган ишларни қилганидан — сўнгга Ўзининг — етти осмону етти ердан кенгроқ бўлган — аршига — Ўзининг улуғлиги ва буюклигига мос равишда — ўрнашди. У кечани (қоронғуликни) кундузга ўрар — ва шунда ер юзини қоронғулик қоплаб олар ва кеча кундузни — шошилган ҳолда қувиб юрар...»**, тун келганида кун кетади ва кун келганида тун кетади, то қиёмат шу тарзда, бир-бирини бир хилда қувиб юраверади.

«У қуёш ва ойни ҳамда — собиту сайёр бўлган — юлдузларни Ўз амрига —илмига ва ҳикматига — бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, — барча махлуқотларни — яратиш ва — барча ҳукмларни ўзи ичига олувчи — буюриш — фақат Уникидир...»

«Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюқдир». Яъни, У бениҳоя баракотли-буюқдир. Аллоҳ таборака ва таоло буюқдир, У сифатлари улуғ ва комил бўлиши жиҳатидан Ўз нафсида буюқ бўлди, кўп яхшиликлар ато этиши ва мўл-кўл баракотлар ато этиши жиҳатидан бошқалар хусусида ҳам буюқдир, У субҳанаху ва таоло оламлар Роббидир, уларга Ўзининг мўл-кўл яхшиликлари ва фазлу-марҳаматларини инъом этувчи Зотдир.

Роб (парвардигор) — маъбуд демақдир. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни такво эгалари бўлишингиз учун яратган Роббингизга ибодат қилингиз. У зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг» (Бақара: 21-22). **Ибн Касир раҳимахуллоҳ деди: «Бу нарсаларни яратган Зотгина ибодатга сазовордир».**

Роб (парвардигор) Ўзигина ибодатга лойиқдир

Роб – етти осмон ва етти қат ер ва уларда ва улар орасида бўлган мана шундай буюк мавжудотларни яратган Зот моликдир, тасарруф қилувчи (бошқарувчи)дир, мутлақ комиллик сифатлари билан сифатланувчидир. Фақат мана шу Зотнинг **ёлғиз Ўзигина ибодатга сазовордир**, Ундан бошқа ҳамма Унга бандадир, ўзига ҳам на фойда, на зарар етказишга қодир бўлмаган заиф махлукдир.

Парвардигор таборака ва таолонинг ёлғиз Ўзи ибодатга сазовор эканига далил **Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:**

«Эй инсонлар..» Эркаку аёллар, ёшу қарилар..

«Сизларни яратган...» ва йўқдан бор қилган..

«Ва сизлардан илгари ўтганларни яратган...» Уларни ҳам Аллоҳ таоло йўқдан бор қилди.. Ўзининг бу улкан неъматларини сизларга эслатишидан мақсад шуки, У сизларни **«Тақво эгалари бўлишингиз учун яратган...»** Яъни Холиқингиздан кўрқувчи ва Унинг амру фармонларига бўйсинувчи, қайтариқларидан тийилувчи бўлишингиз учун яратган..

«Парвардигорингизга ибодат қилингиз..» Уни ибодатда танҳо билингиз. Зотан, У сизларга зоҳирий ва ботиний неъматларини ёғдирди.

«У зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди..» У ер юзини сизлар учун қийналмасдан, бемалол ҳаёт кечиришингизга ҳозирлаб, қароргоҳ қилди. Осмонни устингизга юлдузлар билан безатилган қубба ва том қилди, сизлар ўша юлдузлар ва белгилар воситасида қуруқлик ва сув зулматлари ичра ўзингизга йўл топасизлар. Ер сизларни кўтариб туради, осмон сизларга соябон бўлиб туради, сизлар бу иккисидан асло беҳожат эмассизлар.

«Ва осмондан – яъни, осмондаги булутлардан ширин ва тотли – сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга – покиза – ризқ бўлсин, деб – ва ушбу покиза ризқлардан фойдаланишингиз ва улар билан Аллоҳ таолонинг тоатига қувват олишингиз учун хурмо ва узумлар, экин-тикин ва ўсимликлар ва бошқа – мевалар чиқарди».

Ана шундай неъматларни ато этиб қўйган Зотнинг ёлғиз Ўзигина ибодатга сазовордир. Бас, шундай экан, Унга шукроналик бажо келтирингиз. **«Бас, –ибодатга Ундан бошқаси сазовор бўлмаслигини ва бундай қилиш ботиллигини – билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг»**, ўзгаларни ибодатда Унга шерик ва тенг қилманг. Қандай қилиб, ботиллигини билиб туриб, бошқаларни У зотга шерик қиласиз?! Бу Аллоҳ таолонинг ягоналиги ва ширкнинг ботиллигига энг ёрқин ақлий далилдир.

Ушбу оят Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга буюриш билан Ундан ўзгага сиғинишдан қайтариш ўртасини жамлади. Аллоҳ таоло бу оятда уларга ўзлари иқрор қилган ва билган рубубият тавҳидини улар инкор қилаётган улуҳият тавҳидига ҳужжат қилди. Чунки, Аллоҳ таоло кўпинча Ўз Китобида Ўзининг улуҳиятига доир тавҳидини

рубубиятига доир тавҳиди билан иқроор қилдиради. Зотан, рубубият тавҳиди улуҳият тавҳидига энг ёрқин далил ва энг кучли ҳужжатдир.

Тавҳидсиз ибодат қилиш ибодат саналмайди. Кимда-ким баъзида Аллоҳга ибодат қилиб, баъзида Унга бошқани шерик қилса, у Аллоҳга ибодат қилувчи бўлмайди. Бунга шуни далил қилиш мумкинки, Аллоҳ таоло қийинчилик ва машаққатлар пайтида ёлғиз Унга ибодат қиладиган, кемага минган пайтларда денгизларда тўлкинлар кўтарилган вақтда дод-фарёд қилиб, ёлғиз Унга илтижо қиладиган, бошларига ана шундай оғир иш тушган пайтда нариги олиҳалар ҳеч нарсага арзимас ва бир пулга қиммат эканини биладиган кишиларни зикр қилган пайтида уларни мушриклар деб атади. Балки, уларнинг ана шу қилган ибодатларини умуман рад қилди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Қачон улар кемага минсалар (ғарқ бўлишдан кўрқиб) Аллоҳга чин ихлос билан дуо-илтижо қилурлар. Энди қачонки (Аллоҳ) уларга нажот бериб қуруқликка (чиқаргач), баногоҳ улар (Аллоҳга) ширк келтирурлар!»** (Анкабут: 65). Тавҳид қачон барча ибодат турларини Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига қилингандагина тавҳид деб аталади. Ким Унга у буюрган барча ишларда итоат қилса ва ушбу ишлардан биронтасини Ундан бошқасига бурмаса, шундагина тавҳид аҳлидан бўлади, бўлмасам йўқ.

«Ибн Касир – Абул-Фидо Исмоил ибн Амр – раҳимаҳуллоҳ деди: «Бу нарсаларни яратган Зотгина ибодатга сазовордир»¹. Яъни, еру осмонни ва бу иккиси ўртасида бўлган барча ноз-неъматларни, инсонлар ва бошқа мавжудотни йўқдан бор қилган Яратувчининг ўзигина ибодат қилинишга сазовордир. Ундан бошқа ҳамма заиф махлукдир, ибодатга сазовор эмасдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло деди: **«(Эй мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса пўстлоқча нарсага ҳам эга эмасдирлар. Агар сизлар уларни чорласангизлар, дуоларингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да, сизларга жавоб қила олмаслар ва қиёмат кунда уларни (Аллоҳга) шерик қилиб олганларингизни инкор қилурлар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дунё-ю, охират ҳақида ҳеч ким) сизга хабардор зот (яъни Аллоҳ) каби хабар бера олмас»** (Фотир: 13,14).

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ деди: «Фойда ва зарар етказишга қодир бўлган зотгина ҳақиқий маъбуддир. Маъбуд фойда ва зарар етказишга эга (қодир) бўлиши зарурдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўзидан бошқага ибодат қилувчиларнинг фойда ва зарар етказишга эга бўлмаган нарсаларга сиғинишини инкор қилди»².

Аллоҳ таоло буюрган Ислом, иймон, эҳсон каби ибодат турлари, яна дуо, хавф, ражо (умидворлик), таваккул, рағбат, раҳбат, хушув, кўрқув, инобат (тавба қилиш), истиёна (ёрдам сўраш),

¹ Ибн Касир: Тафсирул-куръанил-азийм: 1/88.

² Бадаиъул-фаваид: 3/1.

истиъоза (паноҳ тилаш), истиғоса (мадад тилаш), бўғизлаш, назр қилиш ва бошқа шу каби Аллоҳ буюрган ибодат турларининг ҳаммаси Аллоҳ таолога хосдир. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!» (Жин: 18).

Ибодатларнинг ҳар турли бўлиши фазли

Аллоҳ таоло бандалари учун улар Унга қурбат ҳосил қиладиган ҳар турли ибодатларни машруъ қилиб қўйганлиги Унинг бандаларга бўлган фазлу марҳаматидан бўлди. Чунки, киши жаннатга ўша ибодатларнинг қай бири сабабли киришини билмайди. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Кимнинг бу дунёда маҳбуб ва марзий (Аллоҳ рози бўладиган) амалларининг тури кўп бўлса, у дунёда шу туфайли топадиган лаззатлари ҳам ҳар турли ва бу ердаги амалларининг турига қараб кўп бўлади. У (лаззат)ларнинг турли-туман бўлиши ва улар билан лаззатланиб, қувнаши бу дунёдаги амалларининг кўплиги ва турли-туман бўлиши микдорига қараб бўлади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ўзига суюкли ва суюксиз амаллардан ҳар бир амал учун ўзига хос ва бошқасининг асар ва жазо-мукофотиға ўхшамайдиган асар, жазо-мукофот, лаззат ва аламларни қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам жаннат аҳлининг лаззатлари ва жаҳаннам аҳлининг аламлари ҳар турли бўлди, иккаласида бор бўлган ноз-неъмат ва азоб-уқубатлар ҳам хилма-хил бўлди. Аллоҳ рози бўладиган ҳамма ишларга қўл урган ва ҳар биридан улушдор бўлган кишининг лаззати улардан фақат бир турини қилган ва ўшандангина улушдор бўлган кишининг лаззатидек эмасдир. Шунингдек, Аллоҳ ёмон кўрадиган ҳамма ишларга қўл урган ва ҳаммасидан насибадор бўлган кишининг азоби У ёмон кўрадиган ишлардан биргинасидан улушдор бўлган кишининг азобича бўлмайди»¹.

Банданинг Аллоҳга бўлган убудияти-бандалиги қанча зиёда бўлса, унинг Аллоҳ ҳузуридаги даражаси ҳам шунча олий бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Махлуқнинг камоли унинг Аллоҳга бўлган убудиятини рўёбга чиқаришидадир. Банданинг убудияти нақадар зиёдалашгани сари унинг камоли зиёдалашади ва даражаси олий бўлади»².

Ибодатларнинг энг улуғ навлари

Муаллиф ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилиш фарз эканини баён қилиб ўтганидан сўнг энди ибодат турларидан баъзиларини зикр қилади:

¹ Ижтимаъул-жуюшил-исламия: 77-с.

² Ал-фатава: 10/176.

«Аллоҳ буюрган ибодат турлари...» Яъни, Аллоҳ таоло бандаларига буюрган ва шу билан уларни банда деб санаган ибодат турлари кўп ва хилма-хил бўлиб, мусанниф раҳимахуллоҳ улардан ўн етти турини мисол тариқасида келтиради:

«Ислом, иймон, эҳсон каби ибодат турлари...» Бу учала ибодат диндаги мартаба-даражаларнинг энг олийси ва ибодат турлари ичида энг муҳимларидир. Шунинг учун мусанниф энг аввал шуларни келтирди. Ислом ўзининг намоз, рўза каби рукнлари билан ибодатдир. Иймон ҳам Аллоҳга, малоикаларига, китобларига, пайғамбарларига иймон келтириш ҳамда қадарнинг яхши ва ёмонига ишониш билан ибодатдир. Шунингдек, хавф, муҳаббат, умидворлик каби қалбга тааллуқли ишлар барчаси ибодатга дохилдир, балки ибодатнинг энг олий ва энг улуғ турларидандир. Ислом мартабаси дин доиралари ичида энг кенгидир. Ундан кейин Иймон мартабаси келади, у Ислом доирасидан кўра торроқдир. Дин доиралари ичида энг тор бўлгани эҳсон мартабасидир. Аллоҳнинг жуда кам бандалари ушбу эҳсон доирасига дохил бўла олади. У фақат Аллоҳ танлаган бандаларгина эришадиган энг олий ва энг пок мартабадир. Шайхулислам раҳимахуллоҳ айтади: «Қалб ҳолатлари ва амаллари, масалан Аллоҳ ва Расулиниг муҳаббати, Аллоҳдан кўрқув, Унга таваккул қилиш, Унинг ҳикматларига сабр қилиш, Унга шукр бажо келтириш, Унга тавба ва инобат қилиш, Унга амални ихлос билан қилиш каби одамлар бир-бирларидан тафовутли бўладиган амаллар борки, уларнинг қадри-ўлчовини Аллоҳ азза ва жалладан ўзга ҳеч ким билмайди»¹.

Ибодат турлари

«Яна...» Аллоҳ таоло буюрган ибодат турларидан яна баъзилари..

«Дуо (яъни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ҳожатларни сўраш), **хавф** (Ундангина кўрқиш), **ражо** (яъни, умидворлик, Аллоҳ ҳузуридаги ажру савоблардан умид қилиш), **таваккул** (яъни, Унга таваккул қилиш ва ишларини Унга топшириш), **рағбат** (Аллоҳ ҳузуридаги нарсаларга қизиқиш ва интилиш), **рахбат** (Аллоҳнинг азобидан кўрқиш), **хушӯ** (ҳокисорлик), **кўрқув**, **инобат** (Унга қайтиш, тавба қилиш), **истиъона** (ёрдам сўраш), **истиъоза** (паноҳ тилаш), **истиғоса** (мадад тилаш), **бўғизлаш**, **назр қилиш..»**

«Ва бошқа шу каби Аллоҳ буюрган ибодат турларининг ҳаммаси...» Масалан, ота-онага яхшилик қилиш, силаи раҳм қилиш, меҳмонни иззат-икром қилиш, ҳусни хулқ каби Аллоҳ суядиган ва рози бўладиган зоҳирий ҳамда ботиний сўз ва амаллар ҳаммаси ибодатдир. Шайхулислам раҳимахуллоҳ айтганидек: «Ибодат – Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган ботиний ва зоҳирий барча сўз ва амалларни ўз ичига олувчи жомий бир исмдир»². Ибодат тоат

¹ Ал-фатава: 7/409.

² Ал-фатава: 10/149.

турларининг ҳаммасини ўз ичига олади, комил муҳаббат, комил таъзимлаш, комил умид қилиш ва қўрқиш унинг зимнига киради. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Убудият тўла-тўқис хорлик ҳолатидаги тўла-тўқис муҳаббатни ҳамда маҳбубни рози қиладиган ишлар ва унинг буйруқларига камоли бўйсунити жамлайди. У ундан юқорида ғоя бўлмаган энг юқори ғоядир»¹.

«Аллоҳ таолога хосдир...» Яъни ибодатнинг барча турлари Аллоҳ таолога хос бўлиб, улардан бирортасини ҳам Аллоҳдан бошқага қилиш тўғри эмас.

«Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!» (Жин: 18)». Яъни, намоз ўқиладиган жойлар ёки сажда аъзолари ҳаммаси Аллоҳникидир, уларда ёки улар билан Аллоҳдан бошқага дуо-ибодат қилманглар ва ким бўлишидан қатъий назар, ҳеч кимни Унга ширк келтирманглар. Зеро, ернинг ҳаммаси ёлғиз Аллоҳнинг мулкидир, шундай экан, унинг юзида ибодатни фақат Аллоҳга қилинглар.

Ким бу ибодатлардан биронтасини Аллоҳдан бошқага бурса, у мушрик ва кофир бўлади. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилса, бас унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур. Албатта кофир бўлган кимсалар нажот топмаслар» (Муъминун: 117).

Ибодатлардан бирортасини Аллоҳдан бошқага бурган кишининг ҳукми

«Ким бу ибодатлардан биронтасини Аллоҳдан бошқага бурса...» Яъни, мусанниф санаб ўтган ё улардан бошқа ибодатлардан бирон бир турини Аллоҳдан бошқага қилса, мисол учун, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қодир бўлмайдиган ишларда ҳозир бўлиб турган бирон кишидан ёки ўликлардан, ғойиблардан, бут-санам ё дарахту тошлардан дуо-илтижо қилиб сўраса, ё улардан умидвор бўлса ё қўрқса ё ҳожатларини бароридан келтиришини ё ғамларини аритишини тиласа..

«У мушрик ва кофир бўлади...» яъни, катта ширк ва диндан чиқарадиган куфр ишни қилган бўлади. Шайхулислам раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мусулмонлар Ислам динидан ўзлари аниқ билган нарсага кўра иттифоқ қилганларки, банда Аллоҳдан бошқасига ибодат қилиши, дуо қилиши, мадад сўраши, таваккул қилиши жоиз бўлмайди, ким муқарраб фариштага ё (Аллоҳ тарафидан) юборилган пайғамбарга сиғинса ё унга дуо қилса ё ундан мадад сўраса, у мушрик бўлади»².

¹ Мадарижус-саликийн: 3/441.

² Ал-фатава: 3/272.

Ширк билан куфр ўртасидаги фарқ шуки, куфр омрокдир. Ҳар бир мушрик кофирдир, акси эмас. Ким қабрни тавоф қилса ё Аллоҳни қўйиб, унга дуо қилса, у мушрикдир ва кофир деб аталади. Ким диндан бирон нарсани масхара қилса, у кофирдир, лекин мушрик деб аталмайди. Чунки, у бу борада Аллоҳга биронтасини шерик қилмади, балки унинг масхара қилиши куфрдир. Аммо, охиратда кофир ва мушрикнинг борар жойи бирдир, иккиси ҳам дўзахда абадий қолишади, Аллоҳ сақласин. Аллоҳ таоло кофир ҳақида бундай деди: **«Албатта Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун ўтнинг тайёраб қўйди»** (Ахзоб: 64). Мушрик ҳақида эса бундай деди: **«Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас»** (Моид: 72).

Унинг кофир бўлишига далил

«Далил...» Яъни, ибодатлардан биронтасини Аллоҳдан бошқага бурган кимсанинг кофир ва мушрик бўлишига далил **«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:**

«Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилса...» Яъни, ким ибодат турларидан биронтасини Аллоҳдан бошқага қилишга ҳеч қандай далили бўлмаган ҳолда Аллоҳдан бошқага қилса, масалан, Аллоҳдан бошқага, яъни ўликларга ё бут-санамларга ё тошларга ё бошқага дуо-илтижо қилса.. «Далили бўлмаган ҳолда» деган сўздан Аллоҳдан бошқаларга далил-ҳужжати бўлган ҳолда сиғинадиган кишилар ҳам бўлар экан-да, деган маъно тушунилмайди. Балки, буни бирон кишининг ҳам ширкни даъво қилишга ҳеч қандай ҳужжат-далили бўлмаслигини таъкидлаш учун келтирилди. Уларнинг ибодатлари далил билан эмас, балки хоҳиш-ҳаво ва залолат билан қилингандир. Ким шундай қилса, Аллоҳ таолонинг қуйидаги ваъдига (яъни азоб билан огоҳлантиришига) лойиқ бўлади: **«бас унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур...»**. Бу эса қиёмат кунда уни абадий дўзахга ташлаш билан бўлади.

«Албатта кофир бўлган кимсалар нажот топмаслар». Улар дунёда ҳам, охиратда ҳам нажот топмайдилар, улар Ислом миллатидан чиққан кофирлардир. Ушбу оятда Аллоҳ билан бирга бошқага дуо-илтижо қилувчи кимсанинг кофир бўлишига очиқ далил бордир, дуо қилинувчи фаришта бўладими, пайғамбарми, қабрми ё бошқами, фарқсиздир.

Ҳадисда: «Дуо ибодатнинг мағзидир» (дейилган), далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир: «Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглр. Мен сизларга (қилган дуоларингизни)
--

мустажоб қилурман», деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларда жаҳаннамга кирурлар» (Ғофир: 60).

Дуо ибодатдир

Мусанниф раҳимаҳуллоҳ ибодатнинг бир неча турларини умумий суратда баён қилиб ўтганидан сўнг энди уларнинг далилларини зикр қилишга киришди. Ислом, иймон ва эҳсоннинг далилларини иккинчи асос ичида батафсил зикр қилади. Шунинг учун ҳозир ибодатларнинг асли ва асоси бўлган дуо ҳақидаги сўз билан бошлади.

«Ҳадисда: «Дуо ибодатнинг мағзидир» (дейилган)...» Дуо ибодат турларидан эканига далил бўлувчи, имом Термизий ривоят қилган ҳадисда¹ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилиб, ҳожатларни Аллоҳдан сўраш Аллоҳ халқларга буюрган ибодатнинг мағзи ва асоси эканини хабар берганлар. Имом Абу Довуд ривоят қилган бошқа бир ҳадисда бу яна ҳам очиқроқ ифода этилган. Унда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дуо ўзи ибодатдир» дедилар² ва дуонинг айни ибодат эканини таъкидладилар. Пайғамбарларнинг даъвати ҳам аслида қалбларни Аллоҳнинг Ўзидангина сўрашга юзланишига чорлаш эди. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қодир бўлмайдиган ишларда ўзгаларга дуо қилиш ва улардан сўраш кишининг барча амалини бекорга чиқарувчи катта ширк бўлади. «Ад-дурарус-санийя»да айтилганидек: «Барча уламолар иттифоқларига кўра, ким ўзи билан Аллоҳ ўртасида воситачилар қилиб, уларга дуо-илтижо қиладиган ва уларга суянадиган бўлса, кофир бўлади»³.

Дуо халқлар ичида энг кўп содир бўладиган ширк турларидан биридир. «Ад-дурарус-санийя»да келади: «Унинг – яъни ширкнинг – замонамизда энг кўп содир бўладиган ва энг катта турларидан бири ўликлардан ҳожатларни сўраш ва мадад тилаш, уларга юзланиб, дуо-илтижо қилиш бўлиб, оламдаги ширкнинг асли келиб чиқиши шу эди, бунинг катта ширк эканига иттифоқ қилингандир»⁴.

«Далил...» Яъни, дуонинг ибодат эканига ва уни Аллоҳдан бошқага қилиш ширк бўлишига далил ..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир: «Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглари – ва ҳожатларингизни фақат мендан сўранглари –. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман – ва тилакларингизни ато этаман →», деди. Албатта Менга ибодат – ва дуо – қилишдан кибр-ҳаво қилган – ва юз ўгирган – кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларда жаҳаннамга

¹ №3371, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² №1479, Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

³ Ад-дурарус-санийя: 1/196.

⁴ Ад-дурарус-санийя: 1/199.

кирурлар» (Ғофир: 60)». Аллоҳ сақласин, улар бу дунёда Аллоҳ уларга фарз қилган ибодатларни тарк қилишганига уқубат ва жазо сифатида энди охиратда улар устига азоб ва хорлик жамланади. Оқил инсон яхши биладики, ғам-қайғу ва мусибатларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким арита олмайди, чунки, фақат Угина бунга қодирдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло деди: **«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоклигидир. Бас у (наrsa) бўлур — вужудга келур»** (Ясин: 82). Аллоҳни қўйиб, махлуққа дуо-илтжо қилиш ва мадад тилаш ярамайди. Чунки, унинг ўзи ҳам заиф банда, касал бўлади, вафот этади, ўзига бирон фойда келтириб олишга ё ўзидан бирон зарарни даф қилишга ҳам қодир бўлмайди, шундай экан, бошқаларга қандай қодир бўлсин?! Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса** (хурмо данагини ўраб турувчи) **пардачалик нарсага ҳам эга эмасдирлар»** (Фотир: 13). Бас, сиз ёлғиз Аллоҳнинг ўзига илтижо қилинг, хожатларингизни Ундангина сўранг, албатта беради. Гуноҳларингизни мағфират қилишини сўранг, албатта мағфират қилади. Ҳокисорлик билан, сидқидилдан Унгагина дуо қилинг, У албатта ижобат қилади. Ким хожатларини фақат Аллоҳдан тиласа, Унгагина дуо-илтижо қилса, қалбини фақат Аллоҳга боғласа, Аллоҳдан ўзга маъбудлардан юз ўгирса, шу одам муваҳҳид (тавҳид аҳлидан) бўлади.

Хавф-қўрқувнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, мендан қўрқингиз!» (Оли Имрон: 175).

Аллоҳдан қўрқув ибодатдир

Хавф — Аллоҳдан қўрқув қалбга тааллуқли ибодатларнинг энг катталаридан. У ҳар бир кишига фарздир ва у ибодатнинг энг буюк рукнидир, Аллоҳга динни холис қилиш усиз ҳосил бўлмайди.

Хавф: «келажакда кутилажак бир нохушлик сабабидан қалбнинг оғриши ва безовта бўлишидир»¹. Мақтовга сазовор қўрқув сизни Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан тўсган қўрқувдир.

(Биз бир-бирига маънодош сўзлар деб биладиганимиз) хавф, важал, хошят, раҳбат ўртасида бир мунча фарқлар бор. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Важал, хавф, хошят ва раҳбат бир-бирига яқин сўзлардир, маънодош (синонимлар) эмас»², яъни маънолари ҳар хилдир.

Хавф билан важалнинг фарқи шуки, хавф — келажакда содир бўлиши хавфи бўлган бир нарсадан қалбнинг безовта бўлишидир,

¹ Мадарижус-саликийн: 1/513, Булғатус-салик лиакрабил-масалик лис-совий: 4/438.

² Мадарижус-саликийн: 1/512.

кишининг бир ойдан кейин ўзига етиши кутилатган очлик хавфидан кўрқишига ўхшаган.

Важал эса, ҳозирда содир бўлиб турган бир нохуш иш туфайли қалбнинг безовта бўлиб, зириллашидир. Шерни кўриб қолиб, юраги кўркувдан зириллаб кетган одам каби. Кўзи тушган пайтидаги қалбнинг кўркувдан безовта бўлиши важалдир.

Демак, қалбнинг келажақда кутилатган бир нохушликдан безовта бўлиши хавф, нақд бошига тушиб турган нохушликдан безовталаниши важал экан.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аммо важал – ҳокимияти ва жазоси бор бўлган кишини эслаганда ё кўрганда юракнинг зириллаши ва ёрилишидир»¹.

«Хавф далили...» Яъни, хавфнинг Аллоҳ таолодан бошқага қилиниши жоиз бўлмаган ибодат эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан –яъни, мушриклардан – кўркмангиз, мендан кўрқингиз! –мен ундан кўрқадиган дўстларига нусрат-ёрдам берадиган Роббингизман» (Оли Имрон: 175).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан хавф қилиш қалбнинг тузалиши сабабларидан биридир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳдан хавф қилиш, умид қилиш ва муҳаббат қўйиш билан қилинганича бошқа бирон нарса билан Аллоҳнинг ҳад-ҳудудлари ва У ҳаром қилган ишлардан сақланилмади ва Унга боғланувчилар боғланмадилар. Қалб қачон мана шу учта нарсадан холи бўлса, кейин тузалиши умид қилинмайдиган даражада бузилади. Қачон унда мазкур нарсалардан бирортаси заифлашса, иймони ҳам ўшанча заифлашади»².

Пайғамбарлар халқлар ичидаги Аллоҳдан энг хавфи кучли инсонлар бўлдилар. Нух алайҳиссалом қавмига деди: **«Албатта, мен сизларнинг буюк кун (Қиёмат Кунининг) азобига гирифтор бўлишингиздан кўрқаман» (Аъроф: 59).**

Шуъайб алайҳиссалом қавмига деди: **Ва мен (агар иймон келтирмасангизлар) сизларнинг устингизга ўраб олувчи Кун — Қиёматнинг азоби тушишидан кўрқаман» (Ҳуд: 84).**

Аллоҳ таоло пайамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга деди: **«Айтинг: Албатта, мен агар Парвардигоримга итоатсизлик қилсам, улуғ Кунда (Қиёматда Аллоҳ томонидан) бўладиган азобдан кўрқаман» (Анъом: 15).**

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқирдилар, йиғидан кўксларида қозоннинг биқирлашидек биқирлаш (овози билиниб турарди)» (Насоий ривояти)³.

Банда Аллоҳни нақадар яхшироқ билса, Ундан кўркуви шу қадар кучлироқ бўлади. Аллоҳдан кўркувнинг камайиши банданинг ўз

¹ Мадарижус-саликийн: 1/513. Хашят ва раҳбат ўртасидаги фарқ кейинроқ ўз ўрнида келади.

² Ал-фатава: 15/21.

³ Суанун-Насоий: №1214, Абу Муторриф розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

Роббини таниши камлигидангина ҳосил бўлади. Одамларнинг энг билувчироқлари Аллоҳдан энг кўркувчироқ бўладилар. Ким Аллоҳни таниса, Ундан ҳаё қилиши, хавф қилиши ва Уни севиши зиёдалашади. Маърифати (таниши) на қадар зиёдалашса, ҳаёси, хавфи ва муҳаббати шу қадар зиёдалашади. Хавфи ва хошяти илми ва маърифатига қараб бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Қасамки, мен улар ичида Аллоҳни энг яхшироқ билувчи ва Ундан энг қаттикроқ кўркувчисиман» (Бухорий ривояти)¹.

Яна айтганлар: «Агар мен билган нарсаларни билганингизда эди, кам кулган ва кўп йиғлаган, тўшакларда аёллар билан лаззатланмаган ва Аллоҳга йиғлаб, тоғу тошларга чиқиб кетган бўлардингизлар» (Аҳмад ва Термизий ривоятлари)².

Аллоҳ азза ва жалладан хавф қилиш Унинг тоатига йўлдир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳдан хавф қилиш (кўрқиш) Уни танишни лозим тутати. Уни таниш Ундан кўрқишни лозим тутати. Ундан кўрқиш эса Унга тоатни лозим тутати»³.

Қалб тузалиши фақат Аллоҳдан кўрқиш билан бўлади. Абу Сулаймон ад-Дороний раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қай бир қалбни хавф тарк қилса, у хароб бўлибди»⁴.

Хавф шахватларга эргашиб кетишдан ман қилади. Иброҳим ибн Суфён раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қалбларга хавф ўрнашса, улардаги шахватлар ўрнини куйдириб юборади ва улардан дунёни қувади»⁵.

Қалбдан хавф айрилса, тўғрилиқдан адашади. Зуннун раҳимаҳуллоҳ айтади: «Одамлар модомики хавф (Аллоҳ кўркуви) улардан айрилмас экан, (тўғри) йўлда бўладилар. Қачон уларда хавф йўқолса, йўлдан адашадилар»⁶.

Парвардигоридан кўркувчи бандага Парвардигори Унинг оят-аломатларини кўриш-англаш неъматини ато этади: «**Албатта бу қиссаларда охират азобидан кўркқан кишилар учун оят-ибратлар бордир**» (Худ: 103).

Охиратда эса унга жанатлар очилади: «**Парвардигори (ҳузурида) туришидан** (яъни ўзининг Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришдан) **кўркқан киши учун икки жаннат бордир**» (Ар-рахмон: 46).

Аллоҳ таоло айтади: «**Энди ким** (ҳаёти-дунёдалиқ пайтида Қиёмат Кунини маҳшаргоҳда) **Парвардигорининг** (ҳузурида) **туриши** (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан **кўркқан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина** (унинг учун) **жой бўлур**» (Ван-назиат: 40-41).

¹ Саҳиҳул Бухорий: 20/16, Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Муснад: 21555, Суанут-Темизий: №2312, Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

³ Ал-фатава: 7/24.

⁴ Мадарижус-саликийн: 1/513.

⁵ Мадарижус-саликийн: 1/513.

⁶ Мадарижус-саликийн: 1/513.

Кимнинг қалбида Аллоҳнинг ҳайбати устун бўлса, халқлар қалбида унинг ҳайбати устун бўлади ва уни хорлашдан уларни тўсади.

Ибодатнинг руқнлари

Ибодатнинг руқнлари хавф, умидворлик ва муҳаббатдир. Банда мазкур учала руқннинг ҳар бирини ҳозирлаши вожибдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Баъзи салафлар айтади: Ким Аллоҳ таолога фақат муҳаббат билангина ибодат қилса, у зиндикдир. Ким Унга фақат хавф (қўрқув) билангина ибодат қилса, у ҳарурийдир. Ким Унга фақат ражо (умидворлик) билангина ибодат қилса, у муржиъадир. Ким Унга муҳаббат, хавф ва ражо билан ибодат қилса, у мўминдир. Аллоҳ таоло ушбу уч мақомни қўйидаги сўзлари билан жамлади: **«Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар»** (Исро: 57). Йўл излаш – Унга қурбат ҳосил қилишга сабаб бўлувчи Унинг муҳаббатидир. Сўнг бунинг ортидан ражо ва хавфни зикр қилди. Унинг бандалари ва авлиёларининг йўли шудир»¹.

Муҳаббат хавф ва ражони олиб келади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳар бир муҳаббатга хавф ва ражо ҳамроҳ бўлади, ошиқнинг қалбида муҳаббат нақадар ўрнашишига қараб, унинг хавфи ва ражоси кучайиб боради»².

Хавфнинг қисмлари

Хавф уч қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: Сир (ғойибдан) хавф. Бу Аллоҳдан бошқадан, яъни бут-санам ёки тоғутдан хавф қилиш бўлиб, улар томонидан бирон зиён етишидан қўрқишдир. Бу катта ширкдир. Масалан, аган бирон қабрга дуо-илтижо қилмасам, унинг эгасидан менга зиён-заҳмат етади ё у мени жазолайди, деб қўрқишга ўхшаш. Аллоҳ таоло Ҳуд қавмининг ўз пайғамбарларига айтган гапларидан хабар бериб айтганидек: **«Бизлар фақат: «Сени худоларимиздан бири, бир бало (яъни, мажнун) қилиб қўйган», деймиз, холос»** (Ҳуд: 54). Улар олиҳалари уларга бирон зиён етказишидан қўрқишарди. Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), улар сизни (Аллоҳдан) ўзга бутлари билан қўрқитурлар»** (Зумар: 36). (И з о ҳ. Қурайш кофирлари пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламини «Сен бизнинг худоларимизни айблаётганинг сабабли улар сени ҳалок қилмасалар эди», деб қўрқитмоқчи бўлганларида ушбу оят нозил бўлди). Мозорга сиғинадиганлар ва шу каби бутпарастларнинг воқелиги шудир, улар ўзлари сиғинадиган бут-санамларидан қўрқишади ва тавҳид аҳлини

¹ Бадаиъул-фаваид: 3/11.

² Мадарижус-саликийн: 2/43.

ҳам агар буларнинг сиғинишларини инкор қилишса ва ибодатни Аллоҳга холис қилишга чақиришса, уларнинг бошларига худолари томонидан келадиган балолар билан қўрқитишади. Бу эса тавҳидга зиддир. Аллоҳдан бошқага дуо қилса ё Аллоҳдан бошқадан сўраса, иймондан айрилганидек, Аллоҳдан бошқадан қўрқса ҳам худди шундай бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ким яхши кўришида ё қўркиши ва умид қилишида холиқ билан махлуқни тенглаштира, у мушрикдир»¹.

Иккинчи қисм: Инсон баъзи одамлардан қўрққанидан ўзига вожиб бўлган нарсани тарк қилиши. «Фатҳул-мажид»да айтилганидек: «Бу ҳаромдир ва бу тавҳиднинг камолига зид келувчи ширк турларидандир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) қўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, мендан қўрқингиз!»** (Оли Имрон: 175).

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳнинг душмани фириб-найрангларидан бири шуки, мўминлар унинг лашкари ва дўстларига қарши жиҳод қилмасликлари ва уларга амри маъруф ва наҳий мункар қилмасликлари учун у мўминларни ўзининг лашкаридан ва дўстларидан қўрқитади. Аллоҳ таоло буни шайтоннинг макридан ва қўрқитишидан деб хабар берди ва бизни ундан қўрқишдан қайтарди»².

Учинчи қисм: Инсоннинг йиртқич ҳайвондан, оловдан, ғарқ бўлишдан қўрқишига ўхшаган табиий қўрқув. Банда бунинг учун маломат қилинмайди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом қиссасида айтганидек: **«Бас у қўрқувга тушиб, (ортидан етиб келиб қолишларига) кўз тутган ҳолда у ердан чиқди»** (Қасас: 21).

Аммо, Аллоҳ таолонинг осийларни у билан огоҳлантирган азоб ваъдасидан хавф қилиш ва шу кабилардан қўрқув иймоннинг энг олий мартабасидир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Бу (ваъда) Менинг ҳузуримда (сўроқ-савол бериб) туришдан қўрқувчи ва Менинг (кофирларни дўзахга гирифтор қилиш хусусидаги) ваъдамдан хавф қилувчи кишилар учундир»** (Иброҳим: 14).

Қандай қилиб одамлардан қўрқишдан қутуласиз?

Аллоҳга тўла таслим бўлиш ва ҳамма ишларни Унга топшириш одамлардан қўрқишни йўқотади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Қўрқувни кетказадиган нарса Аллоҳга таслим бўлишдир. Чунки, ким Аллоҳга таслим бўлса ва ўзини Унга топширса ҳамда ўзига етган нарса ҳаргиз етмай қолмас эди деб ва ўзига етмаган нарса унга ҳаргиз етмаган бўлар эди деб ишонса, ўзига фақат Аллоҳ битиб қўйган

¹ Ал-фатава: 27/339.

² Фатҳул-мажид шарҳ китабит-тавҳид: 396-с.

наrsaгина етади деб билса, қалбида махлуқлардан кўрқишга ўрин қолмайди»¹.

Ким бу дунёда Роббидан кўрқса, охиратнинг даҳшатли кўркувидан омонда бўлади. Ким бу дунёда хотиржамликка берилган бўлса, охиратда хотиржамликдан махрум бўлади. Аллоҳ таоло бандалари учун икки кўркувни асло жамламайди. Ё бу дунёда Аллоҳдан кўркув бўлади, ё эса бу дунёда Аллоҳдан кўрқмаган кимса учун охиратда даҳшатли кўркув бўлади. Ким Парвардигоридан кўрқса, ҳеч ким уни кўрқита олмайди, балки унинг қалби мудом хотиржам, вужуди доим сокин бўлади.

Кимнинг Аллоҳдан кўркуви рост бўлса, у Аллоҳга қараб қочади, Аллоҳ билан бирга бўлганида роҳат топадиган нафс нақадар яхши! Гуноҳларни тарк қилмаётган киши Аллоҳдан чинакам кўркувчи деб саналмайди. Ҳар бир Аллоҳга осий кимса жоҳилдир, ҳар бир Аллоҳдан кўркувчи киши олим ва Аллоҳга итоат қилувчидир.

Шундоқ экан, сиз барча ҳолатингизда ҳам Парвардигорингизнинг кузатувини ҳис қилинг ва Унинг азобидан кўрқинг, шунда дунёда ҳам, охиратда ҳам бахтли инсон бўласиз. Бирон махлуқдан кўрқсангиз, ундан бегонасирайсиз ва қочасиз. Аммо, Аллоҳдан кўрқсангиз, Унга қараб интиласиз ва Унга яқинлашишга ҳаракат қиласиз.

Ражо ибодатдир

Ражо (умидворлик) қалбга тааллуқли ибодат бўлиб, орзу қилинган нарсага эришишни исташ, рағбат ва умид қилиш демакдир.

Ражо (умидворлик) билан таманний (орзу қилиш) ўртасидаги фарқ шуки, ражо куч-ҳаракат сарфлаш ва чиройли таваккул қилиш билан бўлади.

Таманний эса ялқовлик билан куруқ орзу қилишдир.

Ражо кишини амалларга ундайди. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ражо руҳи бўлмаса эди, қалб ва аъзолар ибодати бекор бўлган ҳамда Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яхудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлар эди»².

Ражонинг ҳақиқати (ҳақиқий ражо) хавф ва ражо биргаликда бўлишидир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ражонинг ҳақиқати хавф ва ражо (биргаликда бўлиши)дир. (Шунда банда) ўзига буюрилган ишни иймон нури билан, савобни умид қилиб адо этади, қайтарилган ишни эса иймон нури билан, азобдан кўрқиб тарк қилади»³.

¹ Мадарижус-саликийн: 2/31.

² Мадарижус-саликийн: 2/42.

³ Мадарижус-саликийн: 1/502.

Ражонинг турлари

Ражо уч хилдир.

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ражо уч хилдир, икки хили мақтовли, бир хили айбли ғурурдир.

Аввалги иккитаси – Аллоҳнинг нури билан Аллоҳнинг тоатида амал қилган кишининг ражоси бўлиб, у Аллоҳнинг савобини умид қилади. Ва бир гуноҳни қилиб, кейин тавба қилган кишининг ражоси бўлиб, у Аллоҳ таолонинг мағфирати, афви, эҳсони, фазлу марҳамати, хилми, карамини умид қилади.

Учинчиси – сутсткашлик ва гуноҳу хатоларга ғарқ бўлган кишининг орзуси бўлиб, у ҳеч қандай амал қилмагани ҳолда Аллоҳнинг раҳматини умид қилади. Бунинг номини ғурур, хомхаёл ва ёлғон орзу дейилади»¹.

Кимнинг ражоси кучли бўлса, солиҳ амали зиёда бўлади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ражо кучайгани сари унинг эгаси амалга жидду-жаҳд қилади, худди ерга уруғ қадовчи киши ғаллага (ҳосилга) умиди қанча кучли бўлса, ерига шунча кўп уруғ қадагани, умиди кучсиз бўлганида эса уруғ қадашга эътиборсиз бўлгани каби»².

Ражо бандани Аллоҳ сари йўл олишга ундайди, йўлни унга чиройли кўрсатиб, унда юришга тарғиб қилади ва уни маҳкам тутишга сабабчи бўлади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Агар ражо бўлмасайди, ҳеч ким юрмаган бўларди. Зеро, хавфнинг ёлғиз ўзи бандани ҳаракатга келтиролмайди, балки уни муҳаббат ҳаракатга келтиради, хавф уни тергайди, ражо эса уни ундайди»³.

Қалбларни ҳаракатга келтирувчи омиллар

Банда муҳаббат, ражо ва хавф ўртасини жамлайди, унинг Аллоҳга бўлган бандалиги шу учаласи билангина ҳосил бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Билингки, қалбларни Аллоҳ азза ва жалла сари ҳаракатга келтирувчи (омиллар) учта – муҳаббат, хавф ва ражодир. Уларнинг энг кучлиси муҳаббатдир, унинг ўзини мустақил равишда исталади. Чунки, у дунёда ҳам, охиратда ҳам исталади. Хавф эса ундай эмас, чунки у охиратда йўқ бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар»** (Юнус: 62). Хавфдан кўзда тутилган мақсад – тергаш ва йўлдан чиқиб кетишдан тўсишдир. Муҳаббат бандани маҳбуби сари юришга ундайди, унинг бу йўлда юриши муҳаббатининг кучли ё кучсизлигига қараб бўлади. Хавф эса уни маҳбубнинг йўлидан чиқиб кетишдан тўсади, ражо уни етаклайди.

¹ Мадарижус-саликийн: 2/36.

² Ал-фаваид: 129-с.

³ Мадарижус-саликийн: 2/50.

Бу ҳар бир банда эътибор бериши вожиб бўлган улкан асл-асосдир. Чунки, бусиз унга бандалик ҳосил бўлмайди, ҳар бир киши фақат Аллоҳга банда бўлиши вожибдир, бошқага эмас.

Агар «Баъзи пайтларда бандада уни маҳбубининг талабида ҳаракат қилишга ундайдиган муҳаббат бўлмайди, унда қалбларни нима ҳаракатга келтиради?», деб сўралса, айтамик, уни икки нарса ҳаракатга келтиради:

Биринчиси, маҳбубни кўп зикр қилиш. Чунки, уни кўп зикр қилиш қалбларни унга боғлайди. Шунинг учун Аллоҳ азза ва жалла кўп зикрга буюрган. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эртаю кеч У зотни поклаб тасбеҳ айтинглар!»** (Аҳзоб: 41-42).

Иккинчиси, Унинг неъматларини мушоҳада қилиш.

Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз, шояд нажот топурсиз»** (Аъроф: 69).

Яна айтади: **«Сизларга берилган барча ноз-неъматлар ёлғиз Аллоҳдандир»** (Наҳл: 53).

Яна айтади: **«(Эй инсонлар), Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча нарсаларни сизларга бўйсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирӣ ва ботинӣ (яъни моддий-маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?!»** (Луқмон: 20).

Яна деди: **«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар»** (Наҳл: 18).

Агар банда Аллоҳ таоло унга ато этган неъматларни, шу жумладан осмону ерни ва улардаги ўт-ўланлару жониворларни унга бўйсундириб қўйганини, унга иймон неъматӣ ва бошқа зоҳиру ботинӣ неъматларни ёғдириб қўйганини ёдга олса, албатта бу унда бир ундовчини кўзгаши аниқдир. Шунингдек, хавфни ҳам азоб ва огоҳлантириш, ҳисоб-китоб ва жазо мавзусидаги оятларни тиловат қилиш ҳаракатга келтиради. Ражо ҳам шундай, уни ҳам фазлу карам, ҳилм ва афв мавзусидаги оятлар тиловати ҳаракатга келтиради»¹.

Ражо қачон кучаяди?

Аллоҳни билиш қанча кучли бўлса, ражо ҳам шунча кучли бўлади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: **«Ражо қуввати Аллоҳни таниш, Унинг исм ва сифатларини билиш қувватига қараб кучаяди»**².

Ражо – банда Парвардигоридан умид қиладиган нарсага эришиш сабабларидандир. Банданинг Аллоҳнинг савобини умид қилиши, Парвардигорига тўла-тўқис ўзини топшириши фақатгина Унинг Ўз раҳмати остига олишини ва гуноҳларини кечиришини, уни афв қилишини, амалларида айбу нуқсонлар бўлгани ҳолда яхши амалларини қабул қилишини, ёмонликларидан кечишини умид

¹ Ал-фатава: 1/95.

² Мадарижус-саликийн: 2/42.

қилганидан бўлади. Унинг ражосининг қуввати унга мана шундай тўла-тўқис бўйсунуш ва таслим бўлишни олиб келди. Бу нарсани ражосиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларининг Ундан умидвор бўлишларини ва Ундан Ўз фазлидан сўрашларини ёктиради. Чунки, У Ҳақ ва Сахий Подшоҳдир, сўралувчиларнинг энг саховатлиси, ато этувчиларнинг энг мўл-кўл берувчисидир. Сахийга энг ёқимли нарса ундан сўрашлари ва ундан умидвор бўлишларидир. Банданинг ражоси ва Аллоҳнинг фазли ва раҳматидан умидворлиги қанчалик кучайса, унинг Аллоҳ таолога бўлган бандалиги ҳам шунчалик кучаяди. Энг улуғ ибодат мана шудир.

Ражонинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)» (Каҳф: 110).

Ражо ибодат эканига далил

«Ражонинг далили...» Яъни, ражо (умидворлик) Аллоҳдан бошқага буриб бўлмайдиган ибодат эканига далил..

Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан – ва Унинг ато этадиган ажру-савобларидан – умидвор бўлса, у ҳолда –Аллоҳнинг шариатига мувофиқ келувчи – яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!». Амалига риё, сумъа аралашмасин, ибодатни Холиқидан ўзгага буриб юбормасин, балки барча амалларини холис Аллоҳ учун қилсин. Ким ихлос билан мутобаъатни (яъни шариатга эргашишни) бирлаштирса, ўзи умид қилган ва излаган нарсага етади. Кимда шу сифат бўлмаса, зиёнкорга айланади, Хожасига яқинлашиш ва Унинг розилигига эришишдан маҳрум бўлади.

Аллоҳ таоло ражони Ўзига боғлашга буюриб деди: **«Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг вақори-буюклигини ўйлаб кўрмайсизлар? (ражо қилмайсизлар?)» (Нух: 13).** Мусулмон киши ўз ўй-фикр, орзу-умид ва интилишларини Аллоҳга боғлайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар ҳам сизлар қийналганингиздек қийналмоқдалар. (Шу билан бирга) сизлар Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, ғалаба қозонишни) умид қилмоқдасизлар-ку?! Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо: 104).**

Аллоҳдан ражо-умидворлик инсонни Аллоҳнинг Пайғамбаридан ўрнак олишга ундайди. Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй мўминлар), сизлар**

учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-этиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир» (Ахзоб: 21).

Ким Аллоҳнинг фазлидан умидвор бўлмаса, ўзини ваъидга (азоб хабарига) рўбарў қилади. Аллоҳ азза ва жалла деди: **«Албатта, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган, ҳаёти дунёнинг ўзигагина рози бўлиб, фақат ўша билан хотирлари жам бўлган кимсалар ҳамда Бизнинг оятларимиздан ғофил қолган кимсалар — ана ўшаларнинг жойлари, касб қилиб ўтган гуноҳлари сабабли — дўзахдир» (Юнус: 7-8).**

Ражода ширк келтириш

Ким фақат Аллоҳгина қодир бўладиган ишларда Аллоҳдан бошқадан умидвор бўлса, масалан гуноҳини мағфират қилишини ё дардига шифо беришини умид қилса, мана шу ибодатни Аллоҳдан бошқага бурган бўлади ва катта ширкка тушган бўлади. Чунки, у Аллоҳдан бошқаси эга бўлмаган ишда умидвор бўлди ва ражо ибодатини Аллоҳдан бошқага бурди. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ражо фақат Аллоҳга боғланиши лозим, на бирон махлукқа, на банданинг куч-қувватига ва иш-амалига боғланиши керак эмас. Зеро, ражони Аллоҳдан бошқага боғлаш ширк бўлади. Гарчи, Аллоҳ таоло унга сабабларни қилиб қўйган бўлса ҳам, сабабнинг ўзи мустақил равишда ҳеч нарса қилолмайди. Балки, унга бир ёрдамчи бўлиши зарур, шунингдек унга бирон тўсиқ моне бўлмаслиги зарур. У фақат Аллоҳнинг хоҳиш-истаги билангина ҳосил бўлади ва қолади»¹.

Аллоҳдан бошқадан умидвор бўлиш хорликдир

Ким бир бандадан умидвор бўлса ё унга боғланса, қалби Аллоҳга бандаликдан бурилади ва қалбидаги ўша боғланиш ва умидворлик миқдорига қараб Аллоҳдан бошқага бандага айланади, Аллоҳдан бошқага эгилади ва хорлик изҳор қилади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қай бир банда ўз умидворлигини ва таваккулини Аллоҳдан бошқага боғласа, албатта ўша жиҳатдан ноумидликка учрайди, Аллоҳдан бошқадан мадад сўраса, албатта хорликка учрайди. Аллоҳ таоло деди: **«Улар (яъни Макка мушриклари) Аллоҳни қўйиб, ўзларига куч-қудрат бўлиши учун «худолар» тутдилар — бутларга сиғиндилар. Йўқ! (Қиёмат кунда бутлари уларни шафоат қилмайди, балки) улар қилган ибодатларни инкор қилурлар ва уларга зид — душман бўлурлар» (Марям: 81-82).** Ким ражосини (орзу-умидини) бандага боғласа, хорлик кўради. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ким Аллоҳ билан бирга бошқа бировни севса, ўша билан азоблангани

¹ Ал-фатава: 10/256.

ва ким Аллоҳ билан бирга бошқадан умидвор бўлса, ўша томондан хорликка гирифтор этилгани каби, ким Аллоҳдан бошқа биронтасидан қўрқса, ўша нарсани унинг устига ҳоким қилинади. Булар тажрибадан ўтган ишлар бўлиб, далилдан беҳожатдир»¹.

Демак, банда ўз ражосини фақат Аллоҳнинг ёлғиз ўзига боғлаши вожиб бўларкан. Халқларнинг табиатига заифлик ўрнатилган, улар ўзларига фойдаларни тортиб келишга ва зарарларни ўзларидан даф қилишга ожиздирлар. Шундай экан, бошқаларга фойда ё зарар етказишга албатта заифроқ бўладилар. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир киши бирор махлукдан умидвор бўлса ё унга таваккул қилса, албатта у ҳақидаги гумони пучга чиқади»². Уларнинг ортидан у хорлик ва ноумидликдан бошқа нарсага эга бўлмайди. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қачон махлукларга боғланса ва улардан ўзига бирон манфаат етказишларини ё бирон зарарни даф қилишларини умид қилса, улар томонидан албатта хорликни кўради ва мақсуди асло ҳосил бўлмайди. Уларга ҳожати тушган пайтда фойда етказишларидан умидвор бўлиб, уларга хизмат қилади, мол-дунёсини сарфлайди, бироқ улар ё ожизликларидан ё эса қалблари ундан бурилгани учун ҳеч қандай фойда етказолмайди. Агар сидқидилдан эҳтиёжини изҳор қилиб Аллоҳга юзланса ва динни холис қилган ҳолда фақат Ундан мадад сўраса, Аллоҳ албатта унинг дуосини ижобат қилади, тилагини беради, зарарини даф қилади, раҳмати эшикларини унга очади»³.

Шундай экан, орзу-умидларингизни асло Аллоҳдан бошқага боғламанг. Акс ҳолда, фақат ноумидликка эришасиз, ушбу улуг ибодатда топганингиз фақат сўраниш хорлиги бўлади. Аллоҳнинг карами ва атосидан, мўл-кўл неъматларидан умидвор бўлинг, ҳожатларингизни бароридан келтиришини ва ғамларингизни аритишини Ундан сўранг. Мана шу нарса даражаларни кўтаради, нафсни хорликдан асрайди, шу билан орзулар рўёбга чиқади, улуг ибодат – ражо ибодати адо топади.

Таваккул ибодатдир

Таваккул – ишларни Аллоҳга ҳақиқий топшириш ва барча ишларда Аллоҳга суяниш, ожизликни зоҳир қилиб, Унга таслим бўлишдир. Таваккул ҳам ибодат турларидан биридир, балки у энг катта ибодатлардан ва тавҳиднинг энг олий мақомларидан биридир. Шайх Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулвахҳоб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Таваккул – Аллоҳга холис қилиш вожиб бўлган фарз амалдир. Чунки, у энг афзал ибодатлардан ва тавҳиднинг энг олий мақомларидан биридир. Уни мўминлар ичидан баъзи хос кишиларгина комил кўринишда адо эта оладилар. Зотан, жаннатга

¹ Мифтаҳу даарис-саъада: 2/256.

² Ал-фатава: 10/257.

³ Ал-фатава: 10/650.

ҳисоб-китобсиз ва азоб кўрмасдан кирадиган етмиш минг кишининг сифатлари ичида айна шу таваккул сифати ҳам бор. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръоннинг жуда кўп оятларида, намоз учун зарур бўлмиш таҳорат ва ғуслга буюришидан ҳам кўпроқ марта таваккулга буюрди. Балки, уни иймон ва исломнинг шартларидан бири қилди. Бунинг маъноси шуки, у бўлмаса иймон ва ислом ҳам бўлмайди»¹. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Таваккул диннинг ярмидир, иккинчи ярми эса инобат (тавба қилиш, қайтиш)дир. Зеро, дин истионат (мадад тилаш) ва ибодатдир. Таваккул – истионатдир, инобат – ибодатдир. Унинг ўрни энг кенг камровли ва энг жомий ўриндир»².

Таваккулнинг тутган ўрни

Таваккулнинг ўрни инобатдан олдинги ўриндадир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Таваккулнинг ўрни инобатдан олдинги ўриндадир. Чунки, уни (яъни инобатни) ҳосил қилиш учун таваккул қилади. Таваккул восита, инобат эса ғоядир»³. Аллоҳ таоло таваккулни Ўзининг муҳаббатига эришиш сабаби қилди. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта Аллоҳ таваккул қилувчиларни (яъни Ўзига суяниб иш қилувчиларни) севади**» (Оли Имрон: 159). Таваккул ўз эгасининг исломи дурустлигига далилдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло деди: «**Мусо у (иймон келтирган кишиларга) деди: Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлсангизлар, Унинг ўзигагина суянинглар — таваккул қилинглар!**» (Юнус: 84).

Таваккулнинг ҳақиқати

Таваккулнинг ҳақиқати – қалб Аллоҳга боғланиши ва шу билан бир вақтда сабабларни ушлаши ва сабабларнинг ўзига суяниб қолмаслигидир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Таваккулнинг сири ва ҳақиқати – қалб ёлғиз Аллоҳнинг ўзига суянишидир, сабабларни ушлашнинг, қалб уларга суяниб қолишдан холи бўлган ҳолида, зарари йўқдир. Шунингдек, қалб бошқага суяниб қолгани ва ишониб қолгани ҳолда «Аллоҳга таваккул қилдим» деб айтиб қўйишнинг фойдаси йўқдир. Тилнинг таваккули бошқа, дилнинг таваккули бутунлай бошқадир»⁴.

Таваккулнинг маҳалли (ўрни) сабаблардир, унинг камоли Аллоҳга суяниш биландир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Таваккулнинг ўрни сабаблардир, унинг камоли Аллоҳга таваккул қилиш билан бўлади. Бу худди деҳқоннинг ерни чопиб, уруғ қадаб, сўнгра ундириб-

¹ Тайсирул-азизил-ҳамид шарҳ китабит-тавҳид: 417-с.

² Мадарижус-саликийн: 2/113.

³ Мадарижус-саликийн: 1/134.

⁴ Ал-фаваид: 164-с.

ўстиришида Аллоҳга таваккул қилганига ўхшашдирки, у таваккулнинг ҳаққини ўтади¹».

Таваккул билан бирга сабабларни ҳам қилиш вожиб бўлади. Бироқ, уларга суяниб қолмаслик керак. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Сабабларни инкор қилган кишининг таваккули тўғри бўлмайди, лекин сабабларнинг ўзига суяниб қолмаслик ва қалбнинг уларга бўлган алоқасини узиш таваккулнинг камолидан бўлади. Шунда қалбининг ҳолати Аллоҳ билан бўлади, сабаблар билан эмас, баданининг ҳолати эса сабабларни қилиш билан бўлади»².

Мажбурий таваккул ва ихтиёрий таваккул

Таваккул нав (тур) жиҳатидан икки қисмга бўлинади:

1) Мажбурлик таваккули. Аллоҳнинг изни билан бу таваккулдан фараж (яъни, ёруғлик, нусрат) кечикмайди.

2) Ихтиёрий таваккул.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Таваккул баъзида мажбурлик ва музтарлик таваккули бўладики, бу ҳолда банданинг олдида таваккулдан бошқа ҳеч қандай чора, йўл ва паногоҳ қолмайди, сабабларнинг илож-имкони қолмасдан, қаттиқ ночорлик ҳолатига тушиб, энди менга Аллоҳдан ўзга паногоҳ қолмади, деб ўйлаб қолган киши каби. Бу одамдан фараж-кушойиш ва (мусибатининг) енгиллатилиши албатта йўқ бўлмайди. Баъзида эса ихтиёрий таваккул бўлади. Бу муродига етказувчи сабаб бор бўлиб тургани ҳолдаги таваккулдир. Агар ўша сабаб қилишга буюрилган сабаблардан бўлса, уни тарк қилганига гуноҳкор бўлади. Агар сабабни қилса ва таваккулни тарк қилса, бунда ҳам тарк қилганига гуноҳкор бўлади. Чунки, уммат иттифоқи ва Қуръон насси (далили) бўйича бу вожибдир. Вожиб ҳар иккисини қилиш ва ҳар иккисини жамлашдир. Энди агар сабаб ҳаром ишлардан бўлса, уни қилиш ҳаром бўлади ва бу киши ҳаққида таваккул қилишдан бошқа сабаб қолмайди. Зеро, таваккул ҳам муродга етишда ва ёмонликни даф қилишда энг кучли сабаблардан биридир ва ҳатто, мутлақо энг кучли сабабдир. Агар сабаб мубоҳ иш бўлса, қарайсиз, ўшани қилишингиз таваккулни заифлаштирадими, заифлаштирмайдими? Агар заифлаштира ва қалбингизни бўлиб, ҳимматингизни сусайтириб қўйса, уни тарк қилиш яхшироқ. Агар заифлаштирмаса, қилган яхшироқ. Чунки, ҳокимларнинг ҳокимроғи бўлган Зотнинг ҳикмати сабабни мусаббабга (яъни, сабабнинг ортидан келадиган натижага) боғлашни тақозо қилди, сиз Унинг ҳикматини эътиборсиз санаманг»³.

Таваккулнинг қисмлари

¹ Зодул-маъод фий ҳадйи хойрил-ибад: 2/364.

² Мадарижус-саликийн: 2/120.

³ Ал-фаваид: 163-с.

Таваккул дунё ишларидаги таваккул ва дин ишларидаги таваккулга бўлинади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳга таваккул қилиш икки қисмдир:

Биринчиси, банданинг ҳожатлари бароридан келиши ва дунёвий насибаларга эга бўлишида ёки ўзига ёқимсиз бўлган ишларни даф бўлиши ва дунёвий мусибатлари аришида Аллоҳга таваккул қилиши.

Иккинчиси, Аллоҳга У яхши кўрадиган ва рози бўладиган ишларда, масалан иймон, ишонч, жиҳод, Унга даъват қилиш кабиларда таваккул қилиш.

Бу икки тур ўртасида Аллоҳдан бошқаси ҳисобига етолмайдиган фазллар бор. Банда қачонки, иккинчи турда Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилса, Аллоҳнинг Ўзи унга биринчи турга тўла кифоя қилади. Қачонки, Унга биринчи турда таваккул қилса-ю, иккинчи турда қилмаса, бунда ҳам Аллоҳ Ўзи кифоя қилади, бироқ, у Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган ишларда Унга таваккул қилувчи кишининг оқибатига эришолмайди. Аллоҳга энг катта таваккул – ҳидоятда, тавҳидни холис қилишда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўла эргашишда, ботил аҳлига жиҳод қилишда таваккул қилишдир. Бу пайғамбарлар алайҳимус-салоту вас-саломнинг ва уларнинг хос тобеъларининг таваккулидир»¹.

Таваккул қачон кучли бўлади?

Қачон банданинг тавҳиди кучли бўлса, шунда таваккули ҳам кучли бўлади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Банданинг таваккули то унинг тавҳиди дуруст бўлмагунича тўғри бўлмайди. Аслида, таваккулнинг ҳақиқати тавҳиднинг софлигидир. Қалбда модомики, ширк аралашмалари илашиб турар экан, унинг таваккули иллатли ва лойқа бўлади. Таваккулнинг саҳиҳ-дурустлиги тавҳиднинг софлигига қараб бўлади. Банда қачон Аллоҳдан бошқага бурилса, шу бурилиш унинг қалбидан бир бўлагини олиб қўяди ва шунча миқдорда Аллоҳга таваккули камаяди. Айримларнинг таваккул барча сабабларни батамом тарк қилиш билангина ҳосил бўлади, деб ўйлаб қолиши шундан келиб чиққан. Бу гап тўғри. Бироқ, сабабларни қалбдан юлиб ташлаш лозим, аъзолардан эмас. Таваккул сабабларни қалбдан тарк қилиш ва бадан аъзолари билан маҳкам ушлаш билангина тўла-тўқис бўлади. Яъни, ундан (қалбдан) узилган, уларга (аъзоларга) боғланган бўлади»².

Таваккул қалбга тааллуқли ибодатдир, уни фақат Аллоҳга қилинади

¹ Ал-фаваид: 163-с.

² Мадарижус-саликийн: 2/120.

Таваккул қалбга тааллуқли ибодатдир. Агар Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қодир бўлмайдиган ишларда Аллоҳдан бошқага суянса, бу катта ширк бўлади.

Агар тирик ва ҳозир бўлган подшоҳлар ва шу каби кишиларга Аллоҳ уларни қодир қилиб қўйган ризқда ё озорни даф қилиш ва шу каби ишларда суяниб қолса, бу кичик ширк тури бўлади.

Таваккулнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!» (Моида: 23), «Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир» (Талок: 3).

«Таваккулнинг далили...» Яъни, таваккулнинг Аллоҳдан бошқага қилиш мумкин бўлмаган ибодат эканига далил..

Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!», ишингизни фақат Унга топширинглар, бошқага эмас.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир шартга боғлиқ қилинган нарса ўша (шарт) топилмаган пайтда йўқ бўлади. Бу эса таваккул йўқолган пайда иймон ҳам йўқ бўлишига далолат қилади. Кимнинг таваккули йўқ бўлса, унинг иймони йўқдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!»** (Моида: 23). Яна дейди: **«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир»** (Талок: 3). Яна айтади: **«Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига Қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдирлар»** (Анфол: 2). Бу эса мўминларнинг мана шу сифатларда бўлган кишиларга чекланишига далил бўлади»¹.

Таваккул қилувчининг мукофоти

Ким ишларида Аллоҳга суянса, Унинг Ўзи унга кифоя қилади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Ким Аллоҳга таваккул қилса»,** дин ва дунё ишларида Унга суянса, **«бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир»,** яъни кифоя қилувчидир. (Талок: 3). Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ кимнинг кифоя қилувчиси ва асровчиси бўлса, душман унга тамаъ қилолмайди, қочиш имконсиз бўлган иссиқ, совуқ, очлик, ташналик кабилардан бошқа озорлар унга зарар етказолмайди, у билан муродига етадиган нарсалар билан зарар етказолмайди. Зоҳирда озор бўлиб кўринган, аммо ҳақиқатда яхшилик бўлган нарса билан ўшани етказиш билан бировдан аламини оладиган (кўнги хуш бўладиган) озор ўртасида фарқ бор»².

¹ Мадарижус-саликийн: 2/129.

² Бадаиул-фаваид: 2/465.

Аллоҳ кимга кифоя қилувчи бўлса, унинг ишлари осон-енгил бўлади ва биров унга тамаъ қилолмайди. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Фақат Аллоҳдан мадад сўраш, Унга таваккул қилиш, Унга илтижо ва дуо қилишгина бандага қувват бахш этади, ишларини енгиллаштиради. Шунинг учун баъзи салафлар айтишганки, ким энг кучли одам бўлишни истаса, Аллоҳга таваккул қилсин»¹.

Аллоҳ таоло таваккулга мукофот қилиб, шахсан Ўзи шу бандага кифоя қилувчи бўлишидан бошқа нарсани зикр қилмади. Бошқа бирон бир ибодатга мукофот сифатида Аллоҳ таоло: **«Бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир»** деб айтганлиги келмаган, фақат таваккул мақомидагина шундай келган. Бу эса таваккулнинг шаъни нақадар буюклиги ва фазилати нечоғли улуғлигига, унинг нақадар улуғ ибодат эканига, фойдаларни келтириш ва зарарларни даф қилишда нақадар улкан сабаблардан эканига далил бўлади. Шундан сўнг оят давомида Аллоҳ таоло айтди: **«Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир»** (Талок: 3). Ўзи истаган ишдан Уни ҳеч ким ожиз қолдиролмайди. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Аммо, ишларнинг энг фойдалиси Аллоҳга таваккул қилиш, Унинг кифоя қилувчи Зот эканига аниқ ишониш ва Унга нисбатан яхши гумонда бўлишдир. Бу эса ризқ ишида ғам қилувчи киши бунда Аллоҳга илтижо ва дуо қилиши лойиқ бўлишини билдиради»².

Чин таваккул

Нафснинг роҳати унинг ишини яратувчисига топширишидадир. Парвардигори унинг ҳолидан хабардор, унга меҳрибон, ундан зарарни кетказишга қодир, унинг мусибатига ажру савоб берадиган ва ва мусибатида йўқотган нарсаси эвазига қўп яхшилиқни берадиган сахий Зот эканини эсласа, унинг Яратувчисига бўлган ишончи ортади. Аллоҳга бўлган таваккул чин бўлса, Аллоҳнинг амри билан орзулар ҳақиқатга айланади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Кимнинг бир нарсага эришишда Аллоҳга таваккули чин бўлса, унга етади. Агар рози бўлинадиган ва яхши-мақтовли иш бўлса, бунда у учун мақтовли оқибат бор бўлади. Агар ёмон кўрилган ва ғазабга лойиқ иш бўлса, таваккули сабабли эришган нарсаси ўзига зарар бўлади. Агар мубох иш бўлса, агар у билан Аллоҳнинг тоатига ёрдам олмаса, у учун таваккул қилган ишидаги маслаҳат эмас, таваккулнинг ўзида бор бўлган маслаҳат (манфаат) ҳосил бўлади»³.

Шундай экан, ёмонликлардан сақланиш ва фитналардан офият, ризқнинг ҳосил бўлиши, жаннатга кириш ва дўзахдан қутулишни талаб қилишда шаръий сабабларни қилиш билан бирга қалбингизни Аллоҳга боғланг. Махлукқа боғланиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Чунки,

¹ Ал-фатава: 10/32.

²² Ал-фатава: 10/662.

³ Мадарижус-саликийн: 2/114.

у зарарни аритишга ожиз, ато этишда қосирдир. Махлукда гарчи, бир нави қудрат бўлса-да, Аллоҳ уни қодир қилган ишларда ҳам бутунлай унга суянилмайди, балки Аллоҳнинг Ўзигагина суянилади. Зотан, ким ўз ҳасабига (обрў-эътиборига) суянса, хор бўлади. Ким ақлига суянса, адашади. Ким мол-дунёсига суянса, камбағал бўлади. Ким одамларга суянса, малолланади.

Демак, Аллоҳнинг ўзигагина суянинг. Зотан, Угина барча ишларингизда сизга кифоя қилувчидир. Ҳожатларингизни Унга кўндаланг қилсангиз ва ишларингизнинг калитларини Унгагина топширсангиз, Унинг ўзи барча ишингизни раво қилади. Аллоҳга нисбатан фақат яхши гумон қилинг, барча ишингизда Унга атваккул қилинг, шунда энг улуғ ибодатлардан бирини адо этган бўласиз. Аллоҳга таваккул қилган кишида асло хорлик бўлмайди.

Рағбат ҳам ибодат экани ва рағбат билан ражо ўртасидаги фарқ

Рағбат – яхши кўрилган бир нарсаси етишишни талаб қилишдир.

Рағбат билан ражо ўртасидаги фарқ:

Ражо умиддир, рағбат эса талабдир.

Масалан, ким жаннатга киришни тамаъ (умид) қилса, унинг бу тамаъсини ражо деб аталади.

Ким буни солиҳ амал билан талаб қилса, унинг мана шу талаб қилиши ва шу йўлда ҳаракат қилиши рағбат дейилади. Демак, ҳар бир рағбат ражо ҳамдир.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Рағбат билан ражо ўртасидаги фарқ шуки, ражо тамаъдир, рағбат эса талабдир. Рағбат ражонинг самарасидир. Чунки, бир нарсани ражо (умид) қилса, уни талаб қилади. Рағбатнинг ражого нисбатан ўрни худди қочишнинг кўрқувга нисбатан ўрнидадир»¹.

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни фақат Унга рағбат қилишга буюриб, деди: **«Ва ёлғиз Парвардигорингизга рағбат қилинг – юзингизни булинг!»** (Шарҳ: 8).

Раҳбат ибодатдир

Раҳбат – кўрқиладиган нарсадан қочишни натижа ўлароқ олиб келадиган хавф ва кўрқинчдир. У амалга боғланган кўрқувдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Раҳбат эса, ёқимсиз нарсадан қочишга зўр беришдир. У қалбнинг ўзига ёқимли нарсани талаб қилишга интилиши маъносида бўлган рағбатнинг аксидир»².

Рағбат ва раҳбат фақат сабр устига барпо бўлади. Раҳбат кишини сабрга ундайди, рағбат эса шукрга етаклайди. Рағбат ва раҳбат

¹ Мадарижус-саликийн: 2/55.

² Мадарижус-саликийн: 1/512.

ибодатлари бандадан унинг гуноҳлари миқдорича четланиб, иймони зиёда бўлишига қараб зиёдалашади. Банда Аллоҳнинг изни билан мана шу ибодат миқдорича тавфиққа эришади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар бандасига яхшиликни ирода қилса, уни бутун куч-ғайратини Аллоҳга рағбат ва раҳбат қилишга сарфлайдиган қилиб қўяди. Зеро, бу иккиси тавфиқнинг моддаларидир. Бас, қалбда рағбат ва раҳбат не қадар бўлишига қараб, тавфиқ ҳосил бўлади»¹.

Хушуъ Аллоҳдан бошқага қилиб бўлмайдиган ибодатдир

Хушуъ – Аллоҳнинг азамати (улуғворлиги ва буюклиги)га бўйин эгиш ва ҳокисорликдир. У қалбда ва аъзоларда бўлади. Хушуъ хузуъга жуда яқиндир, фарқи хузуъ бадан аъзоларида бўлади.

Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Хушуъ – Аллоҳ таоло учун хузуъ қилишдир, қалб ва аъзолар билан Унга таскинланиш ва хотиржам бўлишдир»².

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Хушуънинг ўрни қалб бўлиб, самараси аъзоларда кўринади»³.

Қалб Аллоҳга хушуъ қилгани сайин Унга бандалиги комилроқ бўлаверади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Халқларнинг убудиятда (бандалик қилишда) комилроғи Аллоҳга эгилиш, итоат ва ҳокисорликда комилроғидир»⁴.

Аллоҳнинг бандаларга бўлган фазлу марҳаматидан бўлдики, ким Аллоҳ ҳузуридаги нарсага рағбат ва тамаъ қилса, унга ажр берилади. Ким Аллоҳнинг азобидан раҳбат қилса, Аллоҳ унга омонлик беради. Кимнинг қалби ва аъзолари Аллоҳга хушуъ қилса, ҳаётда азиз бўлиб яшайди, халқлардан бирортасига эгилмайди.

Рағбат, раҳбат ва хушуънинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Дарҳақиқат улар (яъни мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилар ҳамда Бизга хушуъ (таъзим-итоат) қилувчи эдилар» (Анбиё: 90).

Рағбат, раҳбат ва хушуъ ибодат эканига далил

«Рағбат, раҳбат ва хушуънинг далили...» Яъни, Аллоҳ ҳузуридаги нарсага рағбат қилиш, Аллоҳнинг азобидан қўрқиш ва ёлғиз Аллоҳдан хушуъ ва хузуъ қилиш ибодат турларидан эканига далил Аллоҳ таолонинг пайғамбарлар ва солиҳ зотларни мактов билан зикр қилган ўринда айтган қуйидаги сўзларидир: **«Дарҳақиқат улар –**

¹ Шифаул-алийл: 226-с.

² Ал-фатава: 28/31.

³ Мадарижус-саликийн: 1/521.

⁴ Мифтаху дарис-саъада: 2/300.

яъни мазкур пайғамбарлар – **яхши ишларни** – яъни тоат ва қурбат ҳосил қиладиган амалларни – **қилишга шошар ва Бизга** – ҳузуримиздаги ажру савобларга – **рағбат ва** – Бизнинг азобимиздан – **рахбат** – қўрқув – **билан дуо-илтижо қилар** – тилак-истакларини сўрар – **ҳамда Бизга хушуъ** –тазарруъ ва таъзим-итоат – **қилувчи эдилар**». Бу эса уларнинг Парвардигорларини комил равишда таниганликлари сабабли эди.

Мазкур оят далолатига кўра, ушбу уч турли иш – Аллоҳ ҳузуридаги ажру савобларга рағбат қилиш, Аллоҳнинг азобидан раҳбат-қўрқиш ва Аллоҳгу хушуъ-хузуъ қилиш энг улуғ ибодат турларидандир. Ким улардан бирортасини Аллоҳдан бошқага бурса, у мушрикдир.

Хошятнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Сизлар улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз!» (Бақара: 150).

Хошят ибодатдир

Хошят аслида хавф маъносида бўлиб, фарқи хошят хавфдан хосроқдир. Чунки, хошят Аллоҳ таолони танишликка боғлангандир. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина қўрқур»** (Фотир: 28).

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳдан хошят-қўрқув Уни танишга боғлангандир, хошят таниш миқдорига қараб бўлади»¹.

Хошят ражони ҳам ўз ичига олади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Хошят доимо ражони ўз ичига олган бўлади. Агар шундай бўлмаса, у кунутга (умидсизликка) айланиб қоларди. Худди ражо хавфни лозим тутгани ва у бўлмаса амнга (хотиржамликка) айланиб қолгани каби. Аллоҳдан хавф ва Унга ражо қилиш аҳллари Аллоҳ мактаган илм аҳллари»².

Хошятнинг ибодат эканига далил

Хошят (қўрқув) Аллоҳдан бошқага қилинмайдиган улкан ибодатдир.

«Хошятнинг далили...» Яъни, хошятнинг ибодат эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Сизлар улардан қўрқмангиз»... Улар қўрқишга лойиқ эмаслар. «Мендан қўрқингиз!» Аллоҳ Ўзидангина қўрқишга буюрди. Чунки, Ундан қўрқиш ҳар бир яхшиликнинг бошидир. Ким Аллоҳдан қўрқмаса, Унинг маъсиятидан тийилмайди ва Унинг амрларига бўйсунмайди. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳеч бир киши Аллоҳнинг қўрқувисиз У

¹ Ат-тибьян: 88-с.

² Ал-фатава: 7/21.

(алоқа) боғлашга буюрган нарсани боғлаши асло мумкин эмас. Қачон қалбдан қўрқув кетса, (алоқа) боғлаш ҳам узилади»¹.

Хошиятнинг самараси

Ким Парвардигоридан қўрқса, Аллоҳ унинг қалбига ҳаёт ато этади ва у панд-насихат ва ибратлардан фойда олади.

Аллоҳ таоло айтади: «(Аллоҳдан) **қўрқадиган киши панд-насихат олажак**» (Аъло: 10).

Яна айтади: «**Албатта бу** (қисса)да (Аллоҳдан) **қўрқадиган кишилар учун ибрат бордир**» (Ван-назиат: 26).

Аллоҳга хушуъ-хузуънинг асарлари Ундан қўрққан кишида кўринади. Аллоҳ таоло айтади: «(Аллоҳнинг азоби ҳақидаги оятларни тиловат қилганларида) **Парвардигорларидан қўрқадиган зотларнинг терилари титраб кетар, сўнгра терилари – баданлари ҳам, диллари ҳам Аллоҳнинг зикрига юмшар – мойил бўлур**» (Зумар: 23).

Ҳидоят хошиятга етказувчи воситадир. Аллоҳ таоло айтади: «(Истагинг бормики,) **мен сени Парвардигоринг (йўли)га хидоят қилсам, бас, сен (У зотдан) қўрқсанг**» (Ван-назиат: 19).

У Аллоҳнинг мағфирати ва фазли-марҳаматини олиб келади. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта ғайбдаги (кўзларига кўринмайдиган) Парвардигорларидан қўрқадиган зотлар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бордир**» (Мулк: 12).

У жаннат неъматларига етказди. Аллоҳ таоло айтади: «**Уларнинг Парвардигорлари ҳузуридаги жазо-мукофотлари остидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатлардир. Улар ўша жойда абадул-абад қолувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар (Аллоҳдан) рози бўлдилар. Бу (мукофот) Парвардигоридан қўрққан киши учундир**» (Баййина: 8).

Ҳақиқий олим ким?

Одамларнинг Аллоҳдан энг қўрқувчироғи Аллоҳни яхши танувчироғидир. Ҳақиқий олим Аллоҳдан қўрқадиган кишидир. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина қўрқур**» (Фотир: 28).

Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳдан қўрққан ҳар бир киши олимдир»².

Аллоҳдан қўрқишлик илмга кифоя қилади. Ибн Масъуд розияллоху анху айтадилар: «Аллоҳдан қўрқиш илм бўлишга кифоя қилади,

¹ Уддатус-собирийн: 48-с.

² Ал-фатава: 7/17.

Аллоҳга (кечиради деб) мағрур бўлиб қолиш жоҳилликка кифоя қилади»¹.

Аллоҳдан қўрқиб, Унинг буйруқларини бажариш ва қайтариқларидан тийилиш билан Унга итоат қилган ҳар бир киши олимдир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмат-тик турган холда тоат-ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши (билан куфру исёнга ғарқ бўлган кимса баробар бўлурми)?!»** Айтинг: **«Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!»** Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд-насихат олурлар» (Зумар: 9).

Азизлик Аллоҳдан қўрқишда

Ким Роббидан қўрқса, халқлар ичида азиз бўлиб, бахтли ҳаётда яшайди. Шундоқ экан, Роббингизни кўз олдингизда қилинг, Унинг азоби ва жазосидан хотиржам бўлиб қолишдан қўрқинг, Ундан қўрқувни ҳосил қилиш учун тоатларни кўпайтиринг. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло қўрқилишга сазовор Зот, У фақат Ўзидангина қўрқишга буюрди ва Ундан бошқадан қўрқишдан қайтарди. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлар улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз! Ва токи сизларга неъматимни комил қилиб беришим ва тўғри йўлга ҳидоят топишингиз учун шундай қилингиз»** (Бақара: 150).

Махлукнинг махлукдан қўрқуви хорликдир, бўйин эгишга лойиқ бўлмаган кимсага бўйин эгишдир. Бас, сиз фақат Роббингиздан қўрқинг. Хошят-қўрқув энг улуғ ибодатдардан биридир, уни Аллоҳдан бошқага буриш ширкдир.

Инобат ибодатдир

Қалбнинг инобат ва Аллоҳга қайтиш билан Аллоҳ сари юзланиши банда у билан ажрга эга бўладиган жуда катта ибодатдир.

Инобат – Аллоҳга қайтишдир. Унинг асли қалбнинг маҳбубга бўлган муҳаббати, бўйин эгиши ва ҳокисорлигидир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Инобат – қалбнинг Аллоҳ азза ва жаллага машғул бўлишидирки, бу худди баданнинг масжидда эътикоф қилиб (машғул бўлиб), ундан чиқмаслигига ўхшашдир. Бунинг ҳақиқати – қалб Унинг муҳаббатига ва Уни улуғлаш ва таъзимлаш билан зикр қилишга машғул бўлиши, аъзолар эса Унга ихлос билан итоат қилишга ва Унинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга машғул бўлишидир»².

Инобат ва тавба ўртасидаги фарқ

¹ Мусаннаф Ибн Аби Шайба: №34532.

² Ал-фаваид: 341.

Инобат аслида тавба маъносида, бироқ фарқи, у тавбадан юқориқдир. Чунки, тавба гуноҳдан тийилиш, унга қайтмасликка азм қилиш ва ўтган гуноҳга пушаймонликдир. Агар ўзи қилиб келаётган ибодатларида давом этса, у тавба қилувчи бўлади. Агар тавба қилганидан кейин Қуръон ўқиш, садақа қилиш каби амалларга иқбол қилса, бу Аллоҳга инобатдир. Масалан, бир киши ўғирликдан тавба қилса, тавба қилган бўлади. Агар шу тавбасидан кейин истиғфор, зикр ва шу каби ишларга иқбол қилса, инобат қилган бўлади. Демак, инобат тавбага ҳамда ибодатлар билан Аллоҳга юзланишга далолат қилади.

Мусанниф инобатни зикр қилиш билан кифояланиб, тавбани ибодат турлари ичида зикр қилмади. Чунки, ибодатнинг инобатдаги сурати тавбадаги суратидан кўра возиҳроқ-очиқроқдир. Чунки, бунда ибодатга зиёда иқбол бўлади ва инобат тавбадан кўра омроқдир.

Аллоҳга инобат қилувчи Унинг розилигига шошилувчи, ҳамма вақт Аллоҳга қайтувчи, У яхши кўрадиган ишларга шошилувчи кишидир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Дўстларининг инобати Унинг илоҳиятига бандалик ва муҳаббат билан инобат қилишдир. У тўртта ишни ўз ичига олади: Унинг муҳаббатини, Унга хузуъни, Унга иқболни ва Ундан ўзгдан юз ўгиришни. Демак, Аллоҳга инобат қилувчи Унинг розилигига шошилувчи, ҳамма вақт Унга қайтувчи, У яхши кўрадиган ишларга ошиқувчи кишидир. Чунки, инобат сўзида шошилиш, қайтиш ва интилиш маънолари бордир»¹.

Инобат пайғамбарлар одатидир

Аллоҳга инобат қилиш набийлар ва расуллар – алайҳимус-солату вас-салом – одатидир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Довуд алайҳиссалом ҳақида айтади: **«Довуд Биз уни имтиҳон қилганимизни билди-да, Парвардигоридан мағфират қилишини сўради ва (саждага) эгилган ҳолида йиқилиб, тавба-тазарруъ қилди»** (Сод: 24).

Сулаймон алайҳиссалом ҳақида айтади: **«Дарҳақиқат Биз Сулаймонни имтиҳон қилдик ва унинг тахти устига бир жонсиз жасадни ташладик. Сўнгра у тавба-тазарруъ қилди»** (Сод: 34).

Шуъайб алайҳиссалом дедилар: **«Ва (бунга) ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўлурман. Ўзига суяндим ва Ўзига инобат қилурман»** (Худ: 88).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Мана шу Аллоҳ Парвардигоримдир. Ўзига суяндим ва Ўзига инобат қилурман»** (Шуро: 10).

Аллоҳ таоло Ўз халили Иброҳим алайҳиссаломни Унга инобат қилувчи бўлгани ва барча ишларида фақат Унга қайтувчи бўлганини

¹ Мадарижус-саликийн: 1/434.

айтиб мақтади: **«Зотан, Иброҳим ҳалийм, кўнгилчан ва инобатли кишидир»** (Худ: 75).

Жаннат башорати инобат аҳлигадир. Аллоҳ таоло айтади: **«Шайтондан — унга ибодат қилишдан йироқ бўлган ва Аллоҳга (яъни, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга) қайтган зотлар учун (жаннат) хушxabари бўлсин!»** (Зумар: 17).

Парвардигорига инобат қилувчи кишигина оятлардан ибратланади, панд-насиҳатлардан таъсирланади. Аллоҳ таоло айтади: **«(Парвардигорга) қайтувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма-ибрат бўлсин учун (мана шундай қилдик)»** (Қоф: 8).

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Банда агар Парвардигорига инобат қилса (қайтса), оят ва ибрат ўринларини кўра билади ва уларни нимага оят-аломат бўлса, шунга далил қилади»¹.

Аллоҳга инобат қилиш Унинг азобини тўсади. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари (яъни Аллоҳнинг бирон бало-қазосига дучор бўлмай туриб), Парвардигорларингизга қайтинглар ва Унга бўйинсунинглар!»** (Зумар: 54).

Жаннат Аллоҳдан кўрқувчи ва Унга инобат қилувчи қалб эгаларига ҳозирлаб қўйилган. Аллоҳ таоло айтади: **«Жаннат тақводор зотларга йироқ бўлмаган (бир маконга) келтирилди (ва уларга дейилди): «Мана шу (неъматлар) сизларга — ҳар бир (Аллоҳга) қайтувчи, (ўз аҳдини) сақлаувчи (риоя қилувчи), ғайбдаги Раҳмондан кўрққан ва тавба-тазарруъ қилган дил билан келган кишиларга ваъда қилинаётган нарсалардир»** (Қоф: 31-33).

Аллоҳ таоло барча халқларни Унинг ўзига инобат қилиш ва қайтишга буюрди. Аллоҳ таоло айтади: **«(Аллоҳга) қайтувчи бўлган ҳолларингизда (Унинг динини маҳкам тутинглар) ва У зотдан кўрқинглар ҳамда намозни тўқис адо қилинглар! Мушриклардан бўлманглар!»** (Рум: 31).

Таваккул манзилати инобат манзилатидан олдиндир. Чунки, банда унга эришишда таваккул қилади. Демак, таваккул васила, инобат эса ғоядир.

Инобат банданинг икки дунё саодатига эришиш сабабларидан. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Банда фақат Парвардигорининг ибодати учунгина яратилди. Унинг салоҳи, камоли, шодлиги ва сурури Парвардигорига ибодат қилиши ва Унга инобат қилишидадир»².

Инобат Аллоҳнинг ҳузурида жуда юқори манзилат (ўрин) бўлгани сабабли ҳам шайтон бандани ундан тўсишга уринади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Банда Парвардигорига инобат қилмоқчи, Унга яқинлик ҳосил қилмоқчи ва Унга боғланмоқчи бўлса, шайтон унинг йўлига кўп кўндаланг бўлади»³.

¹ Мадарижус-саликийн: 1/442.

² Ал-фатава: 14/32.

³ Ал-фатава: 7/281.

Бандаларнинг инобатдаги тафовутлари

Инобат бандалар унда тафовутли бўладиган ибодатдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Одамлар инобатларида бир неча даражаларга фарқланади. Айримлар гуноҳ ва маъсиятлардан қайтиш билан Аллоҳга инобат қилувчидир. Баъзилар ҳар турли ибодат ва қурбатларга киришиш билан Аллоҳга инбат қилувчидир. Яна баъзилар тазарруъ ва дуо билан, Унга муҳтожлик билан, рағбат билан, барча ҳожатларини Ундан сўраш билан инобат қилувчидир»¹.

Фитрат (тоза табиат) ҳам инобатга йўллайди. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Фитрат Аллоҳга иқрор бўлиш ва Унга инобат қилишни ўз ичига олгандир»².

Инобатнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Парвардигорларингизга қайтинглар ва Унга бўйинсунинглар!» (Зумар: 54).

«Инобатнинг далили...» Яъни, инобат Аллоҳ таоло бандаларига буюрган улуғ ибодат эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Парвардигорларингизга –дилларингиз билан – қайтинглар ва Унга – аъзоларингиз билан – бўйинсунинглар!» (Зумар: 54). Унинг ибодат экани ва Аллоҳ уни шаръий ва диний жиҳатдан яхши кўриши зоҳирдир. Уни Аллоҳдан бошқага буриш ширкдир.

Истионатнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз» (Фотиҳа: 5). Ҳадисда келганки: «Агар мадад сўрасанг, Аллоҳдан мадад сўра».

Истионат ибодатдир

Истионат — мадад сўраш демакдир. У Аллоҳга бўлган иймон-ишончни ва Унга тўла ҳокисорлик билан суянишни ўзида жамлайди. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Истионат – Аллоҳдан мадад сўраш учта ишни; Унга тўла ҳокисорлик билан эгилишни, Унга қаттиқ ишонишни ва Унга суянишни ўз ичига олади. Ким ушбу учта маънони ўзида мужассам этган ҳолда Аллоҳдан бошқадан мадад сўраса, ўша бошқани Аллоҳга шерик қилган бўлади»³.

«Истионатнинг далили...» Яъни, мадад сўрашнинг ибодат турларидан эканига далил..

¹ Тарикул-ҳижратайн: 292-с.

² Ал-фатава: 2/6.

³ Мадарижус-саликийн: 1/74.

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Сенгагина ибодат қиламиз – яъни ибодатга фақат Сени хослаймиз – ва Сендангина мадад сўраймиз – халқларингдан эмас, фақат Сенинг Ўзингдан мадад сўраймиз».

Ибодатдан сўнг мадад сўрашни зикр қилди, ваҳоланки у ҳам ўзи ибодат ичига дохил эди. Бунинг сабаби, банда барча ибодатларида Аллоҳдан мадад сўрашга муҳтождир. Чунки, агар Аллоҳ ёрдам бермаса, банда ўзи истаган Аллоҳнинг буйруқларини қилишга ва қайтариқларидан тийилишга эриша олмайди. Демак, биринчиси ширкдан ўзини холи қилиш, иккинчиси эса куч-қувватдан ўзини холи қилишдир.

Диннинг мадори (ҳаракат йўли) ибодат ва истионат устидадир. Аллоҳнинг ибодатини адо этиш ва Ундан мадад сўраш абадий саодатга эришиш ва барча ёмонликлардан нажот топиш воситасидир. Нажот йўли фақат шу иккисини адо этишдадир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: **«Дин — фақат Аллоҳгагина ибодат қилиниши ва фақат Ундангина мадад сўралишидир»¹.**

Ибодат Унинг улуҳияти тақозоларидан, истионат эса Унинг рубубияти тақозоларидандир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: **««Сенгагина ибодат қиламиз» Унга улуҳияти тақозоси қилган муҳаббат, хавф, ражо, амр ва наҳийлар билан ибодат қилишга ишорадир. «Сендангина мадад сўраймиз» эса Унинг рубубияти тақозо қилган таваккул, суяниш ва таслим бўлишга ишорадир»².**

Мадад сўраш келгусидаги ишлар учун бўлади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Истионат ва таваккул фақат келгусидаги ишларга тааллуқлидир. Аммо, бўлиб ўтган ишларда фақат сабр, таслим ва розилик (муносибдир)»³.

Унга эришиш йўли

Мадад сўраш буюк ибодатдир. Ушбу ибодатда ёрдамчи бўладиган нарсаси «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» деган сўзлардир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: ««Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» деб айтиш мадад олиб келади. Шунинг учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззин «ҳайя алас-солах» деган пайтда уни эшитган киши «ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» деб айтишни⁴ суннат қилганлар»⁵.

Яна айтади: «Ушбу калима – яъни «ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» калимаси – истионат (мадад сўраш) калимасидир, (мусибат пайтида айтиладиган) истиржоъ калимаси эмас. Кўпчилик одамлар

¹ Ал-фатава: 1/89.

² Ал-фатава: 1/89.

³ Ал-фатава: 13/321.

⁴ Муттафакун алайҳ, Бухорий: №588, Муслим: №385 Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

⁵ Ал-фатава: 13/322.

уни мусибатлар пайтида истиржоъ ўрнида айтишади, бу сўзларни сабр билан эмас, жазаъ (оҳ-воҳ) билан айтишади»¹.

Дуолар ичида энг жомеъ (кўп фойдали) бўлгани тоатга мадад сўрашдир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Шайхулислом раҳимахуллоҳ деганки, энг фойдали дуони ўйлаб кўрсам, у Аллоҳдан Унинг розилигига эриштирадиган ишларда ёрдам сўраш экан, кейин ушбу дуони «Фотиҳа» сурасида **«Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз»** оятида эканини кўрдим»².

Аллоҳдан мадад сўраш билан халқлардан мадад сўрашдан беҳожат бўласиз. Банда беҳожатлигининг камоли (чўққиси) Парвардигорига боғланишидадир. Ким Аллоҳдан мадад сўрашни тарк қилса ва бошқалардан мадад сўрашга ўтса, Аллоҳ уни ўша ўзи мадад сўраган кимсаларга топшириб қўяди ва шу билан у банда хорликка гирифтор бўлади. Пайғамбарлар ўз қавмларини ёлғиз Аллоҳдан мадад сўрашга буюрганлар. Аллоҳ таоло айтади: **«Мусо қавмига деди: Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз!»** (Аъроф: 128).

«Ҳадисда келганки...» Имом Термизий ривоят қилган ушбу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг Ўзидан мадад сўрашга буюриб, айтганлар: **«Агар мадад сўрасанг, Аллоҳдан мадад сўра»**³.

Ибн Дақиқ ал-Ийд раҳимахуллоҳ айтади: «Шахс талаби билан, қалби билан ё орзу-умиди билан Аллоҳ таолодан бошқага суяниши микдорига қараб Парвардигоридан юзини ўзига фойда ҳам, зарар ҳам етказолмайдиган (банда)га қараб буради. Аллоҳдан бошқадан кўрқиш ҳам худди шундай»⁴.

Махлукдан мадад сўраш

Тирик махлукдан (яъни бандадан) у қодир бўладиган ишларда мадад сўрашнинг зарари йўқ. Агар яхшилик ишларда бўлса, эҳсон бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Яхшилик ва такво йўлида ҳамкорлик қилингиз»** (Моида: 2). Агар гуноҳ ишларда бўлса, ҳаром бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!»** (Моида: 2).

Аммо, ўликлардан мадад сўраш ёки тирик бўлса ҳам ғойибдагилардан мадад сўраш ёки ҳозир бўлиб турган тириклардан улар қодир бўлмайдиган ишда мадад сўраш ширк бўлади.

Банда заифдир, у Парвардигорнинг мададидан асло беҳожат бўлмайди. Ким матлубини рўёбга чиқаришга сай-ҳаракат қилса, албатта Аллоҳдан мадад сўраши, Унга таваккул қилиши ва Унга мухтожлигини кўрсатиши лозим. Аллоҳнинг бандаларга катта фазли-

¹ Ал-фатава: 10/686.

² Мадарижус-саликийн: 1/78.

³ Суанут-термизий: №2516.

⁴ Шарҳул-арбаъийн ан-нававий: 122-с.

марҳамати бўлдики, қай бир банда Унга боғланса, Аллоҳ унга ёрдам беради. Истионат улуғ ибодатдир, банда уни рўёбга чиқариши ва унда сусткашликка йўл қўймаслиги лозим.

Истиъозанинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Мен тонг Парвардигоридан паноҳ сўрайман»** (Фалақ: 1) ва «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан паноҳ сўрайман»** (Ан-нос: 1).

Истиъоза ибодатдир

Истиъоза – паноҳ сўраш, сақланиш, боғланиш маъноларини билдиради. Унинг моҳияти эса, ўзингиз қўрқадиган нарсадан сизга паноҳ берадиган зот сари қочишингиздир.

Аллоҳдан истиъоза қилиш Аллоҳдан паноҳ сўраш, Унга қараб қочиш ва Унга боғланиш, Унинг ўзи кифоя қилувчидир ва барча ёмонликлардан ҳимоя қилувчидир деб эътиқод қилишдир.

У Аллоҳ таоло бандаларига буюрган ибодатлардан биридир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Агар сизни шайтоннинг васвасаси йўлдан урмоқчи бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўранг!»** (Аъроф: 200). Аллоҳ таоло яна айтганидек: **«(Эй мўмин бандам), ҳар қачон Қуръон кироат қилсанг, албатта қувилган — малъун шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин!»** (Наҳл: 98).

«Фатҳул-мажид»да айтилади: «Аллоҳдан ўзгасидан паноҳ сўраш жоиз эмаслигига уламолар ижмоъ-иттифоқ қилганлар»¹.

Мусибатларни аритиш ва ғамларни кўтаришда оламлар Парвардигоридан ўзга илтижо қилинувчи зот йўқдир. Ҳаёт офатлар ва кўрғиликлар билан тўладир. Ҳар бир банданинг инсу жиндан бўлган душмани бўлади, уларнинг энг олдинги қаторида Иблис – лаъанахуллоҳ – туради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар!»** (Фотир: 6). Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбар учун инсонлар ва жинлардан бўлган душманлар бўлишини хабар бериб айтади: **«Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтирок) сўзлар билан васваса қиладилар»** (Анъом: 112). Пайғамбарларнинг тобеълари ҳам худди шундай синов-имтиҳонларга учрайдилар.

Ҳеч қайси банда инсу жинлар ёмонлигидан ва ҳаётдаги балою офатлардан Аллоҳдан паноҳ тилаш ва Аллоҳнинг ҳимоясини сўрашдан беҳожат эмасдир. Ким Аллоҳдан паноҳ тиласа, Аллоҳ Ўзининг Китобида бир неча ўринда буюрган улуғ ибодатни адо қилган бўлади.

¹ Фатҳул-мажид шарҳ китабит-тавҳийд: 188-с.

Истиъозанинг ибодат эканига далил

«Истиъозанинг далили...» Яъни, Аллоҳдан паноҳ сўрашнинг ибодат турларидан бири эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Мен тонгнинг Парвардигоридан паноҳ сўрайман»** (Фалақ: 1) ва «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан паноҳ сўрайман»** (Ан-нос: 1).

Мазкур икки сура - «муаввизатайн» ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳуга шундай деганлар: «Бу кеча аввал ҳеч ўхшаши кўринмаган оятлар нозил қилинди, «Қул аъувзу бироббил-фалақ» ва «Қул аъувзу бироббин-нас» (Муслим ривояти)»¹.

Истиъоза нафас олиш ва емак-ичмакдан ҳам муҳимроқдир

Мусулмон киши эртаю кеч доимо мана шу икки сура билан истиъоза қилиб юриши вожиб бўлади, истиъоза уни куну тун офат ва ёмонликлардан қўрғонлайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳуни бу икки сура билан паноҳ сўрашга буюриб: «Сиз шу иккиси билан паноҳ сўранг. Ҳеч бир паноҳ тиловчи ушбу иккиси билан паноҳланганча паноҳланмаган», деганлар (Абу Довуд ривояти)².

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Банданинг мана шу икки сура билан паноҳ сўрашга бўлган ҳожати унинг нафасга, емак-ичмак ва либосга бўлган ҳожатидан ҳам каттароқдир»³.

Парвардигор субҳанаҳу ва таоло куч-қудрат ва ғолиблик сифатлари билан сифатланган Зотдир. Ким У билан паноҳланса, ҳеч кимнинг озори унга етмайди, сабаблари мавжуд бўлиб тургани ҳолда ҳам зарар унга тегмай ўтиб кетади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким бир манзилга тушганида: «Аъзузу бикалиматиллаҳит-тааммаати мин шарри маа холақ» (яратган нарсаларининг ёмонлигидан Аллоҳнинг мукаммал калималари билан паноҳланаман) деса, то шу манзилдан кетгунча унга ҳеч нарса зарар етказолмайди» (Муслим ривояти)⁴.

Қуртубий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу саҳиҳ хабар ва рост сўздир, биз унинг тўғрилигини далил ва тажриба билан билдик. Мен мана шу хабарни эшитганимдан бери унга амал қилиб келдим ва менга ҳеч нарса зиён-зарар етказмади. Бир куни тунда, Махдияда⁵ уни тарк

¹ Саҳиҳ Муслим: №814.

² Суану Аби Довуд: №1463.

³ Бадаъиул-фаваид: 2/199.

⁴ №2708, Хавла бинт Ҳаким розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган.

⁵ Махдия – Андалусдаги бир шаҳар номи

қилганимда чаён чақиб олди. Ўйлаб кўрсам, мазкур калималар билан паноҳ сўрашни унутган эканман»¹.

Инсон озорларга кўндаланг бўладиган заиф бандадир, унинг ҳаёти Аллоҳга боғланиш ва Ундан паноҳланиш билангина хуш кечади. Банда зарар ҳам, фойда ҳам Аллоҳнинг қўлида эканини билиши, унга зарар етказиш учун тиришаётган кимса модомики Аллоҳ хоҳламаса, бунга эриша олмаслигига ишониши зарур. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Билгинки, агар ер юзидаги ҳамма одам жамланиб сенга бирон фойда етказмоқчи бўлишса, Аллоҳ сенинг тақдирингга ёзган нарсдан ортиқ фойда етказа олишмайди. Агар ер юзидаги ҳамма одам жамланиб сенга бирон зарар етказмоқчи бўлишса, Аллоҳ сенинг тақдирингга ёзган нарсдан ортиқ зарар етказа олишмайди. Тақдир қаламлари кўтарилиб, саҳифалар қуригандир»** (Термизий ривояти)². Аллоҳ таоло зарари зоҳир ва банданинг кўзига аниқ кўриниб турадиган нарсани, яъни сеҳрни зикр қилди. Шунда ҳам, баъзида зарар ундан бурилиб кетади. Аллоҳ таоло айтади: **«(Лекин) улар (яъни, сеҳр ўрганганлар) Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар»** (Бақара: 102).

Истиъоза – Аллоҳдан паноҳ сўраш энг улуғ ибодатлардан биридир. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни зулматлар бағридан тонгни ёриб чиқарувчи Зотдан барча махлуқотлари ёмонлигидан – тун қоронғулигидаги ёмонликлардан, сеҳргарлар ёмонлигидан, ҳасадчилар ёмонлигидан паноҳ тилашга буюрди. Зотан, оламдан зулматни кетказиб, ёруғликни келтиришга Қодир Зот паноҳ сўровчидан у кўрқадиган нарсаларни даф қилишга ҳам Қодирдир.

Бандадан паноҳ сўраш

Тирик ва ҳозир бўлиб турган бандадан у қодир бўлган ишда паноҳ сўрашнинг зарари йўқ. Жобир ибн Абдулоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Бану Махзум қабиласилик бир аёл ўғирлик қилганида уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига олиб келинди. У аёл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Умму Салама розияллоҳу анҳодан паноҳ сўради. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳга қасамки, агар (қизим) Фотима ўғирлик қилганида, унинг қўлини кесган бўлардим»**, дедилар, сўнг (унинг қўли) кесилди. (Муслим ривояти)³.

«Тайсирул-азизил-ҳамид»да айтилади: «Махлуқдан (бандадан) у қодир бўладиган ишни талаб қилиш ва ўшанда ундан паноҳ сўраш

¹ Фатҳул-мажид: 190-с.

² №2516, 2/385, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

³ №1689, 3/1316.

мумкин, Аллоҳдан ўзгаси қодир бўлмайдиган ишларда ундай эмас, бунда фақат Аллоҳдангина паноҳ сўралади»¹.

Аммо, ўликлардан ёки тирик бўлса ҳам ғойибдагилардан ёки ҳозир бўлиб турган тириклардан улар қодир бўлмайдиган ишларда паноҳ сўраш катта ширкдир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Албатта инсдан бўлган (айрим) кишилар жиндан бўлган кимсалардан паноҳ тилашиб, уларга янада хаддан ошишни-муттаҳамликни зиёда қилур эдилар»** (Жин: 6).

Шундай экан, тилакинги ва паноҳ исташингизни фақат Аллоҳ сари бурунг, Ундан ўзга ҳеч ким ҳалокатлардан сақлаб қололмайди, Ундан бошқаси фойдаларни етказолмайди.

Истиғосанинг далили Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзларидир: «Ўшанда Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилди» (Анфол: 9).

Истиғоса ибодатдир

Истиғоса – иғоса ва ғавс, яъни мадад тилаш маъносида бўлиб, танглик ва оғир машаққатдан қутқаришни сўрашдир.

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Истиғоса фақат қийинчиликдан кейин бўлади»².

Истиғоса, дуо ва истиъоза ўртасидаги фарқ

Дуо билан истиғоса ўртасидаги фарқ:

Истиғоса фақат бирон мусибат ва машаққат туфайли қилинади.

Дуо эса оmdir, мусибатда ҳам, бошқа пайтда ҳам қилинаверади.

Истиғоса дуо турлари ичида энг хоси бўлиб, бошига оғир иш тушган кишининг дуосини истиғоса дейилади.

Истиғоса ва истиъоза ўртасидаги фарқ:

Истиъоза Аллоҳдан сизни сақлашини, қўрғонлашини ва сиздан ёмонликни ман қилишини сўрашдир.

Истиғоса эса Аллоҳдан бошингизга тушган машаққат ва шиддатни кетказишини сўрашдир.

Истиғоса Аллоҳга тамомила муҳтожликни ва Унинг кифоя қилувчи Зот эканига бўлган ишончни ўз ичига олади. У энг афзал ва энг комил амаллардан биридир. Инсон бу ҳаётда ҳар хил машаққат ва кўргуликларга дучор бўлиб туради. Шунда ким бошига тушган қийинчиликни аритишини сўраб, Парвардигоридан истиғоса қилса – мадад сўраса, пайғамбарлар ва солих зотлар машаққатлар пайтида бош урган ва шу туфайли Аллоҳ уларнинг мусибатларини аритган улкан ибодатни адо этган бўлади.

¹ Тайсирул-азизил-хамид: 211-с.

² Бадаиул-фаваид: 1/60.

«Истиғосанинг – ибодат эканига – далили Аллоҳ таоланинг қуйидаги сўзларидир: «Ўшанда Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилди» (Анфол: 9). Яъни, сизлар Аллоҳнинг сизларга бўлган неъматини эсга олинг, ўшанда душманларингиз билан тўқнашиш онлари яқинлашган пайтда Парвардигорингиздан мадад, нусрат ва ғалаба тилаб дуо қилдингиз, шунда У сизларга ижобат қилди. Бу воқеа Бадр жанги куни бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларнинг сони кўплигини кўриб, Парвардигорларига нидо қилиб, дуо-илтижолар билан Ундан мадад сўраган эдилар. Шунда Аллоҳ таоло у зотга душманлари устидан ғалаба ато этди, мусулмонлар душманларни ўлдирдилар, асир олдилар, Ислом ғолиб бўлди ва бу кун Фурқон куни деб аталди.

Ширкка мансуб истиғоса

Ушбу оят далолатига кўра, истиғоса энг улуғ ибодатлардан биридир, уни Аллоҳдан бошқага буриш – бут-санамлардан, ўликлардан, ғойиблардан ва шу кабилардан мадад сўраш – Аллоҳ таолога ширк келтириш бўлади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Унинг – яъни ширкнинг – яна бир тури ҳожатларни ўликлардан сўраш, улардан мадад сўраш ва уларга (дуо-илтижо билан) юзланишдир. Бу оламдаги ширкнинг аслидир. Аслида, маййитнинг амали узилди, у энди ундан мадад сўраганларга, ундан ҳожатини адо этишини тилаганларга ва ундан Аллоҳ хузурида шафоатчи бўлишни истаганларга ёрдам бериш у ёқда турсин, ўзи учун ҳам фойда келтириш ва зарарни даф этишга эга бўлмайди»¹.

Бу истиғосанинг (яъни ширкка мансуб истиғосанинг) ҳасрат ва надоматдан бошқа натижаси йўқдир, унинг эгаси ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган сароб ортидан бораётган бўлади, дунёда зиёнкорга, охиратда эса ҳалок бўлувчига айланади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Абу Язид раҳимаҳуллоҳ айтганидек, махлуқнинг махлуқдан мадад сўраши чўкаётганнинг чўкаётгандан мадад сўрашига ўхшайди»².

Ким Аллоҳдан бошқага – ўликларга ё ғойибдаги тирикларга – дуо-илтижо қилса, бу истиғосаси устида йиллаб ўтирса ҳам, ҳеч қачон истаги амалга ошмайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар сизлар уларни чорласангизлар, дуоларингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да, сизларга жавоб қила олмаслар» (Фотир: 14).**

Жоиз бўлган истиғоса

¹ Мадарижус-саликийн: 1/346.

² Ал-фатава: 14/29.

Ҳозир бўлган ва ёрдам беришга қодир бўлган тириклардан ўзлари қодир бўлган ишларда мадад сўраш жоиз. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом қиссасида айтади: «(Бас Мусонинг) **гуруҳидан бўлган киши ундан душман томондан бўлган кимсага қарши ёрдам сўради**» (Қасас: 15). Аммо, улардан ўзлари қодир бўлмайдиган ишларни сўраш, ёки ўликлардан ё ғойиблардан мадад ва ҳожатларни аритишни сўраш Аллоҳга ширк келтириш бўлади.

Бошингизга бирон оғир иш тушса ва шиддат-машаққат кучайса, ғайбларни Билувчи Зотдан мадад сўранг, осмонлару ер **калитлари** Унинг Қўлидадир. Аллоҳ таборака ва таоло деди: «**Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигидир. Бас у (наrsa) бўлур (вужудга келур)**» (Ясин: 82).

Бўғизлашнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта, намозим, нусук (яъни қурбонлик ибодат)ларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга (яъни ягона Аллоҳга ихлос-ибодат қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйинсунувчиларнинг аввали — пешқадамиман» (Анъом: 162,163).

Бўғизлаш ибодатдир

Аллоҳ учун жонлиқ сўйиш энг катта ибодатлардан ва молиявий ибодатларнинг энг афзалларидан биридир. У иймоннинг ростлигига ва нафснинг Аллоҳ учун юксалишига аломатдир. Чунки, сўйилажак жонивор эгалари учун яхши ва суюмли бўлади. Агар уни Аллоҳ учун фидо қилса ва шу билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишни истаса, нафси ўша жониворнинг қурбон бўлишига рози бўлса, у одам молиявий ибодатларнинг мутлақ афзалини қилган бўлади. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Иймон ва ихлос аралашган сўйишда жам бўлган кучли яқийн-ишонч ва Унга чиройли гумонда бўлишлик жуда ажойиб ишдир»¹. Чунки, қалбда иймон ҳаловати кўринади.

«Бўғизлашнинг – Аллоҳ учун улкан ибодат эканига – далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта, намозим, нусук (яъни қон чиқаришга тааллуқли ибодат)ларим..» Яъни, намозларим ва сўйиш билан адо топадиган ибодатларим.. Яъни, нафс ўзи яхши кўрадиган молни нафсга ундан кўра ҳам суюмлироқ бўлган зотга – Аллоҳга қурбон қилишим..

Мазкур икки ибодатни хос зикр қилди. Чунки, улар ғоят шарафли ва афзал ибодатлардандир. Қолаверса, бу икки ибодат Аллоҳга бўлган

¹ Ал-фатава: 16/532.

мухаббатга ва динни Унга холис қилишга далил бўлади. Зотан, намоз баданий ибодатларнинг энг улуғларидан, сўйиш эса молиявий ибодатларнинг энг улуғларидан, ким намозида ва сўйиш ибодатида ихлосли бўлса, бу унинг бошқа сўз ва амалларида ҳам Аллоҳга ихлосли бўлишини лозим тутди.

«Ҳаёту мамотим...» Яъни ҳаётимда адо этган иш-амалларим ва вафотимдан кейин Аллоҳ ҳузурида жамғарган нарсаларим..

«Бутун оламларнинг Парвардигори – ва маъбуди – бўлмиш Аллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир..» Унинг эгалик ва бошқаришда шериги бўлмагани каби, ибодатда ҳам шериги йўқдир.

«Мана шунга – яъни ягона Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишга – буюрилганман. Ва мен бўйсунувчиларнинг аввали — пешқадамиман». Ким ўз жасадини Аллоҳга ибодат қилишга бўйсундирса, молини Парвардигорига қурбонлик сўйиш учун сарфласа, бу киши ҳақиқий мусулмондир. Аллоҳ таоло мазкур икки ибодат афзал ибодатлардан бўлгани учун ҳам Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламни уларни ихлос билан қилишга буюриб, деди: **«Бас, сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб-қурбонлик қилинг!»** (Кавсар: 2). Яъни, бошқа учун эмас, фақат Аллоҳ учун намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг. Намозни Аллоҳдан бошқага адо этиш жоиз бўлмаганидек, қурбонликни ҳам ёлғиз Аллоҳдан бошқага қилиш жоиз бўлмайди.

Суннатда (яъни ҳадисда) келганки: «Аллоҳдан бошқага атаб жонлик сўйган кишини Аллоҳ лаънатласин».

Ширкона жонлик бўғизлаш кўриниши

Кимга ўз жони арзимас-бекадр бўлиб, ибодатини Аллоҳдан бошқага бурса, яъни бут-санамлардан ё қабрлардан кўрққанидан ё уларни улуғлаб ё уларнинг эгаларидан шафоат тилаб, уларга атаб жонлик сўйса, ё эса подшоҳ келадиган йўл устида ё шу каби жойларда жонлик бўғизласа, гарчи сўйган жонивори туя, мол, қўй, товуқ ё ундан кичикроқ нарса бўлса ҳам, ширкка тушган бўлади. Бундай қилган киши ҳақида қаттиқ азоб хабари келган.

«Суннатда (яъни ҳадисда) келганки: «Аллоҳдан бошқага атаб жонлик сўйган кишини Аллоҳ лаънатласин»¹. Лаънат – Аллоҳнинг раҳматидан қувилиш ва узоқлатилишдир.

Ким шайтоннинг измига тушиб, Яратувчидан ўзгага қурбонликлар қилса, куфрони неъмат қилган бўлади, Аллоҳнинг рубубиятини синдирган ва улуҳиятини камситган бўлади, ўзининг холиқидан бошқани улуғлаган, сўйиш ибодатини унга лойиқ бўлмаган махлуққа

¹ Муслим ривояти: №1978, Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

буриш билан оғир жиноят қилган ва шу сабабли Аллоҳнинг лаънатига сазовор бўлган бўлади.

Назрнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Улар (ҳаёти-дунёда ўз зиммаларига олган) назрларини тўла адо қилурлар ва ёмонлик-дахшатлари кенг ёйилувчи бўлган (Қиёмат) Кунидан қўрқурлар» (Инсон: 7).

Назр ибодатдир

Назр – мукаллаф аслида шариатда унга вожиб бўлмаган нарсани ўзига вожиб қилишидир, бу ҳам Аллоҳга холис қилиниши вожиб бўлган ибодатдир.

«Назрнинг далили...» Яъни, назрнинг Аллоҳдан бошқага буриш мумкин бўлмаган ибодат эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг – назрига вафо қилувчиларни мақтаб айтган – қуйидги сўзларидир:

«Улар (ҳаёти-дунёда ўз зиммаларига олган) назрларини тўла адо қилурлар..» Аслида уларга вожиб бўлмаган, бироқ улар ўзларига вожиб қилиб олишган ишни – назрни тўла адо этишар экан, демак, аслида шариат томонидан фарз ва вожиб қилинган амалларни албатта адо этишга лойиқдирлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло фақат ибодатни адо қилган кишига мақтов айтади.

«Ва ёмонлик-дахшатлари кенг ёйилувчи бўлган (Қиёмат) Кунидан қўрқурлар». Мусулмон кишининг қалби Аллоҳга боғланган бўлади, ибодат турларидан ҳеч бирини Аллоҳдан бошқага бурмайди, балки барча турдаги ибодатларни фақат Аллоҳга қилади. Агар шариат соҳиби фарзу вожиб қилмаган бирон ишни ўзига назр сифатида вожиб қилса, уни фақат ёлғиз Аллоҳ учун назр қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Ким Аллоҳга итоат қилишни назр қилса, итоат қилсин. Ким Унга осий бўлишни назр қилса, осий бўлмасин» (Бухорий ривояти)¹.

Назр қасамдан каттарок

Ким назрни Аллоҳдан бошқага бурса, ибодатлардан бирини Аллоҳдан бошқага бурган бўлади ва ширк домига тушади. Бу (гуноҳда) Аллоҳдан бошқага қасамёд қилишдан каттарокдир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ким Аллоҳдан бошқага назр қилса, мушрикдир, унинг ширки Аллоҳдан бошқага қасамёд қилганнинг ширкидан каттарокдир»².

Ким бир махлуққа назр қилса, унинг назри ҳисоб бўлмайди ва унга вафо қилиши ҳаром бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади:

¹ №6318, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган.

² Ал-фатава: 33/123.

«Мозорларга ёки қабр эгаларидан биронтасига атаб назр қилиш – Иброҳим Халилга ё фалон шайхга ё фалон аҳли байтга назр қилиш каби – маъсият назридир, дин имомлари иттифоқиға кўра, унга вафо қилиш вожиб бўлмайди, балки унга вафо қилиш жоиз бўлмайди. Чунки, «Саҳиҳ»да¹ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлганки: «Ким Аллоҳга итоат қилишни назр қилса, итоат қилсин. Ким Унга осий бўлишни назр қилса, осий бўлмасин» (Бухорий ривояти)»².

Ибодатни қандай қилиб фойда келтиришга ҳам, зарарни даф қилишга ҳам қодир бўлмаган махлукқа қилинади?! Бу жуда катта бўҳтон бўлади! Назрни Аллоҳдан бошқага қилинмайди. Агар тоат бўладиган бир ишда Аллоҳга назр қилса, унга вафо қилиш вожиб бўлади.

Бошида Аллоҳга назр қилишнинг ўзи ҳам макруҳ, аслида. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, назр «ҳеч нарсани олдинга ҳам, орқага ҳам суролмайди, бирон яхшилик ҳам олиб келмайди, шу билан бахилдан бир нарсани чиқариб олинади, холос» (Муттафакун алайҳ)³. Лекин, агар назр қилган бўлса, уни Аллоҳдан бошқага қилиш ҳалол бўлмайди, фақат Аллоҳга атаб қилади. Чунки, назр ҳам ибодатдир.

Иккинчи асос: Ислом динини далиллар билан билишдир. У (яъни, Ислом дини) Аллоҳга тавҳид билан таслим бўлиш, тоат билан бўйин эгиш, ширкдан ва ширк аҳлидан безорлик эълон қилишдир.

Ислом динини далиллар билан билиш

Инсон учта асосни билиши вожибдир. Биринчи асос – банда ўз Парвардигорини таниши эди. Муаллиф раҳимаҳуллоҳ бу ҳақда баён қилиб ўтдики, Парвардигоримиз Аллоҳдир, У бизнинг ягона маъбудимиздир. Биз Уни оят-аломатлари ва махлуқотлари орқали танидик. Кейин муаллиф ибодат турларидан баъзиларини зикр қилиб, уларни Аллоҳдан бошқага қилинмаслигини, акс ҳолда ширк бўлиб қолишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг мусанниф бу ерда айтади:

«Иккинчи асос...» Динимиз унинг устига қуриладиган асослардан иккинчиси – Аллоҳ бизларни фақат уни дин қилиб ушлашимиз ва уни адо этиш билан Ўзига ибодат қилишимиз учун яратган дин бўлмиш **«Ислом динини далиллар билан билишдир»**. Ушбу динни унинг асосини ташкил этадиган асл-асослари билан биргаликда Китоб ва

¹ №6318, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган.

² Ал-фатава: 27/147.

³ Саҳиҳул Бухорий: №6234, Саҳиҳ Муслим: №1639, Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

Суннатдан бўлган далиллари билан таниш вожиб бўлади. Шунда инсон ўз динига нисбатан нур ва аниқ далил-хужатлар ҳамда онгли равишдаги билим устида бўлади. Чунки, инсон агар ўз дини ҳақида онгли равишда билим устида бўлмаса, ҳаётида ҳам, вафотидан кейин икки фаришта сўроққа тутган пайтда ҳам унда шак-шубҳа ҳосил бўлади. Яъни, саволнинг жавобида тутилиб, адашиб: «Аҳ, аҳ, билмайман, одамлар бир нима дейишганини эшитиб, мен ҳам шуни айтганман», дейди¹. Ўз динининг Китоб ва Суннатдан бўлган далиллари яхши билган киши эса ундай бўлмайди, у мана шу дунёда ҳам динига амал қилиш билан собит туришга, охиратда, яъни қабрда ҳам икки фаришта саволларига адашмай жавоб беришга, «Роббим Аллоҳ, диним Ислом, Пайғамбарим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир» деб жавоб беришга лойиқ бўлади. Зеро, динни Китоб ва Суннатдан бўлган далиллар билан билиш ва унга амал қилиш сўроқ-саволда сабот билан туриш сабабларидандир.

Исломнинг таърифи

«У (яъни, Ислом дини) Аллоҳга тавҳид билан таслим бўлиш...» Яъни, биз Аллоҳга у билан бандалик изҳор қиладиган Ислом дини – рубубият, яратиш ва бошқаришда Аллоҳни ёлғиз билиш билан, шунингдек, Унга тавҳид билан, яъни барча ибодат турларида Уни ёлғизлаш билан Аллоҳга тўла бўйсунидир.

Ислом динининг ҳақиқати – банда барча феълларини бошқага эмас, фақат Аллоҳга таслим қилишидир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Исломнинг ҳақиқати – фақат Аллоҳ учун таслим бўлишдир, бошқага эмас. «Ла илаҳа иллаллоҳ» маъноси шудир»².

Муслим деб номланишга сабаб ҳам барча аъзолари Парвардигорининг тоатига таслим бўлиб, эгилгани учундир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ислом – таслим бўлишдир, бу эса ёлғиз Аллоҳга бўйсунуш ва эгилишни, фақат Унгагина бандалик қилишни ўз ичига олади»³.

Аллоҳга ҳам, бошқасига ҳам таслим бўлувчи киши мушрик бўлади. Унга бўйсунушдан бош тортувчи мутакаббирдир. Ким мутакаббирлик билан ҳақдан юз ўгирса, Аллоҳ уни ботилга эргашишга мубтало қилади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳаққа мутакаббирлик қилган кимса ботилга бўйсунушга мубтало бўлади ва мутакаббир кимса Аллоҳ айтганидек, мушрик бўлади»⁴.

Исломнинг боши ва унинг иккита зидди

¹ Аҳмад ривояти: №18557, Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Ал-фатава: 4/245.

³ Ал-фатава: 7/247.

⁴ Ал-фатава: 7/629.

Исломнинг боши икки шаҳодатдир. Унинг зидди бўлган икки нарса бор, улар кибр ва ширкдир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳнинг у билан китобларини туширган ва у билан пайғамбарларини юборган дини бўлмиш Ислом – банда оламлар Робби бўлган Аллоҳга ислом келтириши, яъни ёлғиз Унгагина таслим бўлиши, фақат Уни ўзи учун илоҳ деб билиши ва Ундан бошқани илоҳ деб қабул қилмаслигидир. Энг афзал калом ва Исломнинг боши бўлган «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодати шундай баён қилгандир. Унинг зидди бўлган икки нарса бор бўлиб, улар кибр ва ширкдир. Шунинг учун ҳам, бир неча ўринларда айтиб ўтганим ҳадисда келганидек, Нух алайҳиссалом ўз фарзандларини «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва «Субҳаналлоҳ»га буюрган ва уларни кибр ва ширкдан қайтарган. Чунки, Аллоҳнинг ибодатидан мутакаббирлик билан юз ўгирган кимса Унга ибодат қилмайди ва Унга бўйсинувчи ҳам бўлмайди. Аллоҳга ҳам, бошқасига ҳам ибодат қиладиган киши мушрик бўлади. Ислом сўзи «истислом» (таслим бўлиш)ни ва ихлос маъносини англатувчи «саломат»ни ўз ичига олади»¹.

«Ва тоат билан бўйин эгишдир». Банда тўла хокисорлик билан Аллоҳга бўйсунуши ва тоат билан Унга эгилиши вожибдир. Тоат эса буюрилган ишларни қилиш ва қайтарилган ишлардан тийилиш билан ҳосил бўлади. Шу билан банда Аллоҳ таолонинг қуйидаги буйруғига бўйсунган бўлади: **«Айтинг: «Аллоҳга бўйсунингиз ва пайғамбарга бўйсунингиз!»** (Нур: 54). Ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларини амалга оширган бўлади: **«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан тийилинглар. Нимага буюрган бўлсам, қўлларингиздан келганича адо этинглар! Зеро, сизлардан илгари ўтганлар кўп савол беришлари ва пайғамбарларига ихтилоф қилишлари сабабли ҳалок бўлишди»** (Муттафақун алайх)².

Даражалар ичида энг олийси энг комил кўринишдаги бўйсунушдир. Ким бу динга бўйин эгмаса, Аллоҳ уни хорликка гирифтор этади. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ким Аллоҳ учун тавозеъли бўлса, Аллоҳ уни юксалтириб қўяди. Худди шунга ўхшаш, ким ҳаққа бўйсунушдан такаббурлик қилса, Аллоҳ уни хорлик ва тубанликка гирифтор этади, ҳақир ва арзимас кимсага айлантиради»³.

Кибр бу динга бўйсунушдан тўсадиган энг катта сабаблардан биридир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ динга бўйсунушдан ман қиладиган тўсиқларни зикр қиларкан, шундай дейди: «Учинчи сабаб, моненьнинг мавжуд бўлиши бўлиб, у ё ҳасад, ё эса кибрдир. Иблисни буйруққа бўйсунушдан тўсган монень шу бўлган эди. Бу аввалгилару охиргиларнинг иллатидир, Аллоҳ сақлаган кишиларгина бундан мустасно. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини ўз кўзлари

¹ Ал-фатава: 7/623.

² Саҳиҳул Бухорий: №6858, Саҳиҳ Муслим: №1337, Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

³ Мадарижус-саликийн: 2/333.

билан кўрган, у зотнинг пайғамбарликлари ҳақлигини билган яҳудлардан ва уларнинг йўлини тутган кимсалардан иймон айна шу монё туфайли бурилиб кетди»¹.

Ислом ширкдан безорлик демакдир

«Ширкдан ва ширк аҳлидан безорлик эълон қилишдир.» Яъни, мусулмон киши эътиқод қилиши, англаши ва амал қилиши лозимки, Ислом – Аллоҳни тавҳид билан яқкалаш, Унга тоат билан бўйсунуш ва ниҳоят, ширкдан ва ширк аҳлидан безорлик эълон қилишдир. Бу эса эътиқодда, амалда, юриш-туришда мусулмон киши улардан ўзини пок билиши, уларга хос бўлган ҳар бир хусусиятдан ва уларга мансуб бўлган ҳар қандай кўринишлардан ўзини поклаши, гап-сўзида ҳам, иш-амалида ҳам уларга ўхшамаслиги ва уларга адоват билан қараши билан ҳосил бўлади.

Ислом биносининг учта асос-пойдевори

Демак, Ислом дини учта асос-пойдевор устига бино қилинади, мусулмон киши учала асосни биргаликда адо этиши вожибдир:

- 1) Аллоҳга тавҳид билан таслим бўлиш;
- 2) Аллоҳга тоат билан бўйсунуш;
- 3) Ширк ва ширк аҳлидан безорлик эълон қилиш.

Ширкдан ва ширк аҳлидан поклик-безорлик тавҳиднинг асосий икки рукнидан биридир. Зеро, тавҳид биноти икки рукн-устунга қурилган бўлиб, уларсиз тавҳид тасаввур қилинмайди, банди шу икки рукнни биргаликда адо этмагунча муваҳҳид (тавҳид аҳлидан) саналмайди. Улардан бири нафий (рад қилиш), иккинчиси исботдир. Ким улардан бирини йўқотса, тавҳидни йўқотган бўлади. Нафий ва исботдан мурод – Аллоҳдан бошқага бандаликни рад қиласиз ва бандаликни фақат Аллоҳга исбот қиласиз, демакдир. Аллоҳ субҳонаху ва таоло Иброҳим алайҳиссалом ҳақида хабар бериб ва ундан ўрнак олишга чорлаб, шундай деди: **«Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман»** (Зухруф: 26). Бу тавҳиднинг биринчи рукни бўлмиш нафий, яъни ширк ва унинг аҳлидан безорликдир. Оятнинг давоми, яъни **«Магар мени яратган зотгагина (ибодат қилурман)»** (Зухруф: 27) эса тавҳиднинг иккинчи рукни бўлмиш исбот, яъни ибодатни фақат Аллоҳ учун исботлашдир. Ёки яна бир оят: **«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди»** (Бақара: 256). Ушбу оятдаги: **«ким шайтондан юз ўгириб»** деган қисми нафий, яъни

¹ Мифтаху дарис-саъада: 1/99.

шайтондан безорлик, «Аллоҳга иймон келтирса» деган қисми эса исботдир.

Тавҳид калимаси маъноси – Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, демакдир. Ким намоз ўқиса, рўза тутса, закот берса, ҳаж қилса, бироқ ширкка иқрор бўлса ва мушрикларнинг эътиқодларини тўғри санаса, у муслим эмасдир. Чунки, у ширкдан ва ширк аҳлидан покланмади. Мушрикларнинг эътиқодларидан покланиш билан Аллоҳга иймон келтириб, ёлғиз Унгагина ибодат қилиш ўртасини жамлаш вожибдир. Намоз ўқиб туриб, ширкка ҳам аралашадиган одамга намози фойда бермайди, чунки у ширкдан покланмади.

Мусулмон киши динига муҳаббат қўйиши вожиблиги

Банда ушбу динни танибгина қолмасдан, балки унга муҳаббат қўйиши ҳам вожиб. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Қалбларга аслида Аллоҳ (дини)ни тасдиқлаб ва уни дин деб иқрор бўлиш фитрати (табиати) жойланган. Бироқ, баъзан уни бузадиган баъзи нарсалар унга кўндаланг бўлади. Ҳақни таниш унга муҳаббат қўйишни тақозо қилади, ботилни таниш ундан нафратланишни тақозо қилади. Чунки, фитратда ҳақни суйиш ва ботилни ёмон кўриш бор. Бироқ, баъзан уни бузадиган нарсалар унга кўндаланг бўлади. Улар ё ҳақни тасдиқлашдан тўсадиган шубҳалар кўринишида, ё эса унга эргашишдан тўсадиган шаҳватлар кўринишида бўлади»¹.

Ҳар бир мусулмонга ўз дини билан иззат талаб қилиш вожибдир. Зотан, унинг динигина ҳақ ва бошқа барча динлар ботилдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир»** (Оли Имрон: 19). Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга айни шу ҳақиқатни одамларга эълон қилишни буюрди: **«Айтинг: Мени Парвардигорим Тўғри йўлга, Рост динга — Ҳақ Йўлга мойил бўлган Иброҳимнинг миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди»** (Анъом: 161). Кимни Аллоҳ ушбу динга ҳидоятлаган бўлса, Аллоҳнинг унга ато этган ҳидоят неъматини билан қувонсин ва бу динни маҳкам ушласин. Банданинг қуввати ва иззати дини биландир. Бас, одамларни унга даъват қилсин. Бандаларни жаннатга олиб боровчи йўл шудир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Бас, сиз ўзингизга ваҳий қилинган нарсани (Қуръонни) маҳкам ушланг! Албатта сиз Тўғри йўлдадирсиз»** (Зухруф: 43).

У уч мартабадир: Ислом, иймон ва эҳсон.
--

Дин даражалари

¹ Ал-фатава: 7/528.

«У уч мартабадир». Яъни, дин учта даражадан иборатдир.

«Ислом, иймон ва эҳсон...» Ислом динига мансуб кишиларнинг ҳолатлари мана шу учта даражадан холи бўлмайди. Мусулмон киши Аллоҳ таолога бўлган тоатига қараб, баъзан бу даражаларнинг биридан иккинчисига, яъни қуйидагисидан юқорироғига, ёки аксинча, юқорироғидан қуйироғига кўчиб туриши ҳам мумкин.

Ислом, иймон ва эҳсон ўртасидаги алоқа

Ушбу даражаларнинг биринчиси ислом, ўртадагиси иймон ва энг юқориси эҳсондир. Ким юқори даражага эришган бўлса, албатта қуйидаги даражани ҳам қўлга киритган бўлади. Яъни, муҳсин (эҳсон даражасига етган) мўминдир, мўмин муслимдир. Аммо, муслимнинг албатта мўмин ҳам бўлиши лозим келмайди. Абу Сулаймон ал-Хаттобий раҳимахуллоҳ айтади: «Одамлар энг кўп мана шу масалада адашадилар»¹.

Биринчи даража – Ислом даражаси бўлиб, унинг қамрови кенгрок ва диндаги даражалар ичида энг қуйисидир. У кофир илк бор ислом калимасини айтиши ва унга бўйсунити билан қирадиган энг биринчи даражадир. Аллоҳ таоло айтади: **«Аъробийлар: «Иймон келтирдик», дедилар.** (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) **айтинг: «Сизлар иймон келтирганларингиз йўқ, лекин сизлар «Исломга кирдик» (бўйсундик), денглар, (чунки ҳали-ҳануз) иймон дилларингизга кирган эмасдир»** (Хужурот: 14). Бандани ислом даражасидан фақат кофир бўлиш ёки диндан чиқарадиган ширккина чиқариб юборити мумкин.

Иккинчи даража – Иймон даражаси бўлиб, у Исломдан кейинги, юқорироқдаги даражадир. Унинг майдони исломга нисбатан торроқдир.

Иймон хусусиятларидан ҳар бири исломга ҳам дохилдир. Ибн Аби Шайба раҳимахуллоҳ айтади: «Иймонсиз ислом, исломсиз иймон бўлмайди»².

Ботиний амалларга иймон васфи ислом васфидан ғолиброқдир. Икки шаҳодат, намоз ва шу каби кўзга кўриниб турадиган ва одамлар хабардор бўладиган ҳар турли диний зоҳирий амалларга ислом васфи иймон васфидан ғолиброқдир. Хуллас, ислом доираси иймон доирасидан кенгрок, иймон доираси эса эҳсон доирасидан кенгрокдир.

Учинчи даража – Эҳсон даражаси бўлиб, у иймон даражасидан юқори даражадир ва у даражалар ичида нисбатан энг ториқдир. Унинг аҳли иймон ва ислом даражаси аҳлига қараганда анча камдир. У Аллоҳнинг муҳсин бандаларигина эриша оладиган энг олий даражадир.

¹ Шархун-нававий ала муслим: 1/144.

² Таъзийму кодрис-солат лил-марвазий: 2/528, №583).

Дин даражалари ҳақидаги ушбу тафсилотни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрийл алайҳиссалом келганлари тўғрисидаги машҳур ҳадисларида хабар берганлар. Қуръони каримда ҳам ушбу умматни мазкур уч сифат билан сифатлаган оят нозил бўлган. Аллоҳ таоло айтади: **«Сўнгра Биз бу Китобни - Қуръонни бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларга (яъни сизнинг умматингизни) бердик. Бас уларнинг орасида (баъзи гуноҳларни қилиш билан) ўз жонига жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи (буйруқларни бажарадиган ва ҳаром ишлардан қайтадиганлари) ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилувчи ҳам бордир. Ана ўша (яъни Қуръоннинг бирилиши ва бу умматнинг танланиши Аллоҳнинг) катта марҳаматидир.»** (Фотир: 32). Иймон вожибини адо этмаган муслим ўз жонига жабр қилувчидир. Фақат вожибни адо қилиб, ҳаромни тарк қилувчи бўлган мўмин муктасид (ўртача амал қилувчи)дир. Яхшиликларга шошилувчи эса Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қиладиган, ёки ҳеч бўлмаса Парвардигорим мени кўриб турибди деган эътиқодда ибодат қиладиган муҳсиндир.

Одамлар тавҳид борасида ўзаро тафовутли бўладилар. Улар бунда бир неча фарқли даражададирлар. Улардан баъзилари жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз кирадилар. Баъзилар эса дўзахга тушадилар, улар Аллоҳ уларни мағфират қилишни истамаган ва уларга Ўз адолати билан муомала қилган осий кимсалар бўлиб, дўзахда гуноҳларига яраша қоладилар ва кейин қалбларида тавҳид ва иймон бўлгани туфайли ундан кутулиб чиқадилар.

Ҳар бир даражанинг руқнлари бор. Исломнинг руқнлари бешта: «Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг элчиси» деб гувоҳлик бериш, намозни адо этиш, закот бериш, Рамазон ойи рўзасини тутиш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш.

Биринчи даражанинг руқнлари

«Ҳар бир даражанинг руқнлари бор....» Диндаги мазкур уч даражанинг ҳар бири учун руқнлар, яъни ўша даража унинг устига қуриладиган устунлари бор.

«Исломнинг руқнлари бешта...» Яъни, Ислом фақат ўшалар билангина барпо бўладиган ва уларсиз қарор топмайдиган руқнлар – устунлар бештадир. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида зикр қилган руқнлардир: «Ислом беш (руқн) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш,

закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш» (Муттафакун алайх)¹.

Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу ҳадисдан мурод шуки, Ислом ушбу бешта нарса устига қурилган, улар гўё Ислом биносининг рукн ва устунларидир. Мақсад Исломни бинога (уйга) ўхшатиш бўлиб, бу биносининг устунлари шу бештадир. Бино эса устунларсиз барпо бўлмайди. Исломдаги бошқа хислатлар ушбу устунларга қўшимчалар ўрнида бўлиб, улардан биттаси йўқолса, биносининг мустаҳкамлигига дарз етади, бироқ у ушбу дарз этиш билан йиқилмай тураверади. Аммо мазкур устунлардан бири қуласа, унинг қулаши ортидан Ислом биноси ҳам қулайди»².

Шаҳодат маъноси

Ислом рукнларини энг муҳимидан бошлаб зикр қилиб, кейин муҳимликда ундан кейинги даражада турадиганини зикр қилди. Ушбу рукнларнинг энг асосийси ва энг марказий ўриндагиси шаҳодатдир. Шаҳодат – қатъий ишониш ва эътиқод қилиш маъносидадир. Эътиқодга шаҳодат лафзи қўлланишига сабаб, сиз учун ўзингиз эътиқод қилган нарсани худди кўз билан кўриб тургандек қатъий ишонч-эътиқод бўлиши зарурлигини баён қилиш учундир. Сиз эътиқод қилган ва гувоҳлик бераётган нарса эса: «Бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир», Аллоҳ у зотни бутун инсониятга хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборган, деб шаҳодат беришингиздир.

Бу мусулмон киши билиши зарур бўлган энг катта асл – асосдир. Зеро, Исломнинг иймон аҳли у билан куфр аҳлидан ажраладиган асл-асоси Аллоҳнинг ягоналигига ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатларига иймон келтиришдир. Яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун росулуллоҳ» деб шаҳодат беришдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тавҳид ақдининг асли ва исботи – «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун росулуллоҳ» деб шаҳодат беришдир»³.

Жаннатнинг калити ҳам шудир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Жаннатнинг калити «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатидир»⁴. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шаҳодат калитнинг асидир, намоз ва бошқа рукнлар эса калитнинг очувчи тишларидир. Зеро, жаннатга кириш калитга ҳам, унинг тишларига ҳам боғлиқдир»⁵. Ваҳб ибн Мунаббих раҳимаҳуллоҳдан: «Ла илаҳа иллаллоҳ жаннатнинг калити эмасми?!», деб сўралганда: «Ҳа шундай,

¹ Саҳиҳул Бухорий: №8, №4243, Саҳиҳул Муслим: №16, Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

² Жомийул-улуми вал-ҳикам: 1/43.

³ Шифаул-алийл: 288-с.

⁴ Баззор Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилган: №2660.

⁵ Ас-солату ва ҳукму тариқиҳа: 66-с.

бирок ҳар қандай калитнинг тишлари бўлади, тишлари бўлган калит келтирсанг, сенга очилади, йўқса очилмайди», деб жавоб берганлар¹.

Икки шаҳодат ўртасидаги алоқа

Икки шаҳодатни битта рукн қилинди, «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб шаҳодат бериш алоҳида рукн, «Муҳаммадун расулуллоҳ» деб шаҳодат бериш алоҳида рукн қилинмади. Чунки, бу икки шаҳодат амалларнинг саҳиҳ ва макбул бўлиши асосидир. Зеро, амал қуйидаги икки иш билангина дуруст ва макбул бўлади:

1) Аллоҳга ихлос.

2) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш.

Қачон ихлос топилса, «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодати рўёбга чиқади. Қачон (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга) эргашиш топилса, «Муҳаммадун Расулуллоҳ» шаҳодати рўёбга чиқади. Чунки, расул (элчи) Аллоҳдан етказувчидир. Унга рисолат (элчилик) ва бандалик билан гувоҳлик бериш «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатининг камолидан бўлади ва иккинчи шаҳодат биринчи шаҳодатни тўлдирувчи бўлади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ислом дини икки асл-асос устига бино қилинган, улар – «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва «Муҳаммадун Расулуллоҳ» шаҳодатини рўёбга чиқаришдир»².

«Намозни адо этиш...» Ислом рукнларидан иккинчи рукн намозни ўз вақтида, шартларини, рукнлари ва фарзу вожибларини ўрнига келтириб адо этишдир.

«Закот бериш...» Учинчи рукн Аллоҳ бандалар зиммасига молларида фарз қилган фарз садақа – закотни беришдир.

«Рамазон ойи рўзасини тутиш...» Тўртинчи рукн Рамазон ойида рўза тутиш, яъни тонг отганидан то кун ботгунича ейиш-ичиш ва бошқа рўзани бузувчи ишлардан тийилиш.

«Байтуллоҳни ҳаж қилиш...» Бешинчи рукн ҳаж фарзини адо этиш учун Байтуллоҳ ал-Ҳаромга бориш.

Шаҳодатнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У қудратли, ҳикмат эгасидир» (Оли Имрон: 18).

«Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатининг далили

Мусанниф раҳимахуллоҳ Исломнинг рукнларини зикр қилгач, улардан ҳар бирининг далилини зикр қилишни бошлади:

¹ Бухорий таълиқан ривоят қилган: 1/417.

² Ал-фатава: 1/310.

«Шаҳодатнинг далили..» Яъни «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатининг далили..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай барҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У қудратли, ҳикмат эгасидир».

Аллоҳ таолонинг гувоҳлиги борлиқдаги энг улуғ гувоҳликдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг (сўранг): «Қай нарса энг улуғ гувоҳ бўлур?» Айтинг: «Аллоҳ У мен билан сизларнинг ўртамизда гувоҳдир» (Анъом: 19).**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло борлиқдаги энг буюк ишга гувоҳлик берди, яъни, **«ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ»** эканига ва ёлғиз Угина ибодатга сазовор эканига гувоҳлик берди.

Фаришталар ҳам худди Аллоҳ таоло Ўзига гувоҳлик берганидек гувоҳлик бердилар.

Илм эгалари бўлган зотлар ҳам худди шундай гувоҳлик бердилар.

Аллоҳ таоло уларнинг шаҳодатларини Ўзининг тавҳидига энг катта далил ва ҳужжатлардан қилди ва мукаллафлар ушбу адолатли ва рост гувоҳликни қабул қилишлари лозим бўлди. Бунда илм талаб қилишга жуда катта тарғиб бордир. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзининг гувоҳлигини, фаришталарнинг гувоҳликларини ва илм эгаларининг гувоҳликларини бир ўринда зикр қилди. Бу шаҳодатда илм эгаларининг юксак ўрин соҳиблари бўлишига далил бор. Чунки, улар Аллоҳ Роббул оламийн гувоҳлик берган ишга гувоҳлик бердилар. Улар учун ўзларини адолатли эканлик билан мақталишдан кўра ҳам ортиқроқ ва каттароқ мақтов бўлиши мумкинми?! Уларни ушбу ҳақиқатни инкор қилувчиларга қарши ҳужжат қилиниши илмнинг фазлига далолат қилади. Илмдан мурод эса қалбларнинг нури ва қуввати бўлган шаръий илмдир. Бошқа илмлар эса ё дунёвий ишларга алоқадор илмлар ё ҳисоб ва саноатга доир ё бошқа соҳадаги илмлар бўлиб, уларнинг аҳли Аллоҳ ушбу оятда гувоҳликларини зикр қилган илм аҳлидан эмасдир. Бу илм фақат диний шаръий илмга истеъмол қилинади.

Унинг маъноси – Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, демакдир. «Ла илаҳа» Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган барча нарсани рад қилиш, «иллаллоҳ» эса ибодатни ягона Аллоҳга исбот қилишдир. У учун мулкида шерик бўлмаганидек, ибодатда ҳам Унга шерик йўқдир.

«Ла илаҳа иллаллоҳ» маъноси

«Унинг маъноси...» Яъни, тавҳид калимаси бўлмиш «Ла илаҳа иллаллоҳ»нинг маъноси..

«Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, демакдир...» Яъни, ибодат қилинишга Аллоҳдан ўзга ҳақиқий лойиқ ва сазовор зот йўқ. Ушбу калиманинг маъносини айтишда айни шу қайд билан, яъни «барҳақ» (ҳақиқий, ҳақ билан) сўзини қўшиб айтиш зарур. Сабаби, оламда Аллоҳдан бошқа ҳам маъбудлар жуда кўп, лекин уларнинг бари ботил илоҳлардир, қабрлар, тоғу тошлар, дарахтлар, бут-санамлар ва ҳоказо мушриклар сиғинадиган илоҳлар каби. Аллоҳ таоло айтади: **«Бунга сабаб Аллоҳнинг Ўзигина ҳақиқий Илоҳ экани ва сизлар Уни қўйиб илтижо қилаёт бут-санамлар эса (фойда ҳам зарар ҳам бера олмайдиган) ботилнинг ўзи эканидир»** (Ҳаж: 62). Улардан бирортаси ҳам ибодатга лойиқ эмас, балки уларнинг ибодатлари бари ботил, ибодат қилинишга фақат барҳақ маъбуд зот бўлмиш Аллоҳгина сазовордир.

Аллоҳ барҳақ маъбуддир, Аллоҳдан ўзга ҳар қандай илоҳнинг илоҳлиги ботилнинг ҳам энг ботилидир. «Ла илаҳа иллаллоҳ»нинг маъноси шудир, яъни илоҳликни Аллоҳдан бошқа барчадан рад қилиш ва уни ёлғиз Аллоҳгагина исботлашдир.

Унинг маъноси «Аллоҳдан ўзга (илоҳ) мавжуд эмас» дегани эмас, ёки фақат Аллоҳгина яратади ва ризқ беради, дегани ҳам эмас. Чунки, бу маънолар рубубият тавҳидини исботлаш учун истеъмол қилинади, Аллоҳнинг ваҳдониятини, яъни ибодатнинг барча турларида фақат Унигина ёлғизлашни исботлаш учун истеъмол қилинмайди.

Мушриклар рубубият тавҳидига иқрор эдилар

Рубубият тавҳидига Абу Жаҳлга ўхшаган ашаддий мушриклар ҳам иқрор бўлишган. Аллоҳ таоло айтганидек: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб турур?!»** Улар албатта: «Аллоҳ», дейдилар. Бас, сиз айтинг: **«Ахир Ўша зотдан кўрқмайсизларми?!»** (Юнус: 31). Ўша мушриклар ҳам бунда талашиб тортишмадилар, бунга иқрор бўлишдан бош тортмадилар ва албатта: «Аллоҳ» деб жавоб беришди. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларнинг рубубият тавҳидидаги ушбу иқрорликларини улуҳият тавҳидида ўзларига қарши ҳужжат қилди: **«Бас, сиз айтинг: «Ахир Ўша зотдан кўрқмайсизларми?!»**. Яъни, ибодатида Унга шериклар қилишдан кўрқмайсизларми?! Улар ушбу калиманинг маъносини яхши билишар, бу дегани ибодатда Аллоҳни ёлғизлаш дегани эканини тушунишарди. Шунинг учун улар Аллоҳнинг ягона маъбуд – ибодатга сазовор Зот – бўлишини инкор қилишди. Чунки, улар бунинг маъносини билишарди. Зотан, илоҳ – қалблар уни илоҳийлаштирадиган, муҳаббат, кўрқув ва умидворлик билан унга муҳтож бўладиган зотдир. Пайғамбарлар олиб келган тавҳид – Парвардигорни илоҳ деб билишда ёлғизлаш эди, бу

эса Унга тўла бўйсунуш, эгилиш, хокисор бўлиш ва шу билан бирга Унга ўта кучли муҳаббат қўйиш ва инобат қилиш, Унинг тоатида ва розилигини топишда бор кучни сарфлаш, У яхши кўрган нарсани бандалар яхши кўрган нарсадан юқори кўриш дегани эди. Пайғамбарлар алайҳимус-салоту вас-салом даъватларининг асли-асоси ҳам шу эди. Улар умматларни шунга даъват қилдилар. Аллоҳ таоло аввалда ҳам, охирда ҳам ундан ўзгасини дин сифатида қабул қилмайдиган ягона тавҳид дини шудир. Аллоҳ ўзининг пайғамбарларига шуни буюрган, китобларини шу билан туширган, бандаларини шунга даъват қилган, савоб ва жазо ҳовлиси бўлмиш жаннат ва дўзахни шу туфайли яратган, уни мукаммал қилиш учун шариатларни жорий қилган. Ибн Ражаб раҳимахуллоҳ айтади: «Илоҳ – ҳайбатидан маҳобатланиб, улуғлаб, севиб, кўрқиб, умид қилиб, таваккул қилиб, сўраб, дуо қилиб Унга итоат қилинадиган ва осий бўлинмайдиган Зотдир. Бу сифатларнинг ҳаммаси фақат Аллоҳ азза ва жаллага мосдир. Ким илоҳият хусусиятларидан бўлган ушбу ишлардан биронтасида бирон махлуқни шерик қилса, бу унинг «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейишдаги ихлосини нуқсонли ва тавҳидини айбли қилади. Ва у кишида шунча миқдорда махлуққа ибодат қилиш мавжуд бўлган бўлади. Буларнинг ҳаммаси ширкнинг тармоқларидан»¹.

Тавҳид калимасининг икки рукни

Тавҳид калимаси «Ла илаҳа иллаллоҳ» икки нарсани ўз ичига олади, улар унинг рукнларидир. Бу икки рукннинг бири нафий (рад қилиш), иккинчиси исботдир.

«"Ла илаҳа" Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган барча нарсани рад қилиш...» «Ла илаҳа» Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган барча нарсани – қабрлар бўлсин, тоғу тошлар бўлсин, дарахтлар бўлсин, бут-санамлар бўлсин, барчасини рад қилишдир. Муваҳҳид эътиқод қилади ва айтадики, мен Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай маъбудга ибодат қилмайман, фақат ягона Аллоҳга ибодат қиламан.

«"Иллаллоҳ" эса ибодатни ягона Аллоҳга исбот қилишдир...» Ундан ўзга ҳеч кимга ибодат қилмайман, зотан **«У учун мулкида шерик бўлмаганидек, ибодатда ҳам Унга шерик йўқдир...»** Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу борлиқни бошқаришда ёлғиз ва шериксиз бўлганидек, ибодатда ҳам ёлғиз ва шериксиз бўлмоғи вожибдир. Эгадорлик ва бошқаришда Аллоҳга шерик бўлмаган махлуқни ибодатда У зотга шерик қилиш энг катта зулмдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўзининг улуҳиятини инкор қилган кимсаларга қарши уларнинг Ўз рубубиятига иқроп бўлганликларини ҳужжат қилади.

Чунки, мушрик агар Аллоҳ азза ва жалла учун рубубиятни исбот қилса, бундан Унга улуҳиятни ҳам исбот қилиши лозим келади. Ахир

¹ Калиматул-ихлос: 23-с.

қандай қилиб Унинг подшоҳлик ва бошқаришда ягоналигини исбот қиламиз-у, ваҳдониятда ягона эканини ва ибодатни Ундан бошқага бурмаслик кераклигини исбот қилмаймиз?!

Бас, рубубият тавҳиди улуҳият тавҳидига йўлловчи ва уни лозим қилувчидир. Шунинг учун ҳам «У учун мулкида шерик бўлмаганидек» деди.

Демак, «Ла илаҳа иллаллоҳ» икки ишни ўз ичига олди, улар унинг рукнлари бўлиб, «Ла илаҳа» нафий, «Иллаллоҳ» исботдир.

Нафийнинг ёлғиз ўзи тавҳид эмас, исботнинг ёлғиз ўзи ҳам тавҳид эмас, ҳар иккисини жамлаш зарурдир.

Тавҳид калимасининг шартлари

Тавҳид калимасининг саккизта шарти бор бўлиб, ушбу калимани айтиш билан бирга ўша шартларнинг ҳаммасини бир вақтда адо этиш вожиб бўлади. Ким улардан бирортасини адо этмаса, динини нуқсонли қилиб қўяди. Улар қуйидаги шартлардир:

- 1) Ундан кўзда тутилган маънони рад ва исботи билан билиш. Бу эса унинг маънолари ва тақозоларини билмасликнинг зиддидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина барҳақ эканлигини билинг»** (Муҳаммад: 19). Аллоҳ таоло айтади: **«Магар ўзлари билган ҳолларида ҳақ гувоҳлик берган** (яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ деб гувоҳлик бераман» деган) **кишиларгина** (Аллоҳнинг изни-иродаси билан шафоат қилишга қодир бўлурлар)» (Зухруф: 86). Яъни, тиллари билан айтган гувоҳликларини қалблари билан билган ва англаган кишилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигини билган ҳолда вафот этса, жаннатга киради» (Имом Муслим ривояти)¹.
- 2) У далолат қилган нарсага аниқ ишониш. Бу эса шак-шубҳанинг зиддидир. Ушбу калимани айтувчи унинг мазмунига қатъий ва аниқ ишонч устида бўлиши зарур. Зеро, иймонда «илми яқийн» (ишонч устидаги илм)гина кифоя қилади, «илми зон» (гумонли илм) кифоя қилмайди. Энди унга шак-шубҳа аралаш бўлса, қандай кифоя қилсин?! Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган зотлардир»** (Хужурот: 15). Аллоҳ ва Расулига бўлган иймонларининг ҳақиқий бўлишида шак-шубҳа аралашмаган бўлишини шарт қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Гувоҳлик

¹ 1/55, №26, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

бераманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ ва мен Аллоҳнинг элчисиман. Қайси бир банда шу (гувоҳлик) билан, унда шак қилмаган ҳолда Аллоҳга йўлиқса, албатта жаннатга киради» (Имом Муслим ривояти)¹. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтганлар: «Ушбу девор ортида «ла илаҳа иллаллоҳ» деб чин дилидан гувоҳлик берган қай бир кишига йўлиқсанг, унга жаннат башоратини бергин» (Имом Муслим ривояти)².

- 3) Ушбу калиманинг мазмуни ва у тақозо этган ишларни дили ва тили билан қабул қилиш. Бу эса рад қилишнинг зиддидир. Аллоҳ таоло буни рад қилган ва ундан бош тортган кишиларга азоб туширганини ҳикоя қилган. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **шунингдек Биз сиздан илгари бирон қишлоқ-шаҳарга бирон огоҳлантирувчи-пайғамбар юбормадик, магар (юборганимизда) у жойнинг боёнлари: «Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат — дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан эргашувчидирмиз», деганлар».** (Зухруф: 23). Аллоҳ таоло айтади: **«Чунки улар ўзларича: «Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар ёлғиз Аллоҳгина барҳақдир», дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар»** (Соффат: 35). Уларга азоб тушишига сабаб мана шу калимани қабул қилишдан кибр қилишлари бўлди.
- 4) Унинг маъноларига ва унинг тақозоси бўлган амр ва наҳийларга бўйсунуш. Бу у далолат қилган нарсаларни тарқ қилишга зиддир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтганидек: **«Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?!»** (Нисо: 125). Аллоҳ таоло айтади: **«Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас у мустаҳкам халқани ушлабди»** (Луқмон: 22). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен олиб келган насага нафси-ҳавоси тобеъ бўлмагунга қадар ҳеч бирингиз (комил) мўмин бўлмайсиз»³. Бўйсунушнинг комил даражаси шудир.
- 5) Унга ва у далолат қилган насага иймон келтиришда ихлосли бўлиш. Бу риёкор ва шу каби кимсаларда бўлганидек ширкка зиддир. Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир»** (Зумар: 3). Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга**

¹ 1/55, №26, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² 1/59-60, №31, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

³ Ибн Аби Осим: №15, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

- ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар» (Баййина: 5). Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг: Мен ёлғиз Аллоҳга У зот учун динимни холис қилган ҳолда ибодат қилурман»** (Зумар: 14). Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида айтади: **«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мадаккор топа олмайсиз! Магар тавба қилиб ўзларини ўнглаган ва Аллоҳга боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилган зотлар — ана ўшаларгина мўминлар билан бирга бўлурлар»** (Нисо: 145, 146). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қиёмат куни менинг шафоатим ила энг саодатли бўлувчи инсон – сидқидилдан, холис: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган кишидир»** (Имом Бухорий ривояти)¹. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтганлар: **«Албатта, Аллоҳ Ўзининг юзини истаб «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кишини дўзахга ҳаром қилгандир»** (Муттафақун алайх)².
- 6) Ботинда унга чин дилдан эътиқод қилиш. Бу ўз эътиқодларида ёлғончи бўлган мунофиқлардаги ёлғонга зиддир. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур»** (Анкабут: 3). Аллоҳ таоло ушбу шартни бузган киши ҳақида айтади: **«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда «Аллоҳга ва Охират Кунига иймон келтирдик», дейдилар»** (Бақара: 8). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Сидқидилдан «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Росулulloҳ» деб гувоҳлик берувчи бирор кимса йўқки, магар Аллоҳ уни дўзахга ҳаром қилгандир»** (Муттафақун алайх)³. Ушбу калимани айтган кишини дўзахдан қутулишига уни сидқидилдан айтиши шарт қилинди, қуруқ тилда айтиб қўйишнинг ўзи фойда бермайди.
- 7) Ушбу калимани ҳамда у далолат қилган ва тақозо этган барча нарсани, шунингдек унга амал қилувчи ва унинг шартларини бажарувчи кишиларни яхши кўриш, унга қарши бўлганларни ёмон кўриш. Аллоҳ таоло айтади: **«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари каттиқроқдир»** (Бақара: 165). Банданинг Парвардигорга муҳаббатининг аломати У яхши кўрган нарсаларни гарчи

¹ Бухорий: №99.

² Бухорий: №415, Муслим: №658.

³ Бухорий: №128, Муслим: №32.

ўзининг хошиш-ҳавосига зид келса ҳам, муқаддам қилишида ва Парвардигори ёмон кўрадиган нарсаларни гарчи ўз нафсига суюмли бўлсада, ортга ташлашида кўринади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен олиб келган нарсага нафси-ҳавоси тобеъ бўлмагунга қадар ҳеч бирингиз (комил) мўмин бўлмайсиз»¹.

- 8) Аллоҳдан бошқа барча маъбудларни инкор қилиш, ширкдан ва ширк аҳлидан бутунлай безорлик эълон қилиш. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди»** (Бақара: 256).

Ушбу шартлар қуйидаги байтга жамланган:

Илм, ишонч, ихлос, сидқидил,
Ҳам муҳаббат, бўйсунуш, қабул.

Саккизинчи шартни қуйидаги мисрада зиёда қилинган:

Шунга бўлгач сен тўла иқрор,
Бошқа маъбудларни қил инкор.

Буларни ёд олиш ва санаб юриш шарт эмас, балки билиш ва улар тақозосига кўра амал қилиш лозим. Ҳофиз Ҳакамий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Уларни тўла қилиш дегани, уларнинг бандада жамланиши ва у уларни лозим тутиши, улардан бирортасига ҳам муҳолиф бўлмаслиги демакдир. Лафзларини ёд олиб, санаб юрсин дегани эмас. Қанча авомлар борки, ушбу маъноларни ўзида мужассам этган, бироқ санаб беришни талаб қилинса санаб беролмайди. Қанча ёдлаб олганлар борки, уларга тамомила хилоф ишларни қилиб юришади. Тавфиқ Аллоҳнинг қўлидадир»².

Ким «ла илаҳа иллаллоҳ» деса ва унинг маъносини билса, лекин, Исломни бузувчи ишлардан бирортасини қилса, масалан, ширк келтирса ё мушрикларни дўст тутса ё сеҳр қилса, у одам «ла илаҳа иллаллоҳ» деб юрган бўлса ҳам, диндан чиқади. Чунки, бу калиманинг мазмунига ва тақозосига кўра амал қилиш, унга хилоф бўлувчи ишлардан узоқлашиш зарурдир. Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ибодат тавҳид билан бўлгандагина ибодат деб аталади, худди намоз фақат таҳорат билан бўлгандагина намоз деб аталгани каби. Ибодатга ширк аралашса, у фосид бўлади, худди таҳоратни синдирувчи нарса туфайли таҳорат синганидек»³.

¹ Ибн Аби Осим: «Ас-сунна» №15, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Маъарижул-қабул: 1/377.

³ Ал-қоваидул-арбаъ: 1-с.

Уни очик баён қилиб берадиган тафсири Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. Магар мени яратган зотгагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (ҳақ динга) ҳидоят қилажак». У (Иброҳим) ўшани (яъни ўзининг ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиши ҳақидаги сўзни ўзидан кейин келадиган зурриёт-авлодлари ҳам унга) қайтишлари учун ўз ортида қолувчи сўз қилди» (Зухруф: 26-28). Ва қуйидаги сўзларидир: «Айтинг (эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй аҳли китоб (яъни яҳудий ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз — ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик». Агар улар (яъни аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлармиз — ягона Аллоҳга итоат қилувчилармиз», деб айтингиз!» (Оли Имрон: 64).

Ла илаҳа иллаллоҳ шаҳодатининг тафсири

«Уни очик баён қилиб берадиган тафсири...» Яъни, «ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатини очик-равшан қилиб тушунтириб берадиган тафсири..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди...» Яъни, ҳақ диндагилар имомипешвоси Иброҳим алайҳиссалом отаси Озарга ва Аллоҳни қўйиб, ўзга олиҳаларни илоҳ қилиб олган ва уларга сиғиниб юрган қавмига деди:

«Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман...» Яъни, эй ширк аҳли, мен сизлардан безорман, сизларни ёмон кўраман ва душман деб биламан. Шунингдек, сизлар Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётганингиз бу олиҳалардан ҳам мен покман. Бу сўзларда «Ла илаҳа» маъноси бордир.

«Магар мени яратган зотгагина (ибодат қилурман)...» Бу сўзларда «иллаллоҳ» маъноси бор бўлиб, Иброҳим алайҳиссалом ўз Парвардигорини мазкур олиҳалардан истисно қилди.

«Бас, албатта У мени ҳидоят қилажак...» У худди мени яратгани ва дину дунёим учун фойдали нарсаларга йўллагани каби, мени илмга ва ҳаққа амал қилишга йўллаш орқали Ўз ҳақ динига ва тўғри йўлига йўллайди... Аллоҳ таоло бизларни ҳам Иброҳим алайҳиссаломдан ўрнак олишга буюрган. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз**

қавмларига дедилар: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, ибодат қилаётган бут-санамлар)ни инкор этдик» (Мумтаҳана: 4).

«У (Иброҳим) ўшани (яъни ўзининг ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиши ҳақидаги сўзни ўзидан кейин келадиган зурриёт-авлодлари ҳам унга) қайтишлари учун ўз ортида қолувчи сўз қилди». Яъни, Иброҳим Халилуллоҳ алайҳиссалом тавҳид калимаси бўлмиш «ла илаҳа иллаллоҳ»ни ва у ўз ичига олган, барча турдаги ибодатларни ёлғиз Аллоҳ учун холис қилиш ва Аллоҳдан бошқа ҳар қандай маъбудларга сиғинишдан пок бўлиш лозимлиги ҳақидаги сўзни ўзининг насли ва зурриётида қоладиган сўз қилдики, улар ҳам у зотдан кейин унга қайтсинлар ва у зот ўз зурриётини йўллаган ишга йўллансинлар. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ таоло бизларни ушбу тавҳид имомидан унинг нафий ва исботида ўрнат олишга буюрди»¹.

Маълум бўлдики, «ла илаҳа иллаллоҳ» калимасининг маъноси – Аллоҳдан бошқа ҳар қандай илоҳларга сиғинишдан покланиш ва ибодатни ҳамма турлари билан фақат Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ихлос билан қилиш экан. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ таоло ҳамма бандаларини Унгагина ибодат қилишга ва динни фақат Унга холис қилишга буюрди. Аллоҳ таоло аввалги-ю кейинги пайғамбарларни у билан юборган Ислом дини шудир, У ҳеч кимдан ундан бошқасини дин сифатида асло қабул қилмайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир»** (Оли Имрон: 85).

Шаҳодат калимасини тили билангина айтиб қўйган киши жаннатга кирмайди

«Ла илаҳа иллаллоҳ» нафий ва исботни ўз ичига олади. Ким шаҳодат калимасини фақат тили билангина айтиб қўйса, жаннатга киради ва дўзахдан нажот топади, деб эътиқод қилса, хато қилади. Чунки, тавҳид калимасини бузувчи нарсалар борки, гарчи киши «ла илаҳа иллаллоҳ» деса ҳам ва унинг маъносини билса ҳам, ўша нарсалар сабабли диндан чиқиб қолади.

Аллоҳ таоло «ла илаҳа иллаллоҳ» маъносини кўп оятларда баён қилиб берган. Жумладан, қуйидаги оят: **«Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни... амр этди»** (Исро: 23) ва қуйидаги оят: **«Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари!»** (Нисо: 36).

¹ Мадарижус-саликийн: 3/484.

«Ва куйидаги сўзларидир...» Яъни, «ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатини очик-равшан қилиб тушунтириб берадиган тафсири яна Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзларидир:

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй аҳли китоб» (яъни яҳудий ва насронийлар ҳамда уларнинг йўлларини тутган мушриклар)...

«Бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз...» яъни ўрталаримизда баробар бўлган, адолатли ва инсофли бўлган, бирон пайғамбар ва бирон китоб унда ихтилоф қилмаган сўзга келинглари, унинг фарзлиги ва вожиблиги сизларга ҳам, бизларга ҳам баробардир, барча пайғамбарлар ўз қавмларини ана шу сўзга чақирганлар. У сўз шуки:

«Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик...» Ибодатларимизни ёлғиз Аллоҳ жалла ва алодан бошқасига бағишламайлик, Унгагина ибодат қилайлик..

«Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик...» На бут-санамни, на бошқасини Унга шерик қилмайлик, балки ибодатни Унинг ёлғиз Ўзигагина қилайлик. Барча пайғамбарларнинг даъвати шу эди. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, магар Менгина (барҳақдирман), бас Менгагина ибодат қилинглари», деб ваҳий юборгандирмиз»** (Анбиё: 25).

«Ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик...» Яъни, яҳуд ва насролар қилганидек, Аллоҳга маъсият бўладиган ўринларда бир-биримизга итоат қилмайлик.

«Агар улар (яъни аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар...», Аллоҳни ибодатда ёлғизлаш ҳақидаги чорловдан бош тортсалар..

«У ҳолда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлармиз — ягона Аллоҳга итоат қилувчилармиз», деб айтингиз!» Гарчи сизлар хилоф қилсангиз ҳам, биз тавҳидни Аллоҳ учун холис қилувчилармиз, Аллоҳ биз учун шаръий қилиб берган Исломда собит турувчилармиз, деб айтинглари, ўзингизнинг мусулмон эканингизни ва уларнинг кофир эканларини, сизлар улардан, улар сизлардан пок (безор) эканин очик эълон қилинглари.

Бундан маълум бўладики, кофирларга бу ҳақда очик айтилиши зарур, токи улар ўзларининг ҳақ дин устида эмасликларини, Ислом дини улар амал қилаётган диндан бошқа эканини, уларнинг динлари Ислом динига хилоф эканини аниқ билсинлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли китобларнинг подшоҳларига юборган мактубларида мана шу оятни ёзиб юборардилар, бамдод намози суннатининг иккинчи ракъатида кўпинча шу оятни ўқирдилар. Зеро, бу оят барча пайғамбарлар алайҳимус-солату вас-салам ўзаро иттифоқ қилган бир ягона динга бўлган

даъватни ўз ичига олгандир. Бу оят Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиш маъносидаги илоҳиёт тавҳидини, шунингдек бутун башар аҳли ва барча халқлар на рубубият хусусиятларидан ва на улуҳият сифатларидан бирортасига ҳам сазовор эмасликлари ҳақидаги эътиқодни ўз ичига олгандир. Агар аҳли китоблар ва бошқалар шунга бўйсунсалар, ҳидоятланган бўлишади, акс ҳолда залолатга ботган ҳолда қолишаверади.

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» шаҳодатининг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй инсонлар), ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл — ҳақ динга келишингизга) ҳарис – ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку!» (Тавба: 128).

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» шаҳодатининг далили

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» шаҳодатининг далили...» Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчисидирлар, деган гувоҳликнинг Қуръондан далили **«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир»**. **«(Эй инсонлар), ахир сизларга ўзларингиздан бўлган... бир пайғамбар келди...»** Яъни, ўз жинсингиздан бўлган, насл-насабини ва ростгўйлигини сизлар аниқ биладиган киши пайғамбар бўлиб келди. Малоикалардан ё жинлардан биронтаси пайғамбар бўлиб келмади. Балки, сизлар у билан бирга ўтириш, суҳбатлашиш ва сўзлашиш имконияти бор бўлган инсон пайғамбар бўлиб келди. У зот сизларнинг ичларингизда омонатгўйлик, ростгўйлик, қарам, ҳусни ҳулқ каби сифатларнинг энг чўққисида бўлди. Ана шундай сифатлар эгаси бўлган кишини инсонларга элчи қилиб юборилиши улар учун жуда катта неъматдир.

«Сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи...» Яъни, умматини машаққатга қўядиган ёки умматга оғирлик келтириб, уни қийинчиликларга киритадиган ҳар қандай иш у зотга оғир ботади.

«Сизларга ҳарис – ташна бўлган...» Яъни, сизларнинг ҳидоятга келишингиз ва дўзахдан қутулишингизга иштиёқманд бўлган..

«Ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку!» (Тавба: 128).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси эканларига далиллардан яна бири, Аллоҳ таоло у кишини Ўз ҳузуридан юборилган пайғамбар деб гувоҳлик берганидир. Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сизга) кофир бўлган кимсалар: «Пайғамбар эмассан», дейдилар. Айтинг: «Мен билан сизларнинг орамизда Аллоҳ ва Китоб — Қуръон илмидан хабардор бўлган (яъни, Аллоҳнинг каломини бандаларнинг**

сўзларидан ажрата оладиган) **хар бир киши етарли гувоҳдир»** (Раъд: 43).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотни чин пайғамбарликларига далил бўлувчи ажойиб мўъжизалар билан қўллаб-қувватлади. Улар ичида энг улуғи Қуръони Карим бўлиб, у бутун ер юзи аҳлини ўз фасоҳати ва балоғати билан ожиз қилди.

Аллоҳ таоло у зотга эргашган кишиларга, гарчи энг заиф инсонлар бўлсалар-да, нусрат бериши ва у зотга душманлик қилган кимсаларни, гарчи энг кучли-қудратли инсонлар бўлсалар-да, нусратдан маҳрум қилиши ва шу дунёнинг ўзида уқубатга дучор этиши ҳам у зотнинг чин пайғамбарликларига далил-хужжатлардандир.

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» шаҳодатидан мурод ушбу калимани тил билан айтибгина қўйиш эмас, балки уни тил билан айтиш ва унинг тақозосига ва маъносига амал қилиш ҳамдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларига гувоҳлик беришнинг ўзи модомики инсон у зотга итоат қилмас ва эргашмас экан, уни Исломга кирита олмайди. Амакилари Абу Толибнинг у кишини ростгўйликларига ва динлари оламдаги барча динлардан яхши эканига гувоҳлик бериши уни Исломга кирита олмайди. Ким сийратлар (пайғамбарлик тарихи) ва собит хабарлар ҳақида фикр юритса ва жуда кўп аҳли китоблар ва мушрикларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларини рост деб гувоҳлик беришгани ва бу уларни Ислом сафига киритмаганини кўрса, Ислом дегани фақат билиб қўйишгина эмаслигини, билиш ва иқдор бўлишнинг ўзи ҳам кифоя қилмаслигини, балки билиш, иқдор бўлиш ва у зотнинг динларига зоҳиру ботинда бўйсунуш ва эргашиш эканини билади»¹.

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик бериш маъноси – у зотга буюрган ишларида итоат қилиш, хабар берган нарсаларини тасдиқлаш, қайтарган ва ман қилган ишларидан тийилиш, Аллоҳга фақат у зотнинг шариатлари билан ибодат қилишдир.

Ушбу шаҳодат маъноси

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик бериш маъноси – у зотга буюрган ишларида итоат қилиш...», фарзу вожибларда ҳам, мустаҳаб ишларда ҳам у зотнинг буйруқларига итоат қилиш.. Зотан, Аллоҳ таоло Ўзига итоатни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган итоатга боғлаб қўйди. Аллоҳ таоло айтди: **«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди»** (Нисо: 80).

¹ Зодул-маъод: 3/638.

«Хабар берган нарсаларини тасдиқлаш...» Ўтмиш халқлар ҳақида берган хабарлари ҳам, келажак ҳақида берган хабарлари ҳам ҳақ ва ростдир, уларда ҳеч қандай ёлғон ва нотўғри сўз йўқдир. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Иймоннинг икки асли-асоси бор: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга у зот буюрган ишларда итоат қилиш ва хабар берган нарсаларини тасдиқлаш»¹.

«Қайтарган ва ман қилган ишларидан тийилиш...»

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Пайғамбар сизларга нимани келтирган бўлса олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар»** (Ҳашр: 7).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан тийилинглар. Нимага буюрган бўлсам, қўлларингиздан келганича адо этинглар»** (Муттафақун алайҳ)².

У зотнинг амру наҳийлари улуғланиши, ҳеч бир кимсанинг сўзини ундан муқаддам қилинмаслиги вожиб бўлади. Киши ёмонликлардан ҳар қанча узоқ бўлса ва яхшиликларни қилиб юрса, у икки шаҳодатни рўёбга чиқарган бўлаверади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Киши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўпроқ эргашигани сайин Аллоҳга тавҳидни ва динда ихлосни кўпроқ рўёбга чиқарган бўлаверади. У зотга эргашишдан қанча узоқлашса, динини шу қадар нуқсонли қилаверади. У зотдан узоқлашиши кўпайиб кетса, унга нисбатан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бўлган кишиларда кўринмаган ширк ва бидъатлар унда яққол кўриниб бораверади»³.

«Аллоҳга фақат у зотнинг шариатлари билан ибодат қилишдир...» Яъни, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Китобида машруъ қилган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариатга мувофиқ ибодат қиламиз, Унга ўз хоҳиш-ҳавомиз билан ё бидъатлар билан ибодат қилмаймиз. Зухрий раҳимахуллоҳ айтади: «Рисолат Аллоҳдан, етказиш Пайғамбари зиммасига, таслим бўлмоқ бизнинг зиммамизгадир»⁴.

Банданинг зиммасидаги энг биринчи вожиб икки шаҳодатни тил билан айтиш билан бирга унинг маъносини билиш ва унинг маъносига амал қилишдир. Унинг маъносини билган ва тақозосига кўра амал қилган киши ҳақиқий бахтлидир. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Халқлар ичида энг бахтлиси, энг катта неъматга эга бўлгани ва даражаси энг олийси илм ва амалда унга мувофиқроғи ва қаттиқ эргашувчироғидир»⁵.

¹ Аҳкаму аҳлиз-зимма: 2/451.

² Саҳиҳул Бухорий: №6858, Саҳиҳ Муслим: №1337, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

³ Ал-фатава: 17/498.

⁴ Бухорий таълиқан ривоят қилган: №46.

⁵ Ал-фатава: 4/26.

Демак, Исломнинг марказий ўқи – ягона ва шериксиз Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиш ва Унга ибодатни Ўзи шаръий қилган фарзу вожиблар, суннату мустаҳаблар билан қилишдир. Ким Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида бошқа йўлда борса, унга эшик очилмайди. Жунайд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Халқлар учун барча йўллар берқидир, фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг изларидан юрган, суннатларига эргашган, йўлларини тутган кишигагина барча яхшилик йўллари очикдир»¹.

Намоз ва закотнинг далили ҳамда тавҳиднинг тафсири Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Холбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир» (Баййина: 5).

Рўзанинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди» (Бақара: 184).

Ҳажнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир» (Оли Имрон: 97).

Намоз ва закотнинг далили ҳамда тавҳиднинг тафсири

Ислом рукнларидан бўлган фарз «**намоз ва закотнинг далили ҳамда**» банданинг Исломи фақат у билангина тўғри бўладиган асос саналмиш «**тавҳиднинг тафсири Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:**

«Холбуки улар – яъни барча даврлардаги кофир ва мушриклар – фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган – яъни барча зоҳирий ва ботиний ибодатлари билан фақат Аллоҳ ризосини кўзлаб ва Унга яқинлик ҳосил қилишни қасд қилиб – Тўғри йўлдан оғмаган – яъни барча динларни тарк қилиб, фақат исломга бурилган – ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис – барча рукнлари, фарзу вожиблари билан ўз вақтида – адо этишга ҳамда – фарз қилинган – закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар..» Намоз билан закотни аслида, «У зот учун динни холис қилган» деган оят ичига бу иккиси ҳам дохил бўлса-да, яна алоҳида зикр қилиниши уларнинг фазли ва шарафини таъкидлаш учундир.

¹ Мадарижус-саликийн: 3/121.

«**Мана шу** – яъни тавҳид, диндаги ихлос, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш – **тўғри йўлдаги** – яъни, тўғри ва одил шариат эгаси бўлган, Аллоҳнинг жаннатларига етказувчи тўғри динда мўътадил бўлган – (миллатнинг) **дини**дир», ундан ўзга йўлар бари жаҳанамга элтувчи йўллардир.

Рўзанинг далили

«**Рўзанинг далили..**» Яъни, муборак Рамазон ойида рўза тутиш Исломнинг бешта рукнидан бири эканига далил:

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди» (Бақара: 184)».

Рўзанинг барча умматларга фарз қилинишидаги ҳикмат, нафсларда тақво ҳосил бўлиши учундир. Шунинг учун «**тақволи кишилар бўлишингиз учун**» деди. Чунки, бунда (яъни рўза ибодатида) нафсни поклаш, софлаш ва паст-тубан ахлоқлардан тозалаш ҳосил бўлади.

Ҳажнинг далили

Исломнинг бешинчи руки бўлмиш «**ҳажнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:**

«**Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир**» (Оли Имрон: 97). Яъни, одамлар зиммасида Аллоҳ учун қилишлари фарз бўлган ибодатлардан бири Маккатул Мукаррама шаҳрида жойлашган Байтул Ҳаромни **ҳаж ва зиёрат** қилишдир. Ушбу ибодат Байтуллоҳга етиб бориш имкони бор бўлган, яъни бунинг учун ўзида куч-қувват бўлган, йўл озуқаси ва сафар харажатларига эга бўлган кишига, аёллар учун эса маҳрами ҳам бўлиши шарт билан фарздир.

«**Кимда-ким кофир бўлса** (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), **бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир**». Аксинча, барча халқлар Унга муҳтождирлар, У субҳанаҳу ва таоло улардан мутлақо беҳожатдир. Аллоҳ таоло айтади: «**Агар сизлар кофир бўлсангизлар, бас албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир. (Аммо) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр қилсангизлар (ва иймон келтирсангизлар), У зот сизлар учун (фақат шукр қилиб, иймон келтиришларингизгагина) рози бўлур**» (Зумар: 7).

Иккинчи даража иймондир. У етмишдан ортиқроқ бўлак бўлиб, энг олийси «ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш, энг қуйиси йўлдан озорни четлатишдир, ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир.

Иккинчи даража: Иймон

«Иккинчи даража иймондир...» Диндаги даражаларнинг иккинчиси Иймондир. Иймон – сўз, эътиқод ва амалдир. Тил билан айтиш, қалб билан эътиқод қилиш, аъзолар билан амал қилишдир. У тоат билан зиёда бўлади, гуноҳлар билан камаяди. Барча буюрилган вожибу мустаҳаб ишлар унга дохилдир. Қайтарилган барча ишларни тарк қилиш ҳам унга дохилдир. Тоат ишларидан ҳар бири иймондандир, ҳаром ишлардан ҳар бирини тарк қилиш иймондандир.

«У етмишдан ортиқроқ бўлакдир...» Бу Имом Муслим ривоят қилган ҳадис лафзидир¹. Имом Бухорий «олтмишдан ортиқроқ» лафзи билан ривоят қилган². Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятида шак билан: «олтмишдан ортиқ ёки етмишдан ортиқ» деб келган³. Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: «Мутаяққин (яъни, аниқ, шубҳадан холи бўлгани)га суянилади, у эса озроғи бўлиб, олтмишдан ортиқроқ эканидир»⁴.

Биз «ортиқроқ» деб таржима қилган «бидъ» (بضع) сўзи араб тилида 3дан 9гача бўлган ададга истеъмол қилинади.

Иймоннинг тармоқлари

Иймон тармоқларидан ҳар бир тармоқ (бўлак) остига бир қанча хислатлар дохил бўлади. Яхшилик хислатларидан ҳар бир хислат иймон бўлакларида саналади.

«Энг олийси «ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш...» Энг улуғи ва энг асосийси тавҳид калимасини айтмоқликдир. У ихлос калимасидир, Ислом калимасидир, у мустаҳкам ҳалқадир, тақво калимасидир, миллатнинг (диннинг) асосидир, жаннатнинг калитидир.

«Энг қуйиси йўлдан озорни четлатишдир...» Иймон бўлакларида энг қуйи бўлаги тош, шох-шабба каби ўткинчиларга зарарли бўлган нарсаларни йўлдан четлатиб қўйишдир.

«Ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир..» Яъни иймоннинг бир қисмидир.

Ҳаё кишини яхши ва чиройли ишни қилишга ундайдиган ҳамда ёқимсиз ва қабих ишни қилишдан қайтарадиган табиатдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаё фақат яхшиликни олиб келади, деб хабар берганлар. (Муттафақун алайҳ)⁵.

Ҳаёни иймоннинг бир бўлаги қилинишига сабаб, киши у сабабли маъсиятлардан қўл тортади. Иймон иътимор (амрларни бажариш) ва интиҳоъ (қайтариқлардан тийилиш)га тақсимланади, ҳаё сабабли

¹ 1/63, №35, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

² 1/12, №9, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

³ 1/63, №35, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

⁴ Фатҳул Борий: 1/52.

⁵ Бухорий: 5/2267, №5766, Муслим: 1/46, №37, Имом Ибн Ҳусайн розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

тийилиш ҳосил бўлса, у иймоннинг бир бўлагига айланади. Ҳаё энг афзал, энг улуғ ва энг юксак даражадаги ахлоқлардан, бошқача қилиб айтганда у одабийликка хос хусусиятдир. Ҳадисда келганидек: «Уялмасанг, истаганингни қил» (Имом Бухорий ривояти)¹.

Даража жиҳатидан иймон даражаси ислом даражасидан омурак, эгаларига нисбатан эса хосроқдир.

Иймон аҳли Ислом аҳлидан кўра хосроқ, Ислом аҳли иймон аҳлидан кўра кўпроқдир, аксинча эмас. Аллоҳ таоло айтади: **«Аъробийлар: «Иймон келтирдик», дедилар. (Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: «Сизлар иймон келтирганларингиз йўқ, лекин сизлар «Исломга кирдик» (бўйинсундик), денглар, (чунки ҳали-ҳануз) иймон дилларингизга кирган эмасдир» (Ҳужурот: 14).** Зеро, нас (оят ва ҳадис)лар мўмин деб ҳукм қилган киши ҳар қандай ҳолда ҳам муслимдир. Албатта, иймон исломдан кўра юқорирақ васфдир. Чунки, иймон «амн» (ишонч, хотиржамлик, омонат)дан олинган, у эса қалбда бўладиган ботиний ва махфий ишлардандир. Ислом эса зоҳирда кўриниб, билиниб турадиган ишлардан бўлиб, у таслим (топшириш) ва мусолама (ўзаро тинчлик) сўзларидан олинган.

Насларда иймонни мутлақ зикр қилинса, ислом ҳам унга дохил бўлади. аммо, исломни мутлақ зикр қилинса, унга иймон дохил бўлмайди. Насларда қай бир кишига иймон исбот қилинган бўлса, у учун ислом ҳам собит бўлади.

Мусулмон киши исломи саҳиҳ-дуруст бўлиши учун иймоннинг олтига рукнига эътиқод қилиши зарур, акс ҳолда у мунофиқ бўлади. Агар мусулмон киши иймоннинг олтига рукнига эътиқод қилса-ю, иймоннинг улардан бошқа вожиботларини нуқсонли қилса, мутлақ мақтов билан мақталишга, яъни иймони комил дейилишга лойиқ бўлмайди. Чунки, унинг иймони ноқис бўлади. «Ад-дурарус-санийя»да келади: «Ким наслар ҳақида фикр қилса, одамларнинг тавҳид ва иймон борасида ўзаро жуда катта тафовутли бўлишлари унга маълум бўлади. Бу эса уларнинг қалбларидаги Аллоҳга бўлган иймон, чин маърифат, ихлос ва ишончга қараб бўлади»².

Унинг рукнлари олтига: Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ишониш, қадарнинг яхшиси ва ёмонига иймон келтириш. Ушбу олти рукнга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Юзларингизни Машрик ва Мағриб томонларига буришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган... кишилар яхшилик (эгаларидир)» (Бақара: 177). Қадарга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Албатта Биз ҳар бир нарсани қадар (аниқ ўлчов) билан яратдик» (Қамар: 49).

¹ 5/2268, №5769, Абу Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинган.

² Ад-дурарус-санийя: 1/207.

Иймон рукнлари

«Унинг рукнлари олтита...» Яъни, иймоннинг рукнлари ва иймон улар устига бино бўладиган ва улар кетиши билан иймон ҳам кетадиган асл-асослари олтитадир. Мана шу олтита рукндан бири кетиши билан киши диндан чиқиб, кофирга айланиб қолади. Аммо, бу олтита рукндан бошқа иймон тармоқлари кетиши билан иймон кетиб қолмайди. Балки, улар ичида шундайлари борки, унинг кетиши билан иймоннинг вожиб бўлган комиллиги кетади. Яна шундайлари борки, унинг кетиши билан иймоннинг мандуб (мустаҳаб) бўлган комиллиги кетади.

«Аллоҳга иймон келтириш» иймон рукнларидан биринчисидир.

Аллоҳга иймон келтириш иймоннинг энг катта рукни ва асосидир. Ундан кейинги бошқа рукнлар эса айти шу рукн остига кириб кетади. У асосларнинг асосидир, Аллоҳнинг рубубияти, улуҳияти, исму сифатларига бўлган иймонни ўз ичига олади.

Аллоҳнинг рубубиятига бўлган иймон – Аллоҳни яратиш, ризқ бериш, бошқариш, ўлдириш, тирилтириш ва бошқа феълларида ягона деб билишдир.

Фақат Угина тирилтиради, ўлдиради, яратади, ризқ беради, Ундан бошқа ҳеч ким эмас, деб иймон келтирамиз. Рубубият тавҳиди шудир.

Улуҳият тавҳидига бўлган иймон – бандаларнинг феълларида Аллоҳни ёлғизлашдир. Яъни, банда намоз бўлсин, тавоф бўлсин, ё бундан бошқа ибодатлар бўлсин, ҳеч бирини Аллоҳ азза ва жалладан бошқасига бурмаслигидир. Ундан ўзгага қилинган ҳар қандай ибодатни ботил деб ишонамиз.

Исм ва сифатлар тавҳидига бўлган иймон – Аллоҳ Ўзи учун исботлаган (яъни, борлигини айтган) исм ва сифатларни, шунингдек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло учун исботлаган исм ва сифатларни У учун исботлашимиз, бу борада ҳеч қандай таҳриф (ўзгартириш, бузиш), таътил (бекор санаш), тақйиф (қандайлигини айтиш), тамсил (ўхшатиш) қилмаслигимиздир. Биз Аллоҳ таолони ўхшаши йўқ Зот деб иймон келтирамиз.

«Фаришталарига иймон келтириш» иймоннинг олтита рукндан иккинчисидир.

Фаришталарга бўлган иймон – барча фаришталарга иймон келтириш, уларни Аллоҳдан илгари бирон сўз айтмайдиган (яъни, Аллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдиган), фақат Аллоҳнинг амри фармони билангина амал қиладиган мукаррам бандалар деб ишонишдир. Уларга ижмолий (умумий) ҳолларда умумий равишда, тафсилоти келган ўринларда тафсилий равишда, муайян бўлганларига муайян равишда, Китоб ва Суннатда қандай келган бўлса шундай иймон келтирамиз, Жибрийл, Микоил, Исрофил, Молик (азоб фариштаси), Малакул-мавт (жон олғучи фаришта) каби. Уларда

рубубият ва улухият хусусиятларидан ҳеч нарса йўқ, улар нурдан яратилган ғайб оламидир, ададларини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

«Китобларига иймон келтириш» учинчи рукндир.

Китобларга бўлган иймон – пайғамбарларга самодан нозил бўлган барча илоҳий китобларга умумий ҳолатда умумий равишда, тафсилоти келган ўринларда тафсилоти билан иймон келтиришни тақозо қилади. Қуръон, Забур, Таврот, Инжил, Иброҳим ва Мусо саҳифаларига батафсил иймон келтирамиз. Ўтган китобларнинг барчаси Қуръони карим билан мансух бўлган (бекор қилинган) деб иймон келтирамиз. Ҳозирги пайтда улар мавжуд эмас, мавжуд деб даъво қилинганлари ҳам бузилган ва ўзгартириб юборилган, улардан бирортасига амал қилиш ва улар ҳукмини олиш жоиз эмас. Фақат Қуръони каримда ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Суннатларида келган нарсалардангина ҳукм олинади ва уларгагина амал қилинади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтади: **«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!»** (Нисо: 59).

«Пайғамбарларига иймон келтириш» иймоннинг тўртинчи рукндир.

Пайғамбарларга бўлган иймон – барча пайғамбарларга, ижмолий сураатда ижмолий, тафсилий сураатда батафсил иймон келтиришни тақозо қилади. Қуръон ва Суннатда тафсили келган пайғамбарларга айнан номлари билан иймон келтирамиз. Хоссатан, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш булар ичида энг асосийсидир. Улул-азм бўлган пайғамбарларга – Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо ва Муҳаммад алайҳимус-салоту вас-саломга тафсили билан иймон келтирамиз. Шунингдек, улардан ташқари Қуръон ва ҳадисда номлари келган пайғамбарларга иймон келтирамиз. Китобу Суннатда номлари келмаган пайғамбарларга ҳам иймон келтирамиз ва улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз»** (Бақара: 285). Уларга иймон келтириш, яъни уларни Аллоҳнинг бандаларга юборган элчиларидир, Аллоҳ томонидан келтирган барча хабарлари рост, улар Аллоҳнинг рисолатини етказганлар, бандаларга Аллоҳ буюрган нарсаларни баён қилиб берганлар, улар ҳам инсондирлар ва уларда рубубият ва улухият хусуситларидан бирон улуш йўқдир, деб тасдиқлаш фарздир.

«Охират кунига иймон келтириш» иймоннинг бешинчи рукндир.

Охират кунига бўлган иймон – қиёмат кунини ва ўлимдан кейин юз берадиган ҳодисаларни, чунончи қабрдаги азоб ва роҳатни, охиратдаги ҳисоб-китоб ва мезон-тарозини, жаннат ва дўзахни ва бу иккиси Аллоҳнинг яхши ва ёмон бандаларини мукофтлаш ва жазолаш

ховлиси эканини тасдиқлашдир. Энг каттаси ва энг асосийси, бу жасадларнинг яна қайта тирилиши ва олдин қандай бўлса, худди шундай, суяк ва эт қопланган баданлар ҳолига келтирилишига ва дунёда қилган яхшилик ва тоат амаллар учун жасад ва рух биргаликда мукофот олишига ёки қилган гуноҳларга иккаласи баробар жазо олишига иймон келтирамиз. Ушбу жасадларни аввал бошда яратган ва йўқдан бор қилган Зот уларни яна қайтиб тирилтириши ва аввалги ҳолига келтирилишига иймон келтирамиз.

«Қадарнинг яхшиси ва ёмониға иймон келтириш», яъни Аллоҳ таоло тақдир қилиб ва битиб қўйган ишларнинг яхши-ёмониға иймон келтириш иймоннинг олтинчи рукнидир.

Қадарнинг даражалари

Қадарға бўлган иймон эътиқод қилиш ва иймон келтириш вожиб бўлган тўртта даражани ўз ичига олади:

Биринчи даража: Аллоҳ таоло бутун махлуқотни уларни ҳали яратмасдан туриб билган эканиға иймон келтириш. Парвардигор таоло бўлиб турган ва келажакда бўлажак нарсаларни ҳам Ўзининг илми билан билгандир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз Аллоҳ осмон ва ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?!»** (Ҳаж: 70).

Иккинчи даража: Аллоҳ таоло буларнинг ҳаммасини Лавҳи Маҳфузга ёзиб қўйган эканиға иймон келтириш. Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз Аллоҳ осмон ва ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта, бу Китобда** (яъни Лавҳул-маҳфузда ёзиб қўйилгандир)**»** (Ҳаж: 70). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ халқларнинг тақдирларини осмонлару ерни яратишидан эллик минг йил олдин ёзиб қўйган, Арши сувнинг устида эди»** (Имом Муслим ривояти)¹.

Учинчи даража: Аллоҳ таоло истаган иш бўлади, истамаган иш бўлмайди, Аллоҳнинг мулкида фақат У субҳанаҳу ва таоло истаган иш бўлади, деб иймон келтириш. Аллоҳ таоло айтади: **«Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (Ўзи хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур»** (Қасас: 68). Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур»** (Иброҳим: 27).

Тўртинчи даража: Барча халқларни Аллоҳ таоло бор қилди, борлиқдаги ҳамма нарса Аллоҳнинг тақдири ва бор қилиши билан вужудга келган, деб иймон келтириш. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир»** (Зумар: 62). Аллоҳ таоло айтади: **«У барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир»** (Фурқон: 2).

¹ 4/2044, №2653, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

Киши мана шу тўрт даражага иймон келтирмагунича қадарга иймон келтирган бўлмайди.

Банда ўзига етган нарсани ҳар қандай ҳолда ҳам албатта етган бўларди деб, ўзига етмаган нарсани эса унга ҳаргиз етмас эди, деб билмоғи вожиб бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Билгинки, сенга етган нарса ҳаргиз етмай қолмас эди, сенга етмаган нарса ҳаргиз етмас эди» (Абу Довуд ривояти)¹.

Қадарга иймон келтирган киши ҳамма ишини Аллоҳга топширади ва сабабнинг ўзига суянмайди. Чунки, ҳамма нарса Аллоҳнинг қадари биландир. Мана шу иймони унга Аллоҳнинг қадарлари жорий бўлган вақтида хотиржамлик ва осойишталик бахш этади. Чунки, булар ҳаммаси еру осмонлар Подшоҳининг қадари билан содир бўлганига ишонади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мўминнинг иши қизиқ, унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу мўминдан бошқасига насиб бўлмайди. Агар унга бир хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унга яхшиликдир. Агар бирон кулфат етса, сабр қилади ва бу ҳам унга яхшиликдир» (Имом Муслим ривояти)².

Иймон рукнларининг далиллари

«Ушбу олти рукнга далил...» Яъни, банданинг иймони фақат улар билангина тўғри бўладиган, улардан биттаси йўқ бўлса ҳам, киши мўмин саналмайдиган мазкур иймоннинг олти рукнига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган... кишилар яхшилик (эгаларидир)» (Бақара: 177)». Ушбу оят Аллоҳ таоло мўминларни аввалда Байтул Мақдисга (қибла сифатида) юзланишга буюриб, кейинроқ Каъбага бурилишга буюрганидан сўнг нозил бўлди. Бу нарса аҳли китобдан бир тоифага ва айрим мусулмонларнинг қалбларига оғир бўлгач, Аллоҳ таоло ушбу буйруқ остидаги ҳикматни баён қилиб оят нозил қилди. Яъни, бундан мурод – Аллоҳ азза ва жаллага тоат, Унинг амрларига бўйсунуш ва У бурган тарафга қараб бурилиш, У шариат қилиб берган нарсага эргашиш эди. Мана шугина яхшиликдир, комил иймон ва тақводир, машриқ ё мағриб томонга юзланишнинг ўзида, агар бу Аллоҳнинг амри ва шариатидан келиб чиқиб бўлмас экан, на тоат, на яхшилик бор бўлади.

«Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз яхшилик эмас...» Яъни, бандалардан қасд қилинган яхшилик бу эмас. Балки, яхшилик Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунуш, Унинг шариатига эргашишдир. Яхшиликнинг энг катта турлари ушбу оятда зикр қилинди. Ёки бу яхшилик турларининг ҳаммасидирки, энг биринчи

¹ 4/225, №4699, Убай ибн Каъб розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

² 4/2295, №2999, Суҳайб розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

ўринда иймонни зикр қилинди: **«балки Аллоҳга...»** Яъни, яхшилик Аллоҳга иймон келтиришдир, яхшилик иймон келтирган кишининг амалидир, яхшилик Аллоҳга иймон келтирган кишининг Аллоҳ жалла ва алони рубубият, улуҳият ва исму сифатларида ёлғизлашдир, чунки асосларнинг асоси шудир.

«Охират кунига...» Охиратдан мурод Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Китобида, шунингдек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида хабар берган ўлимдан кейин юз берувчи воқеа ва ҳодисаларга, жумладан, халқларнинг қайта тирилиши, жасадларни қайтарилиб, уларга жон бахш этилиши, аввалгилару охиргиларнинг ҳамма-ҳаммасини ҳисоб-китоб учун йиғилиши кабиларга иймон келтиришдир.

«Фаришталарга...» Уларнинг кимлигини Аллоҳ таоло Китобида ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида баён қилиб берганлар.

«Китобларга...» Бундан мурод пайғамбарларга самодан нозил қилинган барча илоҳий китоблар бўлиб, уларнинг охиргиси энг улуғ Китоб бўлган ва ўзидан аввалги барча китоблардаги барча яхшиликларни ўзида мужассам этган ва ушбу китобларни мансух (бекор) қилган Қуръони Каримдир.

«Пайғамбарларга...» Умуман барча пайғамбарларга ва хоссатан сўнгги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш яхшиликдир.

«Қадарга далил...» Яъни, қадарга иймон келтириш иймон рукнларидан бири эканига ва усиз кишининг иймони тўғри бўлмаслигига далил **Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзларидир:**

«Албатта Биз ҳар бир нарсани...» Бу эса барча махлуқотга ва олий ва тубан оламларнинг ҳаммасига шомилдир.

«Қадар (аниқ ўлчов) билан яратдик...» Яъни, Биз яратган барча нарса тақдир қилинган ва Бизнинг азалий илмимиз билан Лавҳи Маҳфузда ёзиб қўйилгандир, Бизнинг қаламимиз унинг вақтини, миқдорини ва у ўз ичига олган барча сифатларни битиб қўйгандир.

Айрим одамлар Аллоҳ унинг қисматида битган яхшиликларга ҳам рози бўлмайди, тақдирга ёзган ёмонликларни ҳам ёмон кўриб, Парвардигоридан нолиб юради. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аксарят халқлар, балки ҳаммаси, Аллоҳ хоҳлаган кишиларгина бундан мустасно, Аллоҳга нисбатан ноҳақ, ёмон гумон қилади. Жуда кўпчилик одам ўзини ноҳақ камситилган ва насибаси паст (омадсиз) қилинган деб, ўзини Аллоҳ унга ато этганидан кўра кўпроқ нарсага лойиқ деб эътиқод қилади. Унинг ҳол тили: «Роббим менга зулм қилди ва менга лойиқ бўлганимдан кўра камроқ нарса ато этди», деб сўзлайди, нафси ҳам шунга гувоҳлик бериб туради, бироқ тили билан буни инкор қилади ва ичидагини очиқ айтишга журъати етмайди. Ким ўз нафсини тафтиш қилса ва нафсининг тубида яширин кўнгил сирларига чуқурроқ кириб борса, ушбу кечинмаларни худди кул

остида яширин чўғдек яшириниб ётганини топади. Истаган одамингизнинг кўйнига кўл солиб, кўнгил тубида яширин ўша чўғини пуфлаб кўринг, ўт олиб, тутуни кўкка ўрлаганини кўрасиз, тақдирдан норозилик ва ўз толедан нолиш сўзлари тилидан тошиб чиқади, тақдир қалами ҳозирги ҳолатидан бутунлай бошқача битик ёзган бўлишини истайди, ўзини фалон-фалон ҳолатга лойиқ эдим, деб ҳисоблайди, (яхши кунларини) кам санайди, (қора кунларини) кўп деб билади. Сиз ўзингизни тафтиш қилиб кўрингчи, бундан саломатмикинсиз?!»¹.

Учинчи даража: Эҳсон. Унинг биргина рукни бор, у ҳам бўлса, Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг, гарчи сен Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турибди (деган эътиқодда ибодат қилишинг).

Учинчи даража: Эҳсон

Дин даражаларидан «**учинчи даража эҳсон...**». Яъни, бу ихлоснинг энг чўққисидир. Ихлос – амални зоҳирда ҳам, ботинда ҳам энг комил кўринишда адо этишдир. Эҳсон шудир, шунинг учун эҳсонни ихлос деб тафсир қилинади.

Эҳсонни ихлос деб тафсир қилиш унинг самара ва натижаларига кўра тафсирдир. Чунки, бу сифат билан сифатланган киши амалини зоҳирда ҳам, ботинда ҳам мукамал адо қилади. Шайхулислам раҳимаҳуллоҳ айтади: «Эҳсон бу ерда – буюрилган ишни қилишдир, одамларга яхшилик қилиш бўладими, ўзигами, фарқсиз. Эҳсоннинг энг улуғи иймон, тавҳид, Аллоҳ таолога инobat, Унга иқбол ва таваккулдир, Аллоҳга гўё Уни кўриб тургандек улуғлаб, таъзим бажо келтириб, ҳаё, муҳаббат ва кўрқув билан ибодат қилишдир. Эҳсоннинг мақоми шудир»².

Ибн Дақиқ ал-Ийд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Унинг – яъни эҳсоннинг – хулосаси ибодатларни мукамал қилишга, Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқларини риоя қилиш, Унинг назоратини кўз олдида тутиш, ибодат пайтида Унинг азамати ва жалолатини қалбда ҳозир қилишга қайтади»³.

Дин доиралари

Эҳсон даража жиҳатидан энг олий ва энг ом даража, эгалари жиҳатидан олганда эса энг хос даражадир. Бу худди иймоннинг даража жиҳатидан омироқ ва эгалари жиҳатидан хосроқ бўлганига ўхшайди. Шунинг учун ҳар бир муҳсин (эҳсон даражасидаги киши)

¹ Зодул-маъод: 3/235.

² Ал-фатава: 15/10.

³ Ибн Дақиқ ал-Ийд: Шарҳул-арбаъийн: 43-с.

мўмин ва муслимдир, аммо ҳар бир муслим мўмин ва муҳсин эмас. Эҳсон калимасини мутлақ (бирон нарсага чекламасдан) айтилганида иймон ва ислом ҳам унга дохил бўлади. Ислом, иймон ва эҳсон доиралардир. Улар ичида энг катта доирадагиси ислом, ундан кейинги ўриндагиси иймон ва энг тор доирадагиси эҳсондир. Бу эса бири иккинчисини ўз ичига олган бир неча доираларга ўхшагандир. Маълумки, ким эҳсон доираси ичида бўлса, у ўз-ўзидан ислом ва иймон доиралари ичида ҳам бўлади. Биринчи доирадан чиқса, иккинчи, яъни иймон доирасига кириб қолади. Агар иккинчи доирадан ҳам чиқса, учинчи, яъни ислом доираси ичига кириб қолади. Энди ким мазкур уч доиранинг ҳаммасидан чиқиб кетса, Аллоҳнинг ғазаби ва азобига чиққан ва шайтоннинг доиралари ичига кирган бўлади, Аллоҳ сақласин. Ушбу доиралар мисоли орқали мана бу гапнинг тўғрилиги маълум бўладики, ҳар бир муҳсин мўмин ва муслимдир, аммо ҳар бир муслим мўмин ва муҳсин эмас. Бир кишининг ислом сафига киришидан унинг эҳсон ва иймон доирасига ҳам кирган бўлиши лозим келмайди. Бироқ, шу билан бир қаторда, бир кишининг эҳсон ва иймон доираси ичида бўлмаслиги унинг кофир бўлишини англатмайди. Балки, у шу ҳолида ҳам муслим бўлади ва унда ўз ислomini саҳиҳ-яроқли қиладиган иймон бўлади. Лекин, у мутлақ мактовга сазовор қиладиган комил иймон эгаси бўлмайди. Аммо, ўзида бўлган иймон миқдорича мактовга лойиқ бўлади. Агар у комил иймон эгаси бўлганида эди, иймони уни гуноҳу маъсиятлардан тўсган бўларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Бошқаларга бериб, фалончини тарк қилдингиз, у мўмин эди», дейилганида у зот: «Муслим эмасми?!», деганлар (Аҳмад ривояти)¹. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши зино қилаётган пайтида мўмин бўлган ҳолда зино қилмайди, ўғирлик қилаётганда мўмин бўлган ҳолда қилмайди», деганлар (Муттафақун алайҳ)². Наслар (оят-ҳадислардан бўлган далиллар) улардан Исломни рад қилмади, балки уларга қонларини сақлаб қолиш ва шу каби мусулмонларга хос бўлган ҳукмларни собит қилди.

Эҳсон аҳли

Иймон аҳли Ислом аҳлининг энг хос кишилари бўлгани каби, эҳсон аҳли ҳам иймон аҳлининг энг хос кишилари дир. Зотан, эҳсон аҳли Аллоҳнинг ибодатини мукаммал даражада қилиб, муроқаба (яъни Аллоҳнинг кузатиб-кўриб турганини тасаввур қилиш) даражасига етиб бордилар. Эҳсон аҳли Аллоҳнинг мўмин бандалари ичида энг соф ва энг танланган бандалардир.

¹ Муснад: 1/182, №1579, Саъд ибн Моликдан ривоят қилинган.

² Саҳиҳул Бухорий: №6772, Саҳиҳ Муслим: №57, Абу Хурайра ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинган.

Эҳсон даражасига етишга ёрдам берадиган воситалардан бири Аллоҳни кўп зикр қилишдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Албатта, у – яъни зикр – кишига муроқабани олиб келади ва охиروқибат уни эҳсон эшигидан киритади, шундан сўнг у Аллоҳга Уни гўё кўриб тургандек ибодат қиладиган бўлади. Қимирламай ўтирган киши уйига етиб боришига йўл бўлмагани каби, зикрдан ғофил киши учун ҳам эҳсон мақомига йўл йўқдир»¹.

Аллоҳнинг муроқабаси қалб амалларининг аслидир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Муроқаба барча қалбга тааллуқли амалларнинг асосидир, уларнинг барпо бўладиган устунларидир»².

Эҳсоннинг рукни

«Унинг биргина рукни бор, у ҳам бўлса, Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг...» Яъни, қайси ибодат бўлишидан қатъий назар, ҳамма ибодатларни худди Парвардигор таолонинг олдида турган ва Роббингизни кўриб тургандек адо этишингиз.

«Гарчи сен Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турибди (деган эътиқодда ибодат қилишинг)». Яъни, сиз муроқаба даражасига етолмаган бўлсангиз, унда шуни яхши билингки, Парвардигор сизни кўриб турибди, барча яширин ишларингиздан-да тўлиқ хабардор.

Ушбу икки даражанинг бири иккинчисидан комилроқ. Яъни, агар сиз Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилиш ҳолатини ўзингизда ҳосил қилолмаётган бўлсангиз, унда ҳеч йўқ Роббингиз сизни барча ҳолатингизда ва барча ишларингизни кўриб турибди, деган эътиқодни қалбингизга маҳкам ўрнатиб олган ҳолда ибодат қилинг.

Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Зотан, Аллоҳ такводор бўлган зотлар ва муҳсинлар (яъни эҳсон сифатига эга бўлган кишилар) билан биргадир» (Наҳл: 128).

Ва Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Ғолиб ва меҳрибон (Аллоҳ)га таваккул қилинг! У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилувчилар (намоз ўқувчилар) орасида (имом бўлган ҳолингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига) кўчаётган (вақтингизда ҳам) кўриб турар. Шак-шубҳасиз У эшитувчи, билувчи зотдир» (Шуъаро: 217-220).

Ва Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз қандай иш (билан) машғул бўлманг ва у (иш) ҳақида Қуръондан бирон оят ўқиманг, (эй инсонлар), сизлар қандай амални қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда

¹ Ал-вабилус-соййиб: 52-с.

² Иъламул-муваккиъийн: 4/203.

Эҳсон даражасига далил

«Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир...» Яъни эҳсон даражасига Қуръондан далил ушбу оятлардир.

«Зотан, Аллоҳ тақводор бўлган зотлар билан...» Яъни, У тоатларни қилиш ва ҳаром ишлардан тийилиш билан Парвардигорларидан тақво – кўрқув ҳосил қилган кишилар билан бирга.

«Ва – ибодатларида ва халқларга бўлган эҳсонларида – муҳсин бўлганлар (яъни эҳсон сифатига эга бўлган кишилар) билан биргадир», Аллоҳ таоло тақводор бандалари билан бирга, У барча амалларида муҳсин бўлган зотлар билан бирга, уларни Ўзи асраб, қўллаб-қувватлаб туради. Бу Унинг хос биргалигидир.

«Ва – эҳсон даражасига яна бир далил – Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

«Ғолиб ва меҳрибон (Аллоҳ)га таваккул қилинг!...» Барча ишларингизда У зотга боғланинг. Зеро, Угина сизни асровчи ва қўллаб-қувватлаб турувчидир.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло бунинг учун Унинг яқинлигини қалбда ҳозир қилиш ва муҳсинлар даражасига кўтарилиш билан ёрдамланишга йўллайди:

«У сизни ўзингиз – энг улуғ ибодат бўлмиш намоз учун – тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилувчилар – намоз ўқувчилар – орасида – имом бўлган ҳолингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига – кўчаётган (вақтингизда ҳам) кўриб турар. Шакшубҳасиз У эшитувчи, билувчи зотдир». Фазли ва шарафи ғоят улуғ бўлгани учун намозни хос зикр қилди. Чунки, ким намоз ичида Роббининг яқинлигини қалбига ҳозир қилса, хушў-хузуъ ҳосил қилиб, намозини комил суратда адо этади, намози комил бўлса, кейин бошқа амаллари ҳам комил бўлади, чунки намози бунга ёрдамчи бўлади. (Зеро, намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтаради).

«Ва – эҳсон даражасига учинчи далил – Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз қандай иш (билан) машғул бўлманг ва у (иш) ҳақида Қуръондан бирон оят ўқиманг, (эй инсонлар), сизлар қандай амални қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз» (Юнус: 61).

Суннатдан далил Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинган машҳур Жибрийл ҳадисидир: «Бир куни биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўтирган

эдик, тўсатдан олдимизга оппоқ кийимли, сочлари коп-қора, жисмида сафар асари кўринмайдиган ва ҳеч биримиз уни танимайдиган бир киши кириб келиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларга бориб ўтирди. Тиззасини (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) тиззаларига жипслаштириб, икки қўлини (у зотнинг) сонларига қўйиб, деди:

- Эй Муҳаммад! Менга Ислом ҳақида хабар беринг!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

- Ислом Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканига гувоҳлик беришинг, намозни барпо қилишинг, закотни ўташинг, Рамазонда рўза тутишинг ва агар қодир бўлсанг, Байтуллоҳни ҳаж қилишингдир.

Ҳалиги киши:

- Тўғри айтдингиз! - деди.

Биз унинг ҳам сўраб, ҳам тасдиқлаб қўяётганига ҳайрон бўлдик.

- Менга иймон ҳақида хабар беринг!

- Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва Охират қунига ишонишинг ҳамда тақдирнинг яхшисига ҳам, ёмонига ҳам иймон келтиришинг.

- Тўғри айтдингиз! - деди. Сўнг яна сўради:

- Менга эҳсон ҳақида хабар беринг!

- Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг, агар кўрмаётган бўлсанг, У сени кўриб турибди.

- Менга Соат (Қиёмат куни) ҳақида хабар беринг.

- У ҳақда сўралаётган киши сўровчидан кўпроқ билгувчи эмас.

- Унинг аломатлари ҳақида айтиб беринг.

- (Унинг белгилари шуки) чўри ўзининг хўжайинини туғади, яланғоёқ, яланғоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз.

Сўнг ҳалиги киши кетди, биз эса бир оз тин олиб ўтирдик. Кейин (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан сўрадилар:

- Эй Умар! Сўровчи кишининг кимлигини биласизми?!

- Аллоҳ ва Расули билувчироқ! – дедим.

- У киши Жибрийл алайҳиссалом, сизларга динингизни таълим бергани келган эдилар - дедилар».

Диндаги учта даражанинг Суннатдан далили

«Суннатдан далил...» Яъни, диндаги учта даража бўлмиш ислом, иймон ва эҳсонга суннати набавиядан далил..

«Машхур Жибрийл ҳадисидир..» Қуртубий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис ҳақида айтади: «Бу ҳадис Суннатнинг жумла илмларини ўз

ичига олганидан «Суннатнинг онаси» деб аталишга арзийди»¹. Нававий раҳимахуллоҳ айтади: «Билингки, бу ҳадис илм, маърифат, одоб ва ҳикматнинг жуда кўп турларини ўзида жамлаган, балки у Ислоннинг аслидир»².

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган...» Яъни, пайғамбарлар ичида энг яхшиси билан малоикалар ичида энг афзали бўлмиш икки улуғ зот ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатни хулафои рошидийннинг иккинчиси Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ривоят қилганлар, Имом Муслим уни ўз «Саҳиҳ»ида келтирган.

«Бир куни биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўтирган эдик...» «Саҳиҳайн»да келган бир ривоятда³: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни одамларга кўриниб (улар ҳузурига чиқиб) турган эдилар».

«Тўсатдан олдимизга... бир киши кириб келиб...» У инсон суратида келган малак эди.

«Оппоқ кийимли...» Яъни, кийими ғоят тоза, унда заррача ҳам кирлик йўқ эди. Бунда уламолар, фузалолар ва подшоҳлар ҳузурига кирганда ташқи кўриниш ва кийимнинг поклигига эътибор бериш лозимлигига далил бордир.

«Сочлари қоп-қора...» Сочларида чанг-ғубор асари йўқ, мусофир кишида одатда шу каби сафар асоратлари билиниб туради.

«Жисмида – чарчоқ ва толиқиш, рангининг синиқиши каби – сафар асари кўринмайдиган ва ҳеч биримиз уни танимайдиган бир киши кириб келиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларга бориб ўтирди...» Яъни, кўринишидан узоқдан келган одамга ҳам ўхшамайди, саҳобалардан бирортаси уни танимайди ҳам, чунки Мадиналик ҳам эмас. Шунинг учун саҳобалар ажабландилар.

«Тиззасини – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг – тиззаларига жипслаштириб, икки қўлини – у зотнинг – сонларига – яъни тиззаларидан бироз юқорисига – қўйиб...» яъни, таълим олувчи кишининг кўринишида ўтирди. Бир ривоятда: «Сўнгра қўлини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззаларига қўйди» (**Доракутний** ривояти)⁴. Сулаймон ат-Таймий раҳимахуллоҳ айтади: «Сўнгра у (одамлар оралаб) ўтиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бориб, худди биз намозда ўтирганимиз каби тиз чўкиб ўтирди, сўнг қўлини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззаларига қўйди»⁵. Унинг бу иши диққат билан қулоқ солишга ишора эди. Яна бунда савол сўралувчи шахсга ҳам тавозеълик ва сўровчи томонидан содир бўладиган баъзи ишлардан кўз юмиш муносиб бўлишига ҳам ишора бордир.

¹ Фатҳул Борий: 1/125.

² Шархун-нававий ала муслим: 1/160.

³ Саҳиҳул Бухорий: 1/27, №50, Саҳиҳ Муслим: 1/36, №8, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

⁴ Суануд-Дорукутний: №207.

⁵ Ибн Ҳажар: Фатҳул-Борий: 1/116.

« – Эй Муҳаммад! Менга Ислом ҳақида хабар беринг! – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

- (Ислом) Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканига гувоҳлик беришинг, – фарз – намозни – шартлари, рукнлари, вожиблари билан – барпо қилишинг, – молда фарз бўлган – закотни – ҳақдорларига – ўташинг, Рамазонда рўза тутишинг ва агар қодир бўлсанг, Байтуллоҳни ҳаж қилишингдир...» Яъни, Байтуллоҳга етиб бориш йўлига қодир бўлсанг, сафар анжومي ва йўл озукасига эга бўлсанг, аёл киши учун маҳрам ҳам лозим бўлади. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч бир эркак бирор аёл билан унинг маҳрамисиз ёлғиз қолмасин. Аёл киши фақат маҳрами билангина сафар қилсин!», дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг аёлим ҳаж қилиш мақсадида йўлга чиқди, мен эса фалон-фалон ғазотга ёзилганман», деди. «Бор, аёлинг билан бирга ҳаж қил», дедилар (Муттафақун алайх)¹. Аллоҳ таоло ҳажни умрда бир марта фарз қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажнинг фазлини баён қилиб дедилар: «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, ёмон сўзларни сўзламаса ва фосиқлик қилмаса, (уйига) онадан янги туғилгандек (гуноҳсиз) қайтади» (Муттафақун алайх)².

Мана шу бешта рукн Исломдир. Аҳмад ривоятида: «Мана шуларни қилсам, мен мусулмон (ҳисобланаман)ми?», деди. «Ҳа, шуларни қилсанг, мусулмон бўласин», дедилар³.

Биринчи даражанинг далили шудир, уни зоҳирда кўриниб турадиган бадан амаллари билан тафсир қилди. Ислом – диндир. Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир»** (Оли Имрон: 19). Ислом – Аллоҳ таоло унда устувор бўлишга буюрган Тўғри Йўлдир.

«Ҳалиги киши: – Тўғри айтдингиз! - деди.

Биз унинг ҳам сўраб, ҳам тасдиқлаб қўяётганига ҳайрон бўлдик...» Саҳобаларнинг бу сўровчининг ҳолидан таажжубга тушишларига сабаб, одатда бир нарсани сўраган одам уни билмагани учун сўрайди. Лекин, бу сўровчи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан савол сўраб, худди жавобини илгаридан билгандек, тўғри айтдингиз, деб тасдиқлаб қўяётган эди. Қолаверса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарса фақат у зотнинг ўзлари тарафидан билинар эди. Бу сўровчи эса илгари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан учрашгани, у зот билан бирга бўлгани ва у зотдан ҳадислар эшитгани маълум эмасди, аксинча у бегона ва ҳеч ким танимайдиган бир киши эди. Шундай бўлгани ҳолда, ўзи яхши билувчи ва текширувчи кишига ўхшаб сўраган эди. Саҳобалар шундан ажабландилар.

¹ Бухорий: №1763, Муслим: №1341, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

² Бухорий: №1449, Муслим: №1350, Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

³ Муснад: №2926.

«- Менга иймон ҳақида хабар беринг!

- **Аллоҳга иймон келтиришинг...**» Яъни, иймон – Аллоҳнинг рубубияти, улуҳияти, исм ва сифатларига иймон келтиришдир. Аллоҳга иймон келтириш иймоннинг бошқа рукнларига иймон келтиришнинг аслидир ва бошқа барча рукнлар унинг ичига кириб кетади.

«Унинг фаришталарига...» фақат Аллоҳнинг амри фармони билангина амал қиладиган мукаррам бандалар деб ишониш, уларга ижмолий (умумий) ҳолларда умумий равишда, тафсилоти келган ўринларда тафсилий равишда, исмлари билан ҳамда уларга топширилган вазифалари билан бирга, Китоб ва Суннатда қандай келган бўлса шундай иймон келтириш.

«Китобларига иймон келтириш...» Китобларга бўлган иймон – Қуръон, Забур, Таврот, Инжил, Иброҳим ва Мусо саҳифалари каби пайғамбарларга самодан нозил бўлган барча илоҳий китобларга иймон келтиришдир ва ўтган китобларнинг барчаси Қуръони карим билан мансух бўлган (бекор қилинган) деб, уларга ўзгартириш ва бузилишлар кириб кетган деб ишонишдир.

«Пайғамбарларига иймон келтириш...» Бу эса уларни Аллоҳ таоло бутун башариятни Тўғри Йўлга ҳидоятлаш учун танлаб олганига иймон келтириш билан бўлади, уларга ижмолий ҳолларда ижмолий суратда, тафсилоти келган ўринларда тафсилоти билан, исмлари келганига исмлари билан, қолганига умумий суратда иймон келтирилади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Айрим пайғамбарлар ҳақида сизга илгари ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга ҳикоя қилганимиз йўқ»** (Нисо: 164).

«Охират кунига иймон келтиришинг», яъни ўлимдан сўнг содир бўладиган ҳодисалар тўғрисида Қуръону Суннатда келган хабарларни тасдиқлашинг.

«Ҳамда тақдирнинг яхшисига ҳам, ёмонига ҳам иймон келтиришинг...» Яъни, Аллоҳ тақдирга битиб қўйган барча нарсага, ундаги шодлик ва сурурли ҳолатларни ҳам, қайғу ва аламли ҳолатларни ҳам Аллоҳдан деб иймон келтириш ҳамда хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўймаслик, ғам-қайғудан жазавага тушмаслик, бўлган ва бўлажак барча ишларни Аллоҳнинг қазоси ва қадари, истак ва хоҳишидан деб билишдир. «Иймон келтиришинг» иборасини қадарга иймон келтиришда иккинчи бор такрорланиши унинг аҳамиятига диққатни қаратиш учундир. Аҳмад ривоятида: «Жаннат ва дўзахга, ҳисоб ва мезонга иймон келтиришинг, қадарнинг ҳаммасига, яхшисига ҳам, ёмонига ҳам иймон келтиришинг», дедилар. «Агар шундай қилсам, иймон келтирган бўламанми?», деб сўради. «Агар шундай қилсанг, иймон келтирган бўласан», дедилар¹.

«- Тўғри айтдингиз! - деди...»

¹ Муснад: 1/319, №2926.

Бу иккинчи даража бўлмиш иймоннинг далилидир. Уни ботиний амаллар билан тафсир қилинди. Ҳадис далолатига кўра, агар ислом ва иймон биргаликда зикр қилинса, исломни зоҳирий амалларга, иймонни эса ботиний амаллага тафсир қилинади.

«Сўнг яна сўради:

- Менга эҳсон ҳақида хабар беринг!

- Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг...» Яъни, Ҳақни қалб кўзи билан кўришинг ғолиб келиб, худди кўз билан кўргандек ҳолга келишинг. Ким ана шундай ҳолатга етса, ибодатни комил ва тўла-тўқис адо этади.

«Агар кўрмаётган бўлсанг, У сени кўриб турибди...» Яъни, сен Аллоҳни кўз билан кўриб тургандек ҳолни дилингда ҳозир қила олмасанг, у ҳолда эҳсон даражаларининг иккинчи даражасига ўтгин, яъни Аллоҳ таоло сени кўриб, барча ишларингни кузатиб турибди ва ҳеч бир ҳолатинг унга махфий эмас, деган фикр қалбингда маҳкам ўрин олсин.

Ҳадиснинг шу ўрингача бўлган қисми дин асл-асосларидан бири ва илмдаги муҳим қоидалардан биридир, шу билан бирга у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ато этилган жавомиъул калим (яъни пурмаъноларни ўз ичига олган қисқа калималар)дир. Зотан, ибодатдаги эҳсон – ундаги ихлос ва хушӯ, уни адо этаётган пайтда қалбнинг ҳозир бўлиши ва муроқабадир.

Ушбу жавобда икки нарсга ишора қилдилар:

Биринчиси, Ҳақни қалби билан мушоҳада этиши ғолиб келиб, худди кўз билан кўргандек ҳолга етиши.

Иккинчиси, Аллоҳ таоло уни кўриб ва кузатиб турибди деган фикрни қалбига маҳкам ўрнаштириши.

Ушбу икки ҳолат Аллоҳни таниш ва Ундан кўрқиш самараси ўлароқ вужудга келади. Бир ривоятда: «Аллоҳдан худди Уни кўриб тургандек кўрқишинг», деганлар (Имом Муслим ривояти)¹. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шуни эҳсон деганлар ва шу учинчи даражанинг далилидир.

Ушбу ҳадисда мазкур уч даражага ва уларнинг рукнлари муаллиф санаган нарсалар эканига далил бордир.

«- Менга Соат – яъни, Қиёмат қачон қойим бўлиши – ҳақида хабар беринг.

- У ҳақда сўралаётган киши сўровчидан кўпроқ билгувчи эмас...» Сўралаётган киши деганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини, сўровчи деганда эса Жибрийлни назарда тутдилар. Яъни, бунинг илмида ва бу ҳақдаги маълумот борасида сиз ҳам, мен ҳам баробармиз, қиёмат қачон қойим бўлишини иккаламиз ҳам билмаймиз, унинг илми ёлғиз Аллоҳ ҳузурида, Аллоҳ таоло айтганидек: **«Дарҳақиқат, ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридагина (қиёмат)**

¹ Саҳиҳ Муслим: 1/40, №10.

соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) **билим бордир**» (Лукмон: 34). Барча халқлар, ҳатто фаришталар ва пайғамбарлар ҳам қиёмат қачон қойим бўлишини билмайди, унинг вақти ҳақидаги илмни Аллоҳ Ўз ҳузурида сақлади. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиздан Соат (яъни Қиёмат) қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур» (Аъроф: 187).

Қиёмат аломатлари

Жибрийл дедилар: «**Унинг аломатлари ҳақида айтиб беринг...**» Яъни, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар қиёмат қачон қойим бўлишини билмасангиз, қиёмат қойим бўлишидан илгари содир бўладиган аломат ва белгилари ҳақида хабар беринг.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар:

«(Унинг белгилари шуки) **чўри ўзининг хўжайинини туғади...**» Яъни, чўри – қул аёл ўзининг эгасини туғади. Бунинг маъноси шуки, араблар ичида чўрилар билан алоқа қилиш кўпайиб кетади, ҳатто чўрилар ўз хўжайинлари зурриётини, яъниким ўз хўжайинларини дунёга келтирадиган бўлади. Бундан бошқа маънолар ҳам айтилган. Нима бўлганда ҳам, хулоса шуки, қиёмат қойим бўлишига яқин ишлар чаппасига айланиб, мураббийлар паст, паст кимсалар эса олий мақом эгаларига айланади.

Қиёмат аломатларидан яна бири шуки, «**ялангоёқ, яланғоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз...**» Яъни, уларнинг аввалда камбағал чўпонлар бўлгани ҳолда, кейинчалик уй ва қасрлар солишда ким ўзарга мусобақа қилишларини кўрасиз. Бунинг маъноси шуки, саҳролар ва қишлоқлар аҳолиси бўлган камбағал ва ҳожатманд инсонлар бойиб кетиб, қасрмонанд уйлар қуришда мусобақалашишларини кўрасиз. Ибн Дақиқ ал-Ийд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қўйбоқарларни хос зикр қилишларига сабаб, улар саҳро халқлари ичида энг заиф-бечораҳоллари бўлади»¹. Мурод шуки, паст-тубан одамлар бошлиқларга айланишади, мол-дунёлари кўпайиб, баланд иморатлар қуриш ва уларни безаш билан бир-бирига мақтанадиган бўлади. Ҳадисда келганидек: «**Ишни ўз эгасидан бошқага топширилса, қиёматни кутавер**» (Имом Бухорий ривояти)². Чунки, бундай кимса диннинг ҳам, дунёнинг ҳам низомини бузиб юборади. Буларнинг ҳаммаси охир замонга келиб, ҳолатларнинг ўзгариб кетиши ва ишлар чаппага айланиб кетишидан келиб чиқади.

«Сўнг ҳалиги киши кетди, биз эса анча вақт тин олиб ўтирдик. Кейин (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан сўрадилар:

¹ Ибн Дақиқ ал-Ийд: Шарҳул-арбаъийн ан-нававийя: 44-с.

² 1/33, №59, Абу Хурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинган.

- Эй Умар! Сўровчи кишининг кимлигини биласизми?! -

- Аллоҳ ва Расули билувчироқ! – дедим...» Чунки, ҳалиги киши бегона киши бўлиб, ҳеч кимимиз танимас эдик..

Ҳазрат Умарниг бу сўзларидан бир одоб маълум бўлади. Яъни, билмаган нарсасидан сўралган киши бундаги илмни олимига қайтариши, билмаган нарсаси ҳақида гапириб, ўзини қийнамаслиги лойиқ бўлади. Билса, жавоб берсин, билмаса, Аллоҳ билади, десин. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тириклик пайтларида дин иши тўғрисида «Аллоҳ ва Расули билади» дейиш жоиз бўларди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий нозил бўлиб турарди. Аммо, у зотнинг вафотларидан кейин, энди билмаган нарсаси ҳақида сўралган киши фақат: «Аллоҳ билади» деган сўзга чекланиши лозим.

Жибрийл ҳадисининг аҳамияти

У киши – инсон суратида келган фаришта – Жибрийл алайҳиссалом, – юқоридаги жуда катта ишлар тўғрисида берган саволлари орқали **сизларга динингизни таълим бергани келган эдилар, дедилар** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ва ушбу ҳадисда зикр қилинган ишлар диндаги энг асосий ва энг муҳим масалалар эканини хабар бердилар. Чунки, улар диннинг ва ақиданинг асл-ўзақларини ўз ичига олгандир. Ҳатто, айтиш мумкинки, шаръий илмларнинг ҳаммаси ушбу ҳадис ичига жамланган ва ҳаммаси шу ерда айтилган нарсаларга қайтади, аҳлус-сунна вал-жамоанинг ақидаси шунга қурилган. Ушбу ҳадиснинг шарафи ва улуғлиги мужмаун алайҳ (ижмоъ-иттифоқ қилинган)дир.

Ибн Дақиқ ал-Ийд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Салафнинг ҳамда халаф имомларининг мазҳаби (йўли) шуки, ким бу – яъни ушбу ҳадисда айтилган – ишларни шак-шубҳасиз ва қатъий равишда тасдиқласа, ҳақиқий мўмин бўлади, унинг бу (тасдиқлаши) кучли далил-ҳужжатлар орқали бўладими ёки қатъий эътиқодлар орқалими, фарқсиздир»¹.

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ бу (ҳадис) ҳақида айтади: «Бу ҳадис зоҳирий ва ботиний барча ибодатларда – бошланишида, ҳозирда ва охирида иймон ақдлари (тугунлари)нинг боғланиши, бадан аъзоларининг амаллари, қалбнинг ихлоси, амалларнинг офатларидан сақланиш каби адо этиладиган вазифаларнинг ҳаммасини ўз ичига олган, ҳатто шариат илмларининг ҳаммаси унга қайтувчидир ва ундан тармоқланиб чиққандир»².

Учинчи асос – пайғамбарингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва

¹ Ибн Дақиқ ал-Ийд: Шарҳул-арбаъийн ан-нававийя: 42-с.

² Фатҳул Борий: 1/125.

Учинчи асос Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламни таниш

Инсон таниши вожиб бўлган диннинг учта асосидан **«учинчи асос пайғамбарингиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламни танишдир..»**.

У зотни танишнинг аҳамияти

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламни таниш диндаги таниш вожиб бўлган энг улуғ асослардандир. Ибн Қаййим раҳимахуллох айтади: «Бандаларнинг Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламни ва у зот олиб келган нарсани танишга ҳамда хабар берган нарсаларини тасдиқлаш ва буюрган ишларига итоат қилишга бўлган заруриятлари бошқа барча заруратлардан зарурроқдир»¹.

Зеро, Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам биз билан Аллох таоло ўртасидаги воситадирлар. Биз учун ўзимизни Аллохнинг ғазаби ва азобидан қутқарадиган ва Аллохнинг розилиги ва савобига эриштирадиган нарсани билишга йўл фақат Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган таълимотлар орқалигинадир. Шайхулислам раҳимахуллох айтади: «Демак, нафсларнинг у зот соллаллоху алайҳи ва саллам келтирган нарсани билиш ва унга эргашишга бўлган эҳтиёжи емак-ичмакка бўлган эҳтиёжидан кўра ҳам қаттиқроқдир. Чунки, агар бунисидан маҳрум бўлса, шу дунёда ўлим ҳосил бўлади. Аммо, унисидан маҳрум бўлса, (охиратда) азоб ҳосил бўлади»².

Жунайд раҳимахуллох айтади: «Барча йўллар халқлар учун тўсилган, фақат Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг изларига эргашиш кишилар учун йўл очикдир»³.

Олам учун салоҳият (тузалиш) фақат рисолат (пайғамбарлик) биландир. Шайхулислам раҳимахуллох айтади: «Рисолат бандалар учун лобуд бўлган заруриятдир, унга эҳтиёжлари бошқа ҳар қандай нарсага бўлган эҳтиёжларидан юқоридир, рисолат оламнинг руҳидир, унинг ҳаёти учун нурдир»⁴.

Аллох таоло пайғамбарларни бандалар учун раҳмат қилиб юборди. Аллох таоло айтганидек: «(Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), **дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллохнинг раҳмати-жаннатига етакловчи) қилиб юбордик**» (Анбиё: 107).

¹ Зодул-маъод: 1/69.

² Ал-фатава: 1/5.

³ Ал-Хатиб ал-Бағдодий: Ал-фақиҳ вал-мутафаққиҳ: 1/389.

⁴ Ал-фатава: 19/93.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Азиз ва Раҳим зот ўз раҳмати тақозосига кўра Уни танитувчи ва Унга чорловчи, ўзларига ижобат қилганларга хушхабар берувчи, ўзларига қарши чиққанларни огоҳлантирувчи пайғамбарлар юборди, уларнинг даъватлари калитини ва рисолатлари қаймоғини Ҳақ субҳанаҳу ва таолони исму сифатлари ҳамда феъллари билан танишлик қилди. Чунки, рисолатнинг барча талаблари мана шу маърифат устига қурилади¹»

Иш шундай бўлгач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш динда билиш вожиб бўлган учта асоснинг бири бўлиши сабабини англаган бўлдик. Чунки, биринчи асос бўлмиш Парвардигорни таниш ҳам, иккинчи асос бўлмиш Ислом динини таниш ҳам бизлар учун фақат Аллоҳ билан бизнинг орамизда воситачи бўлган зот орқали ҳосил бўлади. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Банданинг иккала дунёдаги саодати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллариغا боғланган экан, энди шундай бўлгач, ўз нафсига холис насихатчи бўлган ва унинг нажоти-ю саодатини истаган ҳар бир киши у зотнинг йўллари, сийратлари ва аҳволлари ҳақида шундоқ билимга эга бўлмоғи зарурки, шу билан у зотни билмайдиган жоҳилар сафидан чиқа олсин ва у зотнинг тобеълари ва жамоалари сафига кира олсин. Одамлар бу борада тафовутли бўлиб, кимдир жуда оз нарсага эга, кимдир кўп нарсага эга, яна кимдир бутунлай маҳрумдир. Фазлу марҳамат Аллоҳнинг қўлида, уни Ўзи истаган кишисига ато этади, Аллоҳ буюк фазл эгасидир»².

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш бир неча нарсалар шодасидан иборатдир. Жумладан, у зотнинг исмларини, насабларини, ёшларини, пайғамбарлик ва рисолат замоналарини билиш, у зотга берилган нубувват ва рисолатни таниш, туғилган юртлари, ҳижрат қилган шаҳарлари ва вафотларини билиш ва энг муҳими ва энг каттаси – у зот нима билан юборилган эканларини билиш ва шу каби мусанниф ва бошқалар зикр қилган нарсаларни билиш мана шу шода ичидаги нарсалардир.

У зот Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошимдирлар, Ҳошим Қурайшдан, Қурайш араблардан, араблар Исмоил ибн Иброҳим Халил зурриётидан, — унга ва пайғамбаримизга энг афзал салот ва саломлар бўлсин.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам насаблари

«У зот Муҳаммад...» соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Муҳаммад – энг кўп мақтовга сазовор деган маънодадир. У кишининг бир неча исмлари бўлиб, энг машҳури, энг афзали ва энг улуғи шудир. Шунинг учун Қуръонда ҳам шу исмлари мазкурдир. Аллоҳ таоло

¹ Ас-соваъиқул-мурсала: 1/150.

² Зодул-маъод: 1/69.

айтади: «**Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир**» (Ахзоб: 40). Аллоҳ таоло айтади: «**Муҳаммад фақат бир пайғамбар, холос**» (Оли Имрон: 144). Аллоҳ таоло айтади: «**Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир**» (Фатҳ: 29). Лақаблари Абулқосимдир.

«**Ибн Абдуллоҳ...**» Оталарининг исми Абдуллоҳ бўлиб, у пайғамбарлик давригача етиб келмаган ва куфр устида вафот этиб кетган. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинишича, бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг (вафот этиб кетган) отам қаерда?», деб сўраганида у зот: «Дўзахда» деб жавоб бердилар. У одам орқасига бурилиб кетганидан сўнг чақириб: «Менинг отам ва сенинг отанг дўзахда», дедилар (Имом Муслим ривояти)¹.

«**Ибн Абдулмутталиб...**» Боболари Абдулмутталиб (Мутталибнинг кули) бўлиб, унинг исми Шайба эди, сахийлиги ва Қурайшнинг энг эътиборли кишиси бўлганидан уни Шайбатул-хамд (мақтовли Шайба) деб аташарди. Абдулмутталиб деб аталишига сабаб, (бегона юртда отадан етим қолганида) амакиси Мутталиб уни уловига мингаштириб Маккага олиб келганида, сафар машаққатидан синикқан юзига бокиб, уни кул деб ўйлаган одамлар унга Абдулмутталиб – Мутталибнинг кули деб мурожаат қилишади ва кейин шу билан номланиб кетади.

«**Ибн Ҳошим...**» Яъни Абдумутталибнинг отаси Ҳошим (майдаловчи) бўлиб, унинг исми Амр эди. Ҳошим деб номланишига сабаб, очарчилик йилларида қавмига гўшт ва нонни майдалаб, сарид (овқат тури) қилиб бергани учундир.

«**Ҳошим Қурайшдан...**» Қурайш араб қабилалари ичида энг машхур ва энг шарафли қабиладир.

«**Қурайш араблардан...**» Яъни, арабларга мансуб қабиладир.

«**Араблар Исмоил ибн Иброҳим Халил зурриётидан, — унга ва пайғамбаримизга энг афзал салот ва саломлар бўлсин**».

Иброҳим алайҳиссалом кексайиб қолган пайтларида Аллоҳ таоло у кишига ўғил фарзанд ато этди, унга Исмоил деб исм қўйдилар. Исмоилнинг лақаби Забиҳ (сўйилувчи, қурбон қилинувчи)дир, у араблар ичида яшаб ўтди. Исмоилдан сўнг Аллоҳ таоло Иброҳимга Исҳоқ номли фарзанд берди. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Исмоилнинг наслидан чиқдилар. Бошқа пайғамбарлар ҳаммаси Исҳоқнинг наслидан чиқди. Аллоҳ таоло айтади: «**Биз (Иброҳимга ўғли) Исҳоқ ва (набираси) Яъқубни ҳадя этдик ҳамда пайғамбарликни ҳам, (барча самовий) китобларни ҳам унинг зурриётига (хос) қилдик**» (Анкабут: 27). Шунинг учун Иброҳим алайҳиссалом «Пайғамбарлар отаси» деб аталганлар. Чунки, у кишидан кейин келган барча пайғамбарлар у кишининг зурриётидан бўлди. Исмоил алайҳиссалом орқали Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам, Исҳоқ алайҳиссалом орқали бошқа пайғамбарлар келди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ таоло

¹ 1/132, №521.

Исмоил авлодидан Кинонани танлаб олди, Кинонадан Қурайшни танлаб олди, Қурайшдан Бану Ҳошимни танлади, Бану Ҳошимдан мени танлади» (Имом Муслим ривояти)¹.

Демак, Пайғамбаримиз насабда энг шарафли зот бўлдилар, у зот хошимий, қурашийдирлар. Барча пайғамбарлар ҳам ўз қавмининг энг улуғ насабли ва эътиборли кишиларида бўлишган.

У зот олтмиш уч йил умр кўрдилар, бундан қирқ йили пайғамбарликдан олдин, йигирма уч йили набий ва расул бўлган ҳолларида ўтди. «Иқроъ» (сураси) билан набий қилиндилар, «Муддассир» (сураси) билан расул қилиндилар. (Туғилиб ўсган) юртлари Маккадир. Мадинага ҳижрат қилдилар. Аллоҳ у зотни ширкдан огоҳлантирувчи ва тавҳидга чақирувчи қилиб юборди. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг! (Бераётган нарсангизни) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг! Ёлғиз Парвардигорингиз (юзи) учун (кофирлар томонидан етадиган озорларга) сабр қилинг! (Муддассир:1-7).

Таваллудлари

Оналари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳомиладорлик пайтида оталари вафот этди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Фил йили»да душанба куни туғилдилар, душанба кунида пайғамбар қилиб юборилдилар, шу кунда меърожга чиқарилдилар, шу кунда Мадинага ҳижрат қилдилар, шу кунда вафот этдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Бу мен туғилган ва менга (вахий) нозил қилинган кундир» (Имом Муслим ривояти)². У зотнинг таваллуд кунларига бағишлаб, мавлудхонлик йиғилишлари ўтказиш жоиз эмас. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик пайтларида туғилган кунлари муносабати билан йиғилиш қилмаганлар, саҳобалар ҳам у зотга энг қаттиқ муҳаббат қўйган кишилар бўлгани ҳолда, бу ишни қилмаганлар.

Етим ҳолда туғилганларидан кейин аввал боболари Абдулмутталиб қўлида, кейин эса амакилари Абутолиб қўлида тарбия олдилар. Йигирма беш ёшларида Ҳадижага уйландилар. Ҳамма фарзандларини Ҳадижадан кўрдилар, фақат ўғиллари Иброҳимнинг онаси Мория Қибтиядир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам Амин (омонатдор) деб лақабланганлар.

¹ Саҳиҳ Муслим: 4/1782, №2276.

² Саҳиҳ Муслим: 2/819, №1162, Абу Қатода ал-Ансорий розияллоҳу анхундан ривоят қилинган.

Умрлари

«У зот олтмиш уч йил умр кўрдилар, бундан қирқ йили пайғамбарликдан олдин...» Қирқ ёшларида пайғамбар қилинди, бу авжи камолотга эришиш ёшидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Энди қачон у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида»** (Аҳқоф: 15).

Олтмиш уч йил умр кўрган бўлсалар, бунинг **«йигирма уч йили набий** – яъни ваҳий берилган пайғамбар – **ва расул** – яъни, рисолатни етказишга буюрилган элчи – **бўлган ҳолларида ўтди...»**

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлик ва элчилик замонлари йигирма уч йил бўлди. Бундан ўн уч йилини Маккада ўтказдилар, Мадинада ўн йил яшадилар. Умрлари баракотли бўлди, Аллоҳ таоло у зот билан динни ғолиб ва шариатни комил қилди, одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирдилар. Ушбу йиллар мобайнида у зот хавф, очлик, синовларга, душманларининг зўрликларига дуч келдилар, туғилиб ўсган юртларида душманлари у кишини қатлга маҳкум этдилар ва буни амалга оширишга зўр бериб уриндилар. У зот сабру матонат билан ҳаракатларида давом этдилар ва охир оқибат Парвардигорларининг рисолатини етказдилар.

Нубувватлари ва рисолатлари

«Иқроъ (сураси) билан набий қилиндилар...» Яъни, Аллоҳ таоло у зотга Рамазон ойининг душанба кунларидан бирида, Ҳиро ғорида ушбу суранинг аввалидаги бешта ояти: **«1. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! 2. У инсонни лахта қондан яратган (зотдир). 3-4. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни — хатни) ўргатган ўта қарамли зотдир. 5. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди»** оятларини нозил қилиш билан нубувватга буюрди, ушбу амри илоҳийдан юракларига кўрқув тушиб, уйларига кириб келганларида Хадижа розияллоҳу анҳо у зотга тасалли бериб: **«Йўқ, Аллоҳ сизни асло хорлаб қўймас...»**, дедилар (Муттафақун алайҳ)¹.

Шундан сўнг орадан бир мунча ўтгач, Аллоҳ таоло томонидан **«Муддассир (сураси) билан расул қилиндилар...»**. Фаришта ушбу сурани олиб тушганида яна қаттиқ кўрқувга тушдилар ва уйларига кириб: **«Мени ўраб қўйинглар»**, дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло: **«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, турунг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг!»** (Муддассир: 1-2) оятини туширди. Ушбу оят бир мунча вақт узилиб қолган ваҳийнинг бошланиши эди. Шундан сўнг ваҳий бирин-кетин туша бошлади ва Расулуллоҳ

¹ Саҳиҳул Бухорий: №3670, Саҳиҳ Муслим: №160, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган.

соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга даъват қилиш йўлига қаттиқ энг шимардилар.

Туғилиб ўсган юртлари

«(Туғилиб ўсган) юртлари Маккадир...» Макка Аллоҳ наздидаги энг улуғ шаҳардир. Ўша ерда туғилдилар ва ўсиб-улғайдилар, факат орада бир мунча вақт Саъд қабиласида эмизувчи оналари билан турдилар. Кейин яна Маккага, боболари бағрига қайтдилар, боболари вафотидан сўнг амакилари тарбияси остида бўлдилар. Ўша ерда ваҳий нозил бўлди. Ваҳий тушганидан кейин у ерда ўн уч йил турдилар.

Шундан сўнг **«Мадинага ҳижрат қилдилар...»** Қурайш мушриклари у зотни ўлдиришга қасд қилишганидан сўнг Маккадан чиқиб, бир ғорда яшириниб турдилар. Сўнгра Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳамроҳлигида Мадинага ҳижрат қилиб бордилар. Чунки, аввалроқ Мадина аҳли у зотни қўллаб қувватлаш ва ёрдам кўрсатишга байъат (аҳд) берган эдилар. Ислом умматининг тарихи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратларидан бошланди.

Пайғамбар қилинишларидаги ҳикмат

Мусанниф раҳимаҳуллоҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам таърифларида бир неча жумла зикр қилдилар, улар ичида энг улуғи ва энг олийси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юборилишлари остидаги ҳикматдир.

«Аллоҳ у зотни ширкдан огоҳлантирувчи» қилиб юборди. Ширкнинг дунё ва охиратдаги зиёнидан огоҳлантирувчи қилди. Зеро, ширк барча амалларни бекорга чиқаради, унинг эгаси дўзахда абадий қолади.

Шу билан бир қаторда Аллоҳ таоло у зотни **«тавҳидга чақирувчи қилиб юборди...»**, ибодатда Уни ёлғизлашга чорловчи қилиб юборди.

Муаллиф ширкдан огоҳлантиришни тавҳидга чақиришдан мукаддам келтирди. Чунки, тавҳид калимаси бўлмиш «ла илаҳа иллаллоҳ»нинг мадлули–мазмунни шудир. Чунки, **«Туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг!»** ояти шуни тақозо қилади. Аввал ширкдан бошлади, чунки, ибодат унинг зидди мавжуд бўлганда дуруст саналмайди. Агар ибодат топилса-ю, унинг зидди ҳам мавжуд бўлса, у ибодат саҳиҳ бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, ким шайтон (тоғут)дан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам халқани ушлабди»** (Бақара: 256). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса ва Аллоҳдан бошқа сиғиниладиган нарсаларга кофир бўлса, унинг моли ва қони ҳаром қилинди ва ҳисоби**

Аллоҳга ҳаволадир» (Муслим ривояти)¹. Кейин тавҳид ҳақида зикр қилди, чунки, у вожибларнинг вожибидир, усиз амал кўтарилмайди. Агар амалга ширк аралашса, уни бузади ва бекорга чиқаради. Аллоҳ таоло айтади: **«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб колурсан!»** (Зумар: 65).

Бунинг далили

«Далил...» Яъни, Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ширкдан огоҳлантирувчи ва тавҳидга чакирувчи қилиб юборганига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй (либосларига) бурканиб олган зот...» Бу ҳолат ваҳий олиб келган фариштани биринчи бор кўришдан қаттиқ кўркувга тушиш туфайли содир бўлганди.

«Туринг-да, (инсонларни) огоҳлантиринг!» Уларни ширкдан огоҳлантиринг ва тавҳидга чорланг. Бу у зотга юборилган рисолатнинг илк ояти эди ва рисолат берилган пайтларидаги биринчи қулоқларига урилган илоҳий амр эди. Бу ҳодиса у киши биринчи бор Ҳиро ғорида эканларида «Иқроъ» (ўқинг!) оятини олиб тушган фариштани кўриб, кўрқиб кетган ва аҳли оилалари ҳузурига келиб: «Мени ўраб қўйинглар» деганларидан сўнг у зотни ўраб қўйишган пайтларида бўлган эди, шунда у зотга **«Эй (либосларига) бурканиб олган зот...»** ояти тушган эди (Муттафакун алайҳ)². Демак, «Иқроъ» билан нубувват ҳосил бўлгани каби ушбу оят билан рисолат ҳосил бўлди.

«Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг!..» Бутпарастлар айтадиган гаплардан Роббингизни улуғ тутинг!.

«Либосларингизни пок тутинг!» Яъни, ўз нафсингизни гуноҳлардан покланг. Нафсни либос деб атади, чунки у доим инсонни ўраб туради.

«Бутлардан йироқ бўлинг!» Оятдаги «бутлар» деб таржима қилинган «ружз» сўзи аслида худди «рижс» калимаси каби ифлослик маъносини ифодалайди. Аллоҳ таоло айтганидек: **«бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлингиз»** (Ҳаж: 30).

«Кўпроқ килиб кайтаришини умид килиб бировга эҳсон килманг!» Яъни, молингизни унинг ўрнига кўпроқ мол беришларини кўзлаб берманг. Ёки қилган амалингизни кўп санаб, Аллоҳга миннат қилманг, амалингиз кўзингизга кўп кўринмасин. Ёки кўп яхшиликлар қилишдан ожиз бўлманг.

¹ Саҳиҳ Муслим: 1/53, №23, Абу Молик ал-Ашжаъий отасидан ривоят қилган.

² Саҳиҳул Бухорий: №4638, Саҳиҳ Муслим: №1611, Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

«Ёлғиз Парвардигорингиз (юзи) учун (кофирлар томонидан етадиган озорларга) **сабр қилинг!** (Муддассир:1-7). Ёки Раббингизга тоат қилиш ва унинг буйруқларини бажаришда сабрли бўлинг.

«**Туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг!**» маъноси шуки, ширкдан огоҳлантиради ва тавҳидга чақиради. «**Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг!**» маъноси – Уни тавҳид билан улуғланг, демакдир. «**Либосларингизни пок тутинг!**» дегани амалларингизни ширкдан покланг, деганидир. «**Бутлардан йироқ бўлинг!**» оятидаги «ружз» бутлар маъносидадир, улардан йироқ бўлиш уларни тарк қилиш ва улардан ҳамда уларнинг аҳлидан покланишни англатади.

Мазкур далилнинг тафсири

«**Туринг-да, (инсонларни) огоҳлантиринг!**» маъноси шуки, – одамларни – **ширкдан огоҳлантиради...**» Яъни, одамларни мақсад ҳосил бўладиган сўзлар ва амаллар воситасида ширкдан огоҳлантиради. Чунки, ширк Аллоҳга осий бўлинадиган энг катта гуноҳдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан энг катта гуноҳ нималиги сўралганида «**Аллоҳга бошқа бировни тенг билиб ибодат қилишинг, ваҳоланки У сени яратган**» деб жавоб берганлар (Муттафакун алайҳ)¹. Ширк аралашган амал (Аллоҳ ҳузурига) кўтарилмайди. Аллоҳ таоло айтади: «**Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб колурсан!»** (Зумар: 65). Ширк эгаси дўзахда абадий қолади. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур**» (Моида: 72).

«**Ва тавҳидга чақиради...**» Яъни, ширкдан огоҳлантириш билан бир қаторда тавҳидга чақиради. Чунки, тавҳид вожибларнинг вожиби, аввалги-ю охирги барча пайғамбарларнинг биринчи даъватидир. Аллоҳ таоло айтади: «**Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглار ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз**» (Наҳл: 36). Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, даъватни бошладилар, одамларни ширкдан огоҳлантира бошладилар. Шу йўлда ўзлари ҳам, у зотнинг издошлари ҳам кўплаб озорларни бошдан кечирдилар.

«**«Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг!**» маъноси – Уни тавҳид билан улуғланг, демакдир...» Ёлғиз У барҳақ ва ибодатга сазовор

¹ Саҳиҳул Бухорий: №4207, Саҳиҳ Муслим: №86, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

илоҳдир, Унга ибодатда ҳеч кимни шерик қилинмайди. Шундай экан, Парвардигорингизни тавҳид билан улуғланг, огоҳлантиришдан бўлган мақсадингиз бандалар Парвардигорларини улуғлаши ва Унинг ибодатида туриши бўлсин. Зотан, Парвардигор таоло бундан кўра улуғроқ бирон нарса билан улуғланмас. Сиз бутпарастлар айтадиган гаплардан Уни покланг.

««Либосларингизни пок тутинг!» дегани амалларингизни ширкдан покланг, деганидир...», ҳамма амалларингизни Аллоҳ учун холис қилинг. Амални либос деб ҳам аталади. Аллоҳ таоло айтади: **«(Хаммасидан) яхшироқ либос тақво либосидир»** (Аъроф: 26). Бу оятдан мурод кийимларни поклаш эмас. Чунки, у вақтда ҳали намоз фарз бўлмаган эди. Бу ердаги либосдан мурод амаллардир. Яъни, нафсингизни гуноҳлардан тозаланг, гуноҳларнинг энг каттаси эса ширкдир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тафсир аҳлидаги муҳаққиқ зотларнинг сўзи шудир ва бу энг тўғри сўздир»¹.

Бундан мурод – амалингини ислоҳ қилгин, унга ширк аралашмасин, дегани экани ҳам айтилган.

««Бутлардан йироқ бўлинг!» оятидаги «ружз» бутлар маъносидадир, улардан йироқ бўлиш уларни тарк қилиш ва улардан ҳамда уларнинг аҳлидан покланишни англатади...». Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бутларни тарк қилиш ва улардан узоқ бўлишга, ундан ва унинг аҳлидан покланишга буюрдилар. Набийлар ва расулларнинг йўли шудир. Аллоҳ таоло Халил алайҳиссалом ҳақларида айтади: **«Мен сизлардан ҳам, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиздан ҳам четланурман ва (ёлғиз) Парвардигоримга илтижо қилурман** (Марям: 48).

Яна айтади: **«Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва Улар Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларидан четлангач...»** (Марям: 49).

То куфрдан ва куфр аҳлидан покланмагунича ва улардан узоқлашиб, уларни бутунлай тарк қилмагунича банданинг тавҳиди тўла бўлмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида айтади: **«Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман»** (Зухруф: 26). Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, ибодат қилаётган бут-санамлар)ни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча сизлар билан бизнинг ўртамизда адоват ва ёмон кўриш зохирдир», дедилар** (Мумтаҳана: 4).

¹ Мадарижус-саликийн: 2/20.

Бу уммат Иброҳим алайҳиссаломдан ва у зот билан бирга бўлган кишилардан уларнинг мушриклардан безор бўлишларида ўрناق олишга буюрилди.

Шу йўсинда ўн йил тавҳидга даъват қилиб турдилар. Ўн йилдан сўнг у зотни самога олиб чиқилди ва беш вақт намоз фарз қилинди. Маккада уч йил намоз ўқидилар. Кейин Мадинага хижрат қилишга буюрилдилар.

Тавҳидга чақириб турган муддатлари

«Шу йўсинда ўн йил тавҳидга даъват қилиб турдилар...» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам диннинг устуни бўлган намоз фарз бўлишидан ва бошқа шаръий қоидалар машруъ қилинишидан илгари ўн йил тинимсиз фақат ширкни баён қилиш ва ундан огоҳлантириш ҳамда тавҳидни баён қилиш ва унга чақириб ишида давом этдилар.

Мана шу билан ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам у билан юборилган ва барча пайғамбарлар ҳам даъват қилган ишнинг моҳияти сизга очилади. У ширкдан огоҳлантириш ҳамда тавҳидни баён қилиш ва унга чақириб эди. Аллоҳ таоло айтганидек: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, магар Менгина (барҳақдирман), бас Менгагина ибодат қилинглари», деб ваҳий юборгандирмиз»** (Анбиё: 25).

Аллоҳ таоло яна айтади: **«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглари ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз»** (Наҳл: 36).

Аллоҳ таоло Нух, Ҳуд, Солиҳ, Шуайб алайҳимуссаломнинг қавмларига илк даъватларини **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглари, сизлар учун Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқдир»** деб бошлаганларини хабар беради. Энг сўнгги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг илк даъватлари ҳам инсонларга хитобан: **«Ла илаҳа иллоҳ денглари, нажот топасизлар»** дейиш бўлди. (Аҳмад ривояти)¹.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат тавҳидга даъват қилиш вазифаси билан юборилдилар. Сабаби, миллатнинг-диннинг асос-пойдевори тавҳиддир, усиз ҳеч қайси амал бинога келмайди.

Тавҳид асл-асосдир, диндаги бошқа барча шариатлар унинг тармоғидир. Агар асл-асос йўқ бўлса, тармоқлар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ва бошқа фарзлар фарз бўлишидан илгари тўла ўн йилни фақат тавҳидга чақириб ва ширкдан огоҳлантириб ўтказганликларининг ўзи ҳам

¹ Муснад: №16066, Рабиа ибн Аббод ад-Дийлийдан ривоят қилинган.

тавҳид вожибларнинг вожиби эканига ва уни билиш фарзларнинг фарзи эканига далил бўлади.

Исро ва меърож

«Ўн йилдан сўнг у зотни самога олиб чиқилди...» Нубувват ва рисолат бошланишидан ўн йил ўтгач, Маккадалик пайтларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни еттинчи осмонга (меърожга) олиб чиқилди. У зотни жасадлари ва руҳлари билан биргаликда, уйкуда эмас, уйғоқ ҳолларида (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан Буроққа¹ ўтказилиб, (Қуддусдаги) Байтул Макдисга олиб борилди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай хабар беради: **«(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал-ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир»** (Исро: 1).

Шундан сўнг Жибрийл алайҳиссалом у зотни осмонга олиб чиқиб кетдилар. Ҳар қайси осмондан ўтганларида унинг муқарраб фаришталари кутиб олиб, кузатиб қўйдилар, ҳатто Сидратул Мунтаҳога етиб бордилар ва қаламларнинг қитирлашларини эшитдилар, олийлик ва юксакликдан Аллоҳнинг Ўзигагина маълум бўлган ўринга етказилдилар, Аллоҳ таоло у зот билан бевосита сўзлашди ва истаган нарсаларини ваҳий қилди.

Намоз қаерда фарз қилинди?

«Ва у зотга беш вақт намоз фарз қилинди...» Намоз у зотга осмонда эканларида фарз қилинди. Дастлаб у эллик вақт бўлиб фарз қилинди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигор ҳузуридан қайтарканлар, йўлда Мусо алайҳиссалом у зотни ортга қайтиб, Парвардигордан умматлари учун енгиллик беришини сўрашга йўллайдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигор таоло билан Мусо алайҳиссалом ўртасида бир неча марта қатнайдилар ва охири Парвардигорлари намозни беш вақтга туширади ва айтадики: **«Бу санокда беш, бироқ ажрда эллик намоздир, битта яхшилик ўн баробаричадир»** (Муттафақун алайҳ)².

Кейин Байтул Макдисга қайтиб тушдилар, пайғамбарлар ҳам у зот билан бирга тушдилар, Байтул Макдисда уларга имом бўлиб намоз ўқидилар. Сўнгра Буроққа миниб, шу кечанинг ўзида Маккага қайтиб келдилар ва йўлда кўрганларини Макка аҳлига сўзлаб бердилар.

¹ Буроқ – эшакдан каттароқ ва хачирдан кичикроқ жонивордир. Барқ (чақмоқ, яшин) сўзидан олинган бўлиб, ранги ўта тиниқлиги учун, бир қавлда эса ўта учқур бўлгани учун шундай номланган. (Лисанул-араб: 10/15).

² Саҳиҳул Бухорий: №324, Абу Зар розияллоҳу анхудан, Саҳиҳ Муслим: №162, Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

«Маккада уч йил намоз ўқидилар...» Яъни, меърожда намоз фарз бўлганидан сўнг, ҳижратдан аввал Маккада уч йил беш вақт фарз намозларни адо этиб турдилар.

«Кейин Мадинага ҳижрат қилишга буюрилдилар...» Яъни, пайғамбар бўлганларидан ўн уч йил ўтгач, Маккадан Мадинага ҳижрат қилишга, мушрикларни ва уларнинг диёрини тарк қилишга буюрилдилар, ўз динларини изҳор қилиш ва Аллоҳга даъват қилиш имкониятига тўла эга бўладиган ўринга кўчишга амр этилдилар. Чунки, бу фарз ва вожиб иш эди. Макка аҳли у зотни даъватдан ман қилиб келарди. Мадинада ансорлар у зотни кутиб олиб, уй-жой бердилар, у зотга кўмакчи ва ёрдамчи бўлдилар. Шундай қилиб у зот Аллоҳнинг динини етказдилар ва у чор атрофга тарқалди.

Ҳижрат – ширк диёридан Ислом диёрига кўчиб ўтишдир. Ширк диёридан Ислом диёрига кўчиш бу умматга фарздир.

Ҳижратнинг таърифи

«Ҳижрат – ширк диёридан Ислом диёрига кўчиб ўтишдир...» Ўз юридан айрилган ҳар бир киши муҳожирдир. Муҳожарат (муҳожирлик) аслида бировдан айрилиш, ўртани узиш ва узоқлашиш маъносини ифодалайди. Мадинага ҳижрат қилган кишиларни муҳожирлар деб аталишига сабаб, улар ўзлари туғилиб ўсган диёрлари ва ҳовли-жойларини ташлаб кетишди ва ўзларига тегишли аҳли-оила ҳам, мол-мулк ҳам бўлмаган бегона диёрга кўчиб кетишди.

Ҳижрат банданинг динини заволадан ёки нуқсондан сақлаб қолиш, уни фитналардан ва исломий ибодатларни очиқ-ошкор адо этолмаслик хавфидан олиб қочиш учун машруъ қилинди. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳеч бир киши то ширк аҳлидан тўла айрилмагунча ширкдан саломат бўлмайди»¹.

Унинг ҳикмати

Киши ўзи яшаб турган жамиятнинг яхшилиги ва тақвосидан, ёки унинг Парвардигорига тоат-ибодатдан узоқлигидан албатта таъсирланади. Шунинг учун ҳам **«ширк диёридан Ислом диёрига кўчиш бу умматга фарздир»**. Уламолар унинг фарзлигига ижмоъ қилганликлари айтилган. Аллоҳ таоло Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зотнинг саҳобаларига ҳижратни рўза ва ҳаж фарз бўлишидан олдин фарз қилди. Ҳижрат қилишга қодир бўлгани ҳолда уни тарк қилган кишига азоб хабари келган. Пайғамбар соллаллоҳу

¹ Ал-фатава: 1/94.

алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен мушриклар орасида яшаб турадиган ҳар қандай мусулмондан покман»¹.

Мушриклар билан аралашиб юриш динга зарардир. Агар мусулмон киши ўз динини изҳор қилиш, уни очик-ойдин кўрсатиш ва баён қилишга қодир бўлмайдиган диёрда бўлса, динини изҳор қилиш ва эътиқодини сақлаб қолиш учун ўша диёрдан чиқиб кетиши унга фарз бўлади. Улар билан бирга туриш унинг динига зарар кўрсатади. Шайхулислом раҳимахуллоҳ айтади: «Яҳудий ва насронийлар билан кўп бирга бўладиган мусулмонларни бошқа ҳолис мусулмонларга қараганда иймонлари анча заифлигини кўрдик»².

Ҳижратнинг муҳожир учун диний ва дунёвий манфаатлари бор. Шайх Абдуррахмон ибн Ҳасан – мусаннифнинг набираси – раҳимахуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамда у зотга эргашган салаф ва халафларга жорий бўлгани каби, ҳижрат аҳлига ғолибан саломатлик, иззат ва нусрат битилгандир. Ҳижратнинг шу дунёдаги манфаатлари ҳам саноқсиздир. Аллоҳ таоло айтганидек: «Зулму қийноқларга дучор бўлганларидан сўнг, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган зотларни албатта бу дунёда ҳам гўзал (гўшаларга) жойлаштирурмиз» (Наҳл: 41)³.

Ҳижратни тарк қилиши ортидан кишига динида ҳам, дунёсида ҳам бир қанча зарарлар етади. Шайх Абдуррахмон ибн Ҳасан раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳижратни тарк қилишда жиҳодни тарк қилишда бўлганидек, балки ундан-да кўпроқ зарарлар борки, бу нарсa фаросатли ва онгли кишиларга махфий эмасдир. Жиҳод ҳижратнинг самараларидан ва манфаатларидан биридир. Ҳижратни тарк қилган кишиларнинг динларида ҳам, дунёларида ҳам бошларига етган ёмон аҳволларни ўзингиз тааммул қилиб кўрсангиз бўлади»⁴.

У то қиёмат боқийдир. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Албатта (мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан) ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?», деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар): «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?»), дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у! Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, ҳижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни

¹ Сунаи Аби Довуд: №2645, Термизий: №1604, Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Иктизоус-сиротил-мустақийм: 220-с.

³ Ад-дуруус-санийя: 8/240.

⁴ Ад-дуруус-санийя: 8/244.

шояд Аллоҳ авф этса. Зотан, Аллоҳ афв этувчи, мағфират қилувчи бўлган зотдир» (Нисо: 97-99). Ва Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй иймон келтирган бандаларим, шакшубҳа йўқки, Менинг ерим кенгдир. Бас, сизлар Менгагина ибодат қилинглар» (Анкабут: 56).

Бағавий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу оятнинг нозил бўлиши сабаби ҳижрат қилмай, Маккада қолган мусулмонлар ҳақида бўлиб, Аллоҳ таоло уларга иймон исми билан хитоб қилди». Ҳижратга Суннатдан далил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларидир: «Тавба узилмагунча ҳижрат узилмайди. Тавба эса то қуёш ботиш томонидан чиқмагунича узилмайди».

Ҳижрат то қиёмат давомли экани

Ким ширк диёридан ҳижрат қилишга қодир бўла туриб, ҳижрат қилмаса, ўз жонига зулм қилган ва гуноҳга тушган бўлади.

«У то қиёмат боқийдир...» У, яъни ҳижрат боқий ва фарздир, ҳеч бир замонда унинг фарзлиги бу умматдан соқит бўлмайди, балки қиёмат қойим бўлгунича фарзлиги боқийдир. Ким мушриклар диёрида яшаса ва кўчиб кетишга қодир бўлса, бу диёрдан ҳижрат қилиш унга фарз бўлади.

Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мамлакатлар аҳволи ҳам худди бандалар аҳволига ўхшагандир. Киши баъзан мусулмон, баъзан кофир, баъзан мўмин, баъзан мунофиқ, баъзан солиҳ ва тақводор, баъзан фосиқ ва фожир бўлади. Шунга ўхшаш, масканлар ҳам унда яшовчиларга қарабдир. Бас, инсоннинг куфр ва маъсиятлар маконидан иймон ва тоат маконига ҳижрат қилиши худди унинг куфр ва маъсиятлардан тавба қилиб, иймон ва тоатга қайтишига ўхшашдир. Бу то қиёмат боқий ишдир»¹.

Унинг фарзлигига Қуръондан далил

«Далил...» Яъни, ҳижратнинг фарзлигига Қуръондан далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Албатта (мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан) ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар...» Бу оят Макка аҳлидан бўлган, тиллари билан исломни сўзлаганлари ҳолда ҳижрат қилмаган кишилар ҳақида нозил бўлди. Аллоҳ таоло улар ҳақида деди: **«кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар...»**. Фаришталардан мурод жон олувчи фаришта ва унинг

¹ Ал-фатава: 18/284.

ёрдамчиларидир. Жон бераётган кимсалар эса ширк диёридан ҳижрат қилмай, **«Ўз жонларига жабр қилган кимсалар»**дир.

«Уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?», деганларида...» Яъни, қайси гуруҳдан бўлдингиз, нега бу ерда яшадингиз, ҳижратни тарк қилдингиз?! Бу сўроқ инкор қилиш ва дашном бериш маъносидаги сўроқдир.

«Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик, дедилар...» Яъни, ҳижратни тарк қилган у кишилар, биз ҳижратдан ожиз эдик, юртимиздан чиқиб кетишга ва ер юзининг бошқа жойларига йўл олишга қодир эмасдик, дейишади. Ваҳоланки, бу сўзлари рост эмасди.

«(Шунда фаришталар): «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)», дейишди...» Бу тақрир учун – яъни, ҳаммага аниқ бўлган ҳақиқатга яна бир бор иқрор қилдириш учун берилган савол эди. Зотан, Аллоҳнинг ери кенг ва бепоёнлиги ҳаммага аниқ бўлган маълумот эди. Шундай экан, нега сизлар Мадинага ҳижрат қилмадингиз, ширк аҳли ичидан чиқиб кетмадингиз?! Бас, улар ҳижратни тарк қилишганига маъзур бўлмадилар.

Қаердаки банда ўз динини изҳор қилиш имкониятига эга бўлмас экан, ер юзида Аллоҳга эмин-эркин ибодат қилиш мумкин бўлган ўринларни бемалол топиш мумкин. Аллоҳ таоло ана шундай узри мақбул бўлмайдиган кимсалар ҳақида деди: **«Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у!»** Демак, бундан маълум бўладики, ҳижрат фарз бўлган киши унга қодир бўла туриб, ҳижрат қилмас экан, у гуноҳи кабиралардан бирини қилган бўлади.

«Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, ҳижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки...» Улар мушриклардан ажралиб чиқиб кетишга қодир бўлмайдилар, чора истаб, йўл тополмайдилар, чиқиб кетиш учун на нафақага, на қувватга эгадирлар, Маккадан ўша пайтдаги ягона Ислом диёри бўлмиш Мадинага олиб борадиган йўлни билмайдилар.

«Бундайларни шояд Аллоҳ авф этса. Зотан, Аллоҳ авф этувчи, мағфират қилувчи бўлган зотдир» Ҳижратни тарк қилишга мана шундай узр эгаси бўлган ҳақиқий заиф-ночор кишиларнинг гуноҳларидан ўтса, зотан Аллоҳ кечиримли ва гуноҳлардан ўтувчи зотдир.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу ояти карима ҳижрат қилишга қодир бўлгани ҳолда ва ўз динини изҳор қилиш имконияти бўлмаган ҳолида мушриклар ичида яшаб турган барча кишиларга ом бўлиб нозил бўлди. Бундай киши ўз жонига зулм қилувчи ва уламолар ижмоъ-иттифоқи ва ушбу оят далилига кўра, харом ишни қилувчидир»¹.

¹ Тафсири Ибн Касир: 2/343.

Хорижга сафар қилиш ҳукми

Куфр диёридан ҳижрат қилишга буюрилган эканмиз, демак, бу кофирларнинг диёрларига сафар қилиш ҳаромлигига далил бўлади. Даволаниш ва шу каби зарурат тақозоси билан сафар қилиш бундан мустаснодир. Зарурат пайтида улар диёрига сафар қилиш ҳам қуйидаги учта шарт билангина дуруст бўлади:

- 1) Ўзига кўндаланг бўладиган шубҳаларни рад қилишга етарли илми бўлиши.
- 2) Шаҳватлардан тўсадиган дини бўлиши.
- 3) Динини изҳор қилишга ва ибодатларини Аллоҳ буюрганидек адо этиш имкониятига эга бўлиши ва мушриклар билан дўстлашишдан ўта эҳтиёт бўлиши.

Мусулмон киши ҳижрат қилиш (кўчиб кетиш) имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда намоз ва шу каби диний ибодатларини қодир бўлганича изҳор қилиши лозим бўлади, мусулмон бўлмаган шахсларни бу динга даъват қилиши вожиб бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«(Одамларни) Аллоҳ(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, «Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзловчи ким бор?»** (Фуссилат: 33).

Ҳижратнинг фарзлигига Қуръондан яна бир далил

«Ва...» Қодир бўлган кишига ҳижрат қилиш фарзлигига Қуръондан яна бир далил:

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Эй иймон келтирган бандаларим...» Яъни, Мени ягона деб билган, Менга иймон келтириб, Пайғамбаримни тасдиқлаган, ўзлари куфр диёрида яшаб туриб, ҳижрат қилишга қодир бўлганлари ҳолда ҳижрат қилмаган бандаларим, ҳижрат қилинглари!

«Шак-шубҳа йўқки, Менинг ерим кенгдир...» Сизларни бемалол сиғдиради. Бас, шундай экан, сизлар учун яшаб туриш ҳалол бўлмаган ўринда яшаманглари. Агар ер юзининг бир ўрнида Аллоҳга маъсиятлар қилинаётган бўлса ва сизлар уни ўзгартиришга қодир бўлмасангизлар, Аллоҳнинг ери кенг, у ердан чиқиб, бошқа жойга кетинглари!

Агар инсон ўзи яшаб турган ерида ўз динини изҳор қилишга қодир бўлмаса, Аллоҳ таоло у учун ерни кенг қилиб қўйган, Аллоҳ буюрганидек ибодат қилиш ва Унинг тавҳидини рўёбга чиқариш мумкин бўлган ўринларни қилиб қўйган. Маъсиятларга ғарқ бўлган бир ўлкада яшаб турган киши агар уларни ўзгартиришга қодир бўлмаса, ундан кўчиб кетиши фарз бўлади.

«Бас, сизлар Менгагина ибодат қилинглари» Яъни, ўзини ҳам, ундаги барча нарсаларни ҳам сизлар учун яратганим кенг еримда

ибодатни фақат Менга қилинглари, сизларни ер юзида Менга ибодат қилишларинг учун яратдим.

«Бағавий раҳимахуллоҳ айтади...» Яъни, Абу Муҳаммад ал-Хусайн ибн Масъуд ал-Бағавий¹ ўзининг Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ: «Уммат унинг тафсирини қабул қилишга ва ҳеч ким инкор қилмасдан барча одамлар ўқишга иттифоқ қилган»² деб таърифлаган тафсирида³ ёзади:

«Бу оятнинг нозил бўлиши сабаби – Муқотил ва Калбий айтганларидек – ҳижрат қилмай, Маккада қолган мусулмонлар ҳақида бўлиб, Аллоҳ таоло уларга иймон исми билан хитоб қилди». Яъни, бундан маълум бўладики, ҳижрат фарз бўлганидан кейин уни тарк этган киши кофир бўлмайди, лекин у ҳижратни тарк этиши билан осий бўлади. У иймони ноқис мўмин, тавҳид аҳли ичидаги осий кишилардан бири бўлади.

Ҳижратнинг фарзлигига Суннатдан далил

«Ҳижратга Суннатдан далил...» Яъни, ҳижрат бу умматга фарз эканига ва у то қиёмат боқий эганига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларидан далил Абу Довуд Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилган...

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларидир: «Тавба узилмагунча ҳижрат узилмайди. Тавба эса то қуёш ботиш томонидан чиқмагунча узилмайди»⁴.

Яъни, ширк диёридан Ислом ўлкасига ҳижрат қилиш то тавба қилган одамнинг тавбаси қабул бўлмай қоладиган кунгача соқит бўлмайди.

Ҳадис далил бўладики, тавба модомики мақбул бўлиб тураркан, ҳижрат фарз бўлиб қолаверади. Аммо, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Фатҳдан сўнг ҳижрат йўқ, лекин жиход ва ният бор, агар (жиходга) чиқишга чорлансангиз, чиқинглари»** (Муттафакун алайҳ)⁵ ҳадисларидан мурод – Макка фатҳ бўлганидан сўнг энди Мадинага ҳижрат қилиш йўқдир, чунки, Макка ҳам фатҳдан сўнг энди ислом ўлкасига айланди, Маккадан ҳижрат қилиб кетиш унинг куфр диёри бўлгани туфайли эди, энди у Ислом ўлкасига айлангач, ҳижрат ҳам тўхтади, демакдир.

«Тавба эса то қуёш ботиш томонидан чиқмагунча узилмайди...» Қуёш ботиш томонидан чиққан куни тавба мақбул бўлмай қолади. Аллоҳ таоло айтади: **«Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган)**

¹ 516-ҳижрийда вафот этган.

² Ижтимаъул-жуношил-исламия: 239-с.

³ Ушбу тафсир «Маъалимут-танзил» деб аталади.

⁴ Сунан Аби Довуд: №2479.

⁵ Бухорий: №2631, Муслим: №1353, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган.

иймони фойда бермас» (Анъом: 158). Ушбу оят далолатиға кўра, куёш ботиш тарафидан чиқишидан аввал тавба мақбул бўлади. Модомики тавба мақбул бўлиб тураркан, ҳижрат ҳам боқий қолаверади.

Мусулмон киши яхши одамларға ёндошиш ва покиза жамиятға қўшилиш билан ўзини тузатишға уриниши, диний ишларида ўзига фойдали бўлган нарсаларни ўқиши лозим. Уни яхшилиқ ва тоатлар қилишға ундамайдиган жамиятдан ёки уни шубҳалар ва шаҳватларға ғарқ қиладиган, маъсият ва ёмонликларға қизиқтирадиган воситалардан батамом узоқлашиши лозим бўлади.

Мадинаға ўрнашганларидан сўнг Ислоннинг закот, рўза, ҳаж, азон, жиход, амри маъруф, наҳий мункар ва шу каби бошқа қонун-қоидаларига буюрилдилар. Шу йўсинда ўн йил турдилар, шундан сўнг вафот этдилар – у зотға Аллоҳнинг саловоту саломи бўлсин – динлари боқийдир ва шу у зотнинг динларидир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада ўн уч йил тавҳидға чорлаб ва ширкдан огоҳлантириб турдилар. Ғоят аҳамиятли иш бўлгани учун ҳам шунча йилни фақат тавҳидни баён қилиш ва унинг зиддидан қайтаришға сарфладилар. Шунча муддат ўтганидан кейин Маккадан Мадинаға ҳижрат қилдилар.

«Мадинаға ўрнашганларидан сўнг...» ва Ислон тарқалиб, унга эргашувчилар кўпайганидан, Аллоҳ ҳижратларидан уч йил олдин у зотға ва тобеъларига фарз қилган намозни жамоат бўлиб адо этиб туришганидан сўнг...

«Ислоннинг закот, рўза, ҳаж, азон, жиход, амри маъруф, наҳий мункар ва шу каби бошқа қонун-қоидаларига буюрилдилар...». Ушбу бошқа ибодатлар ва қонун-қоидалар жумласига икки ийд намозлари, кусуф ва истиско намозларини киритиш мумкин.

«Шу йўсинда ўн йил турдилар...» Яъни, Ислондаги бошқа шаръий ибодатлар ва қонун-қоидаларни тушунтириш, таълим бериш ва уларға даъват қилиш устида ўн йил давом этдилар, бу муддат ичида у зотға шариат кўрсатмалари ваҳий қилиб турилди, Аллоҳнинг шариати тўла-тўқис бўлди. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Бугун сизларға динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Ислонни дин қилиб танладим»** (Моида: 3).

«Шундан сўнг...» Яъни, Аллоҳ таоло у зот билан динни комил қилганидан сўнг ва у киши Аллоҳнинг динини беками кўст етказганларидан сўнг ўн биринчи йили..

«вафот этдилар – у зотға Аллоҳнинг саловоту саломи бўлсин...» Бандаларни дунё ва охират саодатиға етказувчи ҳамма нарсани тўла тўқис баён қилиб кетдилар. Абу Зар розияллоҳу анҳу айтганлар: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам осмонда қанот қоқиб турган**

бир қушни ҳам қолдирмай, ўшанга тегишли бўлган илмни ҳам бизга зикр қилганлар» (Аҳмад ривояти)¹.

Мушриклардан бир киши Салмон Форсий розияллоҳу анҳуга: «Пайғамбарларингиз сизларга ҳамма нарсани, ҳатто ҳожатхонада қандай ўтиришгача ўргатган», деганида у киши: «Ҳа, шундай, у зот бизни ҳожатда ўтирганда қиблага қараб ўтиришдан, ўнг қўл билан тозаланишдан, учтадан кам бўлмаган тош-кесак билан тозаланишдан, тезак ва суяклар билан тозаланишдан қайтарганлар», деб жавоб берганлар (Имом Муслим ривояти)².

«Динлари боқийдир...» Аллоҳ у зотнинг динларини Ўзи ҳифзига олгандир, динлари Китоб ва Суннат ичида сақланиб, қиёматгача асралган ҳолда давом этажак ва уни маҳкам тутган кишиларга кифоя қилажак. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сизларга икки нарсани қолдирдим, улар(ни тутганингиз)дан сўнг асло адашмайсиз: Аллоҳнинг Китоби ва Суннатим» (Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган)³.

«Ва шу у зотнинг динларидир...» Бу динни, яъни Исломни у зот умматларига қолдирдилар, Аллоҳ уни асрашни Ўз зиммасига олди. Бу динни мусулмонлар орасида илм ва дин аҳллари авлоддан авлодга ўтказиб, бир-бирига етказиб келмоқдалар. Салафлардан бирлари айтганидек: «Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бизга бўлган аҳдларидир, биз уни сизларга аҳд сифатида қолдирмоқдамиз. Бу Раббимизнинг бизга васияти ва фарзларидир, энди улар сизларга ҳам Унинг васияти ва фарзларига айланди»⁴. Шундай қилиб, халафлар салафлар йўлида юриб, уларнинг изларига эргашдилар ва то қиёмат бу ҳол давом этади. У зотнинг динлари буюк ва барча динлар устида гувоҳдир. Ундаги амаллар ўзи енгил, Аллоҳ ҳузурида ажри улуғдир.

Ҳеч бир яхшиликни қолдирмай, умматни унга йўлладилар. Ҳеч бир ёмонликни қўймай, ундан огоҳлантирдилар.

У зот йўллаган яхшилик тавҳиддир ва Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган барча нарсалардир. У зот огоҳлантирган ёмонлик ширкдир ва Аллоҳ ёмон кўрадиган ва рози бўлмайдиган барча нарсалардир.

«Ҳеч бир яхшиликни қолдирмай, – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам – умматни унга йўлладилар...» Аллоҳ таоло у зотни мақтаб: **«Сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл — ҳақ динга келишингизга) ҳарис – ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон**

¹ Муснад: №21399.

² Саҳиҳ Муслим: №262.

³ Мустадрак: 1/172, №319, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

⁴ Ибн Қаййим: Иъламул-муваккиъийн: 1/6.

бўлган бир пайғамбар», (Тавба: 128) деди. Покиза амал, сўз ва ахлоқлар у зотнинг йўлларидадир.

«Ҳеч бир ёмонликни қўймай, – умматларининг ҳалокатга тушиб қолишларидан қўрқиб – ундан огоҳлантирдилар...» Диннинг ҳаммасини етказдилар, ундаги барча аҳкомларни Аллоҳ қуйидаги оятида буюрганидек баён қилдилар: **«Эй пайғамбар, сизга парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз»** (Моида: 67).

Ҳадисда келганки: «Мендан аввал бирон пайғамбар ўтган бўлса, умматини улар учун яхши деб билган нарсага йўллаш ва улар учун ёмон деб билган нарсадан огоҳлантириш унга лозим бўлган» (Имом Муслим ривояти)¹.

«У зот йўллаган яхшилик тавҳиддир...» Зотан, тавҳид барча яхшиликнинг асли-асоси ва энг каттасидир. Тавҳиддан мурод вожибларнинг вожиби ва амалларнинг қабул бўлиши асоси бўлган, у туфайли пайғамбарлар юборилиб, у билан китоблар нозил қилинган Аллоҳнинг тавҳидидир.

«Ва Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган барча нарсалардир...», зоҳирий ва ботиний сўз ва амаллардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп озорларга дучор бўлдилар, барчасига сабр қилдилар, Аллоҳнинг амрини бажариб ва бизга меҳр-шафқат кўрсатиб, мазкур буюк яхшиликларнинг ҳаммасини бизларга етказиб кетдилар.

«У зот огоҳлантирган ёмонлик ширкдир...» Ширк Аллоҳ ҳузурида энг катта гуноҳдир, у барча амалларни бекорга чиқаради, унинг эгаси дўзахда абадий қолади. Барча пайғамбарлар умматларини ширкдан огоҳлантирганлар ва тавҳидга чақирганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглр ва Тоғутдан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз»** (Наҳл: 36).

«Ва Аллоҳ ёмон кўрадиган ва рози бўлмайдиган барча нарсалардир.» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ ёмон кўрадиган барча зоҳирий ва ботиний сўз ва амаллардан қайтарганлар.

Аллоҳ у зотни барча инсонларга элчи қилиб юборди ва у зотга итоат қилишни инсу жиннинг ҳаммасига фарз қилди. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман» (Аъроф: 158).

¹ Саҳиҳ Муслим: №1844.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча одамларга элчи қилиб юборилганликлари

«Аллоҳ у зотни барча инсонларга элчи қилиб юборди...» Пайғамбарлар ўз қавмларига хос юбориларди. Аммо, бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳ таоло бутун инсониятга – арабга ҳам, ажамга ҳам, эркакка ҳам, аёлга ҳам, озодга ҳам, қулга ҳам элчи қилди.

«Ва у зотга итоат қилишни инсу жиннинг ҳаммасига фарз қилди...»

Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик»** (Сабаъ: 28).

Жинлар дедилар: **«Эй қавмимиз, Аллоҳга даъват қилувчи (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъвати)ни қабул қилинглaр ва унга иймон келтиринглaр, (шунда Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур»** (Аҳқоф: 31). Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари инсонларга ҳам, жинларга ҳам умумийдир.

«Далил...» Яъни, у зотнинг бутун инсониятга юборилган элчи эканларига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман» (Аъроф: 158). Яъни, арабга ҳам, ажамга ҳам, аҳли китобга ҳам, бошқаларга ҳам юборилган элчиман, менга эргашиш барчангизга вожибдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Хар бир пайғамбар ўз қавмига хос юбориларди, мен бутун инсониятга юборилдим»** (Муттафақун алайҳ)¹. Сўнгги пайғамбар бўлишлари ва рисолатларининг бутун инсониятга бўлиши у зотнинг шарафлари нақадар улуғлигига далил бўлади.

Барча дин аҳлларига – яҳуд, насоро, мажус ва бошқаларга Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динларига эргашиш фарздир. Бу нарса Ислom динида ҳаммага маълум бўлган очик маълумотдир, у зот рисолатларининг тақозоси шудир. Ким у зотнинг динларига эргашмаса, унга бахтсизлик битилади ва у дўзах аҳлидан бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Барча гуруҳлар орасидан ким у Қуръонга кофир бўлса, унга ваъда қилинган жой — дўзахдир»** (Худ: 17).

¹ Саҳиҳул Бухорий: №327, Саҳиҳ Муслим: №521, Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, бу уммат ичидан бирон шахс – яҳудий бўлсин, насроний бўлсин – мени эшитса, сўнг мен олиб келган динга иймон келтирмай ўлса, албатта дўзах аҳлидан бўлади»** (Муслим ривояти)¹.

Ким у зотга итоат қилса ва буйруқларига бўйсунса, Парвардигорнинг раҳматига сазовор бўлиб, жаннат эгасига айланади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз. Шояд Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлсангиз»** (Оли Имрон: 132).

Ким ундан бошқа динларга эргашса, унинг дини ботилдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир»** (Оли Имрон: 85).

Аллоҳ у зот воситасида динни комил қилди. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» (Моида: 3).

Диннинг комиллиги

«Аллоҳ у зот воситасида динни комил қилди...» Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам воситаларида диннинг аҳкомлари ва қонун-қоидаларини комил қилди ва у Аллоҳнинг фазли билан ҳеч қандай нуқсонсиз, тўла-тўқис ва мукаммал дин бўлди. Унинг қай бир жиҳатига қараманг, фақат комиллик ва яхшилик топасиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло томонидан буюрилган нарсаларнинг ҳаммасини тўла етказганларидан кейин вафот этдилар.

«Далил...» Яъни, бу дин ўзининг аҳкомлари ва шариатларида комил эканига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Бугун...» Яъни, бу кун Арафа куни бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан саксон бир кун олдин Ҳажжатул Вадоъда хутба қилиб турган пайтлари эди.

«Сизларга динингизни комил қилдим...» Бу Аллоҳ таолонинг ушбу умматга бўлган энг катта неъматидирки, уларга динларини комил қилиб берди, энди улар бошқа бир динга ва пайғамбарларидан ўзга бир пайғамбарга эҳтиёж сезмайдилар. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Парвардигорингизнинг Сўзлари сидқу адолатда комил бўлди. Унинг Сўзларини ўзгартирувчи йўқдир»** (Анъом: 115). Ким Аллоҳнинг динини яна зиёда ва қўшимчага муҳтож деб даъво қилса,

¹ Саҳиҳ Муслим: №153, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинган.

ёлгон сўзлаган ва бўхтон қилган бўлади, ушбу оят маъносини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларини рад қилган бўлади: **«(Динда) янги пайдо қилинган ишлардан сақланингиз, чунки ҳар бир янги пайдо қилинган нарса бидъат, ҳар бир бидъат залолатдир»** (Абу Довуд ривояти)¹. Комил нарса зиёда бўлмайди, камаймайди, алмаштирилмайди. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло динни пайғамбари билан комил ва тўла-тўқис қилди, уни ҳам, ундан кейин умматларини ҳам бошқа ақлу нақлга, раъй, кашфу маномга мухтожликда қўймади»².

Неъматнинг бенуқсон қилингани

Аллоҳ таоло бизларга Ўзининг энг катта неъмати бўлмиш динни комил қилганини хабар берганидан сўнг **«Сизларга неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим...»**, деди. Кимга Аллоҳ зоҳирий ва ботиний неъматларини тўқис қилиб берган бўлса, у тўла зафар ва нажотга эришибди. Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ўйлаб кўринг, Аллоҳ таоло динни нуқсон ва айбдан холи эканини эълон қилиб, улар учун Ўзи танлаган динни комиллик билан, улар устига ёғдирган неъматларини тўқислик билан сифатлади, бу динда халал ҳам, ҳикматдан ташқари бирон нарса ҳам йўқдир. Неъматни тугал деб сифатлади, бу билан унинг давомийлиги ва узлуксизлигини, ушбу неъматни уларга ато этганидан сўнг энди олиб қўймаслигини, балки бу дунёда ҳам, охиратда ҳам уларга уни тугал ато этишини эълон қилди»³.

«Ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» (Моида: 3). Яъни, сизлар ҳам энди уни ўзингиз учун ихтиёр этинг. Зеро, бу Аллоҳ яхши кўрган ва танлаган, у билан пайғамбарларини юборган ва китобларини туширган диндир. Каъб деди: «Агар шу оят бу уматдан бошқаларга нозил бўлганида, у нозил бўлган кунни байрам қилиб олган бўлишарди»⁴. Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: «Жумъа куни Арафотда нозил бўлган» (Имом Бухорий ривояти)⁵.

Ушбу диннинг комиллиги ва тўла-тўқислиги туфайли ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари буюрмаган ишни қилган ва Аллоҳнинг динида шариат олиб келмаган бир ишни зиёда қилган кишининг амали ботил ва мардуд эканини эълон қилганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким бизнинг бу (яъни,

¹ №4607, Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Ас-соваикул-мурсала: 3/826.

³ Мифтаху дарис-саъада: 1/315.

⁴ Исломда ҳар хил муносабатларни байрам қилиб олиш жоиз эмас, биз учун Рамазон ва Қурбон ҳайитларидан бошқа байрамлар машруъ бўлмаган. Шунинг учун ҳам бу уммат ушбу оят нозил бўлган кунни байрам қилиб олмади.

⁵ Саҳихул Бухорий: №6740.

дин) ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад (қилинган)дир» (Муттафақун алайх)¹.

Бас, мусулмон киши ушбу дин билан хурсанд бўлсин, уни маҳкам ушласин. Зеро, у комил ва шомил диндир, барча динлар аҳли ўлим пайтида ва ундан кейинги охират даҳшатларига дуч келган пайтда шу динга эргашган бўлишни орзу қилишади. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳали (Қиёмат Куни) кофир бўлган кимсалар мусулмон бўлишни истаб қолурлар»** (Ҳижр: 2). Лекин, Аллоҳ таоло Ўзининг етук ҳикмати сабабли уларга ҳидоятни раво кўрмади. Аллоҳ таоло айтади: **«Сўнгра Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани йўлдан оздидур ва Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қилур. У қудратли, ҳикматли зотдир»** (Иброҳим: 4).

Вафотларига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад), ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлувчидирсиз, улар ҳам ўлувчидирлар. Сўнгра албатта, сизлар қиёмат Кунисида Парвардигорларингиз ҳузурида (бир-бирларингиз билан) талашиб-тортишурсизлар» (Зумар: 30-31).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганлар

Абадий барҳаётлик Аллоҳ таолога хос сифатдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий турувчидир»** (Бақара: 255). Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оддий инсондирлар ва Аллоҳнинг бандаларидан биридирлар. У зотга ҳам бошқа бандаларга етган очлик, ғам-ташвиш, касаллик, ўлим етади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни биз ўз манзилатларидан юқори ўринга қўймаймиз, ҳақларини камситмаймиз ҳам. У зот Аллоҳ таоло рисолат билан муфаззал этган инсондирлар. Ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам, на ҳаётлик пайтларида ва на вафотларидан кейин бирон фойда ё зиён етказишга эга эмасдилар. Аллоҳнинг тавҳиди ва ибодатига чорлаш, кураш, даъват ва сабр ичида ўтган муборақ умр ниҳоясига етгач, Аллоҳ таоло у зотни олтмиш уч ёшда вафот эттирди. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарини то у билан динни комил қилмагунича ва у зот рисолатни тўла-тўқис етказмагунларича вафот эттирмади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Мен сизларни туни билан куни бир хил бўлган оппоқ (ёруғлик) устида қолдирдим»**. Абуд-Дардо розияллоҳу анҳу айтдилар: **«Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рост айтдилар. Аллоҳга қасамки, у зот бизни туни билан кундузи бир хил бўлган оппоқ (ёруғлик) устида қолдирдилар»** (Ибн Можа ривояти)².

¹ Саҳиҳул Бухорий: №2550, Саҳиҳ Муслим: №1718, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган.

² Сунан Ибн Можа: №5, Абуд-Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

«Вафотларига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад), ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлувчидирсиз...» Ҳақиқатан, у зот ўн биринчи ҳижрийда Мадинада вафот этдилар, ювилдилар, кафанландилар, намоз ўкилиб, дафн қилиндилар.

«Улар ҳам ўлувчидирлар...» Яъни, барча махлуқотлар ҳам вафот этади, ҳамма албатта ўлади.

«Сўнгра албатта, сизлар қиёмат Куниди Парвардигорларингиз ҳузурида (бир-бирларингиз билан) талашиб-тортишурсизлар» (Зумар: 30-31). Аллоҳ таоло сизларнинг ўртангизда адолат билан ҳукм қилади ва ҳар бир кишига амалига яраша мукофоту жазо беради. Ўлим пайғамбарларга ҳам, бошқаларга ҳам жорий бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир»** (Оли Имрон: 185), **«Барча нарса ҳалок бўлувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)»** (Қасас: 88).

Одамлар ўлганларидан сўнг қайта тириладилар. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиёмат куниди) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз» (Тоҳа: 55). **Ва қуйидаги сўзларидир: «Аллоҳ сизларнинг (отангиз Одамни) Ердан ундириб-устирди (яъни пайдо қилди). Сўнгра (вафот қилганларингизда) У зот сизларни яна (Ерга) қайтарур ва (Қиёмат қойим бўлганида) сизларни чиқариб олур!»** (Нух: 17-18).

Ўлимдан сўнг яна қайта тирилиш

«Одамлар ўлганларидан сўнг қайта тириладилар...» Ҳар ким амалига яраша жазо олади, ҳамма, ҳатто ҳайвонлар ҳам бир-биридан қасосларини олади.

Қайта тирилиш ва қабрлардан чиқишга иймон келтириш охираат кунига бўлган иймон жумласидан саналади. Зеро, охираат кунига бўлган иймон қайта тирилшаг бўлган иймонни ҳам ўз ичига олади. Аслида, қайта тирилишга бўлган иймон охираат кунига бўлган иймоннинг улкан қисми бўлиб, жоҳилият аҳли инкор қиладиган нарса шу эди.

«Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Биз сизларни (ердан) яратдик...» Чунки, оталарингиз Одам ер жинси бўлмиш тупроқдан яратилган.

«Яна унга қайтарурмиз...» Яъни, вафот этгач, кўмилиб, тупроққа айланиб кетасизлар.

«Ва (қиёмат куниди) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз» (Тоҳа: 55). Аллоҳ таоло бошқа бир оятда айтганидек: **«Унда яшайсизлар ва унда ўлурсизлар ва ундан (ҳисоб-китоб учун) чиқарилурсизлар»** (Аъроф: 25).

«Ва – одамлар ўлганларидан сўнг яна қайта тирилишларига Қуръондан яна бир далил Аллоҳ таолонинг – қуйидаги сўзларидир:

«Аллоҳ сизларнинг (отангиз Одамни) Ердан ундириб-устирди (яъни пайдо қилди). Сўнгра (вафот қилганларингизда) У зот сизларни яна (Ерга) қайтарур ва (Қиёмат қойим бўлганида) сизларни чиқариб олур!» (Нух: 17-18).

Қайта тирилгач, ҳисоб-китоб қилинадилар ва амалларига кўра жазо-мукофот оладилар. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «У зотнинг Ўзи ёмонлик-гуноҳ қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва чиройли амал қилган зотларни гўзал (савоб-жаннат) билан мукофотлагай!» (Ван-нажм: 31).

Амалларга ҳисоб бериш

«Қайта тирилгач, ҳисоб-китоб қилинадилар ва амалларига кўра жазо-мукофот оладилар...» Яъни, халойиқлар қабрларидан туриб чиққанларидан кейин дунёда қилиб ўтган катта-ю кичик барча амалларидан ҳисоб қилинадилар. Аллоҳ таоло айтганидек: **«У Кунда инсонга (ҳаёти-дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва (ўзидан кейин) қолдирган (барча) нарсаларнинг (яъни яхши-ёмон амалларнинг) хабари берилур» (Қиёмат: 13).**

Ҳамма нарса маҳшар куни очиладиган китобга (номаи аъмолга) ёзиб қўйилгандир. Аллоҳ таоло айтади: **«(Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлгай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди», дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозир у нозир ҳолда топурақлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас» (Каҳф: 49).**

Маҳшаргоҳдаги мезон-тарози ҳақ ва адл мезонидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас» (Анбиё: 47).**

«Ва амалларига кўра жазо-мукофот оладилар...» Яъни, мазкур ҳисоб-китоб бўлгач, барча халойиқлар амалларининг яхши бўлса яхши, ёмон бўлса ёмон жазо ва мукофотини оладилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунда) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» (Залзала: 7-8).** Яна айтади: **«Токи ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта келувчидир» (Тоҳа: 15).**

Халқлар ўлганларидан кейин яна қайта тирилишлари ва амалларининг жазосини кўришларига **«далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:**

«У зотнинг Ўзи ёмонлик-гуноҳ қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва чиройли амал қилган зотларни гўзал (савоб-жаннат) билан мукофотлагай!» (Ван-нажм: 31). Аллоҳ таоло ширк ва бошқа гуноҳларни қилган кимсаларга гуноҳларига яраша жазо беради, Парвардигорларига чиройли ибодат қилган ва Унинг бандаларига чиройли эзгуликлар қилиб ўтган, амалларини Аллоҳга холис қилган кишиларни чиройли мукофот – жаннат билан мукофотлайди. Уларга бунга қўшимча яна бир энг гўзал мукофот ҳам борки, у Парвардигорларининг Юзига боқиш бахтидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъмат бордир»** (Юнус: 26). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу зиёда неъматни Аллоҳнинг Юзига боқиш деб тафсир қилганлар (Имом Муслим ривояти)¹.

Аллоҳ таоло одамларни қайта тирилтириши ва амалларига яраша жазо ва мукофот бериши остидаги ҳикматлардан бири шуки, агар охиратдаги ҳисоб-китобдан кўрқув бўлмаса эди, одамлар бир-бирларига бемалол зулм қилган, бири бирининг молини тортиб олган, ер юзида бошбошдоқлик (анархия) ҳукм суриб кетган бўларди. Одамларни зулму тажовуздан тўсиб турувчи асосий нарсаси охиратдаги ҳисоб ва жазони эсда тутишликдир. Кофирлар мана шу нарсадан ғофил бўлишгани учун ҳам куфру туғёнга бошлари билан шўнғиб кетишган. Аллоҳ таоло айтади: **«Чунки улар (Қиёмат Кунисидаги) ҳисоб-китобдан умидсиз бўлган кимсалардир»** (Набаъ: 27).

Ким қайта тирилишни ёлғон санаса, кофир бўлади. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: **«Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир»** (Тағобун: 7).

Қайта тирилишни ёлғон санаган кишининг кофир бўлиши

Қайта тирилишга бўлган эътиқоднинг Аллоҳ наздида шаъни жуда улуг бўлиб, у иймон рукнларидан биридир.

«Ким қайта тирилишни ёлғон санаса, кофир бўлади». Чунки, Аллоҳ ва Расулини ёлғончи қилган ҳамда мусулмонларнинг ижмоъларини ёлғонга чиқарган бўлади.

«Далил...» Яъни, қайта тирилишни инкор қилган кишининг кофир бўлишига далил..

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир:

¹ Саҳиҳ Муслим: №181.

«Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар...» Аллоҳ таоло уларни қайта тирилишни инкор қилишлари туфайли кофирликка ҳукм қилди. Бу эса қайта тирилишни инкор қилиш куфрлигига далил бўлади. Бу жоҳилият аҳлининг куфридан кўра ҳам каттароқ куфрдир, аслида. Шунинг учун Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтмоқдаки:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур...» ва уларнинг жазосини оларсиз.

«Бу Аллоҳга осондир». Яъни, ўлгандан кейин яна қайта тирилтириш Аллоҳга осондир, бу Уни ожиз қолдиrolмайди, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар ишга қодирдир. **«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоклигидир. Бас у (наrsa) бўлур — вужудга келур»** (Ёсин: 82). Биринчи бор яратишга қодир бўлган Зот албатта қайта тирилтиришга қодирдир. Аллоҳ таоло айтади: **«У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат кунида) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. (Қайта яратиш — тирилтириш) У зотга жуда осондир»** (Рум: 27).

Модомики, инсон йўқликда эканида Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни лойдан, унинг зурриётларини эса ҳақир сувдан яратган ва шу билан уларнинг наслларини давом эттирган экан, энди ўлганларидан кейин уларни яна қайта вужудга келтириш Уни асло ожиз қолдиrolмайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ таоло деди: Одамзот мени ёлғончи қилди, у бунга ҳақли эмас эди, мени ҳақоратлади, унинг бунга ҳаққи йўқ эди. Мени ёлғончи қилиши шуки, у: «Аллоҳ мени биринчи бор яратганидек холимга қайтаролмайди», деди. Ҳолбуки, биринчи бор яратиш Менга қайта яратишдан кўра енгилроқ эмасдир. Мени ҳақорат қилиши шуки, «Аллоҳнинг фарзанди бор» деди. Ҳолбуки, Мен ягона, беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким Менга баробар келолмайдиган Зотман»** (Бухорий ривояти)¹.

Аллоҳ барча пайғамбарларни хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборди. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: **«Токи бу пайғамбарлар (ўтганлари)дан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) қўрқитувчи қилиб юбордик»** (Нисо: 165).

Пайғамбарларнинг вазифалари

¹ №4690, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинган.

«Аллоҳ барча пайғамбарларни хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборди...» Аллоҳ таоло аввалги-ю охирги барча элчиларини ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиш ва Ундан ўзгага ибодатни тарк қилишга чақирувчи қилиб ҳамда ушбу буйруққа амал қилиб, тавҳид аҳлидан бўлган кишиларга жаннат хушхабарини берувчи ва Аллоҳга ширк келтириб ўтган кимсаларга абадий дўзах азоби бўлишидан огоҳлантирувчи қилиб юборди.

«Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Токи бу пайғамбарлар (ўтганлари)дан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун...» яъни, одамларнинг қиёмат кунда қиладиган ҳужжатларини – даъволарини кесиш учун ва уларнинг: «Бизга элчилар юбормаган экансан, китоб туширмаган экансан» деган сўзларини олдини олиш учун пайғамбарлар юбордик. Зотан, пайғамбарлар юборилиши, китоблар туширилиши ва одамлар устида ҳужжат барпо қилиниши билан халойиқларнинг Аллоҳга нисбатан ҳужжатлари кесилди, ҳақ уларга маълум бўлди, бирорта ҳам узр айтувчига узр қолмади. Чунки, пайғамбарлар бирин-кетин келиб турдилар, улар одамларга динларини баён қилиб бердилар, Парвардигорларини рози қиладиган ва ғазаблантирадиган ишларни билдирдилар, жаннат йўлини ва дўзах йўлини кўрсатиб бердилар. Шундан кейин ҳам энди ким кофир бўлса, у бахтсизлик йўлини тутган бўлади.

«Пайғамбарларни хушхабар элтувчи...» Яъни, уларга итоат қилган кишиларга жаннат хабарини элтувчи қилдик, тоатнинг энг олийси тавҳиддир.

«Ва кўрқитувчи қилиб юбордик». Яъни, уларга осий бўлган мушрик ва кофирларни дўзахдан огоҳлантирувчи қилдик. Энг катта гуноҳ ва исён эса ширкдир. Парвардигор таоло бандаларини гангиган ва йўлсиз ҳолда қўймади, балки уларга йўл кўрсатадиган муршидларини – пайғамбар ва элчиларини юборди ва уларга эргашишдан бошқа нарсани улардан талаб қилмади. Пайғамбарлар ва расуллар одамларни даъват қилиш йўлида кўп озору имтиҳонларга йўлиқдилар, ҳаммасига сабр қилиб, парвардигорларининг рисолатини етказдилар.

Уларнинг аввали Нух алайҳиссалом, охиргиси эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдилар. Уларнинг аввали Нух алайҳиссалом эканига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик» (Нисо: 163).

Биринчи ва охирги пайғамбар

«Уларнинг аввали Нух алайҳиссалом...» Яъни, у киши расулларнинг биринчисидирлар. Нух билан Одам ўртасида ўн аср ўтган бўлиб, улар аҳли исломда бўлган эдилар. Солиҳ зотлар хусусида ғулув кетиш сабабли ширк пайдо бўлгач, Аллоҳ уларга Нух алайҳиссаломни юборди. У ер аҳлига Аллоҳнинг биринчи элчиси бўлди.

«Охиргиси эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар...» Бу Китоб, Суннат ва ижмоъ билан собитдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўнгги пайғамбар эканларига Китобдан далил Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларидир: **«Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир»** (Ахзоб: 40). Суннатдан далил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир: **«Мендан сўнг пайғамбар йўқдир»** (Муттафақун алайҳ)¹.

«Уларнинг аввали Нух алайҳиссалом эканига – Қуръондан – далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик». Демак, Нух алайҳиссалом энг биринчи пайғамбар ва ширкдан илк бор огоҳлантирувчидир. Пайғамбарларнинг биринчиси Нух алайҳиссалом эканларига Суннатдан далил «шафоат» ҳадисида келган сўзлардир. Унда айтилишича, киёмат куни одамлар Одам алайҳиссалом ҳузурларига бориб, ўзларига етган қаттиқ машаққатдан шикоят қилишиб, Аллоҳ билан улар ўртасида шафоатчи бўлишларини сўрашади. Шунда **«Одам алайҳиссалом: «Раббим бугун шундай ғазабланганки, бундан олдин шу қадар ғазабланмаган, бундан кейин ҳам ҳеч қачон шу қадар ғазабланмамай. У мени дарахт (мевасини ейиш)дан ман этганида мен унга осийлик қилганман. Жоним, жоним (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтожман). Мендан бошқасига боринглар, Нухнинг олдида боринглар», деб айтади. Улар Нух ҳузурига бориб: «Эй Нух! Сиз ер аҳлига (юборилган) биринчи пайғамбарсиз...», дейдилар»** (Муттафақун алайҳ)².

Пайғамбарлар адади қанча бўлгани ҳақида гапирадиган бўлсак, Абу Зар розияллоҳу анху айтади: **«Мен: «Ё Расулуллоҳ, набийлар сони қанча?», деб сўрадим. «Бир юз йигирма тўрт минг», дедилар. «Улардан қанчаси расул бўлган?», деб сўрадим. «Уч юз ўн учтаси», дедилар»** (Ибн Ҳиббон ривояти)³.

Айрим пайғамбарлар ҳақида Аллоҳ таоло бизга ҳикоя қилиб берган, айримлари ҳақида ҳикоя қилмаган. Аллоҳ таоло айтади: **«Айрим**

¹ Саҳиҳул Бухорий: №3268, Саҳиҳ Муслим: №1842, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

² Саҳиҳул Бухорий: №3162, Саҳиҳ Муслим: №194, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

³ Саҳиҳ Ибн Ҳиббон: №361, Абу Зар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

пайғамбарлар хақида сизга илгари хикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга хикоя қилганимиз йўқ» (Нисо: 164). Аллоҳ таоло пайғамбарларни юбориш ва китоблар нозил қилиш билан ҳужжатни барпо қилди.

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломдан то Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламгача ўтган ҳар бир умматга уларни ёлғиз Аллоҳнинг ибодатига буюрадиган ва тоғутга ибодат қилишдан қайтарадиган элчи юборди. Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглари ва тоғутдан йироқ бўлинглари», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганимиз» (Наҳл: 36).

Ҳамма пайғамбарлар даъват қилган нарсаси

«Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломдан то Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламгача ўтган ҳар бир умматга уларни ёлғиз Аллоҳнинг ибодатига буюрадиган ва тоғутга ибодат қилишдан қайтарадиган элчи юборди...» Тарихда ўтган уммат борки, Аллоҳ таоло бандалари устига ҳужжат барпо қилиш ва тўғри йўлга йўллаш учун ҳаммасига элчи юборган. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳар бир уммат ичида ҳам албатта бир огоҳлантирувчи — пайғамбар ўтгандир» (Фотир: 24).**

Ҳар бир пайғамбар ўз қавмини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чорларди, барча пайғамбарлар мана шу вазифа учун юборилганлар, барчаларининг даъвати ибодатда Аллоҳни ёлғизлаш эди.

Улар қавмларини тоғутларга сиғинишдан, тоғутларнинг ўзидан ҳам, уларга сиғинадиган кимсалардан ҳам безор бўлишга чақирардилар. Барча пайғамбарлар рисолатларининг хулосаси тавҳидга чорлаш ва ширкдан огоҳлантиришдир.

«Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглари ва тоғутдан йироқ бўлинглари», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганимиз» (Наҳл: 36)».

Пайғамбарлар қавмларини биринчи бўлиб тавҳидга чақирдилар. Аллоҳ таоло хабар берадики, Нух, Ҳуд, Солиҳ, Лут, Шуайб ва бошқа пайғамбарларнинг ўз қавмларига илк даъватлари **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглари, сизлар учун Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқдир»** деган сўзлар бўлган. Аллоҳ таоло айтганидек: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, магар Менгина (барҳақдирман), бас Менгагина ибодат қилинглари», деб ваҳий юборгандиримиз» (Анбиё: 25).**

Тавҳиднинг азаматини (улуғворлигини) билиш сизнинг ҳимматингизни унга, уни билиш ва бор кучингиз билан унга амал

қилишга, шу билан бир қаторда унинг зидди бўлган ширкни билиш ва ундан узоқлашишга буради. Банда диндаги намоз, закот ва шу каби вожиб фаръларини (тармоқларини) билишдан олдин унинг асли-асосини билишга аҳамият қаратиши лозим бўлади. Чунки, асл-асоссиз адо этилган намоз ҳам, закот ҳам дуруст бўлмайди. Демак, энг аввал диннинг асл-асосини билиш, кейин фаръларини ўрганиш лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга юборганларида унга айтдилар: **«Сиз аҳли китоблардан бўлган бир қавмга бормоқдасиз. Етиб боргач, уларни энг аввал «Ла илаҳа иллаллоҳ, Мухаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришга чақиринг, агар бунда сизга итоат қилсалар Аллоҳ таоло уларга бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини айтинг...»** (Муттафақун алайх)¹. Бундан маълум бўладики, агар улар тавҳидни билишмаса ва унга амал қилишмаса, Исломга киришга итоат қилишмаса, уларни намозга буюрмайди. Чунки, намоз ва бошқа амаллар тавҳид бўлмаса фойда бермайди, пойдеворсиз бино барпо бўлмайди, асл бўлмаса фаръ бўлмайди. Асл ва асос тавҳиддир. Намоз гарчи Исломнинг устуни бўлса ҳам, у тавҳидга буюрилгандан ўн йил кейингина фарз бўлди.

Тавҳиднинг асл-асос эканини шу ҳам баён қилиб берадики, жаннатга кирадиган кишилар орасида бир рақъат ҳам намоз ўқимаган кишилар ҳам бўлади. Бу эса Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи ибодатга лойиқ деб эътиқод қилган ва шунга амал қилган ва шу эътиқодда ўлган кишидир. Масалан, бир киши Исломга кирса ва ҳали намоз вақти кирмасидан туриб шаҳид бўлиб ўлдирилса, шу даражага эришади. Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига темир ниқоб таққан бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, жанг қилмоқчиман ва Исломга кирмоқчиман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Исломга кир ва кейин жанг қил», дедилар. У Исломни қабул қилди, сўнг жангга кириб кетди ва ўлдирилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Озгина амал ва бисёр савоб», дедилар» (Муттафақун алайх)².

Тавҳид бўлмаса, намоз фойда бермайди

Тавҳид бўлмайдиган бўлса, намознинг ўзи фойда бермайди. Закот ва рўза ҳам шундай. Чунки, тавҳидни эътироф этмаган, қалбида унга эътиқод қилмаган ва унга амал қилмаган кишининг ҳамма амали бекордир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«(Зотан) Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз»** (Фурқон: 23). Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишнинг шаъни нақадар буюк иш экани шу билан ҳам билинади. Ҳалок бўлган кимса фақат тавҳидни билишни ва унга амал қилишни

¹ Саҳиҳул Бухорий: №1395, Саҳиҳ Муслим: №19.

² Саҳиҳул Бухорий: №2653, Саҳиҳ Муслим: №1900.

тарк қилгани учунгина ҳалок бўлди. Шайтон ҳам бировга кирса, ширк эшигидан кириб келади. Икки шаҳодат калимасини тил билан айтиб қўйиш Исломда кифоя қилади, деган сўз хатарлидир. Банда билмоғи зарурки, маъносини билмасдан ва тақозосига кўра амал қилмасдан, унинг зиддидан сақланмасдан туриб, кишига ушбу калимани тил билан талаффуз қилиб қўйиш фойда бермайди.

Аслида, тавҳидни ва ширкни ижмолий суратда (яъни, батафсил бўлмаган, қисқача шаклда) билиш жуда осон ва енгил нарсадир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам юборилган даврдаги инсонлар тавҳид ва ширкнинг нима эканини билишарди. Ким «ла илаҳа иллаллоҳ» деса, ширкдан бутунлай юз ўғирар ва унинг ботил ҳамда ихлос калимасига зид нарса эканини билишарди. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни тавҳидга чақириб: «Ла илаҳа иллаллоҳ деб айтинглари нажот топасизлар»¹, деганларида мушриклар: «(Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан бу жуда қизиқ нарса!» (Сод: 5), дейишди. Аммо, кейинчалик, шубҳалар кўпайиб кетган вақтларга келиб, тавҳидни билиш ва унинг зиддидан қутулиш қийинлашиб кетди, нифоқ кучайди, кўпчилик одамлар шаҳодат калимасини тил билан айтганлари ҳолда Аллоҳдан бошқага ҳам сиғинадиган бўлди. Сабаби эса тавҳид калимаси маъносини тўғри англамаслик, унинг маъноси фақат Аллоҳга ибодат қилиш экани деб тушуниб қолиши ва у билан бирга тоғутларга кофир бўлиш ҳам зарурлигини билмаслик, ёки ушбу калиманинг маъносига эътибор бермасдан ва унинг тақозосига кўра амал қилмасдан, фақат тили билан талаффуз қилиб қўйиши бўлди.

Аллоҳ барча бандаларга тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтиришни фарз қилди.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тоғут – маъбуд, бошлик, итоат қилинадиган шахс каби банданинг ҳаддидан ошишига сабаб бўладиган нарсадир».

Тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтириш тавҳиднинг икки рукнидир

«Аллоҳ барча бандаларга тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтиришни фарз қилди...» Барча бандаларга, яъни инсонга ҳам, жинга ҳам, эркакка ҳам, аёлга ҳам, арабга ҳам, ажамга ҳам, озодга ҳам, қулга ҳам тоғутларни инкор қилишни, яъни ботил илоҳлардан ва уларга сиғинувчилардан безор бўлишни, уларни ботил деб, фойда беришга ҳам, зарар етказишга ҳам қодир эмас, деб эътиқод қилишни, шу билан бир қаторда Аллоҳга иймон келтириш ва ибодатни фақат Унинг Ўзига, шериксиз қилишни фарз қилди.

¹ Муснад Аҳмад: №16066, Рабиа ибн Аббоддан ривоят қилинган.

Ким Аллоҳга иймон келтирса-ю, тоғутга кофир бўлмаса, у мувахҳид (тавҳид аҳлидан) саналмайди. Худди шунга ўхшаш, ким тоғутга кофир бўлса-ю, Аллоҳга иймон келтирмаса, у ҳам мувахҳид саналмайди. Мувахҳид деб тавҳиднинг мазкур иккала рукнини – тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтиришни ўзида жамлаган кишига айтилади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди»** (Бақара: 256). Демак, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, шу киши ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани тутган бўлади.

Тоғутнинг таърифи

«Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади...» Бу киши Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аби Бакр бўлиб, Ибн Қаййим ал-Жавзийя номи билан машҳурдир, 571-ҳижрийда вафот этган, Аллоҳ Ўзининг кенг-мўл раҳмати остига олсин ва жаннатларига киргизсин, у тоғут таърифида айтади:

«Тоғут – маъбуд, бошлиқ, итоат қилинадиган шахс каби банданинг ҳаддидан ошишига сабаб бўладиган нарсадир». Яъни, ўша сабабли банда шариатда ўзи учун лойиқ ва муносиб бўлган чегарасидан чиқиб кетадиган нарса ёки шахсдир. У қайсидир турдаги ибодатда Аллоҳга қўшиб сиғиниладиган маъбуд-олиҳа ё бут-санам бўладими, ёки Аллоҳнинг маъсиятида унга эргашиладиган бошлиқ бўладими – куфр ва залолатга чорлайдиган ёмон олимлар, шунингдек бировларни ўз сўзларига ишонтириб, ортларидан эргаштирадиган фолбин ва коҳинлар ҳам шунга киради – ёки ҳалол қилиш ва ҳаром қилиш каби ишларда итоат қилинадиган, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилганида ва Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилганида одамлар унга итоат қиладиган кимса бўладими, фарқсиздир. Кейин сўзининг давомида Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар оламдаги тоғутлар ҳақида фикр қилиб кўрсангиз, уларнинг мана шу уч турдан ташқари эмаслигини биласиз»¹.

Тоғутлар кўп бўлиб, уларнинг бошлиқлари бешта: Иблис лаъанаҳуллоҳ, ўзига сиғинишларига рози бўлиб турган кимса, одамларни ўзига сиғинишга чақирган киши, ғайб илмидан бирон нарсани даъво қилган шахс, Аллоҳ нозил қилган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилган киши.

Тоғутларнинг катталари

¹ Иъламул-муваккиъийн: 1/50.

«Тоғутлар кўп бўлиб, уларнинг бошлиқлари бешта...» Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ тоғут таърифида баён қилган мазкур сўзлардан маълум бўладики, халқлар ичида тоғутлар жуда кўп бўлиб, ўзининг шариатдаги ҳаддидан тажовуз қилган ҳар бир кимса мана шу тажовузи ва ҳаддидан ошиши билан тоғутга айланади. Фикрлаб ва текшириб кўрилса, уларнинг энг катталари бешта экани маълум бўлади.

«Иблис...» Биринчиси иблис – яъни шайтон бўлиб, у тоғутларнинг энг катта бошлиғидир. У Аллоҳнинг буйруғидан тажовуз қилиб, Унга осий бўлди ва У ман қилган ишни қилди. У Аллоҳдан бошқага ибодат қилишга чақирувчидир, у биринчи рақамли тоғутдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Мен сизларга «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очик душмандир. Менгагина ибодат қилинглари! Мана шу Тўғри йўлдир», деб буюрмаганмидим?!»** (Ясин: 60).

«Лаънаҳуллоҳ...» Иблис малъун, яъни Аллоҳнинг раҳматидан қувилган ва узоқ қилинғандир. Аллоҳ таоло айтади: **«Ва албатта то жазо (қиёмат) кунигача сенга Менин лаънатим бўлур»** (Сод: 78).

«Ўзига сиғинишларига рози бўлиб турган кимса...» Қайси турдаги ибодат бўлишидан қатъий назар, ўзига сиғинаётган ва ибодат қилаётган кишининг шу ишига рози бўлувчи киши. Унга бу ибодат ҳоҳ ўзи тириклик пайтида қилинган бўлсин, ҳоҳ шу нарсага рози бўлиб, вафот этган бўлсин, фарқсиз. Бу ҳам тоғутларнинг энг катталаридан биридир. Аллоҳ таоло айтади: **«Улардан бирон кимса: «Мен ҳам (Аллоҳдан) ўзга бур илоҳман», деса, бас, Биз ўшани жаҳаннам билан жазолармиз. Биз барча золим-мушрикларни ҳам ана шундай жазолаймиз»** (Анбиё: 29).

«Одамларни ўзига сиғинишга чақирган киши...» Бу Фиръавн ва у каби мақсадлари ер юзида зулму зўравонлик ва бузғунчилик бўлган залолат аҳли бўлиб, улар одамларни ўзларига сиғинишга мажбурлашади, ҳаётлик пайтларида ҳам, вафотларидан кейин уларни Аллоҳга шерик қилишларини исташади. Аллоҳ таоло Фиръавн ҳақида хабар берганидек, у айтган эди: **«Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман»** (Қасас: 38). Ким одамларни ўзига сиғинишга чақирса, гарчи одамлар унга сиғинишмаса ҳам, унинг чақирғига ижобат қилишса ҳам, қилишмаса ҳам, барибир у тоғутларнинг катталаридан бўлади. Чунки, ибодат фақат Аллоҳга қилинади. Ким Аллоҳнинг ҳаққи бўлган ибодатни ўзига қилишларига чақирса, энг катта туғён ва улкан зулм қилган бўлади.

«Ғайб илмидан бирон нарсани даъво қилган шахс...» Яъни, коҳин, фолбин ва шу каби ғайбни билишни даъво қилувчи кимса ҳам тоғутларнинг энг катталаридан саналади. У даъво қилаётган нарса ёлғон ва одамларни алдашдан бошқа нарса эмасдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Ғайб очқичлари Унинг хузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур»** (Анъом: 59). Ғайб илмини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Уни фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам, авлиёлар ҳам,

жинлар, сеҳргарлар ва фолбинлар ҳам, ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг: Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)»** (Намл: 65). Аллоҳ таоло айтади: **«У ғайбу-шаҳодатни (яъни йўқу-борни) билувчидир. Бас у (мушрикларнинг) ширкларидан юксакдир»** (Муъминун: 92).

«Аллоҳ нозил қилган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилган киши...» Бундан мурод жоҳилият қонунлари билан ёки инсонлар ўйлаб топган ва шариатга мувофиқ келмайдиган қонунлар билан ҳукм қилган кишидир. Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг тоғутга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Холбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди»** (Нисо: 60). Аллоҳ азда ва жалла айтади: **«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир»** (Моида: 44).

Аллоҳ таоло халқларни яратган Зотдир, фақат У уларнинг аҳволлари ва иш-амалларини яхши билади. Ёлғиз У улар учун адолатли ҳукмларни нозил қилгандир ва Унинг шариати билан ҳукм қилишларини фарз қилгандир.

Далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди» (Бақара: 256). Бу «ла илаҳа иллаллоҳ» маъносидир.

Динга зўрлаш йўқ

«Далил...» Яъни, Аллоҳ таоло барча бандаларига тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтиришни фарз қилган эканига далил...

«Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир...» Яъни, ҳеч бир кишини Исломга киришга мажбур қилманглар. Зеро, Ислом комил ва фитрат қабул қилувчи диндир, у ўз далил ва ҳужжатларида ўта очиқ-равшан бўлиб, бировни унга мажбурлаб киритилишига эҳтиёжи йўқдир. Аллоҳ кимни Исломга ҳидоят қилган ва қалбини ва онгини очган бўлса, у онгли равишда динга киради. Аллоҳ кимнинг қалбини кўр қилган, қулоқ ва кўзига муҳр уриб қўйган бўлса, уни мажбурлаб динга киритишнинг фойдаси йўқдир.

Ушбу оят билан жиҳоднинг вожиблигига далолат қилувчи оятлар ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Чунки, жиҳод Исломга қарши тўғаноқ бўлувчи ҳар бир кимсага қарши уруш қилиш учун машруъдир. Аммо, бировни Исломга киришга мажбурлаш учун жиҳод қилиш йўқдир. **«(Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди...»** Яъни, далил ва

хужжатлар воситасида ҳақ ботилдан, иймон куфрдан, ҳидоят залолатдан аллақачон ажралгандир. Модомики, ҳақ йўл залолатдан ажраган экан, ақли солим бўлган ҳар бир киши залолатни қўйиб, ҳақ йўлни ихтиёр этиши зарурдир.

Тоғутга кофир бўлиш сифати

«Бас, ким тоғутдан юз ўгирса...» Яъни, юқорида айтиб ўтилган тоғут ва бут-санамлардан воз кечиш ва улардан ҳамда уларга эргашган кимсалардан безорлик эълон қилиш билан тоғутга кофир бўлса, у тавҳиднинг иккита рукнидан биринчисини вужудга келтирган бўлади. Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тоғутга кофир бўлиш сифати – Аллоҳдан бошқасига ибодат қилиш ботил деб эътиқод қилиш, уни ёмон кўриб, тарк қилиш, унинг аҳлини кофир санаб, уларни душман билишдир»¹.

Тоғутга кофир бўлиш ибодатлар қабул бўлишининг шартидир. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Банда то Аллоҳдан бошқага ибодат қилишни, унга таваккул ва инобат қилишни, ундан кўркиш ва умидвор бўлишни тарк қилмагунича ва буни ёмон кўрмагунича Аллоҳга ибодат қилиши, Уни яхши кўриши, Унга таваккул ва инобат қилиши, Ундан кўркиши ва умидвор бўлиши кифоя қилмайди»².

Аллоҳга иймон келтириш маъноси

Энди ким **«Аллоҳга иймон келтирса...»**, ибодатни фақат Унга қилса, барча амалларини Унга ихлос билан қилса, тавҳиднинг икки рукнидан иккинчисини вужудга келтирган бўлади. Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳга иймон келтириш маъноси – фақат ягона Аллоҳгина барҳақ маъбуддир. Ундан ўзгаси эмас деб эътиқод қилиш, ибодатнинг барча турларини фақат Аллоҳга холис қилиш ва Ундан ўзга ҳар қандай маъбудга сиғинишни тарк қилиш, ихлос аҳлини яхши кўриш ва дўст тутиш, ширк аҳлини ёмон кўриш ва душман тутишдир»³.

Ким тавҳиднинг иккала рукнини – яъни тоғутга кофир бўлиш ва Аллоҳга иймон келтиришни вужудга келтирган бўлса, **«у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди»**. Ҳалқа қўл билан тутиладиган даста бўлиб, мустаҳкам ҳалқадан мурод тавҳиддир. Уни тутган киши тўғри йўлга кирган бўлади. Бу йўл устида бўлган, яъни тавҳидни маҳкам ушлаган ва тоғутга кофир бўлган одам албатта жаннатга етади.

«Бу «ла илаҳа иллаллоҳ» маъноси дир...» Чунки, «ла илаҳа» маъноси тоғутга кофир бўлиш, «иллаллоҳ» эса Аллоҳга иймон

¹ Мажмуъатут-тавҳид: 260-с.

² Шифаул-алийл: 246-с.

³ Мажмуъатут-тавҳид: 260-с.

келтириш, Унинг амри ва шариатига бўйсунидир. Аллоҳга иймонни зикр қилишдан олдин тоғутга кофир бўлишни аввал келтирди. Чунки, собит бўлувчи нарса вужудга келишидан олдин монеъларни кетказиш ўша нарсанинг камолидан дарак беради.

Ҳадисда келганки: «Ишнинг боши Ислом, устуни намоз, ўркакчининг чўққиси Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир».

«Ҳадисда келганки...» Имом Термизий Муоз розияллоху анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда айтилади:

- «Ё Расулуллоҳ, менга шундай бир амални айтинг-ки, у мени жаннатга киргизиб, дўзахдан узоқлаштирсин», дедим Набий соллаллоху алайҳи ва салламга.

- **«Сен улкан нарса ҳақида сўрадинг,- дедилар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам - Бироқ у Аллоҳ таоло осон қилган кишига осондир: Аллоҳга ибодат қил ва Унга ҳеч нарсани шерик этма. Намозни тўқис адо эт, закот бер, Рамазон рўзасини тут ва байт (Каъба)га ҳаж қил!»**

Сўнг дедилар: **«Сенга яхшилик эшикларини кўрсатайинми?! Рўза (дўзахдан сақловчи) қалқондир. Садақа бамисоли сув ўтқи учирганидек гуноҳ-маъсиятлар (асари)ни ўчиради. Кишининг тунда ўқиган намози ҳам (яхшилик эшикларидандир).**

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қуйидаги оятни тиловат қилдилар:

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказиб, оз ухлайдилар) Улар Парвардигорларига кўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қилурлар. Бас уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни Охират неъматларини) бирон жон билмас».¹

Сўнг дедилар: **«Сенга ишнинг боши, устуни ва ўркакчининг энг чўққиси ҳақида хабар берайми?!»**

- «Ҳа, ё Расулуллоҳ!»- дедим мен.

- **«Ишнинг боши Ислом, устуни намоз ва ўркакчининг чўққиси жиҳоддир!»**

Сўнг (яна) дедилар: **«Сенга мана шуларнинг ҳаммасининг асосий қисми- ўзаги ҳақида хабар берайми?!»**

- «Ҳа, ё Расулуллоҳ!»- деб жавоб бердим.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тилларини ушлаб дедилар: **«Манавини тийгин!»**

- Эй Аллоҳнинг Набийси, нима, биз гапирган гапларимизга ҳам жавоб берамизми?! – дедим.

¹ «Сажда» 16- 17- оятлар.

- «Сени йўқлаб онанг йиғласин, ахир одамларни юзлари билан - ёки бурунлари билан - дўзахга итқитадиган нарса тилларининг ҳосилалари эмасми?!- дедилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам» (Термизий ривояти)¹.

«Ишнинг боши Ислом...» Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган диннинг боши Ислом – яъни «ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ» деб шаҳодат беришдир, ким ушбу шаҳодатни ўзига лозим тутса, Ислом динига кирган бўлади.

Муаллиф ушбу ҳадисни ҳар бир нарсанинг боши бўлиши ва Муҳамамад соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган ишнинг боши Ислом эканига, ким Аллоҳ ва Расулига ижобат қилганини даъво қилса-ю, ҳақни қабул қилмаса ва динга кирмаса, у кимса ёлғончи бўлишига далил қилиб келтирдилар.

«Устуни намоз...» Яъни, диннинг устуни намоздир. Бунда намознинг шаъни нақадар улугъ эканига ва у динда жуда улкан ўринга эга ибодат эканига далил бордир. Яъни, намознинг диндаги ўрни чодирнинг устуни ўрнидадир, агар чодирнинг устуни қулса, чодир ҳам қулайди. Худди шунга ўхшаш, намоз тарк қилинса, уни тарк қилган кимсанинг дини ҳам қолмайди. Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Худди чодирни тутиб турувчи устунига ўхшаш динни тутиб турувчи устуни намоздир»². Чунки, намозни тарк қилишнинг ўзи кишини диндан чиқарадиган куфрдир.

Ушбу ҳадис намозни ялқовлик билан тарк қилган кишининг кофир бўлишига далиллардан биридир. Намозни тарк қилган кишининг кофир бўлишига яна бир далил Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзларидир: «Албатта киши билан куфр ва ширкнинг ўртасида намозни тарк қилиш туради» (Имом Муслим ривояти)³. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтганлар: «Намозни тарк қилган кишининг Исломда улуши йўқдир» (Молик ва Доракутний ривоятлари)⁴. Намоз Аллоҳга энг суюмли амаллардан ва қиёмат куни банда энг биринчи бўлиб ҳисоб берадиган амалдир. Аллоҳ таоло уни Меърож кечасида бевосита Ўзи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга фарз қилди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу вилоятлардаги ҳокимларига шундай мактуб йўллардилар: «Менинг наздимда сизлар учун энг муҳим иш намоздир. Ким уни муҳофаза қилса, динини муҳофаза қилибди. Ким уни зое қилса, ундан бошқасини албатта зое қилади» (Молик ривояти)⁵. Намоз фахш ва мункардан қайтаради, хушўни ва Аллоҳдан қўрқувни пайдо қилади.

«Ўрқачининг чўққиси Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир...» Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу унинг фарзлардан кейинги энг афзал амал

¹ №2616, Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис деган.

² Жомийул-улуми вал-ҳикам: 1/274.

³ Саҳиҳ Муслим: №82, Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

⁴ Муваattoъ Молик: 1/39-40, Суануд-Дорукутний: 2/52.

⁵ Муваattoъ Молик: №6.

эканига далил бўлади»¹. Чунки, диннинг ҳимояси у биландир. Одамларни Аллоҳнинг динига даъват қилиш ва уларга ҳақни лозим қилиш у билан кечади. У динни ҳимоя қилиш ва ҳаққа даъват қилишни ўз ичига олгани жиҳатидан дин ўркачининг чўққисидир.

Жиҳод диндаги энг олий ва энг юксак хислатдир. Ибн Дақиқ ал-Ийд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Жиҳодга ҳеч бир амал бас келолмайди»².

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига келиб: «Мени жиҳодга тенглашадиган бирон амалга йўллаб қўйсангиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тополмаяпман», дедилар, сўнг: «Мужоҳид (жиҳодга) чиқиб кетгач, масжидингга кириб, тўхтовсиз намозда туриш ва узлуксиз рўза тутишга қодир бўласанми?», дедилар. У: «Ким ҳам бунга қодир бўларди?!», деди (Имом Бухорий ривояти)³.

Чунки, жиҳодда киши учун энг қимматли бўлган жонини сарфлаш бордир. Киши диннинг ғолиб бўлиши ва қувватланиши учун ўз жонини ва молини бахш этади. Шу билан у динда мана шундай юксак ўрин тутишга лойиқ бўлди. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (Ўша «тижорат» мана будир) — Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирурсизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қилурсизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир»** (Саф: 10-11).

Жиҳоднинг фазилатлари ва Аллоҳ таоло мужоҳидларга ҳозирлаб қўйган улкан ажрлар ҳақида бир қанча далиллар келган. Жумладан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли – ким Унинг йўлида жиҳод қилаётганини Аллоҳ яхши билувчироқ – рўздор, намозда қоим киши мисолидадир. Аллоҳ Ўз йўлида жиҳод қилувчи кишига агар вафот эттирса, жаннатга киритишга ёки ажр ё ўлжа билан саломат қайтаришга кафил бўлгандир» (Муттафақун алайҳ)⁴. Яна айтганлар: «Кундузими, кечкурунми, рибот-посбонликка чиқиш бутун дунё ва ундаги бор нарсалардан яхшироқдир» (Муттафақун алайҳ)⁵.

Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Жиҳод зоҳирда ўз эгасига албатта шукр (ташаккур) олиб келувчи амалдир, яхши ният унга ҳамроҳ бўлганида эса зоҳирда ва ботинда шукр олиб келади. Сабаби, у Суннатга ва динга ёрдам беради»⁶.

Аллоҳ таоло мужоҳидлар учун жаннатларда энг олий даражаларни ҳозирлаб қўйгандир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Жаннатда Аллоҳ Ўз йўлидаги мужоҳидларга тайёрлаб

¹ Жомиул-улуми вал-ҳикам: 2/146.

² Ибн Дақиқ ал-Ийд: Шарҳул-арбаъийн: 169-с.

³ Саҳиҳул Бухорий: №2633.

⁴ Саҳиҳул Бухорий: №2635, Саҳиҳ Муслим: №1878.

⁵ Саҳиҳул Бухорий: №6199, Абу Айюб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган, Саҳиҳ Муслим: №1883, Умму Ҳориса розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

⁶ Ал-фатава: 4/9.

қўйган юзта даража бор. Ҳар икки даража оралиғи ер билан осмон оралиғичадир» (Имом Бухорий ривояти)¹.

Жиход дин рукнларидан бир рукндир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Исломнинг камоли амри маъруф ва наҳий мункар биландир. Бунинг тўла-тўқис бўлиши эса Аллоҳ йўлидаги жиход билан бўлади»².

Жиход агар банда унда Аллоҳ билан содиқ бўлса, унинг иймониға ҳужжатдир. Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтади: «Иймонда содиқлик фақат Аллоҳ йўлидаги жиход билан ҳосил бўлади»³.

Аллоҳ билувчироқдир. Аллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммадга ва у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.

Кейин мусанниф ўзларининг бу улуғ рисолаларини илмнинг ҳаммасини қамраб олган Зотга илмни қайтариш билан якунладилар ва **«Аллоҳ билувчироқдир»**, дедилар.

Сўнгра У Зотнинг халқлари ичидаги энг яхши зотга саловоту саломлар айтиб: **«Аллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммадга ва у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин»**, дедилар. Аллоҳнинг саловоти Ўз даргоҳидаги улуғ фаришталар ҳузурида бандасини мақтов билан тилга олишидир. Салом йўллашидан мурод эса уларни ҳар хил кўнгилсизликлардан, офат ва балолардан саломат қилишидир.

Аллоҳ таолодан барчамизни Ўзининг муваҳҳид бандаларидан қилишини ва маҳшарда пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ зотлар билан бирга қилишини сўраймиз, улар нақадар улуғ рафиқдирлар!

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммадга ҳамда у зотнинг аҳли ва асҳобига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўлласин.

Араб тилидан Муҳаммад Исмоил таржимаси

26.04.2011.

¹ Саҳиҳул Бухорий: №2637, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

² Ал-фатава: 10/300.

³ Ал-фатава: 3/212.